

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ



БАҒДИЙЛИК—  
БЕЗАВОЛ ЯНГИЛИК



Обиднога иллий-итодий  
юмуклар ёр бўлсин.

*Handwritten signature*

9.03 2011.

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ

# **БАДИЙЛИК – БЕЗАВОЛ ЯНГИЛИК**

*Илмий-адабий мақолалар,  
талқинлар, этюдлар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007

Масъул муҳаррир  
**МАҲМУД САЪДИЙ**

Тақризчилар:

**ҲАМИДУЛЛА БОЛТАБОЕВ,**  
*филология фанлари доктори, профессор,*

**БАҲОДИР КАРИМОВ,**  
*филология фанлари доктори*

**Расулов, Абдугафур.**

Бадийлик — безавол янгилик: Илмий-адабий мақолалар, талқинлар, этюдлар. — Т.: «Шарқ», 2007. — 336 б.

Ҳай — ҳаракат, ўсиш-узғариш, эврилиш, мақсад сари интилиш демақдир. Мулки борлиқда нимаики мавжуд бўлса, у тирик, бирор вазифани бажарувчи ғаройибот. Ушбу китобдаги мақолаларда инсон ва борлиқ, санъат асарининг умрбоқийлиги сабаблари, адабий характернинг турли вазиятларда ўзлигини намоён этиши, бадий матннинг сир-синаотлари ва таркибу тарғиботи, замона-зайли — ижодкор шахси — бадий асараро мураккаб боғлиқликлар табиати ёритилади. Китоб муаллифи ким, нима ҳақида ёзмасин, қандай муаммони қўямасин, моҳиятни ёритишга интилади.

Ушбу асарда жамодоту наботот, ҳайвонотнинг инсониятга боғлиқлиги, адабий характернинг мулки борлиқ билан мураккаб муносабатларга киришуви, санъат асарининг бетақрор, узига хос дунё эканлиги, ундаги суз, тимсоллараро ҳайратомуз алоқалар, ниҳоят, аввали охир инсон Яратганнинг инон-ихтиёри — тақдиридаги битиги асосида ҳаракат қилиши сингарилар кўрсатилган.

Абдугафур Расуловнинг «Бадийлик — безавол янгилик» китобида филологу журналистларни, санъаткорларни, бадий асар муҳлисларини, умуман, зиёлиларни ўзига жалб этадиган жиҳатлар кўп.

**ББК 83.3(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-00-123-7**





ИЛМИЙ-АДАБИЙ  
МАҚОЛАЛАР



## АДАБИЙ ХАРАКТЕР

### 1

Бадиий асар борки, характер, образ (тимсол), персонаж бор. Кичкинагина ҳикояда характернинг тиниқ бир нуқтаси, бир неча мисрали шеърда характер кайфияти, муносабати мужассам. Қадимги юнон мутафаккири Аристотель «Поэтика» асарида характер «қандайдир мақсадга амал қилиши, ...ўзига хос, ...ҳаққоний, ...изчил бўлиши кераклигини айтган, айниқса, «воқеаларда характерлардаги каби мантиққа зид ҳеч нарса бўлмаслиги» лозимлигини таъкидлаган. Характернинг ўзлиги, ўзгариб бориши, воқеаларни танлаши ҳақида Аристотель шунчалик аниқ, сиқик ёзадики, ўқувчида: «Характернинг аниқ, изчил формуласи бўлса керак», — деган фикр пайдо бўлади. Аристотелдан кейин минглаб адабиётшунослар характер, образ ҳақида тадқиқотлар олиб бордилар. Қайси олим масалани туғри қўйган, унга жиддий ёндашган бўлса, характер формуласи борлигини билди, уни ишонарли ёритиб беришга интилди.

### 2

Характер — бадиий адабиётнинг умумбашарий муаммоси. «Характер» каломини аксарият мамлакат файласуф, нафосатшунос, адабиётшунослари қандай бўлса, шундай қабул қилганлар. Уни ўз миллий адабиётлари, санъатлари мисолида ёритиб беришга интилганлар.

Ўзбек адабиётшунослигида характер муаммоси қадим замонлардаёқ бўлган. У суврат, сажия, тимсол, кейинроқ образ, персонаж сингари сўзлар билан ифодаланган. «Характер» истилоҳи ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг 50-йилларидан кенг қўлланила бошланди. В. Белинский, Н. Добролюбов, Н. Чернишевский, Д. Писарев, Г. Плеханов, М. Храпченко, Г. Поспелов, А. Метченко, А. Овчаренко, Л. Новиченко, В. Шербина, В. Жирмунский, Л. Тимофеев, Я. Эльсберг сингари

адабиётшунослар асарларини кунт билан ўрганган Матёкуб Қўшжонов (1918–2005) адабий характер ҳақида салмоқли тадқиқотлар яратди. Сўнгги 50 йил давомида ўзбек адабиётшунослари характер, образ ҳақида қандай тадқиқот яратган бўлсалар, асосан, академик Қўшжонов илмий-тадқиқотларига суяндилар.

Бадиий асардаги характер «тизгинини маҳкам тутиб олган» тадқиқотчи сюжет, композиция, тил сингари муаммолар моҳиятини тез англайди. Характер масаласини тушуниб етиш биографик, онтологик, функционал ёндашувни, талқин, таҳлил йўллари ва усулларини осонлаштиради. Матёкуб Қўшжонов характер ва образро боғлиқликни, ҳар иккисининг асардаги вазифасини нозик ҳис қиларди. Академик М. Қўшжонов ижоди давомида «Уткан кунлар» романига алоҳида эътибор берди. У асарни 70-, 80-, 90-йиллари қайта-қайта тадқиқ-талқин қилди. Бошқача айтганда, олим ўлмас асарнинг замонлардан замонларга ўтиб бориши қонуниятларини ўзлаштирди, уни амалда кўрсатди.

М. Қўшжонов социалистик реализм методи таъсири кучли бўлган, собиқ коммунистик фирқа мафкураси адабиётни бус-бутун эгаллаб олган йилларда ижод қилди. Тўғри, олим собиқ шўро мафкураси тўрига тамоман илинмади, илмдаги ҳалол, изчил йўлини давом эттирди. Лекин у соцреализм методи, шўро адабий сиёсати тазйиқини ҳис қилмаслиги мумкин эмас эди. Олимнинг шаклланиб борувчи характер ҳақидаги қарашларида шўро адабиётшунослиги таъсири сезилади. У шаклланиб борувчи йўлчи характерининг ҳар бир одимини таҳлил этади. Отабек, Анвар, Раъно ҳақида ёзар экан, шаклланиб борувчи характерни суяб, авайлаб бориши сезилмайди. Тўғри, бадиий адабиётда шаклланиб борувчи характерлар кўп. Масалан, бразилиялик адиб Пауло Коэльонинг «Алхимик» романидаги Сантьяго шаклланивчи характер. Ёзувчи бош қаҳрамон характерининг шаклланишини курсатиш орқали китобхонни Шарқ дунёси, Саҳрои кабир, у ерлардаги қабилалар урф-одатлари, сир-синаотларига шерик қилади. Бошқача айтганда, характернинг шаклланиши саргузашт, детектив воқеа-ҳолатларга уланиб кетади. М. Қўшжонов

Йўлчи сингари Саиданинг («Синчалак») ҳам шаклланишини кўрсатади. Лекин Саида ҳақида ёзар экан, олимнинг ўзи ҳам маза қилаётганлиги сезилиб туради. Олим Саида характерининг шаклланишини кўрсатар экан, ёзувчи руҳида кечган туйғуларни қайта жонлантиради, ўз қалбида қайта такрорлайди. М. Қўшжоновнинг «Синчалак»ка бағишланган тадқиқоти — кечинманинг ўқувчи руҳида қайта жонлантирилиши жараёнининг кўринишидир. Бу тадқиқот олим ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мағёқуб Қўшжонов бадиий асарни ёдлаб олиш даражасида ўзлаштиргач, у ҳақда ёзишга киришарди. Бошқача айтганда, олим бадиий асардаги барча характер, образ, увоқ тимсолларнинг таркиб, тартибини беҳато белгилаб оларди. Унингча, бадиий асардаги адабий аҳоли — образ, увоқ тимсоллар характерларни ёритишга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир образ ўз шакл-шамойили, асардаги ғоявий вазифасидан ташқари, характернинг бирон томонини очишга, ёритишга хизмат қилади. М. Қўшжонов таъкидлашича, бадиий асарда ҳамиша бадиий образлар характерга нисбатан кўп бўлади. Лекин бадиий образ кўп бўлгани билан характерга тобедир: уни очиб беришга йўналтирилган бўлади.

Мағёқуб Қўшжонов адабий характер ижтимоий муносабатлар мажмуи ва бетакрор ўзликдан иборат бўлишини яхши билди. Лекин у асосий фикрини характерда тажассум топган ижтимоий муносабатдан келтириб чиқарар эди, чунки марксча фалсафа асосчилари характерни таърифлаганда ана шу масалага урғу берган эдилар.

### 3

Фалсафа, эстетика, адабиётшунослик инсонни библишни, характерни ёритишни доим асосий муаммо деб билган. Инсон фитрати ҳақида Шарқ-мусулмон фалсафаси, нафосатшунослигида кўп ёзилган. Одам ўз ризқ-насибаси, тақдири, фитрати билан дунёга келиши ҳам диний, ҳам дунёвий асарларда ўз исботини топган. Тасаввуф назарияси инсоннинг ўсиш-ўзгаришини, ка-

молга етишишини асосли исботлаб берган. Шарқ мумтоз адабиётида фитрат, ниҳод, тинат (тийнат) каби сўзлар кўп учрайдики, улар инсоннинг ўзлиги, бетакрорлиги маъносида қўлланилади.

Инсон усади, ўзгаради, шаклланади, руҳан-маънан бойиб боради. Лекин инсон тамоман ўзгариб, иккинчи «мен» касб этмайди, ўзлигини йўқотмайди, яъни ижтимоий муносабатлар мажмуи инсон моҳияти, фитрати меҳварида рўй беради. Аниқроқ айтсак, фитрат мавжудки, инсон ўзгаради, мослашади, тусланади, турланади. Демак, бетакрор, муқим узак ижтимоий муносабатларни сингдириб боради. Адабий характер деганда узак (фитрат, тийнат) ва ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Тақдири азал, пешонадаги ёзувни ҳеч ким, ҳеч нарса ўзгартира олмайди, деган гап мусулмон одамга маълум. Фақат кўпчилик дуоסי пешонадаги битикка таъсир этиши мумкин, дейилади Ҳадиси шарифларда. Жамият, ижтимоий муҳит инсонни ўзгартириб, янгилантириб боради. Ижтимоий ҳаётга аралашмаган, турмуш қийинчиликларини енгилмаган дангаса, ялқовлар майтулхай (тирик ўлик) дейилади. Бадий адабиётда ақлини ишлатмаган, ижтимоий ҳаракатлардан ўзини четга тортган ялқовлар образи кўп яратилган.

Истеъдодли санъаткор инсон моҳияти билан унинг қилмишлари орасидаги мутаносибликка эътибор беради. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» дostonини яратар экан, «Хамса» яратган машҳур салафлари дostonидаги Баҳром характеридаги муҳим бир номутаносибликка эътиборни қаратади. Биринчидан, Баҳромда «мояи дард» йўқ; иккинчидан, Баҳромнинг қилмишларида «номутаносиблик» бор. Баҳром афсона эшитмоқчи экан, «етти иқлим шоҳидин етти қиз» олиши шартмиди?

*Булса ҳам ақл, манъ қилмасму?*

*Қисса айтур киши топилмасму?*

Баҳром ҳақида, унинг моясиз «севгиси» ҳақида дoston ёзганлар пашша бажарадиган ишни филга юклаганлар, чарх томига нардбон ясаганлар, меҳр шамъига

шамъдон буюрганлар.<sup>1</sup> Алишер Навоий Фарҳод, Қайс, Лайли, Баҳром, Искандар сингари характерларни яратдики, уларнинг ҳар бири неча-неча жилдлик талқинларни тақозо қилади. Искандар, масалан, бутун жаҳонни забт этди, мил-мил бойликларни қулга киритди. Лекин бу дунёдан у дунёга қули очик ҳолда, қоқ-куруқ кетди.

Алишер Навоий инсон тақдири билан унинг қилмишлариаро зиддиятларни ёритар экан, фожиаларнинг пайдо бўлиш сабабларини очиб беради. Фақат Навоий эмас, балки Шекспир, Сервантес, Бобур, Гёте, Пушкин, Нодира, Қодирий, Шолохов сингари санъаткорлар боқий характерларни яратдилар. Характер мояси ва ижтимоий муносабатларнинг мингларча кўринишлари фожиаларга, комедия ва драмаларга сабаб бўлган. XX асрда бир неча жилддан иборат «Адабий қаҳрамонлар тарихи» қомуси яратилдики, унда юзлаб характерларнинг «биографияси» ишонарли кўрсатиб берилди. Ҳар бир мукамал характер — бадий асар жавҳари. Етук характерлар туфайли асар мангу яшаш васиқасини олади. Характер моҳиятини ўзлик, бетакрорлик, тақдирнинг ўчмас, ёнмас, чопилмас, кесилмас «ёзуви» белгилайди. Ақл, ирода, интилиш тақдирни намоён этиши, аниқ кўринишга имкон яратиши мумкин. Характер ўзга ва ҳар хил инсоний, ижтимоий муносабатлараро алоқа битишув, кураш, ихтилоф, фожа, жиддий шовшув, ғайритабиий яқун билан тугаши мумкин. Қирол Лир (Шекспир) юртини, мол-мулкни жондан азиз қизларига бўлиб берар экан, қилмишидан қониқиш ҳиссини туяди, бўйнидаги қарздан қутулганидан хузурланади. Лекин сал ўтмай, у фожиалар гирдобига ғарқ бўла бошлайди. Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойим Отабекни тошкентлик гузалга уйлантириш билан фожиаларга юз бурганликларини билмай қоладилар. Мирёкуб («Кеча ва кундуз») не-не мушкулларни осон қилмади, не-не гузаллар билан маишат қурмади, не-не балоларга ги-

<sup>1</sup> *Алишер Навоий*. Йигирма жилдлик асарлар туплами. 10-жилд. Хамса. Саъби сайёр. Т.: Фан, 1992, 54—58-бетлар.

рифтор бўлмади, лекин ҳақиқий бахтни Марияни озод этишида ҳис қилди, кўнгли таскин топди.

Ижтимоий-сиёсий бўҳронлар, инқилобий муносабатлар инсоннинг ўзлигини инкор этиши, одам эркини оёқости қилиши, шахсни «синдириши» мумкин. 1917 йилдаги Октябрь тўнтариши нафақат юртни, катта империяни, балки миллион-миллион тақдирлар, ўзига хос шахсларни сомон парчаларидек сочиб юборди. Шахс инқироzi — мураккаб тақдирлар тасвири унлаб-юзлаб асарларда кўрсатилди. XX аср ўзбек адабиётида характер мояси билан ижтимоий муносабатларни бири-бирдан ажратиб тасвирлаш, талқин, таҳлил этиш кучайди. Янги ўзбек адабиёти илк қадамидаёқ инсонни ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатидагина кўрсата бошладики, оқибатда характер яратишда сунъийлик, сохталик вужудга келди.

## 4

Янги ўзбек адабиёти характер яратиш услуби, усули, маҳорати нуқтаи назаридан даврлаштирилмаган. XIX аср охири — XX аср бошларида пайдо бўлган фан, техника, янгича тушунчалар колониал Туркистонга ҳам кириб кела бошлади. Маориф, маданият, санъат, адабиёт жабҳасида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланди. Бу ҳол Юсуфбек ҳожи, Отабек, Раъно, Анвар, Калвак маҳзум, Солиҳ маҳдум, Абулфайзхон, Фаранги, Бухороли мударрис, Холисхон, Майсара, Мирёкуб, дўхтир Муҳаммадиёр сингари характерларда ўз аксини топди. Абдулла Қодирий, Ҳамза, Фитрат, Чулпон, гарчи асосий асарларини шўро даврида яратганлари билан, руҳан-маънан, эътиқодан янги тузум ёзувчиси эмас эдилар. Уларнинг фикр-ёди, мақсади халқни қолоқликдан олиб чиқиш, ҳурфикрлилик манзили томон йўналтириш эди. Улар мукамал, мураккаб характерлар яратиш маҳоратини чуқур ўзлаштирмаган бўлсалар-да, адабий характер руҳ-руҳига кира олдилар: қаҳрамоннинг моҳиятини белгиловчи асосларни топиб-топиб тасвирладилар. Ёзувчилар бирон жойда «фалон қаҳрамон ижобий, фалони салбий», демайдилар. Улар

қахрамон характери жавҳарида туриб воқеа-ҳодисаларни, муносабатларни тасвирлайдилар. Қаранг, Зебининг мингбоши Акбарали қўйнига кириши, севмаган одамга ўзини қурбон қилиши қанчалик нозик, ишонарли тасвирланган. Қахрамони қалбини тиниқ «кўриб турган» санъаткор уни ҳар хил ҳолатларда тасвирлай олади. Лекин Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Фитратлар роман, драмани юксак жанр, деб биладилар: улар қахрамонларидаги барча «табиий истаклар»ни эмин-эркин тасвирлайверишдан ўзларини тиядилар. А. Қодирий «Тошпўлат тажанг нима дейди?» асарида қахрамонидаги тўпорилик, қўполлик, сўқағонлик каби хусусиятларни ўта табиий тасвирлайди. Қизиғи шундаки, китобхон Тошпўлат тажангни ёмон кўриб қолмайди, аксинча, бу «бир қоп ёнғоқ» одамнинг фожиаларини дил-дилидан ҳис қилади.

30–50-йиллари собиқ шўро тузуми, коммунистик мафкура сиқув, жиловни қаттиқ тутиш сиёсатини изчил давом эттирди. Қув-қув, от-от сингари қирғин-қатағонлар ёзувчиларни чўчитиб қўйди. Адабиётда янги инсонлар образи яратила бошланди. Павел Власов, Павел Корчагин, Семён Давидов, Фофир, Зайнаб ва Омон сингари қахрамонлар намуна сифатида тарғибтаъриф қилина борди. «Она» (М. Горький), «Пўлат қандай тобланди» (Н. Островский), «Чапаев» (Дм. Фурманов), «Дохунда» (С. Айний), «Душман» (Ҳ.Шамс) сингари асарларни катта-ю кичик ўқиши, билиши шарт эди. Ўзбек адабиётида Кўкан, Холхўжа, Гулсара, Рустам, Онахон, жангчи Турсун, Гуласал, генерал Раҳимов, Ўктам, Комила, Қудрат Суюнов, Бектемир, Манзура, Уста Ғиёс, Ойқиз сингари янги замоннинг янги қахрамонлари образлари яратилди. Бу қахрамонларнинг суврати, хатти-ҳаракати, ҳар хил муносабатлари бору сийрати, характер моҳияти йўқ эди. Аниқроқ айтганда, бу қахрамонлар коммунистик мафкура таъсирида яшар, ҳаракат қилар, танқидий мақолаларда улуғланарди. Социалистик реализм, коммунистик мафкура шўро кишиларининг шахсий ҳаёти, дард-ҳасратларини, одамларга хос ўй-кечинмалари тасвирланишини маъқулламасди. Айниқса, 30–40-йил-



ларда гуманизм бирёқлама талқин этилар, ижтимоий идеал учун курашгина улуғланарди. Иккинчидан, шўро эстетикаси гўзалликни меҳнатда, яратувчиликдагина деб уқтирарди.

Инсон табиати гўзалликнинг турли-туман кўринишларини тақозо қилади. Мана шу икки хусусият шўро адабиёти қаҳрамонларидаги ҳаётийлик, табиийликни йўққа чиқарарди. «Гўзаллик ишлайиш, манглайни терлатиш, гўзалдир унган иш» тушунчаси тинимсиз таъкидланарди. Қолаверса, характер яратишда қанчадан-қанча ёзилмаган қоидalar бор эди. 30-йиллар адабиётида рус кишиси образини асарга киритиш удум бўла бошлади. Ф.Фулом «Нетай» қиссасида, Ҳ.Шамс «Душман», «Ҳуқуқ» романларида, А.Қаҳҳор «Сароб»да, Ойбек «Қутлуғ қон»да, П.Турсун «Ўқитувчи»да рус кишиси образини яратди. Бу «анъана» шўро тузуми тугатилгунча изчил давом эттирилди. Онгли ёзувчи коммунист характерини яратишни шараф деб билди. Муҳими шундаки, коммунистни салбий қилиб тасвирлаш мумкин эмас эди. Мана шундай битилмаган қоидalar адабий қаҳрамонни табиийлик, ҳаётийликдан маҳрум эта бошлади. Муҳими, коммунист образи шўро сиёсатининг жонли, қиёфали кўриниши эди. Коммунист, рус кишиси, колхозчи, ишчи, зиёлининг оддийлиги, халқ вакили эканлиги доим таъкидланди. Ўша пайтлари онгимизга «оддий ишчи», «оддий хизматчи» сингари тушунчалар сингган. Мана шундай оддий, жунгина, содда қарашлар кишилар юрагидаги қулликни мустаҳкамлай борди.

Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари ниҳоятда ҳаётий, ҳаққонийдир:

*Исканжадан етим зурриёд,  
Қатағондан бева қолган тул,  
Қуҳна замин қаъридан фарёд —  
Юрагингда макон тутган қул.  
Бургут эрдинг, парвози баланд,  
Сенга ҳам ёр зулфиқор, дулдул.  
Нечун увол мусича монанд  
Юрагингда макон тутган қул?*

Адабиётшунос Наим Каримов «Урушдан кейинги давр совет адабиёти» (1982) тадқиқотида юзларча наср, назм, драматургия намуналарини, улардаги қаҳрамонларни талқин қилар экан, аксарият қаҳрамонлар характеридан қониқмаганлигини айтади. Элмурод («Ўқитувчи»), Бектемир («Қуёш қораймас»), Аҳмаджон («Олтин Юлдуз»), Қудрат («Сунмас ҳаёт»), Дадавой («Навбахор»), Пулат Баҳром («Шарқ тонги»), Валихўжа Шерхўжаев («Ҳаёт мактаби») сингари қарамонларда социалистик ҳаётда шаклланган хусусиятлар акс этган бўлса-да, уларда нимадир, муҳим бир асос йўқлиги айтиб ўтилади. Бошқача айтганда, Н. Каримов бадиий асар қаҳрамонларида япроқлар бору, мустаҳкам илдиз йўқлигини чуқур ҳис қилади.

Беш қўл баробар эмас, деган гап бор. Шўро даврида Андрей Платонов, Василий Гроссман, Михаил Булгаков, М. Шолохов, В. Дудинцев, Б. Пастернак, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мухтор Аvezов, К. Федин, М. Шайхзода, Миртемир сингари санъаткорлар ижод қилдилар. Ҳақиқий санъаткор ҳар қандай шароитда ҳаётий характерларни яратиш йўлларини топади. Масалан, Ғафур Ғулом «Соғиниш», «Кузатиш», «Сен етим эмассан», «Боғ», «Куз келди» сингари асарларида ҳақиқий қуёшпарвар, донишманд ота, моҳир боғбон характерини ярата олди. Унинг «Шум бола» асари қиличнинг дамида юриб яратилган санъат мўъжизасидир. Ойбекнинг Навоий, Йулчи, Мирзакаримбойи, М. Шайхзоданинг Жалололдин Мангубердиси, Миртемирининг нурдай покиза лирик қаҳрамонлари, Доктор Живаго (Б. Пастернак), Лопаткин («Ноннинг ўзи ризқ-рўз эмас», В. Дудинцев) сингари характерлар XX аср адабиётининг чин қиёфасини белгилайди. А. Твардовский, М. Светлов, К. Симонов, Зулфия, М. Турсунзода, Б. Ваҳобзода сингари ижодкорларнинг ҳаётбахш дoston, шеърлари адабиёт учун Исо масиҳ нафаси вазифасини ўтади. Лекин иккинчи жаҳон урушидан кейин шўро адабиётида чуқур инқироз бошланди. Бу инқироз қаҳрамон характерини ёритишга бевосита алоқадордир. «Конфликтсизлик назарияси» соцреализм методига асосланган шўро адабиётининг муҳим «ин-

фаркт»ларидан булиб, бу «назария» характерни юзаки, сохта тасвирлашнинг натижаси эди. Мафкура, сиёсат бутун руҳига сингиб кетган шўро қаҳрамони кишиларни қизиқтирмай қўйди. Мактаб ўқувчилари бадий асарни ўқимасдан, ундаги ижобий (камбагал), салбий (бой) образни наридан-бери билиб олиб, бинойидек иншолар ёзадиган; ижобий қаҳрамонни осмони фалакка кўтариб, салбий қаҳрамонни етти қават ер тагига текиб юборадиган фикрларни жўшиб гапирадиган булиб қолдилар. Ваҳоланки, ҳақиқий, ҳаётий характер ҳамиша бетакрор, беқиёс мўъжизадир.

XX асрнинг 50-йиллари ўргаларидан шўро адабиётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Биринчидан, жаҳон адабиётидаги ҳаётбахш янгиликлар сезгир санъаткорлар ижодида сезила бошлади. Иккинчидан, Б. Пастернак, В. Дудинцев, А. Твардовский сингари адиблар ҳаётни чуқур таҳлил қилган, бетакрор характерлар тўқнашувига асосланган асарлар яратдилар. «Опа-сингиллар» (А. Мухтор), «Уч илдиз» (П. Қодиров), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Синчалак» (А. Қаҳҳор) каби асарлардаги янги руҳ, янги қаҳрамон, кескин конфликтлар диққатни жалб этди. Адабиётда сатира, юморга эътибор кучайди.

Гуманизм муаммоси, алоҳида одам руҳиятидаги мураккаб ҳолатлар ечими масаласи ҳаммани қизиқтирди. Шўро одамининг қалби дард-аламга, узлуксиз тазйиқ, йўқотиш, хўрланишлардан зардобга тўлиб кетган экан. Михаил Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикояси шўро адабиётидаги унутилмас ҳодисага айланди. Андрей Соколов характери шўро кишилари қалбидаги қат-қат аламларни юзага чиқарди. Кўпмиллатли шўро адабиётида Андрей Соколовнинг ғамдош, дардкаш оға-инилари, опа-сингиллари кўзиқориндай бодраб чиқа бошлади. Чингиз Айтматовнинг «Жамила», «Момо ер», «Алвидо, Гулсари», Васил Биковнинг «Мармартахта», «Душанбагача яшамоқ шарт», Нодар Думбадзенинг «Кўёшни кўраяпман», Валентин Распутиннинг «Яшагину унутма!», Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса», Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», «Давр менинг тақдиримда», Пиримқул Қодировнинг «Қадрим»,

Ўлмас Умарбековнинг «Севгим, севгилим», «Уруш фарзанди» сингари асарларида маънавий азоблардан юракбағри аламга тўлиб кетган инсонлар образлари яратилди. Муҳими шундаки, адабиётга тирик, ўзлигига эга характерлар кириб келди. Энди ҳеч ким конфликтсизлик «назарияси»ни тилга олмай қўйди. Лекин шўро тузумининг қаҳратон қиши ўтган бўлса-да, кечаги кунларнинг аёзи ҳамон кишиларни безовта қиларди. Бошқача айтганда, коммунистик мафкура, социалистик реализмнинг темир қонунлари миллий адабиётларда ҳамон ҳукмрон эди. «Туғилиш» (А. Мухтор), «Қора кўзлар» (П. Қодиров), «Уфқ» (С. Аҳмад), «Жаннат қидирганлар» (Шухрат), «Диёнат» (О. Ёқубов), «Асрга татиғулик кун» (Ч. Айтматов) сингари асарларда янги руҳ, ҳаётий характерлар яратилди. Айни шу асарларда райком, давлат хавфсизлиги, милиция органларининг зулми, инсон ҳақ-ҳуқуқларини назар-писанд қилмаслиги ишонарли кўрсатилди. Шўронинг куч-қуввати қирқилган бўлса-да, комиссар («Тушда кечган умрлар») тоифасидаги содиқ айгоқчилар, бўрк ўрнига бошни қирқиб келишга тайёр зулмкорлар ҳали мўл-кўл эди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Гулчехра Нур, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азимов сингари қаламкашлар поэзияга миллий руҳ, тўқис характер, янги кайфият олиб кирдилар. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Ўзбегим», «Инсон», «Биринчи муҳаббатим», «Муножот»ни тинглаб...», «Ватан ҳақида Бернд Иеншга мактубим», «Пабло Неруда ўлимига», «Ўзбексен, болажон...», «Нурли нуқталар», «Аёл», «Мен шу тупроқ куйчисиман», «Шоир яшай билмас...» сингари шеърларда дунёни таниган, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган, миллий ғурури юксак интеллектуал инсон характерлари яратилган.

Ҳар бир шеър — кайфият, муносабат, бетакроп ўзлик, дунёни янгича кўриш. Шеърятдаги характер ҳақида гапириш — умумлашма топиш, заррадаги катта ҳақиқатни кўриш, сўзнинг ранги, иси, тароватини ҳис этишдир. Кичкинагина шеърда бир неча образларни фарқлаш, улар бажарадиган ғоявий вазифани аниқ белгилаш мумкин. 40 сўздан иборат «Тилла балиқча» шеъ-

рида тилла балиқча, ифлос ҳовуз, балиқчани ҳовузга ташлаганлар ва лирик қаҳрамон образи бор. Барча образлар тилла балиқчанинг дунё ҳақидаги тасаввурини ёритишга қаратилган. Китобхон тилла балиқча ҳақидаги тасаввурни бошқа нарса, кимсаларга кўчириш, ифлос ҳовузни истаганича тасаввур этиши мумкин.

Утган асрнинг 80-йилларида ошкоралик, демократия аниқ кўринди. Аксинча, социалистик реализм методининг, рамзий айтганда, қонли қиличи синди, қалқони тешилди. Чет элларга қувилган А. Солженицин, И. Бродский, В. Аксёнов асарлари шўро китобхони қўлига тегди. Авваллари ёмон отлиқ қилинган «Арбат болалари» (А. Рибакон), «Олмосли тожим» (В. Катаев) сингари асарлар чоп этилди. Ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари пайдо бўлди. Мурод Муҳаммад Дўст, Хайридин Султонов, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод, Шароф Бошбеков, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нетьмат Аминов, Назар Эшонқул кабилар сара асарлари билан тилга тушдилар. Уларнинг роман, қисса, драмалари ўзбек адабиётини янги босқичга кутарди. «Лолазор», «Отойининг туғилган йили», «Темир хотин», «От кишнаган оқшом», «Оромкурси», «Паноҳ», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Саодат соҳили» каби асарлар янгича услуб, бетакрор характерлар, асардаги ровий ҳақида гапиришга ундади. Танқидчилар модерн ўзбек асарларини талқин қилиш учун Ғарб модерн адабиёти ҳақидаги асарларни ўқиш, ўрганишга киришдилар. Рауф Парпи, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул сингарилар изчил равишда модерн йўналишни давом эттирдилар. Ҳозир ўзбек адабиётида бу йўналишни А. Қутбиддин, Ш. Ҳамроев, Б. Рўзимухаммад, Н. Арслон, А. Дилмурод, Т. Рўстамов, Э. Шукур кабилар давом эттирмоқдалар.

Аслини олганда, миллий адабиёт ҳамиша ўсиб, ўзгариб боради. Фақат миллий адабиёт эмас, балки ҳар бир ижодкор ўсишга, янгиликни янгича тасвирлашга интилади. Баъзи ёзувчилар муайян маррада ўсишдан, янгилик излашдан тўхтайдилар — янги асар ёзмай қўядилар. Бу, аслида, ёзувчининг катта армони, фожиаси. Аслида талабчан ёзувчи эски қолипда

асарлар ёзиб ташлайверишни ўзига эп кўрмайди. Ба-дий ижод ёзувчи учун синов, янгилик излаш ис-теъдодининг кўриниши. Адабиётга ёшлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келадилару изланиш, янгиликлар кашф этиш йулидан бориб маррага битта, иккитагина ёзув-чи етиб келади.

Чингиз Айтматов, ёдингизда бўлса, ҳаммага ман-зур ҳикоя, қиссалари билан адабиётга кириб келган эди. У ҳамиша мураккаб ижоднинг изланишлар йули-дан борди. Оқибатда, Ч. Айтматов ўқувчилари сарала-ниб бораверди. Ҳозир Айтматовнинг «Қиёмат», айниқ-са, «Кассандра тамғаси» романини «мактаб кўрган», ўқиш мураккаблигини ўзлаштирган зурафогина англаб ета олади. Шу маънода, изланувчи ёзувчи китобхони камайиб бораётганидан афсусланмайди. Демак, ёзувчи ҳамиша янгиланиб, ўсиб, ўзгариб боради.

Ўзбек ёзувчиси Учқун Назаров адабиётга Ў. Умар-беков, Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов, А. Орипов, Гул-чехралар билан бир пайтда, 60-йиллари кириб келган эди. У бир қанча ҳикоя, қиссалар яратди-ю, кино санъати соҳасига ўтиб кетди: бир қанча фильмларга режиссёр бўлди, «Ойна» драмасини ёзди. Муҳими шун-даки, у қалбан, руҳан адабиётдан узоқлашмаган экан. Аксинча, илғор жаҳон адабиётида рўй бераётган ўзга-ришларни қалбидан ўтказиб, ҳис этиб бораётган экан. У XXI аср бошларида «Чаён йили» трилогиясини ярат-ди. Бу асар тилга тушди, немис тилига таржима қилин-ди. Учқун Назаровгача кўплар трилогия ёзган. «Чаён йили» романида инсон эрки, севгиси, ҳаёти ўзига хос тарзда акс эттирилади. Бошқача айтганда, ёзувчи ўз қаҳрамонларини миллий удум, диний қарашлар гир-добидан «тортиб олади». На Муқаддас, на Ойниса, на Қаюмжон, на Зоҳид ва на Назокат «Одамлар нима деркан?» деган андишага бормайдилар. Ёзувчи қаҳра-монлари қилмишларини холис тасвирлайди. Катта-ю кичик образ — қаҳрамоннинг ўз қарashi, тақдир йули бор. Миллий-диний ақидалар асосида тарбияланган ки-тобхон Муқаддас, Ўлмас, Зоҳид, Назокат, Масъуд қилмишларини, оила қуришга муносабатларини сира оқламайди. «Чаён йили»нинг ўзига хослиги, концеп-

туал бетакрорлиги аслида мана шунда. Учқун Назаров ижодининг бошланишида «Одамлар» ҳикоясида: «Инсон ўз ҳаётининг эгаси. Бу ҳаётни ўзи истаганича яшаб ўтиши лозим» — деган тушунчани изчил таъкидлайди. Демак, Учқун Назаров 60-йиллардаёқ модерн ёзувчи эди.

Саломат Вафонинг «Тилсим салтанати» романи миллоддан анча илгари яшаган аждодларимиз — амазон қизлар ҳақида. Роман яхши қарши олинди, ўқилди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Китобхон мард, жасур қизлар матонатига қойил қолади, қиличбозлик, чавандозлик, жангарилик санъатларига тан беради. Амазонлар одам зоти чидаши мушқул бўлган муҳитда яшайдилар: ақл бовар қилмайдиган қийноқлар, чақимчилик, турлича тазйиқлар, эрки тамоман йўқотиб юборишга мўлжалланган фитналар... Амазонлик аёллар чапанилиги, ўлим майдонида жавлон уриши. Амазонлик — аёллик бахти, севиш-севичиш неъматини фидойиликка, ихтиёрий жанговарликка алмаштириш... Саломат Вафо ўз романида янги йўл, усул, оқим танлайди. Романда бурч, вазифа билан аёллик табиати, эҳтиёжи аро кураш узлуксиз давом этади. Оддий амазонлар қонун-қонидани бузганликлари учун одамхўр итлар қафасига ташланадилар, арилар қамалган қопга банди қилинадилар. Лекин амазонлар маликаси Фалестрия тулкидек ҳийлакор, бўридек йиртқич, илондек совуқ, захарли: у пинҳона ишрат куради, шаҳвоний нафсини қондиради, хузур-ҳаловатни унутмайди. Унинг ёвузликларини, қилмишларини Самиранда Йилдирим яхши билади. Романда малика Фалестрия ва Самиранда ўртасида ҳаёт-мамот жанги давом этади.

Учқун Назаров ҳам, Саломат Вафо ҳам бутунлай бошқа-бошқа муҳитни тасвирлайдилар. «Чаён йили»даги воқеалар яқиндагина, 60—70 йил муқаддам рўй берган. «Тилсим салтанати» қаҳрамонлари аждодларимиз аждодларининг аждодлари — миллоддан анча илгари яшаганлар.

Лекин ҳар икки романда инсон қандай яшаши керак, деган савол туради. Иккинчи хил айтганда, инсон жамият ичида яшаб, ўзлигини йўқотиб юбориши

керакми ёхуд характер моясидаги асосга суяниб ўзича, истаганича яшаб ўтиши лозимми?

Мустақиллик даври ўзбек адабиётининг қатор фазилатларини санашимиз, тарихий ва замонавий қаҳрамонлар характерини мисол қилиб келтиришимиз, ёзувчиларимиз ҳам мумтоз адабиётимиз манбаларидан унумли фойдаланиб, ҳозирги илгор жаҳон адабиётида пайдо бўлаётган янгиликлардан эмин-эркин баҳраманд бўлаётганларини айтишимиз мумкин. Лекин бизнингча, ҳозирги ўзбек адабиётида реализм адабиётидаги илгор принциплардан фойдаланилаётганлиги ҳамда модерн-абсурд, сюрреализм, авангардизм оқимлари, экзистенциализм методига мурожаат этилаётганини таъкидлаш жоиз.

## 5

Фалсафа ҳамиша ғоялар, маслаклар, эътиқодлар кураши майдони бўлган. XIX асрнинг ўрталаридан марксча фалсафа ўз дунёқарашини ёя борди. В. Белинский, Н. Чернишевский, Н. Добролюбов, Д. Писарев, Г. Плеханов санъат, адабиётнинг ижтимоий вазифасини ҳамиша тасдиқлаб бордилар. К. Маркснинг инсон моҳияти, асосан, ижтимоий муносабатлар мажмуидан ўзга нарса эмас, деган назарияси социалистик санъат ва адабиёт бош йўналишини, адабий характернинг мазмун-моҳиятини белгилаб берди. Ғарб дунёсида марксизмдан ташқари фалсафий йўналиш, мактаблар кўп эди. Структурализм, постструктурализм, модернизм, абсурдизм, авангардизм, сюрреализм, неоструктурализм, экзистенциализм сингари оқим, методларни ҳаракатга келтираётган мутаффақир-файласуфлар оз эмасди. Структурализм ва унинг кейинги кўринишлари бадиий асар шакли орқали моҳиятни акс эттирган бўлса, модернизм, абсурдизм, айниқса, экзистенциализм инсоннинг яшашдан мақсади, вазифаси масаласини асос қилиб олди. Мазкур қараш адабий характер масаласига бевосита тааллуқлидир. Уларнинг қарашлари асосида инсон «ўз ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари йиғиндисидан бошқа нарса эмас», деган узил-кесил тушунча



этади. Бундай қараш Ортега-и Гассет, Мартин Хайдеггер, Жан-Поль-Сартр, Франц Кафка, Альбер Камю, Эдмунд Гуссерль, Ролан Барт сингари мутафаккир, адиблар асарларида ўз аксини топган. Қаранг, марксистлар инсонни, асосан, ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, деди, экзистенциализм методи инсонни «ўз ҳаёти, қилмиш-қидирмиши жамулжами», деб уқтирди. Марксизм инсонни бурч кишиси, жамиятни ҳар томонлама ривожлантирувчи восита, деб талқин этди. Фарб буржуа фалсафаси инсон «эго»сини асос деб билди: одам хоҳлаган ҳаёт тарзини танлайди; унга ҳаёт деган неъмат берилганми, уни қандай истаса, шундай яшаб ўтади. Аксарият дамларда Фарб кишиси учун ҳаёт маънисизлик, тубанлик бўлиб туюлган. Шуниси ҳам борки, ўзи билан ўзи бўлиш — фикрни жамлаш, қизиққан соҳага ўзини бағишлаш, кашфиёт яратиш имконига эга бўлиш. Модерн адабиётида, абсурд тушунчасида рационал мағиз йўқ эмас. Биринчидан, модерн адабиёти узлуксиз изланиш, инсон имкониятларини кашф этиб бориш. Иккинчидан, модернизм тасвирланадиган воқеа, характерларни чуқур англаб етишни: у ҳақда тўлиқ, мукамал қарашга эга бўлишни тақозо этади.

Ҳозир ўзбек адабиётшунослигида модернизм тарафдорлари билан реализм (сюрреализм) тарафдорларидан кураш авж олган. Б. Рўзимуҳаммад ибораси билан айтганда, «янги янгилик» билан «эски янгилик» орасида баҳс кетмоқда. Масаланинг илдизига қаралса, «янги янгилик» билан «эски янгилик» орасида осмон билан ерча фарқ йўқ. Ҳар икки йўналиш ҳам бадий мукамаллик, характерларнинг бўлиши учун курашмоқда. Лекин менингча, «янги янгилик» тарафдорларининг кечаги адабиётимиз намуналарини абсурд гази билан ўлчаётганлиги, мумтоз адабиётимиз моҳиятини ҳисобга олмай, модернизмга бус-бутун маҳлиё бўлиб кетаётганлиги тўғри бўлмапти. Аслида, мумтоз адабиётимизда шахс камоли, адабий характер ривожи ўта модернистик (мен бу тушунчани юксак бадийлик маъносида олаяпман — А.Р.) тарзда тасвирланган.

Ўзбек адабиётшунослигида модернизм моҳиятини тўғри англаб етишга ёрдам берадиган мақолалар пайдо бўлаяпти. Профессор Қ. Йўлдошевнинг «Англашнинг азобли йўли» («Гулистон», 2005, 1-сон) мақоласида масала моҳиятини ёритишга интилиш сезилади. Лекин унда баҳсли томонлар ҳам йўқ эмас: «Гуманистлар дуч келган қиёфасиз одам эмас, балки юксак ахлоқий фазилатларга интилган, руҳини юксалтиришга уринган комил инсон севишга лойиқ эканини айтганлар... Гуманизм учраган одамга кўр-кўрона муҳаббат изҳор қилиш эмас».

Муаллиф ҳақиқий асарни ҳамма ўқиши, тушуниши шарт эмас, деган гапни ҳам айтади. Ҳар бир одам — шоҳми, гадоми, олдийми, олимми — севиш, севилишга, эъзоланишга лойиқ. Шарқ-мусулмон фалсафасида Яратган ҳар бир одам билан алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилади, деб бекорга айтилмаган. Буржуа фалсафасида инсонни «хос»га, «оддий»га ажратиш тушунчаси кучли эди. Қ. Йўлдошевнинг Хисрав, Шеруя, Сухайл, Кўкалдош, Ҳомид, Содиқ сингари персонажлар ҳақидаги қарашлари ҳам бир томонлама, баҳслидир.

Абсурд ва реализм тарафдорлари миллий адабиётимизда кўплаб модерн асарлар яратилганлигини яхши биладилар. Лекин улар негадир 5-10 тагина асарни модерн намунаси, дея қаттиқ тутиб олганлар. Ваҳоланки, «Чаён йили», «Тилсим салтанати», «Авлодлар дово-ни», «Жаннатга йўл», Улуғбек Ҳамдамов, Абдуқайюм Йўлдошев, Зулфия Қуролбой қизи, Дилфуза Қўзиёева, Эшқобил Шукур, Шароф Бошбеков асарлари аслида модерн намуналаридир. Биз мавжуд етук асарларимизни, улардаги характерларни асосли талқин, таҳлил қилсак, модерн, абсурд моҳиятини тулиқроқ англаб етамиз.

## 6

Инсон — муъжиза. Уни урганишган, тадқиқ этишмоқда, мудом талқин этишади. Фаннинг қандай соҳаси бўлмасин, алал-оқибат, инсон муаммосига келиб

тақалаверади. XX асрда инсон жавҳарининг жавҳари ДНК кашф қилинибгина қолмай, нуклеотид ишқор табиатида уч миллион кимёвий бирлик мавжудлиги ахбороти олинди («Аждодларнинг оғир қисмати». «ЎзАС», 2003, 20 июнь). ДНК ирсият қонуниятларини, аждодлардан аждодларга ўтиб келаётган ўлмас туйғулар яшовчанлигини кўрсатади. Ниҳоят, ДНК таркибини ўрганиш нусха кўчиришдек гуноҳи азимнинг пайдо бўлиши имконини яратди. Фантастик-саргузашт-детектив асарлар бир одамнинг бир неча нусхасидан фойдаланиш имконини берди. Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романидаги табиб ДНК тузилишини яхши билиши билан нақадар синчков, билафон одамлигини кўрсатади.

Шарқ тиббиёти арбаи ахлот (тўрт хилт) назарияси асосида инсон табиати туғрисида нозик кузатишларни олиб борган. Зиёли одам борки, тўрт хилт, айниқса, савдо ва унинг фожиали натижалари ҳақида кўп нарсани билган. Анвар («Меҳробдан чаён») Раъно билан шеър битишда мусобақалашар экан:

*Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,  
Мени ҳам этмаса, мажнун дебон Раънонинг савдоси, —*

деган байтни айтади. Байтдаги савдо ва мажнун ўзаро боғлиқ. Чунки «сувайдо» (кўплиги «савдо») — куюк нуқта, мажнунлик белгисидир. Сувайдо (савдо) — бошга тушадиган қора ишлар. Лайлининг савдоси Қайсни Мажнун айлаган. Мумтоз адабиётда севишганлар тақдири сувайдо (савдо) боис мажнунлик билан якунланган. Шарқ мумтоз адабиётида қалбдаги куюк нуқта (сувайдо) шайтон жойлашадиган жой сифатида талқин қилинган. Демокчимизки, характер яратмоқ — инсонни чуқур, нозик англамоқдир. Адабий характерни шунчаки персонаж, суврат деб англасак хато қиламиз.

Одам — оламнинг маркази. Одамни билмоқ — оламни англамоқ. Жуда кўп асарларда олам инсон табиати, фитратини ёритиб берувчи асосий восита ҳисобланади. Одам оламни англаб етсин дея махсус ёзув яратилган. Унинг номи имо-ишоралардир. Одам ўз-ўзидан имо-ишоралар «ёзуви»ни ўзлаштириб бораверади. Имо-ишо-

ралар ёзувининг ҳарф, белгилари қандай? Одамни қуршаб турган оламдаги барча жонли-жонсиз нарсалар, ҳодисалар, осмон жисмлари имо-ишора ёзувининг ҳарфларидир. Одам юлдузга қараб йул топган, наботот, жамодот сирларини уқиб маълумот олган.

Бадий адабиётда характерни нафақат одамлар образи, персонаж ёритган. Азал-азалдан инсон табиат — ҳайвонот, наботот, жамодот билан бир жон, бир тан бўлиб яшаган. Алишер Навоийнинг Мажнунни ёввойи ҳайвонлар қуршовида эмин-эркин яшаган, севги кўшигини қуйлаган. Искандар тоғу тошларни, саҳро-ю даштларни, денгизу уммонларни беармон кезган. У юра-юра, кўра-кўра, била-била узининг бош фалсафасини топган: инсон ҳар қанча бой-бадавлат бўлмасин, у боқий дунёга қоқ-қуруқ қул билан кетади.

Ёзувчи қанчалик мутафаккир-донишманд бўлса, жонли ва жонсиз табиатро боғлиқликни шунчалик теран англайди. «Алпомиш» достонида асосий қаҳрамонлар, инсонлар қанчалик маҳорат билан тасвирланса, Қора Нор, Бойчибор, Оқ эчки, Ярадор лайлак, Фоз, Шапақ, Дунон, Туриқ, Саман отлар ҳам шунчалик чаптастлик билан яратилган. Жаҳон адабиётида Жек Лондон, Э. Сетон-Томпсон, Э. Хемингуэй, Чингиз Айтматов, Габриэл Маркес, М. Пришвин сингари санъаткорлар табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тасвирини асар руҳ-руҳига сингдириб юборганлар. Масалан, Чингиз Айтматов Қора Нор, Қазангапнинг ити, Сариузак саҳроси («Асрга татигулик кун»), Гулсари айғир («Алвидо, Гулсари»), Момо ер («Момо ер»), Акбара, Тошчайнар, сайғоқлар, мангу музлик тоғи, бепоен дашт («Қиёмат»), Она буғи, дарё, бола ўйингоҳи — қир («Оқ кема») сингари образларни яратар экан, Эдигей, Қазангап, Танабой, Тўлғоной, Бўстон, Авдий, Мўмин чол ва унинг набираси характерини аниқ, ишонарли кўрсатиб беради.

Ўзбек адабиётида жонли-жонсиз табиатни маҳорат билан тасвирлаганлар сафига Шукур Холмирзаев, Менгзиё Сафаров, Тоғай Мурод, Нормурод Норқобилонни киритиш мумкин. М. Сафаров табиат, она ер тасвирида фалсафий умумлашмалар чиқаради: инсон

ва табиат бир тан, бир жонлигини ишонч билан тас-  
 вирлайди. Нормурод Норқобилов айиқ, бўри, ит, яра-  
 дор йўлбарс, виқорли тоғ, харсанг образини адабий  
 характерлар билан узвий боғлиқликда курсатаётган та-  
 биат шайдоси — истеъдодли ёзувчи. Кейинги йиллари  
 Нормурод Норқобилов машҳур горлар, ер ости қўлла-  
 ри, тоғ-тошлар ҳақида қизиқарли видеофильмлар яра-  
 таяпти. Нормурод одам ва олам бир бутунлиги: ҳайво-  
 нот, наботот, жамодотаро узвий боғлиқлик мавжуд-  
 лигини йирик характерлар орқали қурсатиб берадиган  
 роман яратади, деган умиддаман. Н. Норқобилов пол-  
 вонлар ҳаёти ҳақида ёзишни хуш куради. Шу пайтгача  
 ёзувчи яратган ундан ортиқ қисса, қанчадан-қанча  
 ҳикоя китобхон диққатини тортди. Унинг асарлари ора-  
 сида, менингча, «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссаси пи-  
 шиқ-пухта характерлари билан диққатни жалб қилади.

7

Характер яратишда турли бадиий воситалардан фой-  
 даланилади. Хотира — инсоннинг антиқа бойлиги, таж-  
 рибаси, ўзигагина маълум руҳоний равақ даражаси.  
 Ёшига ёш, тажрибасига тажриба, билимига билим  
 қўшилгани сайин хотира бойиб, сайқаллашиб бораве-  
 ради. Ижодкор имкон туғилди дегунча реалликка айла-  
 ниши эҳтимоли бор виртуал дунёдан албатта фойдала-  
 нади. Виртуал дунё онгимизда яратилган хаёлий, мис-  
 тик, орзудаги реалликдир. Халқ дostonларида дулдул  
 (қанотли) отлар, улкан (қора) туялар, мужда келти-  
 рувчи ғозлар, яхшилик элчиси бўлган эчкилар, дев-  
 лар, аждарлар, симурғлар образи яратилган. Абдулла  
 Қодирий «Жинлар базми» ҳикоясида хаёл дунёси даҳ-  
 шатини ниҳоятда жонли, рангли тасвирлайди. Виртуал  
 дунё кўпинча туш воситасида ифодаланилади. Барчин,  
 Қалдирғоч («Алпомиш»), Кумуш («Уткан кунлар») туш  
 кўрадилар.

Моҳир санъаткор реал ва виртуал дунёни бир йўла  
 тасвирлай олади. Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» аса-  
 рида реал ва сохта қаҳрамон ҳаракати курсатилади. Абу  
 Шилқим Ибн Сино билан бир маконда, бир вақтнинг

Ўзида ҳаракат қилади. Г. Маркеснинг «Юз йил танҳоликда», «Бузрукнинг кузи» романларида реаллик ва виртуаллик бир йўла тасвирланади. Масалан, «Юз йил танҳоликда» асарининг қаҳрамонлари юз, икки юз йил яшайверадилар. Сақариас — Бузрук ҳам бир неча юз йилдан бери мамлакатни бошқаради. «Юз йил танҳоликда» романининг қаҳрамони қиличланади: унинг қони ниҳоят узоқ масофани ўтиб, асл маконигача оқиб келади.

Фантастик, мистик асарларда виртуал дунё аниқ тасвирланади. Илмий фантастикада виртуал борлиқнинг реал дунёга айланиши имкони кучлидир. Космосга парвоз, неча-неча йиллар илгарийёқ инсонларнинг ўзга сайёралар билан алоқаси ҳақида ёзилган. Ўзбек фантаст ёзувчиси Ҳожиакбар Шайхов деярли барча, хусусан, «Туташ оламлар» трилогиясида бошқа сайёрадан келган ошиқ йигит, унинг илоҳий тоши ҳақида ноёб ҳикояларни келтиради. Ёзувчи характерлар мантиқини сайёраларо алоқалардаги мураккабликлардан келтириб чиқаради. Ҳожиакбар Шайхов ижодкор-олим эди. У дунё кишиси бўлса-да, хаёллари ўзга оламларда кезар, тафаккури кутилмаган ҳодисалардан хабар берарди. Ҳожиакбар Шайхов «Туташ оламлар» трилогиясида илк бор мистика олами синоатларидан хабардор қилади. Уч опа-сингил — Назира, Наргиза, Нафисани уч авлод шайх боболар ўз паноҳларига оладилар. Романда сеҳргар, афсунгар, шайтонлар бир томон бўлиб опа-сингилларга қарши аёвсиз курашадилар. Трилогияда шайтон, алвастиларнинг таниш қиёфалар қалбига жойлашиб олиши, дўст бўлиб танилган кимсаларнинг ашаддий душман сифатида кураш олиб боришлари китобхонни ҳайратга солади.

«Туташ оламлар»да таниш кимсаларнинг мураккаб оламда ҳаракат қилишлари таъсирли тасвирланган. Ҳожиакбар Шайхов кўп ўқир, кўп нарсани биларди. Унинг «Кўз» қиссаси яратилганида ҳали кўпчилик Тибет табобати, тибетликлар мўъжизаларидан беҳабар эди. Сўнги бир-икки йил ичида Эрнст Мўлдашевнинг «Биз кимдан тарқаганмиз?» («Тафаккур», 2005, 2-сон), Абдулла Ориповнинг «Шамбала» шеъри босилди. Тибетда

учли харсанглар, уларда тасвирланган кўз диққатни тортди. Тибетликлар энг қадимги аждодларимизда учинчи кўз бўлиб, у орқали руҳият оламини кўрганликларини башорат қиладилар. Тибет муъжизаси, турли минтақалардаги ажойиботлар ҳақида ёзилаёптики, улар виртуал дунё тўғрисидаги қарашларимизни бойитади.

Виртуал реалликка бўлган эҳтиёж болалар адабиётида аниқ кўринади. Болалар ҳақида ёзилган эртақ, ҳикоя, романларни чақмоқ тош, сеҳрли чироқ, сирли таёқча, ғаройиб қалпоқча, учар супурги сингари воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳанс Андерсон, Марк Твен, Редяр Киплинг, Жанни Родари, Корней Чуковский, Лев Кассил, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев сингари адиблар асарларини болалар адабиётининг ҳамиша мавжуд образ-анжомларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Айниқса, Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжони сеҳрли қалпоқчасини кийиб ярим дунёни кезиб чиқди, минг-минглаб китобхонлар қалбидан жой олди. Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги Х. Тўхтабоев маҳоратини, болалар қалбини ром этиш санъатини ҳануз ёритиб бергани йўқ.

## 8

Бадиий адабиёт жонли одамлар характерини яратиши билан муҳим, зарурдир. Ҳар бир замон, миллат адабиёти инсонни қандай нуқтаи назардан тасвирлаши билан бир-биридан фарқ қилади. Энг қисқа шеърларда ҳам характернинг нозик бир нуқтаси акс этганидек, эпик асарларда инсон руҳияти, мақсадлари бутунлигича тасвирланади. Ҳар бир жанр, тур характерни тасвирлашдаги бичим, шаклдир. Ҳозирги илғор жаҳон адабиётида инсонни барча томонларини қамраган ҳолда, бус-бутун акс эттириш йўллари изланмоқда. Хуллас, бадиий адабиёт характер яратиш муаммосини ҳар қачондагидан жадал, изчил ҳал қилиб беришга интилмоқда. Баркамол характер яратиш йўлидаги ижодий, илмий изланишлар давом этмоқда.

Учими, таянч  
а фикр-муло-  
райли адабий  
уаммони қай-  
с микромир:  
крларни бил-  
тиқни қандай  
алик синчик-  
Борлиқ тузи-  
жойлашишида  
й асар матни-  
қ айтсак, ба-  
а. Бу система-  
ни, қойдаси  
и адабий матн-  
ши, қўпқатли-  
тоҳиятини юза-  
нуқталарини  
тади. Синчков  
лфозда таҳлил  
қача айтганда,  
урализм ва ак-  
шунчалар эмас.  
и, босқичлари  
X асрдаги ай-  
ини ёритишни;  
ни очишни; ни-  
ида қўлланиши  
родалашни мақ-

соҳа эмас. Узоқ  
орки, унинг на-  
матншунослиги  
Жомий, Алишер  
р фақат бадиий  
ли муаммолари  
ер Навоий «Ме-



зон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» сингари асарларида сўз, мисра, жанрлар тўғрисида қимматли фикрларни билдирган. Ҳозир ҳам ўзини ҳурмат қилган, бадиий ижодни муқаддас санаган санъаткор бадиий тил, структура, сўздан фойдаланиш маҳорати, сатр салмоғи, семиология сингарилар ҳақида тадқиқот олиб бормоқда. Аммо структура, структурализм истилоҳи юз йил муқаддам Францияда пайдо бўлди. Структура таркибий қисмлараро алоқа ва узаро мослашувлардир. Структурализм — тилшунослик, адабиётшуносликдаги йуналиш, методнинг муштарак истилоҳи. XX асрнинг 10-йилларидан эътиборан шакллана бошлаган структурализм методини французлар «янги танқид» дея бошладилар.

Француз структурализми ҳақида гап борар экан, аввало, Фердинанд де Соссюр (1857—1913) номи тилга олинади. У структурал лингвистика асосчиларидан бўлиб, фанга синхрон ва диахрон ўрганиш методларини олиб кирди. Лингвистикани система сифатида ўрганиш, тил ва семиотикааро узвий боғлиқлик масалалари Ф. де Соссюр номи билан боғлиқ. Р.О. Якобсон (1896—1982) структурани бадиий асар фабуласи ва композицияси билан узвий боғлиқликда ўрганиш йўсинини ишлаб чиқди. Унинг тадқиқотлари кўпроқ лингвистик структурализм билан боғланиб кетган. Тадқиқотчи Жан-Мари Озия структура ва инсон психологияси муаммоларини тадқиқ этган. Мана шу олим матн таҳлили муаммолари сиёсий, мафкуравий, ташвиқий қарашлардан йироқ бўлиши лозимлигини уқтирган. Гастон Башлар (1884—1962) структура, структурализм билан боғлиқ «Янги илмий тафаккур» концепциясини фалсафий жиҳатдан асослади. У ҳозирги илмий билиш диалектикасини янгича талқин этишга интилди. Структурализм мантиқий боғлиқлик, узаро алоқаларни яхлит ҳалқа сифатида ўрганadi. Бу методда маконий чекланиш мавжуд, аммо у тафаккур имкониятларини бусбутун ишга солишга қодир. Структурализмда муайян муаммодан четга чиқиб кетмаслик, масалани мумкин қадар теран, кенг миқёсда ёритиб бериш муҳимдир.

Структурализмнинг шаклланиши ва ривожини Рос-

сияда пайдо бўлган «Поэтик тилни урганиш жамияти» (ОПОЯэ) фаолияти намояндалари ижодий изланишларисиз тасаввур этиб бўлмайди. XX асрнинг 10-йиллари ташкил топган бу жамият лингвистик ва адабиётшунослик структураси муаммолари билан шуғулланиш Мазкур жамиятнинг Е.Д. Поливанов, Ю.Н. Тинянов, В.Б. Шкловский, Р.О. Якобсон, Б. В. Томашевский, Б. Эйхенбаум сингари аъзолари лингвистика, адабиётшунослик, хусусан, поэтика, адабиёт назарияси, маънашунослик, рус адабиёти тарихини илмий-назарий ёритишда бетакрор ўзликларини намоён этадилар. Хусусан, Виктор Борисович Шкловский (1893–1984), Борис Викторович Томашевский (1890–1957) қабилар ҳам назарийта сифатида танилдилар, ҳам Л. Толстой, Ф. Достоевский, А. Пушкин асарлари структурасини тадқиқ қилиш бўйича катта илмий ютуқларга эришдилар. Уларнинг ижоди 1910 йиллари бошланган бўлса-да, 50–70-йиллари унумли натижалар берди.

Структурализм XX асрда учта мураккаб босқични ўтди. 10-йилларнинг ўрталарида бошланган структурализм бошланғич поғона бўлди. Гарчи у «бошланғич» бўлса-да, структурализмнинг тамал тоши уша пайтда қўйилди, унинг асосий мақсад-вазифалари белгиланди. Муҳими, структурализм лингвистика ва адабиётшуносликдаги муштарак нуқталарга диққатини қаратди. Айни вақтда илк структурализм лингвистик ва адабиётшунослик муаммоларини аниқ, узил-кесил кўрсатиб берди.

Структурализмнинг иккинчи поғонаси XX асрнинг 60–70-йилларига туғри келди. Францияда бу йиллар Клод Леви-Стросс (1908), Жак Лакон (1901–1981), Ролан Барт (1915–1980), Мишел Фуко (1926–1984) сингари структуралистлар ижод қилдилар. Булар структурализм моҳиятини мукамал ёритдилар. Р. Бартнинг «Хузурбахш матн», М. Фуконинг «Суз ва буюмлар» тадқиқотлари, Леви-Стросснинг этнографик структурализмга доир ишлари машҳур бўлди. Айниқса, Бартнинг танқид, адабиётшунослик, тиллар ҳақидаги тадқиқотлари структурализм нуқтаи назаридан ўрганилган, баҳоланган.

60–70-йиллари унумли иш олиб борган рус структуралистлари — Д. М. Лихачев (1906–2000), М. Б. Храпченко (1904–1993), М. М. Бахтин (1895–1975), Ю. Лотман, Ю. Боров, Ю. Барабаш сингарилар «ОПОЯз»чилар анъаналарини давом эттирдилар, бадиий асар матнига доир хронотоп, ровий, функционал ёндашув сингари масалаларни ўртага қўйдилар.

60–70-йиллар структурализмида Юрий Лотманнинг хизматлари қатта. Бу олим услуги қанчалик мураккаб бўлса, у талқин қилган асарлар ҳам шунчалик жиддий. Услуг қанча мураккаб бўлса, мутахассис уни ўқиш, ўрганишга шунчалик жиддий киришади. Ю. Лотман бадиий асар матни муаммосини кенг миқёсда, барча санъат асарлари бирлигида, жаҳон адабиётининг мураккаб асарлари мисолида ёритади. Ю. Лотманнинг мантиқ йўсинига йўл топилса, унинг назарий қарашларини англаб етиш осонлашади. Олим ҳар қанча мураккаб услугни қўллагасин, бадиий матн муаммоси доирасидан четга чиқиб кетмайди. Бизнинг мумтоз адабиети-мизда шундай мураккаб, теран илдизли матнлар борки, уларни англаб етган мутахассис Ю. Лотман асарларини бемалол ўқиб олади.

70-йиллардан бошлаб ўзбек адабиётшунослигида поэтика масалалари ўрганила бошландики, уларни структурализм соҳасида олиб борилган изланишларнинг бошланиши, деб англамоқ жоиз.

Бадиий тафаккурда рўй берган ўзгаришлар адабиётда дарҳол намоён бўлади. 80-йиллардан бошлаб структурализмнинг янги кўриниши — постструктурализм пайдо бўлди. Постструктурализм, рамзий айтганда, структурализмни биқиқлик, академик ҳолатдан ҳаётнинг жўшқин оқимиға олиб чиқди. Янги метод намоёндалари жонли ҳаёт руҳи сингган, халқона тилда ёзилган матнларни талқин қила бошладилар. Айниқса, бундай ҳол шўро адабиётида рўй берди. Ошкоралик ва демократия шароитида муқаддам тақиқланган асарлар чоп этила бошланди. Уларда Гулаг маҳбуслари, сиёсий қарашлари учун узоқ вақт озодликдан маҳрум қилинганлар характери акс эттирилган эди. А. Солженицин, А. Рибакков, А. Бек, А. Платонов сингари адибларнинг

асарлари постструктурализм учун қимматли материал — матнларни берди. Ўзбек адабиётида Хайридин Султонов, Мурод Муҳаммад Дуст, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод, Рауф Парфи каби ижодкорлар асарлари матни ўзига хос, бетакрорлиги билан диққатни тортди. Поэзиядаги бахшиёна руҳ, халқона оҳанг, маромлар матн таҳлили учун ниҳоятда зарур, қимматли эди.

Мустақиллик даври адабиётида наср, назм, драматургия соҳасида жанрий изланишлар авж олди. Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Саломат Вафонинг роман, Тоҳир Малик, Ш. Холмирзаевларнинг қисса, Н. Эшонкул, Ш. Бўтаев, Н. Норқобил, Э. Шукур, Исажон Султонов, Зулфия Қуролбой қизи, Дилфуза Қўзиёваларнинг ҳикоя жанридаги изланишлари постструктурализм методи учун бой материал бўла олади. Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги структурализм методи муаммолари билан жиддий шугулланмаяпти. Тўғри, мустақиллик даврида А. Қаҳҳорнинг «Сароб»и, А. Қодирий романлари матн нуқтаи назаридан янгича талқин қилинди. Аммо бундай талқинлар ҳозир ниҳоятда кам. Айниқса, қайта талқин этилиши лозим бўлган асарлар бисёр. «Тафаккур» журнаlining 2004 йил 3-сонида Зўхриллин Исомилдиновнинг «Тарас Бульба: ошкор ва пинҳон қиёфа» номли тадқиқоти босилди. Муаллиф Гоголь асаридаги семиотик нуқталарни аниқ, ишонарли белгилайди. Матн таҳлилидан келиб чиққан ҳолда муаллиф Тарас Бульба зинҳор халқ қаҳрамони, ватанпарвар бўлмаганлигини исботлайди: «Албатта, Гоголь ҳам худди Пушкинга ўхшаб, ўз даврида Тарас Бульба сингари «дин ва миллат фидойилари»нинг ёвузлигини фақат ишорат тили билан баён қила олар эдики, бунинг сабаблари ҳаммага тушунарли». Шу муаллиф «Чини турганида афсона нечун?» мактуб-мақоласида Тўлапберган Қайипбергановнинг «Қорақалпоқман, таваккалчиман» (Нукус, 2003) асарини синчиклаб таҳлил қилади. Маълумки, сўнгги йиллари ҳар бир халқ ўзининг тарих шодасидаги урни, мавқеини бўрттириб кўрсатишга интиломда. Адиб Т. Қайипберганов ҳам қорақалпоқни улуғлашга ҳаддан ташқари берилиб кетади. З. Исомиддинов асар-

даги сохталикларни бирма-бир талқин қиларкан, ёзувчига мурожаат этади: «Хурматли Тўлапберган оға!.. Эл ва миллатнинг қадимийроғи аъло-ю, тарих саҳнасига турли сабабларга кўра кечроқ чиққанлари тубанроқ бўлмайди. Барчаси тенг. Шундай экан, тарихчи олимларнинг ҳозиргача амалга оширган меҳнатлари натижасини — аён ҳақиқатларни назар-писанд қилмай, афсона тўқишга, шу асосда тарих «ижод» қилишга ҳожат йўқ» («Тафаккур», 2006 йил, 5-сон).

Танқидчи бадий асар матнига чуқур киргани сайин таркиб, тартиб, таянч сўзларни аниқ кўради, ҳис этади. Постструктурализм сўзлар, ишоралараро модерн ҳолат, асар ичра асар яратила бошланганлигини кўра бошлайди. Шўро даври танқидчилигидаги талқин, таҳлилларни кузатар экансиз, хаёлингизга дафъатан: «Мен нима дейману, қўбизим нима дейди?» мақоли келади. Хуллас, постструктурализм асарларни синчиклаб ўрганади. Яна шунини таъкидлаш керакки, постструктурализм глобаллашув жараёнининг самараси сифатида жаҳоний аҳамиятга молик асарларни таҳлил, талқин қилади. Масалан, структуралист Клод Леви-Стросс «Структурализм ва экология» мақоласида муаммони умумжаҳон миқёсида олади. Леви-Стросс мутахассислиги нуқтаи назаридан этнолог бўлгани учун ҳам умумжаҳоний муаммо моҳиятига тез, асосли кириб борди. Бадий адабиётда глобал моҳиятли тадқиқотларни яратиш шарт. Уйлаб кўрилса, олам ҳам ҳудудсиз, одамлар ҳам бир-бирига ёт эмас экан. Айниқса, илмий-техника тараққиёти, глобаллашув жараёни одамларни яқинлаштирганидек, адабий алоқа, узаро таъсирни ҳам кучайтирди. Ўзбек ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммад италиялик адиб Дино Буццатининг «Етти қават» ҳикоясидан таъсирланиб, «Жимжитхонага йўл» асарини ёзди. Ҳикоя композицияси ғалати: Х. Дўстмуҳаммад «Етти қават» ҳикояси қаҳрамони Дино Корте ҳолати билан «Жимжитхонага йўл»нинг асосий иштирокчиси Зоҳид Яқин руҳиятини бақамти тасвирлайди. Ҳар икки ҳикояда кўзга яққол ташланмайдиган жиҳат шуки, Дино Корте аста-секин юқоридан пастга тушиб боради. Зоҳид Яқин бўлса биринчи қаватдан еттинчига кўтарилади. Қизиги шун-

даки, одамки, қаерданлигидан қатъи назар, тақдирга тан бериб, турли вазиятларга кўникиб бораркан. Италиялик ёзувчи ўз қаҳрамонини осмондан ерга туширар экан, унинг ўзига хослигидан — дини, миллати, удумлари, яшаш тарзидан келиб чиқади. Х. Дўстмуҳаммад Зоҳид Яқинни аста-секин арши аълога кўтара боради. Ҳар икки қаҳрамон ўлим томон илгарилаб бораверади. Ўзбек ва итальян беморнинг ҳолатлари структурали таҳлилда сезилади. Ўлимнинг миллати йўқ. У ўз бағрига ҳаммани олаверади. Жон таслим қилаётган Дино Корте «Нажот истаб майда сим тўр қопланган деразадан ташқаридаги дарахтзорга чираниб қарайди, аммо кўз олди чаплашиб кетади.

— Тунми?.. — деб суради у аранг пичирлаб. — Соат неч... » («Тафаккур», 2001 йил, 3-сон).

Шундай ҳолат Зоҳид Яқинда ҳам рўй берапти: «Зоҳид Яқин йўлак адоғидан оқиб кираётган сутдек нур оғушида ястаниб ётган кенг ва ям-яшил сайхонликни илғаб, шу қадар баҳри дили очилдики!..

— Жозиба!.. »

Хуршид Дўстмуҳаммад «Ал-Аъроф» драмасида америкалик машҳур адиб Эдгар По (1809—1849)нинг ҳаётидаги ҳолатларни тасвирлаш орқали инсоннинг қаерда, қандай яшашидан қатъи назар, фожиалар гирдобиди бўлишини кўрсатади. Демокчимизки, ўзбек ёзувчиси америкалик адиб ҳаёти мисолида инсоний фожа, ҳолатларни кўрсатиб берган. Драмадаги семантик марказ мана бу гапда жамланган: «Душман ташқарида эмас, ичимда, амма...» («Жаҳон адабиёти» журналі, 2004 йил, 11-сон). Аксарият инсонлар куядилар, ёнадилар, лекин По сингари ўз дардларини лўнда ифода эта олмайдилар.

Глобаллашув жараёни инсонни тулароқ англаш имконини яратди. Биламизки, ҳар бир миллий адабиёт таркибиди болалар адабиёти, унинг намояндалари бор. Ҳозирги пайтда болалар адабиётида ҳам ўзгаришлар рўй берапти. Сўнгги олти-етти йил ичида англиялик ёзувчи Жоан К. Роулингнинг номи машҳур бўлиб кетди. У яратган «Гарри Поттер ва унинг дўстлари» асари болалик салтанатининг машҳур асарига айланди. Гарри

Поттер саргузаштлари тасвирланган китоб жаҳон болалари томонидан ўқилмоқда, фильм ҳолида томоша қилинмоқда. Гарри Поттер нега бунчалик машҳур бўлиб кетди? Ёзувчи Жоан Роулинг болаларнинг эртақ, миф, саргузаштларини техника воситалари орқали тасвирлай олди. Гарри ва унинг дўстлари ялмоғизлар, афсунгарлар орасида буладилар, хавфли вазиятларга тушиб қоладилар ва муҳими, бундай вазият-ҳолатлар техника, электроника, компьютерлар билан узвий боғлиқ. Атрофимизга назар ташласак, болалар компьютер оламига шунғиб кетганликларини сезамиз. Бошқача айтганда, боладаги саргузаштгалаблик, қалтис вазиятларга интилиш фан-техника воситасида амалга оширилмоқда. Болалик салтанатидаги ҳолат, вазиятларни структурализм методи воситасида ишонарли таҳлил қилиш мумкин. Хуллас, постструктурализм кенг миқёсда фаолият олиб борадиган, масалани илдиз-илдизидан ёритиб берадиган умумдунёвий методга айланиб бормоқда. Эҳтимолки, тараққиёт постструктурализмнинг яна бошқа янги имкониятларини юзага чиқарар.

3

Адабиёт ва санъатда йўсин, йўналиш, оқимлар борки, уларнинг асосида фалсафий-эстетик қарашлар, ёрқин сиймоларнинг эстетик тушунчалари туради. XX асрда Г. В. Плеханов, М. Хайдеггер, Гастон Башлар, Жан-Поль Сартр, Н. А. Бердяев сингари мутафаккирлар яшаганки, улар фаолияти марксча фалсафа-эстетика, экзистенциал йўналиш, структурал система моҳияти билан узвий боғлиқ. Тўғри, З. Фрейд, К. Юнг, Э. Фромм, С. Франк сингари мутафаккирлар ҳам XX асрда ўз тадқиқотларини яратганлар. Уларнинг асарлари санъат, эстетиканинг теран муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ. Биз экзистенциализм, структурализм, социалистик реализм моҳиятига жиддийроқ назар ташлашнигина мақсад қилиб қўйдик. Экзистенциал фалсафа XX асрда Ғарбий Европада чуқур илдиз отди. Франц Кафка, Альбер Камю, Жан-Поль Сартр сингари санъат-

Жоан Роулингнинг "Гарри Поттер" романи ҳақида

корлар ижоди экзистенциализм билан узвий боғлиқ. Экзистенциализм методининг мақсад-моҳияти кўпроқ М. Хайдеггер асарларида ёритилган. Экзистенциал — тирикчилик демак. Инсон — тирик жон. Тирикчилик унинг маъно-мазмунини белгилайди. Инсон қилмиш-қидирмишлари унинг моҳиятини белгилайди. Инсонга нега ундай яшаманинг, нега бундай ғоянинг изидан борманинг, ҳаётингни қандай йўналишларда олиб бординг, деган саволларни қўйиш нотўғридир. Инсоннинг кимлиги, моҳияти яшаган йўли, қилмишларидир, холос. «Инсон ўзини қай даражада амалга оширса, шу даражадагина мавжуд бўлади. У ўзини, демак, ўз қилмишларининг йиғиндиси сифатида, ўз шахсий ҳаёти сифатида — фақат шундайгина намоён этади» («Жаҳон адабиёти» журналі, 1997 йил, 5-сон)— деб ёзади Ж.-П. Сартр. Унинг кўйидаги фикрлари инсон моҳияти тўғрисидаги қарашни тасдиқлайди: «...инсон ўзининг қатор қилмишларидан бошқа ҳеч нарса эмас, у мана шу қилмишларидан ташкил топадиган муносабатлар йиғиндисидан иборат, демоқчимиз, холос».

Экзистенциализм инсонни имкониятларига кура эмас, қилган ишига кура баҳолайди. Одам бу дунёда елади, югуради, болам-чақам дейди, тўй-томоша қилади. Хуллас, умр утаверади. Экзистенциал фалсафа инсондан «Нега бундай қилдинг?» ёки «Нега бундай қилмадинг?» демайди. Инсоннинг савоби ҳам, гуноҳи ҳам ўзига. Энг асосийси, инсон мафкуралар, юксак ғоялар, тинкани қуритадиган югур-югурлар қули бўлиб қолиши керак эмас. Инсон ҳаётининг қайсидир босқичида кўрқоқлик қилди, қачондир лоқайдлиги туфайли фожиага сабаб бўлди. У нима қилган бўлса, қандай яшаган бўлса, шунга яраша ажр (савобу гуноҳини) олади. Ўйлаб кўрилса, экзистенциал фалсафа ҳамма инсон ҳаётига мос келади. Шарқда яшаш, тирикчилик фалсафаси чуқур ишланган. Фақат у экзистенциализм дейилмайди. Тирикчилик, тирикчилик деймиз-у, ҳар бир одам яшашга ўз ақли, тушунчаси билан ёндашишини унутмаслигимиз керак. Баъзи одам табиатан ақлли, доно бўлади: ишнинг фойдаси, осонини кўзлаб ҳаракат қилади. Одам борки, ҳаётини елга соуради: ейиш, ичиш,



маишатдан нарига ўтмайди. Мутафаккир М. Ҳайдеггер биологик умр билан онтологияни (мангу барҳаётликни) фарқлайди. Унингча, тирикчиликнинг муҳим бир нуқтаси бор. У — улим. Одам улимдан кўрақади, уни йўқлик, мавҳумлик, деб билади. Аслида, ўлим яшаш йўлидаги бир босқич. Одам улимдан кейин ҳам яшайди. Лекин ҳамма гап шундаки, у қандай, қанча яшайди? Тириклик даврида инсон қандай яшаган бўлса, ўлганидан кейин инсон сифатидаги **МОҲИЯТИГА** кўра онтология босқичига киришади. Биз кўпроқ мангу асарлар ҳақида гап борганида онтология истилоҳини қўллар эдик. Экзистенциал фалсафа онтологияни инсон умри қимматини белгиловчи восита сифатида ишлатади. М. Ҳайдеггер фикрича, инсон яшайверади, тирикчилик йўлида елиб югураверади, аммо алал оқибат, инсон ҳаётининг маъно-моҳияти талқин, таҳлил орқали баҳоланади.

Мартин Ҳайдеггер, гарчи экзистенциал фалсафа намояндаларидан бўлса-да, тил ва инсон боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор беради. Ҳақиқий тил — сизу биз орамиздагина алоқа воситаси эмас. У (ҳақиқий тил) инсонга шарифлик ато қилинаётганда берилган илоҳий инъом. Инсоннинг инсонлиги тилидадир. Шариф инсон фақат сўзлаётганидагинамас, сукут сақлаётганида ҳам, сомеълик пайтида ҳам гўзалдир. Сокин одамнинг моҳияти сўзлаётган одам фикрларидан кўпроқ нарсани англатади. Тил ҳақида, айниқса, тилнинг герменевтик моҳияти хусусида фикр юритган одам структура, семиотика, семиология ҳақида тўхталинмаслиги мумкин эмас. Демокчимизки, М. Ҳайдеггер асарларида структура, структурализм ҳақида айтилган мулоҳазалар кўп. У «Тафаккур юритиш надур?» мақоласида сўзлар мағзини чақайди: «Файласуфлар — тафаккур юри-тувчилар. Бунинг боиси шуки, асосан, фалсафада тафаккур рўй беради. Ҳозир ҳеч ким фалсафага қизиқиш ортаётганини инкор этмайди. Лекин биронта зот топи-лармиканки, «ҚИЗИҚИШ» деган сўзнинг бугунги кун-да қай мазмунда қўлланаётганини кузатган бўлсин»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> М. Ҳайдеггер. Разговор на просёлочной дороге. М.: «Высшая школа», 1991, стр. 135—136.

М. Хайдеггер жумла, сатрадаги ҳар бир сўз мазмуни, шакли, туркуми, оҳанги, мароми билан қизиқади. Бу, табиийки, структурализм билан узвий боғлиқдир.

Экзистенциализм методи XX асрнинг ўрталарига келиб бирмунча сусайди, унга бўлган қизиқиш камайди.

XX аср бошларидан экзистенциализмга зид турадиган марксча реализм Россияда, кейинроқ собиқ Иттифоқда ниҳоятда ривожланди. Марксча фалсафа асосида пайдо бўлган социалистик реализм фақат шўро давлатида эмас, балки бир қанча хорижий адабиётларда ҳам қўлланила бошланди. Марксистик эстетиканинг шаклланиши, ривожи Россияда Г. Плеханов номи билан боғлиқ. Плеханов рус мутафаккир танқидчилари — Добролюбов, Чернишевский, Герцен, айниқса, Белинский асарларини алоҳида бир меҳр билан ўқиди. Унда Ғарб файласуфлари қарашларини россиялик маърифатпарварлар — «реал танқид» намояндалари ижоди билан боғлаш истаги туғилди. Белинскийнинг асарларини ўқир экан, Плеханов ғалати бир янгиликни кашф этди. В. Белинский Г. Гегель асарларини ўқиб: «Адабий танқиднинг вазифаси санъат асарларини тафаккур тилига ўгирмоқдир», — деб ёзиб қўйган экан. Г. Плеханов панлогизм номини олган Ҳегел фалсафаси ҳақидаги Белинский қарашини ўқиб хурсанд бўлиб кетди. Плеханов мана шу янгилик асосида ўзининг ПАНСОЦИОЛОГИЗМ номини олган қарашини узил-кесил ифодалади: «Адабий танқиднинг вазифаси санъат асаридagi социологик эквивалентни юзага чиқаришдир». Ҳегелнинг санъат ҳақидаги ақидаси панлогизм номи билан машҳур бўлган эди. Г. Плехановнинг социологик эквивалент назарияси пансоциологизм деб юритила бошланди. Инсон ҳаёти, характерини ижтимоийликсиз тасаввур этиб бўлмагандек, адабий танқидни ҳам ижтимоий ёндашув, талқинсиз англаб бўлмайди. Лекин ижтимоий ёндашув бошқа хусусиятларни ҳам эътибордан соқит қилинмаган тақдирдагина ўзини оқлайди. Ижтимоийлик адабий танқид, бадий характернинг бош, асосий белгиси сифатида қабул қилиниши тўғри эмас. Г. Плеханов В. Белинский, Н. Добролюбов,

Н. Чернишевский, А. Герцен ижодидаги «реал танқид»-нинг асосий хусусияти ижтимоий эквивалентлик эканлигидан қувонди. Ваҳоланки, В. Белинскийдан бошланган рус инқилобий демократлари бадий асардаги ижтимоий моҳиятни матнни босиб-янчиб, синдириб, мажруҳ қилиб ситиб чиқарганлар. Масалан, Добролюбов «Арафа» (И. С. Тургенев) романи таҳлилига бағишланган «Ҳақиқий кун қачон келади?», Островскийнинг «Момақалдиروق» драмасига бағишланган «Зулмат ичра нур» сингари мақолаларини ёзди. Шиддатли Виссарион ҳам бадий асарлар матнини таҳлил этишга эмас, асарни баҳолашда ҳис-ҳаяжонларини тукиб солишга, ижтимоий моҳиятни мумкин қадар юксак кўтаришга эътибор берди.

Структуралистлар, хусусан, В. Шкловский, Б. Томашевский В. Белинский ва унинг издошлари ижоди жонли матндан узилиб қолганлигини қаттиқ танқид қилдилар. «Белинский, Добролюбов, Зайцев, Михайловскийлар гўё гул кўргани келдилару, гулдан завқланиш ўрнига унинг устига ўтириб олдилар»,<sup>1</sup> — дейди В. Шкловский. Б. Томашевский фикрича, XIX аср 60-йилларидаги рус революцион-демократлари «бадий асарни ижтимоий яроқчилигига кўра баҳоладилар», «ўзларининг мафкуравий қаричларини чин ўлчов деб билдилар»<sup>2</sup>.

Борис Садовский «Чернишевский — танқидчи» («Весы» журналы, 1907 йил, 7-сон) мақоласида «Нима қилмоқ керак?» романи муаллифини «истеъдолли иқтисодчи», адабий танқид соҳасида «тиришқоқ ва заҳматкаш», «уртамиёналикнинг баайни ўзгинаси», дейди.

Шўро адабиётшунослиги ва танқидчилиги Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Герцен ва бошқалар асарларини кўкларга кўтарди. Мазкур мутафаккир-мунаққидлар асарлари шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигининг методологик асоси эканлиги узлуксиз таъкидланди. Уларнинг адабий-танқидий, бадий

<sup>1</sup> В. Шкловский. Сентиментальные путешествия. 1918—1923 гг. Л.: «Атинея», 1924, стр. 76, 131.

<sup>2</sup> Б. Томашевский. Теория литературы. Поэтика. М. — Я.: 1930, стр. 154.

асарлари бот-бот чоп этилди. Бунинг боиси шунда эдики, шўро адабиётшунослиги ва танқидчилиги инқилобийликни ҳамиша юксак қадрлади, ҳатто, вулгар социологизм ҳам 20-йиллари байроқ қилиб кутарилди.

Шўро адабиётшунослиги фанида микроанализ ва структурализм методининг сусайиб кетишига ҳам Белинскийлар асарларидаги ҳис-ҳаяжон, матндан ажралган ҳолда асарни гоёвий-ижтимоий «танқид» қилиш сабаб бўлди. Шўро адабиётшунослигида ёзувчиларни «ўрни-ўрнига қуйиб» муносабатда булиш, танқид қилиш авж олди. Афсуски, баъзи илмий-тадқиқот, диссертацияларда В. Белинский, Н. Чернишевский асарлари ҳануз методологик таянч сифатида кўрсатилаётганлиги ачинарлидир.

Рус танқидчиси Лев Аннинский «Нимани изlaysиз?» номли мақоласида ҳозирги танқидчиликда барҳам топаётган удумлар ҳақида тўхталиниб, Белинскийдан бошланган чалалик, чалкашлик, чиранчоғликларга эътиборни қаратади. Лев Аннинский В. Белинскийлар ҳақидаги қарашларни хулосалар экан, рус революцион-демократлари қўлидан олинган эстафета таёқчаси шўро адабиётшунослиги Прокрустлари томонидан роса фойдаланилганлигини айтади.<sup>1</sup> Бу ерда мунаққид шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги вулгар социологизм, юзакилик, гуруҳбозлик, ноҳолисликни назарда тутганлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Шундай қилиб, XX аср адабиётида гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, гоҳ кенг миқёсда, гоҳ тор кўламда ўсиб-ўзгариб борган структурализм экзистенциализм, соцреализм сингари методларни саралашда маҳак тош вазифасини ўтади. Чиндан ҳам, санъат функцияси инсонни қай даражада ҳаққоний, табиий тасвирланганлигига кўра баҳоланади. Инсон ҳамиша онадан эркин туғилади. Инсон эркига кишан солишлар, қуюшқонга киритишлар кейинчалик бошланади. Инсон ҳаёти, аслида, эрк билан ҳар хил кишану тузоқлараро курашдан иборат. Чулпон «Кўнгил» шеърисида эрк ва унинг кушандалариаро зиддиятни аниқ тасвирлаган эди:

<sup>1</sup> Л. Аннинский. Чего ищете? «Литературная газета». 2004, 11—17 феврал.

*Кунгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дустлашдинг?..  
Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан;  
Кишан кийма, буйин эгма,  
Ки, сен ҳам хур туғилгонсан!..*

XX асрда инсон эрки, ҳурлигига жону жаҳди билан қарши курашган мафкуралар кўп бўлди. Шуро давлатида, Германияда, Испанияда, Италияда, Чилида, Конгода, яна қанчадан-қанча юртларда фашизм очиқчасига ҳаракат қилди. «Манкурт» деган истилоҳ моҳияти XX асрда аниқ кўринди. Инсон эрки ва унга қарши ҳар хил тазйиқлар адабиётшуносликда қандай номланади?

Адабиётшуносликда «характер» деган тушунча бор, у жуда кўп тилларда «каракте» номи билан маълуму машҳур. Аслида инсон ўз фитрати, мангу битиги билан туғилади. Ҳаёт, фаолият давомида инсон маъномоҳияти намоён бўлади. «Сартр, мавжудлик — шахс хатти-ҳаракатларидан иборатдир, деб билади. Унингча, инсон узини узи намоён қилиш, узини узи рўёбга чиқариш орқалигина мавжуддир. Шунинг учун у «ўз ҳаёти ва хатти-ҳаракатларининг йиғиндисидан бошқа нарса эмас».<sup>1</sup>

Ажаб, ҳаётда ҳамма зиддиятлар кураши мавжуд экан. Экзистенциализм, аслида, инсон характерининг марксча фалсафадаги талқинига зид равишда вужудга келган. Биз юқорида Г.В. Плехановнинг пансоциологизм ҳақидаги қарашини келтирган эдик. Бу назария бевоқифа К. Маркс қаршидан келтириб чиқарилган эди. Илмий коммунизм назариясининг асосчиси «Фейербах туғрисида тезислар» нинг 6-бандида ёзади: «... инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолда у барча ижтимоий муносабатларининг мажмуидир»<sup>2</sup> (таъкид бизники — А.Р.).

<sup>1</sup> В. Алимасов. Экзистенциализмнинг «ота»си. «Тафаккур» журнали, 2005 йил, 3-сон, 92-бет.

<sup>2</sup> Ф. Энгельс. Л. Фейербах ва немис классик философиясининг охири Т.: «Ўзбекистон», 1982, 60—61-бетлар.

Қаранг, экзистенциализм «ота»си — Сартр инсон «ўз ҳаёти ва хатти-ҳаракатларининг йиғиндисидан бошқа нарса эмас», деяпти, К. Маркс бўлса, инсон «барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир», деган узил-кесил хулосани чиқаряпти. Экзистенциалистлар инсон ҳаёти-ю, хатти-ҳаракатларинигина асос қилиб олганликлари боис абсурдизмга тойиб кетдилар. Марксча «назария» билан қуролланганлар инсонни ижтимоий рупорга — ўзликдан узоқлашган воситага айлантириб қўйдилар. Ижтимоий моҳияти тулиб-тошиб кетган одам оддий ҳақиқатларни айтишга ҳам қўрқиб қолди. Ёдимда бор: бир куни Озод Шарафиддиновнинг тишли-тирноқли бир мақоласи чоп этилганида, тенгқур, ҳам-фикрлар йиғилиб қолдик. Мақола ҳақида биров у деди, биров бу деди. Озод домла шижоати мақталди. Шунда Эркин Воҳидов:

— Озод ака аслида тўғри гапни айтган, холос. Ҳам-мамиз ҳам тўғри, ҳақ гапни ҳамиша, ҳар қаерда айтишимиз керак. Шўро мафкураси бизнинг онгимизни, эркимизни кишанлаб ташлаган-ки, оддий ҳақиқатни баралла айтишни ҳам қаҳрамонлик деб биламиз, — деди.

Тўғри, инсон фақат узини ифодалаб, ўз билганидан қолмай яшаши мумкин эмас. Одам азалу абад жамиятда яшаган, жамият билан тил топишган. Абсурд асарларда жамиятни, жамоани тан олмаслик кўринади. Бадий адабиётдаги характер инсоннинг фитрати (ўзлиги) ва ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлмоғи лозим. Структурализм инсон характерини илдиз-илдизи билан ёритиб берадиган йўналиш сифатида диққатга моликдир.

Шундай қилиб, XX асрда структурализм билан бир қаторда экзистенциализм, шўро реализми — социалистик реализм ҳам ривожланди. Ҳар бир метод асосида, айтилганидек, фалсафий-эстетик қараш, муносабат мавжуд. Структурализм объект билан бевосита боғлиқлиги — ҳамиша жонли матн билан иш кўришганлиги боис ривожланди. Ундаги ўсиш бир текис, қаршиликларсиз бўлмади. 60-йиллардаги структурализм илк струк-

турализмдан кўп нарсаларни олганидек, ундаги кўп хусусиятларни инкор ҳам этди.

XX асрнинг 80-йилларидан постструктурализм глобаллашув жараёни билан биргаликда ўсди, қамров миқёсини кенгайтди.

4

Ҳақиқий бадиий асар — мукаммал, мураккаб таркиб (структура). У матн тарзида яратилади. Матннинг пишиқ-пухталиги аввало санъаткор истеъдодига, айтмоқчи бўлган гапининг ҳаққонийлигига, сўзларга юклатилган маънонинг салмоғига, маромнинг тов-ланиши, тусланишига боғлиқ. Мукаммал матн яратиш — илмий-ижодий изланиш демак. Санъаткор изланмаса, ўқимаса, ўрганмаса, муайян даражада тадқиқотчи бўлмаса, мусти-маҳкам матн яратиши амри маҳол. Буюк санъаткорларнинг деярли ҳаммаси узигача яратилган етук асарларни жиддий ўрганган. Навоий, Бобурдек санъаткорлар илм билан ҳам жиддий шуғулланганлар, етук тадқиқотлар яратганлар. Бу анъана жаҳон адабиётида ҳамisha бўлган, ҳануз давом этаяпти. Санъаткорнинг санъати шундаки, у ҳар бир сўз, ҳолатдаги маъноларни бус-бутун қамраб олишга сўзнинг ич-ичига, моюсига кириб боришга интилади. Бадиийлик изланишлар имконияти тугаётганда «лоп» этиб юзага чиқади. Санъаткор изтироблари учун мукофот тарзида Оллоҳ томонидан берилади. Қисқалик, лундалик — истеъдод муждаси. Шоир бир мисралик шеър ёзибди:

*Анорлар дард каби ёрилар.*

(Фахриёр).

Митти бу шеърни англаш учун аввало инсоний дарднинг барча томонларини ҳис этиш керак. Дарднинг ёрилиши — кўнгилнинг бушаши, кўзнинг мошдай очилиши. Ниҳоят, анорнинг ёрилиши қип-қизил доналарининг лов-лов ёниши. Муҳими, инсоний ҳолатнинг бошқа предметга кўчирилишидаги маҳорат — бадиийлик ифодаси. Шу шоирнинг:

*Йиғи, сени қандоқ қулдирай?*

шеъридаги кечинмадошлик ўқувчини ўзига ром этади. Одам — кимлиги, қаерданлиги, дини, ирқидан қатъи назар — ҳамиша дардкаш, ғамдош. Ахир, инсон беш кунлик дунёга йиғлаш, дард чекиш учун келмайди-ку?!

Санъаткор туйғу, ҳолатларининг ифодачиси сўз. Шундай бўладики, ҳолат бор, ижодий изтироб бор, лекин шу ҳолат, изтиробнинг ифодачиси — монанд сўз йуқ. Шундай пайтда санъаткор янги сўз кашф этади, сўзлар оламида «янги меҳмон» кўз очади. Янги сўз табиий эҳтиёж, таниш ҳолат ифодачиси сифатида тугилса, яшаб кетади, тилда ўз ўрнини топади. Одатда, янги сўзлар сўзлашув, жонли тилда пайдо бўлиб, сўнг бадиий адабиётга киради. Лекин санъаткорлар асарларида тугилиб, жонли тилга қовушиб кетган сўзлар оз эмас. Сўнгги йиллар ўзбек шеъриятида сўз излаш жараёни кучайиб бормоқдаки, шеърларда янги сўзлар, эски сўзларнинг янги маъно қирраларини кашф этиш кўзга ташланмоқда. Тадқиқотчи Эргаш Очилов юзлаб шеърлардаги сўзлар, уларнинг маъно-мазмунни ҳақида куюнчаклик билан фикр-мулоҳаза юритди. Унинг «Ҳар сўзнинг ўз ўрни бор» («ЎзАС», 2004 йил, 3 декабрь) мақоласида ниҳоятда уринли танбеҳлар қатори янги сўзларнинг қўлланишига ишончсизлик билан қараш кайфияти сезилади. Ваҳоланки, машҳур структуралист Ролан Барт сўзлари билан айтганда: «...ҳар бир янги сўз — янги байрам. Тошқин узан бўйлаб ҳаракатланиб, кескин, қутилмаган бурилишларга дуч келаркан, тилда ҳузурбахш онларнинг самараси бўлиб янги сўзлар тугилади».<sup>1</sup>

Энди Эргаш Очилов мақоласидан каттагина кўчирма келтирамиз. «Яна бир ноҳуш ҳодиса — шоирларнинг билиб-билмай, ўзларича янги сўз ясашларидир: вафотат, висолат (И. Отамурод), кунотар (А. Қутбиддин), маъюсият, ёлғизият, ғамсувор, озористон (Салим Ашур), кулистон, ғамранг, тунқул, қонолуд, чангак-

<sup>1</sup> Р. Барт. Танланган тадқиқотлар. (Семиотика. Поэтика). М.: «Прогресс». 1989, 466-бет.



дил, руҳкамар (Азиз Саид), ёнарзор, қалброҳ, жонистон, хаёлдуз, ашқлиқо, руҳназар, нимруҳ (Ҳ. Абдиназар), тунзор (О. Туракулова), оҳзода, иймонса, муҳтожиб, нокироҳ, беандоз, боҳақ, боаввал, бохуллас, бомутлақ, бомаъқул, боишонч, бохулла (С. Субҳон), сарсиб, манзилот (Лайло)...

Ялтироқ сўзларга ружу қўйиб, мантиқсиз иборалар яшаш ҳам авж олди. Чунончи, ҳавога нисбатан даҳрий дейиш (З. Худойшукур — «Даҳрий ҳаво»), шуълани шаккок деб аташ (Б. Рузимуҳаммад — «Шаккок шуъла»), висолни шармандага чиқариш (А. Маҳкам — «Шарманда висол»), сирни бетгачопарликда айблаш (Б. Эшпулатов — «Бетгачопар сир»), байтни сўйиш (Ҳ. Аҳмедова — «Сўйилган байт») мумкинми? Ундан ташқари, «Чорбоғлар бадани», «Умид асаби» (Б. Эшпулатов), «Олма ишқий гуллаган» (С. Оллоёр), «Қаърим қаърида» (О. Икром), «Хилқатли кўксим» (Н. Абдурахмонов), «Осмонсизлик қаърида» (И. Исқандар), «Нимранг нигоҳ», «Ҳилолий ҳарам», «Ҳилолий товуш» (Дилбарой), «Ҳижроний мерос» (Хуршида), «Осмонлаққи» (А. Қутбиддин) каби иборалар ҳам ғализ ва мавҳум, кўнгилга ботмайди.

Келтирилган мисоллардаги баъзи сўз, ибораларни ўринсиз, ноҳуя қўлланган демасак, кўпчилик сўз, иборалар изланиш, ижодий жараён самараси сифатида диққатни жалб қилади. Тугри, «бо» қўшимчаси билан ясалган сўзлар ўта сунъий. «Вафоат», «висолат», «ёлғизият», «қонолуд», «хаёлдуз»нинг илдиз отиб кетишига ишонч йўқ. Аммо «даҳрий ҳаво», «шаккок шуъла», «шарманда висол», «нимруҳ», «тунзор», «ғамсувор», «сўйилган байт», «қаърим қаърида», «нимранг нигоҳ», «осмон-лаққи», «чорбоғлар бадани», «умид асаби» сингари сўз, ибораларда жон, ҳолат, беандозалик бор.

Ўзини ҳурмат қилган санъаткор учун ҳар бир янги асари — мисоли тарбияталаб фарзанд. Ўла-ўлгунча асарларига сайқал бериб, ҳар бир сўз устида улиб-тирилиб ўтган санъаткорлар озми?! Шоир Миртемирни кўрган, билган одам борки, бу авлиёсифат инсон ҳамиша, ҳамма ерда шеърларига сайқал беришдан тинмаган. Уни шоир дейишдан кўра матннавис дейиш тўғрироқ бўла-

ли, чоғи. Миртемир ҳар битта шеъри учун шундай сузларни излаганки, гўё шу сўз матннинг барча қисм, булак, оҳанг, маромини ўзида жамулжам қилган. Аксарият ҳолларда шоир мана шу ўзак, юк кўтарувчи сўз, ифодани топган. Миртемирнинг миттигина «Ҳандалак» шеъри бор. Шоирдаги санъаткорлик шундаки, китобхон ҳандалакни емай туриб, тасвирнинг узидан хузурланади, саратон олди етилган неъмат мазасини тотиб кўргандай бўлади. «Ҳаво элексирдай», «Яшиллик салтанат қурмиш», «Кўкракка уради ёқимтой салқин», «Чечакларда ноз», «Кўзлар илғагунча полиз, бедазор». Гузаллик узра гузаллик тасвирланаверади. Ниҳоят, «муздек ва ёрқин, беқасам ҳандалак узилди». У «гўёки ёлқин, қуймадек бежирим». Ҳандалак — «аслида қуёш зарраси», «она тупроқ тоти, тупроқ шираси». Шеърда ажойиб структуравий мутаносиблик бор: ҳандалак ҳам, зарра ҳам қуймадай, ҳар бир образ, тасвир, полиз, ҳандалакзор тароватини аниқ тасаввур этишга хизмат қилади. Шеърдан битта сўз, битта образни олиб қўйинг-а: системадаги тартиб, таркибдаги мукамаллик бузилади — матнда мажруҳлик пайдо бўлади. Шеър шунчалар яхлитки, ҳар бир ҳаракат, ишора бошдан адоқ тўсиқсиз, бир маромда ўтади. Структурализм матндаги яхлитлик, изчиллик; тушунча, образларара алоқадорлик; ҳолат тароватини безаҳа ифодалаш методидир. Худди шу ҳолатни «Тилла балиқча» шеърида кузатиш мумкин. Биз Абдулла Орипов (М. Қўшжонов, С. Мелиев) китобидаги «Тилла балиқча» шеъри талқинини структурал ўрганиш деб биламиз ва ўша фикрларга қўшилаемиз. Кези келди: адабий жараёндаги хунук бир ҳодиса ҳақида тўхталмоқчимиз. Ўзини ҳурмат қилган санъаткор борки, асарини — мукамал матнни кўз қорачигидек асраб-авайлайди. Константин Федин катта асаридаги битта сўзни ўзгартирган муҳаррир Константин Симоновни нари олиб бориб, бери олиб келган экан. Абдулла Қодирийдек санъаткор Садриддин Айний қиссасини таҳрир қилар экан, ноҳўя сўз, ибораларни алоҳида вараққа кўчириб ёзиб борган экан (яъни устоз матнига қалам теккизишни шаккоклик деб билган). Ҳозир истаган журнал-

ни олиб қаранг: *ҳикоя, қисса, романнинг журнал нусхаси* деган изоҳга кўзингиз тушади. Асарнинг «журнал нусхаси» — кўл-оёғи, зарур аъзоси қирқиб ташланган ногирон нарса. Китобхон шу «беўхшов нарса»ни ўқигач, унинг тулиқ нусхасини не-не гумонлар билан қўлга олади. Асарнинг «журнал нусхаси»ни бошлашга рухсат бераётган ёзувчилар етти ўлчаб, бир кесишлари лозим.

Структура — асарнинг бадиий-эстетик харитаси. Бу харитани руҳий нигоҳ билан ўрганиш, ўқиш мумкин. Харитада ранглар, белгилар аниқ ўлчамлар воситасида ўз ифодасини топади. Хариталар сиёсий, экологик, ер таркиби бўйича яратилади. Бадиий-структуравий харита семиотик нуқталарнинг жой-жойига қўйилиши, семиологик моҳиятнинг ёритилиши нуқтаи назаридан тузилади. Семиотик нуқта, семиологик марказлар дуч келган жойда эмас, асарнинг ғояси, мақсади жиҳатидан аниқ белгиланган ўрингагина қўйилади. Давримизнинг донишманд ижодкорларидан бири Фозил Искандар истеъдод нима, деган саволга бундай жавоб берибди: *«Истеъдод адабиёт майдони бирлигида китобхон билан туташидиган алоқа нуқталари миқдори»*.<sup>1</sup>

Истеъдоднинг шоирона таърифини структурага нисбатан ҳам қўллаш мумкиндек туюлади: «Структура — бадиий матн тўқимаси бирлигида ўзаро туташидиган, бош ғоя томонидан бошқариб туриладиган семиотик нуқталар, семиологик марказлар миқдоридир».

Структура тугалликни, яхлитликни, семиотик нуқталар аниқлигини, семиология марказларининг муносиблигини тақозо қилади. Каттадир, кичикдир, шеърдир, насридир, драмадир — барча асарларда ўзига хос тугал структура бор. Мана, жуда жун, туртtagина иборанинг икки бор такроридан таркиб топган матн — шеър:

*Думингни ликиллатасан, олға кетасан.*

*Думингни ликиллатасан, олға кетасан...*

<sup>1</sup> Татьяна Бек. Трижды двадцатипятилетие. «Литературная газета», 2004, 17–23 февраль.

Бундан осон ёдланадиган шеър булмаса керак. Бир қарасак, жуда жун, бир қарасак, қат-қат донишмандликни ўзига жо этган шеър. Шеърдаги шакл бир ён, ундан чиқадиған маъно бир ён. Муҳими, шоир зуриқмасдан, чиранмасдан оддий сўзлар орқали катта ҳаётий фалсафани ифодалаб қўйган.

## 5

Бадиий структурани яратиш тайёргарлиги матн тузишдан анча илгари бошланади. Услуб. Жанр. Сарлавҳа. Илк жумла (сатр). Семиотик нуқталар ўрнини белгилаб олиш. Матннинг семиологик моҳиятини етилтириш. Тугалланма.

Адабиёт тарихида гаройиб ҳодиса-воқеалар кўп. Ижодкор гоҳо шундай воқеа, шахсларга дуч келадики, уларни ёзмаслик мумкин эмас. Лекин гувоҳи бўлинган воқеа, ҳаётдаги тип шундай жанр, услубни тақозо этадики, санъаткор бу мавзунини ўз услубига сира мослай олмайди. Шунда санъаткор ўзи гувоҳи бўлган воқеа ва ҳаётий қаҳрамонларни бошқа ижодкорга илинади, ҳада қилади. Машҳур «Ревизор» воқеасини Пушкин Гоголга илинганлиги, «Рус характери» ҳикоясидаги воқеа И. Эренбург томонидан А. Толстойга айтиб берилганлиги адабий жамоатчиликка маълум. XX асрнинг 70-йилларида Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссаси машҳур бўлиб кетганди. Қисса асосида бир неча қисмли видеофильмнинг яратилиши асар қаҳрамонларини, хусусан, Алимардонни ҳаммага танитди. Ўша йиллари Алимардоннинг машҳур қўшиғи узлуксиз эшитилиб турарди:

*... Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар кетмоқдаман,  
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман,  
На ишончу, на қувончу, на кўнгулдан очма гап,  
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмоқдаман.*

Қўшиқ асар руҳига, асосий қаҳрамон ҳолатига ниҳоятда мос эди. Манман деган матншунос ҳам, синчков мунаққид ҳам қўшиқ матни асар руҳига сингдириб юборилганлигини сезмайди. Қизиғи шундаки, Абдулла

Ориповнинг 4 жилдик «Танланган асарлар»ининг биринчи жилдида Алимардон қўшиғи жой олган. Бу ерда сира англашилмовчилик йўқ. Аслида, воқеа бундай булган эди. Ёш ёзувчи Ўткир Ҳошимов ёш шоир Абдулла Орипов билан булган ижодий суҳбатларининг бирида қисса ёзаётганини, унинг қаҳрамони истеъдодли ҳофизлигини айтади. Ҳофиз Алимардоннинг фожиавий муҳаббати, ҳаёти ҳақида гап очади. Абдулла Орипов Алимардон руҳини чуқур ҳис қилади ва «Кетмоқдаман» қўшиғини яратади. Бу воқеани менга Ўткир Ҳошимов сўзлаб берган эди. Ниҳоят, «Кетмоқдаман» қўшиғи А. Орипов ижодининг гузал намунаси сифатида «Танланган асарлар»ига киритилди.

Жанр ва структура узвий боғлиқ. Жанр ўзига монанд структурани яратади. Деярли барча санъаткорлар йирик асарлари таркибига аввал яратган кичик асарларининг баъзи томонларини, образларини сингдириб юборадилар. Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодий тажрибасида бундай ҳолат кўзга аниқроқ ташланади. «Қутлуг қон» структурасини жилдий ўрганган одам «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Темирчи Жўра», «Дилбар — давр қизи» дostonларидаги баъзи воқеалар, қаҳрамонлар роман структурасига сингдириб юборилганини сезади. 30-йиллари А. Қаҳҳор «Ўғри», «Бемор», «Анор» сингари машҳур ҳикояларини яратган эди. Ҳануз бу ҳикоялар янги ўзбек адабиётининг сара асарлари ҳисобланади. XX асрнинг 60-йиллари А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси яратилди. Ёзувчининг ҳикоялари ҳам, қиссаси ҳам маҳорат билан битилган. Синчков китобхон «Ўтмишдан эртақлар» таркибида Туробжонни, Сотиболдини, Қобил бобони ва яна кўп қаҳрамонларни таниб қолади. Лекин «Ўтмишдан эртақлар» структураси тамоман ўзгача. Ундаги яхлит ҳаётбахш руҳ, маром диққатни тортади. Савринисо фожиаси, Абдурахмон, Вали суфи, Ўжар кампирнинг жоҳиллиги одамни эзиб ташлайди. Туракул вофурушнинг арвоҳсифат турқи, шафқатсизлиги, уста Абдуқаҳҳорнинг ҳамиша бир «иш-кал» чиқариб юриши; Ғофиржон, Кулаланинг болалик шумликлари; бабарларнинг содда-анойиликлари; Олим нонвойнинг куйди-пишдиликлари киши руҳини

эркалайди. Китобхон Бабарни учратиб: «Бу узимизнинг Туробжон, Сотиболди-ку?» — дейди. Туракул вофурушда Олимбек додхоҳни таниб қолиши, Олим нонвойу Вали суфига мулла Норқўздан алланималар ўтганлигини сезиш табиий. Лекин қиссадаги оҳанг, матн тузилишидаги яхлитлик китобхон диққатини сочиб, тарқатиб юбормайди. «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси руҳида фожа, ҳаётбахшлик, ҳазил-мутойиба — XX асрнинг 60-йилларидаги умумий кайфият акс этган. Матннинг пишиқ-пухталиги, маънонинг теранлиги, семиотик марказларнинг аниқлиги — «Ўтмишдан эртақлар» қиссасининг муҳим фазилатларидир.

Бадиий асар сарлавҳасининг ихчам, лўнда, бетакрорлиги матннинг пишиқлигидан, системанинг мустаҳкамлигидан нишона. Санъаткор асарни қанча етилтириб, руҳида пишитиб юрса, қутилган сарлавҳа бирдан пайдо бўлади. «Сароб», «Синчалак», «Қутлуг қон», «Уфқ», «Гирдоб», «Диёнат», «Қил кўприк», «Рухлар исёни», «Дунёнинг ишлари», «Юлдузли тунлар» сингари номларда асарнинг жон-жонидан ўтиб келган руҳ, оҳорлилик, ижодий изланиш азоби аниқ сезилади. «Одам қандай тобланди?», «Чиниқиш», «Сув гадоси оқпадар денгизни бошлаб қайтди», «Узоқни кўзлаган қиз», «Қиз узатиб борганда...» сингари номларда «хом-семизлилик», атайинлик, мавҳумлик, энг асосийси, қалбнинг изланганлик чарчоғи йўқ. Сарлавҳадаги хомлик сюжетда, характерларда, пароканда матнда, мантиқсиз хатти-ҳаракатларда сезилади. «Бобурнома» изидан бориб яратилган асарнинг «Бобурийнома» бўлганлигида ички мантиқ, теран маъно бор. «Бобурийнома» муаллифи Бобур юрган йўллардан 500 йил кейин, самолётда, автоуловларда юради, замонавий ҳотелларда меҳмон бўлади. Ажабки, юртлар, шаҳару кентлар, ҳатто тузумлар янгиланар экану, одам табиатидаги танбаллик, ҳасад, жоҳиллик, бойликка ўчлик ниҳоятда кам ўзгараркан. «Бобурийнома» муаллифи Бобур юрган йўллар, юртлар, кентлардан кўра инсон табиатидаги ўзгаришларга кўпроқ эътибор қаратган.

Адабиётимизда сафарнома жанридаги асарлар кўп. XX аср бошларида жуда кўп сафар-саёҳатномалар

битилди. XX асрда яратилган машҳур сафарномалар қаторида «Туркистон қайғуси» (Алихонтўра Соғуний) алоҳида эътиборга молик. Бу асар структура нуқтаи назаридан Алихонтўранинг фалсафий-ахлоқий, диний-маърифий, ҳарбий-саркардалиқ қарашлари бирбутунлиги. Менинча, унинг номи «Соғунийнома» бўлганида ҳар томонлама тўғри йўл тутилган бўларди. А. Соғуний асари шунчаки ўқиладиган, ҳар қандай китобхонга «қалбини очаверадиган» асар эмас. Унда бетакрор «дастхат» бор. Ҳарбий лисонда ифодаласак, мустаҳкам посбонлик марказлари — семиотик нуқталар мавжуд. Алихонтўра қаҳрамонлари ҳам йўловчи, ҳам савдогар, ҳам ҳарбий шахс, ҳам махсус топшириқ бажарувчиси. «Туркистон қайғуси»да ҳар хил сўқмоқлар, адирлар, чакалакзорлар, зовлар, камарлар, ўрмонзорлар, сойликлар тасвирланганидек, асар матнида ҳам мураккабликлар, фалсафий чекинишлар, йўл азобини кўравериш аламзада бўлиб кетган шахс нолишлари бор. Хуллас, Алихонтўра Соғуний асари структурал таҳлилга етарли манба бўла оладиган салмоқли асардир.

## 6

Бадий асарнинг номи — семиотик калит. Калит эса асар моҳияти, борлигини белгиловчи концепциянинг аниқ, лўнда ифодаси. Ифодаланаётган концепция ҳаётий, тўлиқ англаб етилган бўлса, ёзувчи «дастхати» равон, жумлаю каломлар мағизи тўқ бўлади. Бадий асар концепцияси гоҳо тасвир предмети салмоғи деб ҳам аталади. Тасвир предмети салмоғи жанрни белгилашда қўл келади. Жанрлар, хусусан, роман, қисса, ҳикоя таърифи берилганда кўпинча ташқи (юзак) салмоққа эътибор қаратиш удуми авж олган. Ваҳоланки, тасвир предмети салмоғи юзаки ўлчов, ҳажмга кўра таъриф беришни инкор қилади. XX асрнинг мумтоз адиби Михаил Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикояси ҳажман каттагина: у айрим қиссаларга кўра кўркам. Лекин М. Шолохов бу асарини атайин ҳикоя деган ва у уруш даҳшатларини битта шахс ҳаёти орқали кўрган.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги бадиий асарларнинг энг сараларини бир жойга жамласак, «Инсон тақдир» ўзигагина хос рангдаги инжу донасидек порлаб тураверади. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган дала-лар» романи тасвир предмети салмоғига кўра расмона роман. Унда ўнлаб ҳикоялар предмети бўла оладиган инжу доналари кўп. Бу асарда бир асрдан мўл муддатдаги мустамлакачилик заҳар-заққумлари яхлит ифода-лаб берилган. Муаллиф чор ва қизил мустамлакачилар моҳиятидаги уйғунликни кўра ва акс эттира олган. М. Скобелев қаёқда-ю, Б. Полторацкий, Ё. Чанишев қаёқда. Тоғай Мурод мустамлакачилар бошқарув усу-лидаги илдишни беҳато топган.

Жалолиддин кетмон соддагина, аммо иймони бу-тун одам. Ақраб дарвешнамо, чапани, аммо унинг гуру-ри осмон қадар баланд. Дехқонкул — «синган», эзил-ган ишчи кучи. Аммо бу инсонда оталардан қолган дала-ю, меросларга садоқат кучли. Тоғай Мурод ўзбек даласини эмас, шу дала узра тер тўкканлар руҳидаги бойликларни кашф этган. Романдаги ҳар бир сўз, ибора, жумла, бобда мана шу кашшофлик руҳи порлаб туради.

Жанр, сарлавҳа, концепция (тасвир предмети сал-моғи) асарнинг илк семиотик марказида ярқираб кўзга ташланади. Илк семиотик марказ деганда аксарият ҳол-ларда биринчи мисра (сатр, жумла) тушунилади. Илк жумла (сатр, мисра) биринчи таассурот, асар ҳақида-ги ғайришуурий англаш манбаи эканлигидан ташқари семиотик марказга йўл кўрсатувчи ишора ҳамдир. Се-миотик марказ шеърятда кўпроқ тугалланмада, порт-ловчи охирги байт ёхуд мисрада бўлади. Абдулла Ори-пов «Оломонга» шеърида юрагида қотиб қолган алам-ларни бирма-бир кўчира бошлайди. Машраб осилган-да, Чўлпон отилганда ўша-ўша эдинг... Нурли сиймо-лар маҳв этилганда бепарво бўлдинг... Сенинг номинг-дан ҳукмлар ўқилади, тарихлар битилади, лекин сен томошабинсан, ўз ҳақ-ҳуқуқингни ёниб талаб қилмай-сан. Хуллас, сен оломонсан!! Ана энди шеърнинг та-янч маркази, портловчи якуни берилади:



*Қачон халқ бўласан, эй, сен, оломон?!*

«Эй, сен»га шунчалик туртки, урғу берилганки, уни айтиб адо этиб бўлмайди. Шоир шундай портлайдики, афсуски, ўзбек тилида уни ифодаловчи белги йўқ. Ундов, суроқлар ўша белги вазифасини ўтай олмайди.

Сўнги йиллар шеъриятида семиотик марказни асар руҳига сингдириб юбориш, китобхонга кайфият беришу, аниқ нуқтани курсатмаслик фазилати пайдо бўлаяпти. Мен «фазилат» сўзини атайин қўлладим. Шоир шунинг учун ҳам гузаллик тарғиботчисики, у оддий китобхонни ҳам гузал ўйлар, изланишлар оғишига тортмоқда.

*Тушимга киради ўзгача олам,  
Ўзгача оламнинг ўзгача боғи.  
Ўзгача боғдаги ўзгача алам,  
Қалбдаги ўзгача — нотаниш доғи.*

(Усмон Азим)

Ўзгача олам, боғ, алам, доғни излаш китобхон бурчи. Бу қийин, лекин завқли юмуш.

Ёш, янги шеърият структурализм уфқини кенгайтирмоқда. Бошқача айтсак, структурализм янги шеъриятда ўз малҳамини топяпти. Структурализм ҳам, янги шеърият ҳам сўз ўзагига интилади. Шеърият сўзнинг нафис моҳиятига имо-ишора қилади. Структурализм сўзлар мағизини, уларнинг фойда, лозимлик коэффициентини ёритади:

*Дунё дардим бўлди  
Соғаймоқ қасдида  
Қай сори бош урмай  
Дунёнинг бўлди*

(Улугбек Ҳамдам)

Дунё ҳам ибтидо, ҳам интиҳо: дард дунёники. Қайга бош урманг, дунёга рўбарў бўласиз. Янги шеъриятда замон, макон, ранглар, уч мавлуд уйғун, бир йўла тасвирланаяпти. Структурализм туйғуларни заха қилмаган ҳолда, шеърни гузаллик оғушидан узиб олмаган

ҳолда таҳлил этиши лозим. Ишончим комил, янги шеър  
 рият руҳини структурализм, илми ғарибанинг гўзал  
 бир кўриниши ишончли таҳлил-тадқиқ қилиб беради.

7

Структурализм, структурал анализ сингари исти-  
 лоҳлар умумжаҳон адабиётшунослигида нисбаган янги  
 назария, йўналиш, тадқиқин қондаларини билдиради. Бир  
 асар муқаддам Ғарбий Европа, Россияда шакллана бош-  
 лаган структурализм Европа, Россияда шакллана бош-  
 шуносликда, кўпроқ тоғ тилшуносликда, гоҳ санъат-  
 бошланди. адабиётшуносликда қўлланила

Шарқ-мусулмон адабиётшунослигида ижод қону-  
 ниятлари қадим-қадимдан ишлаб келинади. Аруз вазни  
 қонуниятлари ишланган, ишланаяптики, у структура-  
 лизмнинг ўзига хос кўринишидир. Бадиий санъатлар,  
 илми аруз муаммолари ҳам аслида структурализмга кел-  
 либ тақалади. Бадиий асар матни ҳам мисоли жонли  
 жисм: унда таянч нуқталар (семиотик марказлар), се-  
 миологик моҳият, занжирдек мустақкам боғлиқлик бор.  
 Структурализм — матнни ўқиш, ўқиш, хузурланиш  
 ҳақидаги фан. Матннинг хузурбахш моҳиятини англаб  
 етгунча мутахассис тизланмоғи, ўқимоғи, адабиётшу-  
 нослик уммонида бемалол суза оладиган даражада бўли-  
 ши лозим. Матнни ўқиш мазмун ва шаклни, ёзувчи  
 услубини, тур ва жанрлар назариясини, ижод психо-  
 логиясини, ёндашув ва таҳлил йўлларини мукаммал  
 англашни тақозо қилади. Структурализм — талқин ва  
 таҳлилнинг нозик, гўзал йўсини. Матн яратувчи руҳи-  
 да *логос* — каломга алоҳида меҳр бўлмаса, унинг ярат-  
 ган асарида шавқ-заъвоқ ўти ловилламайди. Ниҳоят...  
 Структурализм модернизм моҳиятини ишонарли ёри-  
 тиб берувчи воситадир. Чунки модернизм ҳаётнинг на-  
 фис, теран, юксак, айни вақтда маҳоратли чуққиси-  
 дир. У қилни қирқ ёрувчи санъаткорлар адабиётидир.

## ТАРИХ, ФАЛСАФА, РОМАН

Роман бадий адабиётнинг ҳамиша навқирон, изланишдаги жанри. Жаҳон адабиётида у драма, дoston сингари таянч жанрлардан анча кейин пайдо бўлди. Ўзбек романчилигининг янада янги, салкам бир асрлик тарихи бор, холос. Абдулла Қодирий етук намуналарини яратиб берган ўзбек романчилиги тез ривожланди, ўсди, изланди — адабиётимизнинг асосий жанрларидан бирига айланди.

Ўзбек романи руҳи поэзияга, драматургияга таъсир этди: шеърый романлар, романга монанд драмалар яратилди. Ўзбек адабиётида тарихий, таҳлилий, биографик, мистик, саргузашт, фантастик, детектив, сатирик, маиший романлар пайдо бўлди. Ўзбек ёзувчилари романчилик машқини мукамал эгалламоқдалар: роман-диалогия, роман-трилогия, ҳатто туркум-романлар яратилаяпти.

Роман изланишга имкон берувчи жанр. Сўнгги 10—15 йил ичида пайдо бўлган «Лолазор», «Бобурийнома», «Отамдан қолган далалар», «Минг бир қиёфа», «Бозор», «Фано даштидаги қуш», «Капалаклар ўйини» сингари асарлар бу жанр имкониятлари роман тарихи, тадрижи ҳақида фикр мулоҳоза юритишга ундайди. Жаҳон адабиётида, романнинг тараққиёт йули равон бўлмаган: «Уруш ва тинчлик»дек асарни И. Тургенев дастлаб тушуниб етмаган. Ж. Жойснинг «Улисс»и ҳануз хослар романи, моҳияти ўта сирли, мураккаб асар ҳисобланади. Марсел Прустнинг «Йўқотилган вақт изидан...», Уильям Фолкнернинг «Кошона», «Ривоят» фалсафий романларига ҳар кимнинг ҳам тиши ўтавермайди. Бу асарлар онг оқими тарзида яратилган. Хуршид Дўстмуҳаммад, Асад Дилмурод, Тўхтамурод Рустамнинг юқорида номларини келтирганимиз — романлари ҳам онгда кечаётган ўйларнинг мураккаб, табиий оқими тарзида ёзилган. Лекин нега асарларнинг ўз китобхонини топиши қийин кечяпти? Бизда миллат қадриятига айланган романлар ҳали кўп эмас. Мазкур жумлани тугатар-тугатмас китобхоннинг эътирози қулоғимга киради:

Кечирасиз, ҳозирги глобаллашув замонида, ҳар бир миллат адабиётини алоҳида, соф ҳолда талқин қилиш қандай буларкан? Айтайлик, қирғиз адабиёти романчиликда қайси чўққиларни эгаллаган эдики, Чингиз Айтматов уларни давом эттирган бўлсин?

Туғри, улкан истеъдодлар шаклланиб қолган қарашларни ҳамиша бузиб юборадилар. Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов сингари санъаткорлар жаҳон китобхонлари қарашларида ўзгариш яратдилар. Гап фақат асарнинг кенг тарқалиши, оммавий равишда ўқилишидагина эмас, агар шундай мезон билан ёндашсак, «Гарри Поттер» асарининг муаллифи Роулинг хоним дунёдаги энг машхур ёзувчи бўлиб қолади.

Энди жаҳонда кўп ўқиладиган, 118 тилга таржима қилинган «Алхимик», «Бешинчи тоғ» романлари ҳақида қисқагина тўхталамиз. Бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг романлари ҳажман ўта сиқик, тасвир оддий, жўн: уларни сира қийналмасдан ўқиш, моҳиятини англаб етиш мумкин. Ҳар иккала асарда битта муҳим ғоя илгари сурилган: оламни, одамни Худо яратган. Оламу одам шундай мураккаб, мукамалки, унинг асрорини Яратганга ширк келтирмайдиган, бандалик фарз — бурчларини сидқидилдан амалга оширадиган кишиларгина англаб етадилар. Яратувчи инсонга умр — имконият, ақл — муаммолар қалитини, шижоатни — бунёдкорлик қафолатини, орзуни — Оллоҳга ёндашиш йулини берган. Худо ҳар бир инсонни ўз тақдири билан яратади, одамнинг олам билан алоқасини — имошоралар «тили»ни мукамал ҳолда тавсия этади. «Алхимик» романида Сантяго исмли ўспирин — бўз боланинг тақдир йулидаги интилишлари тасвирланади. Бошқача айтганда, Сантяго воситасида китобхон олам ва одам сирларидан огоҳ бўлади. Аниқроғи, Оллоҳнинг мўъжизалари, ундаги азалий тартиботлар бирма-бир намоеън бўла бошлайди.

«Бешинчи тоғ» романининг қаҳрамони Сантягодан 8—10 ёшгина катта, 23 ёшли Илёс пайғамбар: у рўй берувчи офату қувончлардан одамларни огоҳ этади. Худонинг расули ҳамиша хавф-хатарда яшайди, кофирлар тазйиқидан паноҳ излайди. Илёс алайҳиссалом ху-

донинг амри билан урушда вайрон бўлган шаҳарни тиклайди. — Бошқача айтганда, вайронларни қайта обод қилар экан, инсонлар қалбида эзгулик уруғлари қайтадан униб чиқа бошлайди, ҳаётга муҳаббат янги-дан қулф уради. «Бешинчи тоғ» «Шундай яшар, одатда, одам» деган нақлнинг бадиий исботидир.

Пауло Коэльо романлари ихчам, содда, қаҳрамонлари самимий, эзгу ниятли. Лекин мана шу соддалик, самимийликка эришиш учун ёзувчи қанча заҳмат чекканини, излаганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Айниқса, Пауло Коэльо романларидаги глобал муаммолар, умуминсоний ҳолатлар жамулжами кишини ром қилади.

Романнинг ҳозирги дунё адабиётида кенг ривожланаётганлиги бундан 40—45 йил муқаддам рўй берган баҳсларни, романнинг жанр сифатида ула бошлаганлигини «исботловчи» унлаб мақолаларни ёдга солади. Хуш, романнинг истиқболсизлигини башорат, тарғиб қилиб битилган мақола-ю тушкун, асл моҳиятидан йироқ баҳслар боиси не эди? Маълумки, 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида социалистик тизим методининг сохта, асоссиз эканлигини исботловчи кўплаб мақолалар нафақат социалистик мамлакатларда эмас, балки кўплаб капиталистик мамлакатлар матбуотида ҳам узлуксиз чоп этила бошланди. Соцреализм методида ёзилган романларнинг йилдан-йилга саязлашиб, бадиийликдан йироқлашиб, ҳаёт ҳақиқатига зид бориб яратила бошланганлиги мисоллар, далиллар билан кўрсатилади. Чиндан ҳам, рус романчилиги Ф. Достоевский, Л. Толстой, И. Гончаров, И. Тургенев сингари адибларнинг машҳур асарларидан кейин сезиларли даражада камбағаллаша бошлади. Соцреализм методи ҳукмронлиги йилларида аввалги, довруқли рус романларига тенг келадиган асарлар яратилмади ҳисоби. Натижада, тушкунлик кайфияти, романнинг инқирози ҳақидаги қарашлар кучая борди. Ажабки, роман, тирик вужуд мисоли, ўзини-ўзи даволади, касалликлардан фақат қутулдигина эмас, балки ривожланишнинг янги принципларини вужудга келтира бошлади. А. Солженицин, В. Астафьев, Б. Васильев, В. Аксёнов,

Вл. Войнович сингари санъаткорлар рус романи шуҳратини тикладилар. Ҳозирги пайтда рус романчилигида янгидан-янги изланишлар диққатни тортмоқда. Болтиқбуйи, Лотин Америкаси, япон адабиётида янги руҳ, янги шаклдаги романлар пайдо бўлмоқда.

Ўзбек романчилиги жаҳон адабиётида рўй бераётган ҳолат, изланишларни ўзида акс эттирмоқда. Глобаллашув санъат, адабиётда ҳам кўзга ташланаётганини инкор қилмаган ҳолда романнинг ўзлигини, бетакрорлигини миллийлик, янги-янги қаҳрамонлар белгилашини зинҳор унутиш мумкин эмас. Ўзбекона моҳияти аниқ кўриниб турган «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Кутлуғ қон», «Навоий», «Сароб», «Уфқ», «Олтин зангласас», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Икки эшик ораси», «Лолазор», «Отамдан қолган далалар», «Бобурийнома» сингари романлар хорижий юртларга кириб бормоқда. Юсуфбек ҳожи, Мирёқуб эпақа, Солиҳ маҳдум, Мирзакаримбой, Муродхўжа домла, Икромжон, Нормурод Шомуродов, Хусан дума, Назар Яхшибоев, Деҳқонкул сингари ёрқин характерларни, фикримча, иккиланмасдан «Жаҳон адабиётининг машҳур қаҳрамонлари» қомусига киритиш мумкин.

### Тарих ва роман

Тарихни тунги осмон, ундаги юлдузларни нурли сиймоларга менгзаш мумкин. Юлдузлар тун осмонининг кўрки, файз-таровати. Юлдузли тун ҳамма ерда бор. Аммо ёрқин сиймоларга бой тарих ҳамма халқда ҳам топилавермайди. Чиндан ҳам, тарихимиз кўҳна ва бой. Тарих китобларимиз ҳам жуда кўп. Машҳур сиймолар — набийлар, валийлар, подшолар, олимлар, санъаткорлар, адиблар ҳақида куплаб тарих китоблари битилган. Профессор Бегали Қосимов «Улуғ салтанат сирлари» мақоласида: «Соҳибқирон ҳазратларининг 660 йиллик тўйлари кунларида матбуотда бир маълумотга кўзим тушган эди. У киши ҳақида Фарбда 400, Шарқда 900 дан ортиқ асар ёзилган экан», — дея қизиқарли маълумотга диққатимизни тартади («Халқ сўзи» газе-

таси, 2003 йил, 18 март). Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Ҳусайн Бойқаро сингари подшолар, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари алломалар, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор валий, машҳур Термизий, Насафий, Шошийлар ҳақида қанчадан-қанча асарлар яратилмаган дейсиз?!

Роман — тарихнинг ойнаси. Тарихий сиймолар эртами-кечми бадиий романга қаҳрамон бўлиб ўтадилар. Романчилигимизнинг қисқагина тарихига разм солсак, йигирмага яқин тарихий шахслар роман қаҳрамони бўлганлигини кузатиш мумкин. Ойбекнинг «Навоий» романи — ўзбек тарихий романчилигининг ибтидоси. Улуғбек, Ибн Сино ҳақида Одил Ёқубов, Бобур ва Бобур авлодлари ҳақида Пиримқул Қодиров, Хайридин Султонов романлари пайдо бўлди. Машраб, Маҳмуд Торобий, Нодира, Охунбобоев, Акмал Икромов, Сўфизода, Ҳамзага бағишлаб романлар ёзилди. Тарихий асарларнинг аксарияти сўнгги ўттиз йил ичида яратилди. Авваллари ўзбек халқи тарихи, тарихий сиймолар ҳақида роман ёзиш, беозор қилиб айтганда, маъқул келмас, асар ёзишга жазм этганларнинг косаси оқармас эди. Лекин С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар», Анна Алматинскаянинг «Зулм», Михаил Шевердиннинг «Бўри изидан», «Санжар ботир», С. Калмикоровнинг «Қуръон ва маузер», Н. Никитиннинг «Воқеа Қўқон-да бўлган эди», Комил Икромовнинг «Маҳмуд дорбоз» сингари асарлари яратилди ва тарғиб-ташвиқ қилинди. Бу асарларда воқеа-ҳодисалар коммунистик мафкурага мослаб ёзилган ёхуд тарих ва ўтмиш сиймолар характери сохта, бузиб тасвирланган эди. Хоразм Маъмун академиясининг катта илмий ходими, шоир Матназар Абдулҳаким «Тазарру ёхуд Комил Икромовнинг «Маҳмуд дорбоз» қиссаси ҳақида айрим мулоҳазалар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2003 йил, 16 май) мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Маҳмуд дорбоз» асари маълум даврда ёзувчиларимиз йўл қўйган хатолардан гувоҳлик берувчи тарихий бир ҳужжат сифатида ҳам аҳамиятлидир. Чунки «Маҳмуд дорбоз» қиссасининг ҳақиқий Паҳ-

лавон Маҳмуд ҳазратлари шахсига дахли йўқ эканлигини бугун ҳамма билади. Шу маънода ҳам бу ва бу қабилдаги асарларнинг ҳозир тишлари тушган, тирноқлари тўкилган, бинобарин, энди улар ҳам хавfli эмас».

Собиқ коммунистик мафкура, шўро сиёсати ўтмишининг ишонарли ҳужжатларини зинҳор ошкор этмади. Натижада, чин тарих асарлари ўрнини ҳақиқатга ҳилоф, сохталикларга сероб асарлар эгаллади. Халқ ўтмиши, ҳақиқий тарихни билувчилар таъқиб остига олинди. Масалан, Ойбек «Навоий» романи, Миркарим Осим ажлодларимиз ҳақида ёзган ҳаққоний қиссалари учун ур калтак-сур калтак қилинди.

Яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Шўро даврида битилган тарихий сатрларда фақат маъно-моҳият эмас, балки бадийлик анча ғариб бўлиб қолди. Шўро мафкурасига мослаб асар ёзганлар тарихий қадриятларимиз шаклига, таркиб-мағзига етарли эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, ўтмишда яратилган насрий асарлар — хоҳ улар илмга, тарихга, элшуносликка оид бўлсин, хоҳ мемуар, сафарнома, ҳасби ҳол, тазкира йўсинида бўлсин, ҳеч қачон бадийликдан бегона бўлмаган. Мақсуд Шайхзода «Устознинг санъатхонасида» тадқиқотининг биринчи мақоласида қизиқ далилни келтиради: «Наср қоидалари ҳақида ягона назарий асарни, яъни насрнинг илми бадеъ қоидаларини XIII—XIV асрларнинг буюк шоири ҳиндистонлик Амир Хусрав Деҳлавий (1253—1325) ёзган. «Эъжози Хусравий» деб аталган бу асар 3 жилддан иборат бўлиб, насрий ижодга доир бир неча минг санъатларни (усулларни) ўз ичига олади». Бу «бир неча минг санъатлар» тарихий, мемуар, этнографик, сафарнома, ҳасби ҳол сингари асарларга ҳам тааллуқли бўлган. Муҳими, мумтоз фанимизда насрий асарлар умумлашма хусусиятга эга эди, яъни битта асар ҳам тарих, ҳам сафарнома, ҳам ҳасби ҳол, тазкира, ҳам элшуносликни ўзида акс эттирган. Фикримизнинг ёрқин мисоли «Бобурнома»дир. Лекин Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий каби муаррихлар асарлари ҳам бадий санъатлар билан зийнатланган, эсте-



тик қадрият даражасига кутарилган эди. Шарафиддин Али Яздий Темур аскарларининг ҳинд жангчиларига қарши мардонавор хатти-ҳаракатини тиниқ ўхшатиш орқали ифодалайди: «Ҳиндустон диловарлари туриб мардоналик кўрсатур эрдилар. Аммо чибиннинг на тоқати бўлғайким, пил қошинда турғай ё кийик шерга муқобала бўлғай».

Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» асарида Султон Боязид хазинасидан олинган ситора — қимматбаҳо ашёлар устига ташланадиган ёпинчиқни бундай тасвирлайди: «Ситора хилма-хил нақшлар билан нақшланган бўлиб, ...сувратлар алвонли буёқлар билан безалганки, улар бекаму кўстлик ва етукликда ўта камолга молик эди. (Улар шундай маҳорат билан ишланганки) гуёки сувратлари ҳаракатга тушиб, сен билан суҳбат қўраётгандек ва қўйи эгилиб турган мевалар эса ўзини теришга сени чорлаётгандек туюлади. У ситора дунё ажойиботларидан бири бўлиб, у ҳақда бошқалардан эшитиш кўз билан кўргандек эмасдир».

Тарих китобларидаги нозик кузатишлар, бадиий тасвирлар, тарихий сиймолар тасвир-тавсифи, фитратларидаги ҳолатлар ифодаси ёзувчи масъулиятини оширди, айна вақтда тарих мавзуйига бўлган қизиқишини кучайтирди.

Сўнгги 10—13 йил ичида «Қуръони карим», тўрт жилдли «Ҳадис», Оллоҳнинг расули Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида турли замон, турли маконларда яратилган асарлар, Рабғузий, Алишер Навоий, Бобурнинг диний асарлари, тазкиралари чоп этилдики, маънавий ҳаётимиздаги катта бўшлиқ тўлдирилди. Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор валий сингари алломаларнинг асарлари нашр этилдики, бу ҳам халқ руҳиятини бойитди. Бадиий адабиётда тарихий шахслар характери кўп, 2002 йилнинг ўзида бешта тарихий асар яратилди. Ўзбек китобхони Саъдулла Сийёевнинг «Яссавийнинг сўнгги сафари», Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат», Ражаббой Рауповнинг «Устун», Олимжон Холдорнинг «Миркомилбой», Қўзи Давлатнинг «Хусумат» романларини ўқиди. Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг ҳозирги кун ҳақидаги «Му-

возанат» романи зур қизиқиш билан қарши олинди. Тарихий мавзудаги янги асарларнинг орасида теша тегмаган ёхуд авваллари қаламга олинмаганлари йўқ ҳисоби.

Аҳмад Яссавий ва Амир Темур — оламшумул сий-молар. Бири ҳақида тўққиз, иккинчиси тўғрисида етти асрдан буён илмий, бадиий асарлар яратилмоқда. Саъдулла Сиёев ва Муҳаммад Али била-қура туриб зиммаларига жиддий масъулиятни олдилар: яссавийшунос-лик, темуршуносликнинг ҳайй ва қаййумлик жўш уриб турган майдонига дадил қадам қўйдилар. Иккинчидан, ҳар икки ёзувчи томирларида оқаётган қонда Яссавию Темурдан ўтган яқинлик бор эдики, ўша руҳни, табиий ҳолатни акс эттиришлари жоиз эди. «Устун», «Миркомилбой», «Хусумат» романларининг қаҳрамонлари янги тарихимизнинг ўзига хос сиймолари. Академик Ҳабиб Абдуллаев XX аср илм-фанининг бақувват устунларидан эди. Олим ерости бойликларининг пайдо бўлиши, таркиблашуви ҳақида шундай кашфиёт яратдики, у инсониятнинг сунмас интеллектуал мулкига айланди. Ҳ. Абдуллаев назарияси бора-бора ижтимоий ҳаётга кириб келиши, фалсафий йўналиш сифатида эътибор қозонишига шубҳа йўқ. Миркомилбой савдо, тижорат соҳасининг билимдони, XIX ва XX аср оралиғида довруқ таратган шахс. Бу инсон тўғрисида кўп ёзилган, қанчадан-қанча гап-сўзлар тарқалган. Халқ орасидаги гапларга синчковлик билан қулоқ тутган, билган-эшитганларини матбуотга олиб чиққан Абдулла Қодирий Миркомилбой ҳақида бевосита қуйидагиларни ёзган эди. *«Калвак махзумдан хат. Тошпўлат тажанг номлиғ ҳаромзодаларнинг куфри баёнида»: «Аммо у гудагим тўққиз ёшида шеър ижод айлаб ағниёни ҳақорат қилибдур, албатта тавба қилса аз жиҳати сағирлиғи мақбул бўлғай».* «Чичора» таҳаллуси билан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 7 июнида босилган мақолага таҳририят қуйидаги изоҳни берган: «Шоир Чўлпон тўққиз ёшида уламоларни ва андижонлик Миркомилбойни зикна ва зolimлигини танқид қилиб газетага шеър ёзган экан. Муаллиф шунга шама қияпти».

Миркомилбой тўғрисида халқ орасида қўшиқ пай-

до булганлиги, ёзувчи Хуршид Дустмуҳаммад 1996 йили Миркомилбой ҳақида «Қазо булган намоз» тарихий ҳикоясини ёзганлиги ҳам маълум.

Ниҳоят, ўтган асрда Қўқон, Бухоро, Хоразм хонлигининг сўнгги ҳукмронлари Худоёрхон, Амир Олимхон, Исфандиёр, Саид Абдулло ва уларнинг авлодаждодлари ҳақида кўп ёзилди. Сўнгги хонлар, хонзодалар тақдирига қизиқиш ҳамон кучли. Ёзувчи Қўзи Давлат «Хусумат» романида Муҳаммад Раҳимхон Феруз фарзандлари Исфандиёр, айниқса, тахтда озгина муддат омонатгина ўтирган Саид Абдулло ва унинг фарзандлари, яқин хешларининг фожиавий тақдирлари ҳақида ёзган. Хуллас, 2002 йили битилган бешта йирик асар тарихий роман, романий тафаккур, ёзувчи ва асосий қаҳрамон фалсафаси хусусида мулоҳаза юритиш имконини берди — ушбу мақоланинг ёзилишига туртки бўлди.

### Романий тафаккур ёхуд ҳамма роман ёзиши шартми?

Роман — миллий адабиёт кўрки, ёзувчи ижодидаги алоҳида воқеа. Лекин ҳеч ким, ҳеч қачон истеъдодли ёзувчи, албатта, роман ёзиши шарт, деган талабни қўймаган. Роман ёзмаган, лекин номи жаҳон адабиётидан ўчмас ўрин олган ёзувчилар кўп. Белоруссиялик машҳур адиб Васил Владимирович Биков (1924) ижоди давомида, асосан, иккинчи жаҳон уруши мавзуида йигирмадан ортиқ қисса ёзди. Адабий ҳаётда байрам булган кичик-кичик қиссаларида улкан-улкан инсоний фожиалар, одам боласи чидаши амри маҳол булган драматик воқеалар акс эттирилган. Муъжаз қиссалар ёзувчи обрўсини осмон қадар кўтарди. В. Биковнинг деярли тенгдоши Чингиз Айтматов ижодини айтмайсизми! Бу буюк ёзувчи ҳали романга қўл урмай туриб, қиссалари билан машҳур бўлди. Унинг «Асрга татигувчи кун», «Қиёмат», «Кассандра тамғаси» романлари 80-йиллардан бошлаб чоп этила бошланди. Романлари билан Ч. Айтматов XX асрнинг буюк мутафаккир ёзувчилари қаторидан ўрин олди.

Ҳозир ўзбек адабиётида асарлари энг кўп ўқиладиган адиб ким? Тоҳир Малик. Бу адиб ҳозиргача 20 дан ортиқ қисса ёзди. Қиссалари таркиби, тузилиши, йўналиши нуқтаи назаридан ҳар хил. Ёзувчи ўз ижоди билан қисса жанри имкониятларини узлуксиз кенгайтириб, кашф этиб бормоқда. «Шайтанат»нинг иккинчи, учинчи китоблари босилгач, биз — танқидчилар шошиб қолдик: уч, тўрт китобли қиссаларга ўрганмаганмиз-да, ўйламай-нетмай «Шайтанат»ни романга чиқариб қўйдик. Хайриятки, ёзувчининг ўзи «Шайтанат» тўрт китобдан иборат қисса эканлигини айтди. Куринадикки, қисса ёзиб ҳам элда азизу машҳур бўлиш мумкин экан.

Бир қанча ҳикоя, унга яқин қисса ёзган Нормурод Норқобилов билан гурунглашиб қолдим.

— Қачон роман ёзасиз?

— Роман ёзишга шошилмаяпман. Руҳимда роман шаклланаётгандай, юки сезилаётгандай бўлаяпти... Курармиз...

Ёзувчи гапларига ишондим, ундан хурсанд бўлдим. Чала-чулпа, сонсиз романлар ёзиб ташлаётганлар озми? Мутахассислар яхши билишади: бир эмас, икки эмас, унга яқин романи бўла туриб унутилиб кетаётганлар талайгина. Тоғай Мурод-чи? У адабиётга бирдан кириб келди. Ёниб ижод қилди.

Аксинча, «Қайтар дунё» романи билан қалбларга нурдай кириб борган Ёқубжон Яқвалхўжаевни, «Туташ оламлар» фантастик-мистик роман-трилогиясини тугатиши билан бу дунёни тарк этган Ҳожиакбар Шайховни ёддан чиқариб бўладими?

Роман тафаккури ҳаётий тажриба, эътиқод, оламу одам ҳақидаги теран ўйларнинг самараси ўлароқ пайдо бўлади, шаклланади. Мавзу, адабий қаҳрамонлар роман тафаккурини аниқ ўзанига йўналтиради. Бунда ёзувчи услуби, табиати акс этади. Табиийки, роман тафаккурининг етилишида истеъдод ҳамда теран мушоҳадакорлик асос. Русча мақолда айтилганидек, тоғнинг сичқон туғиши қанчалик кулгили бўлса, қарқуноқдан булбул чиқиши шунчалик ғалатидир. Бу фикрлар, табиийки, роман тафаккурига тааллуқли. Шўро даврида

яратилган унлаб, юзлаб романларнинг унутилиб кетишига юзаки буюртмалару мафкуравий чақириққа «лаббай», дея жавоб бериш сабабчи бўлди. Бақувват романий тафаккур олам ва одамаро узвий бирликни, инсон табиатидаги мангу туйғуларни теран англагач пайдо булади. Ниҳоят, роман тафаккурнинг тез шаклланишида кучли муҳаббат ёхуд ғазабнинг ҳиссаси катта.

«Яссавийнинг сўнгги сафари» романида «махфий пайгамбарларга, илҳом авлиёларга, фаросат сўфий-дарвишларга берилиши» айтилади. Саъдулла Сиёев романи тафаккури «илҳом авлиёларга берилади», деган асосдан униб-ўсгандек. Аҳмад Яссавий фаолияти ва ижоди, мисоли эт билан тирноқ. Улуғ авлиё фаолиятга шунчалик берилиб, уни илҳом дея, жушиб ижод қилганки, буни фаолият самараси, дея билиш жоиз. Аҳмад Яссавий ҳеч бир юмушга (ҳатто қошиқ йўнишга) шунчаки ёндашмайди. У рақиблари билан шундай баҳсга киришадикки, ўз-ўзидан мустаҳкам мантик, ишонч билан айтилган сўзлар уни жуштиради.

Муҳаммад Али Амир Темур образига анча илгари мурожаат қилган ёхуд Темур ҳақидаги роман тарҳи ёзувчи руҳида илгаридан туғилган, ривожлана бошлаган эди. Табиатан Муҳаммад Али синчков, тартибни ёқтирадиган, етти ўлчаб бир кесадиғанлар тоифасидан. «Улуғ салтанат» романида ёзувчи Темур ҳаётининг қисқагина, лекин зиддиятлар бисёр даврини танлаб олди. Улуғ Темур салтанатининг асосий устунларини аниқ айтганда, Темурнинг катта ўғли Жаҳонгирнинг юлдуздек бир чақнашини, яшиндек нур таратишини кўрсатмоқчи бўлган. Асарнинг ёзилишида Жаҳонгир Мирзога тааллуқли гаплар бир оз чўзилиб, ҳароратини йўқотиб қўйгандек сезилади. «Улуғ салтанат»да одамларнинг хос муносабатлари, хатти-ҳаракатлари Сароймулкхоним, Хонзода бегим, Оққиз сингари образларда намоён бўлади. Муҳаммад Али роман ёзишга чоғланар экан, Амир Темур пойтахтининг жаннатмонанд боғ-роғларга, муҳташам биноларга, равон йўлларга, пишиқ кўприкларга эга бўла борганлигини тасвирлашни кўнглига туғиб қўйган. Бир сўз билан айтганда, «Улуғ салтанат»да Те-

мур давлатининг асосларини ёритиб беришни мақсад қилган.

«Миркомилбой», «Устун», «Хусумат» романларида асосли романий тафаккур кўзга ташланмайди. Санъаткор ўз руҳидаги кўтаринки ҳолатлар маъно-моҳиятини англаб етганидагина роман предмети ёхуд аниқ гоё, тафаккур намоён бўлади. Ўтмишда улуғ боболаримиз, момоларимиз яратган интеллектуал, руҳоний-маънавий қадриятлар ўз қимматини йўқотгани йўқ. Аммо бадиий асарда, хусусан, романда масалани умумий тарзда, руҳий ҳолат сифатида қўйиб бўлмайди. Афсуски, ажодлар ҳақида яратилаётган кўпчилик асарларда умумий гаплар, гурур, мақтаниш каби ҳолатлар етакчилик қилиб қолмоқда. Ҳозир замон тadbиркорники, ишбилармонники. Ўтмишда Миркомилбойга ўхшаган бой-бадавлат, тижоратда донг таратган миллатдошларимиз кўп бўлган. Шўро давлати сиёсати бойлар, тadbиркорлар ҳақида ёзишни маъқулламас эди. Лекин шўро замонидаёқ «Қутлуғ қон» (Ойбек), «Жаннат қидирганлар» (Шухрат) романларида тижорат кишиларининг моҳияти ишонарли ёритилган эди. Саидакбар ҳожи савдо-тижорат ишининг шавқ-завқи ҳақида оғзидан бол томиб гапиради: «... савдо ҳаётнинг жон озиғи. Бу ўзи зўр санъат. Ундан кейин гашти ҳам бор! Савдо юришиб турса, бу ёғи мойланган гумбур аравадек силлиқ кетаверади. Кўрибсизки, пичоқ ҳам мой, чўмич ҳам!» Мирзакаримбой, Саидакбар ҳожи характери моҳияти, ўйлаб кўрилса, романий тафаккури шаклланаётган пайтдаёқ намоён бўла бошлаган. Демокчимизки, ёзувчи руҳида шаклланаётган романий тафаккур нур мисоли ҳам ҳодисаларни, ҳам характерларни, ҳам зиддиятларни, ҳам ёзилажак асар таркиб-тартибини ёрита бошлайди, умумий оҳангни белгилайди.

Олимжон Холдорнинг «Миркомилбой» асарида ҳамма нарса бор, аммо романий тафаккур йўқ. Шу нарса асар моҳияти, асосини йўққа чиқарган. «Миркомилбой»даги асосий қаҳрамон пулни унгу терсига қарамай сочувчи Ҳотами Тойга айланиб қолган. Мантиқсизликнинг энг баланд чўққиси шундаки, Миркомилбой ўз хизматкори уйланганини билиб, Москвада

жойдан — сургун манзилидан минг азобларни енгиб, келин саломга етиб келади. Келинга катта кўрмана бериб, ёшларга бахт тилагач, қиёфасини узгартириб зудлик билан яна сургун жойи — Москва атрофидаги қишлоққа жўнаб кетади. Олимжон Холдор Миркомилбойнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари мантиқини ҳам бузиб юборган. Тўғри, Миркомилбой пандавоқи, собиқ ўғрибачча Бидилинни бир пулга олмаслиги тайин. Лекин ўша бачкана, чилласи чироқ кўрмаган Бидилин даҳшатли мустамлака бошқарувининг вакили. Шундай экан, Миркомилбойдек ақли расо одам эгасининг ҳурмати туфайли лайчасига суяк ташлаши — Бидилин билан ўйнашмаслиги лозим эди. Романда Миркомилбойнинг Бидилин билан олишиши, уни масхара қилиши бачканаликдан ўзга нарса эмас.

Ражаббой Рауповнинг «Устун» романи, гарчи Ҳабиб Абдуллаевни бош қаҳрамон қилиб танлаган булса-да, озгинагина ададда чоп этилди: унинг ёзилганини биров билиб, биров билмай қолди. Қолаверса, «Устун» Ҳабиб Абдуллаевни яқиндан билган кишилар — геологлар, шогирдлар, ҳамюртлар хотирасига ураб чирмаб чоп этилди. Сўнгги йиллари ижтимоий буюртма билангина эмас, ҳамжамоа, угил-қиз, қариндош-уруғ буюртмаси билан асар ёзиш урфга кирмоқда. Ўйлаб кўрилса, бундай йуриқнинг ёмон томони йўқ. Дейлик, Ҳабиб Абдуллаев ҳамкасблари, шогирдлари улуг олим ҳақида роман ёзилишини истаганлари, бу юмушга бошқош булганликлари таҳсинга сазовор. Лекин ҳамма гап шундаки, асар ёзадиган одамда романий тафаккур, қаҳрамон руҳи, онгига яқин келадиган қарашлар пайдо бўлдики ёки йўқми? Ҳабиб Абдуллаев ҳақида роман ёзишга чоғланган одам камида Т. Долимов, Т. Шоёқубов, М. Аҳмедов даражасида ўша инсон руҳини, фанга олиб кирган кашфиёти моҳиятини англаб етиши лозим эди. Инсоният, масалан, Исаак Нютон, Альберт Эйнштейн, Иля Пригожин сингари олимларнинг тортилиш, нисбийлик, термодинамика соҳасида кашфиёт яратганларини, фандаги бу ютуқлар фалсафий янгилик сифатида ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётганлигини англайди. «Устун» романида эса, Ҳабиб Аб-

Абдуллаев асарлари номи гоҳо тилга олинади, уларнинг маъно-моҳиятига кириш ёзувчининг хаёлига келмайди. Ваҳоланки, Ҳабиб Абдуллаевнинг характерини, унинг узагини илмий асарлари маъно-моҳиятисиз англаш мумкин эмас. Геолог-файласуф Ҳабиб Абдуллаев, оддий одамлардан фарқ қилиб замон, макон хусусида кенг миқёсда фикр юритганини, табиат ва инсонро боғлиқликни жуда теран англаганини ҳис этиш мумкин. Яна, Ҳабиб Абдуллаев кашфиёти Н. Вавилов, И. Пригожин, Н. Вингер сингари олимлар кашфиётлари билан яқин фурсатда амалга ошди. Уша пайтлари ҳақиқий фандаги тараққиёт билан сохта, сиёсий-маъмурий қарашлараро кураш давом этаётган эди...

Танқидчиликда ёзилмаган бир қонун бор: асарда ёзилмаган нарсалар ҳақида фикр юритиш тўғри эмас. Лекин Р. Раупов вақти-соати билан шу мавзуга яна қайтиб қолиши мумкин, деган умидда баъзи мулоҳазаларни айтишни лозим топдик. «Устун» романида миллатпарварлик, одамохунлик, онага, оилага, дўстларга садоқат Абдуллаев образида кўрсатилган. Бош қаҳрамон партиянинг чизган чизигидан чиқмайдиган, амал — обрў учун муқаддас туйғуларни арзимас пулга сотиб юборадиган майда каслар билан кўп тўқнашади. Лекин бу воқеалар, афсуски, характер моҳиятини ёритишга ожизлик қилади. Таъбир жоиз бўлса, устун бор-у, аммо у нимани суяб тургани сезилмайди...

Қўзи Давлатнинг «Хусумат» асари моҳиятига кўра жожеий-саргузашт роман. У журналист текшируви, чигал ҳаётий материал моҳиятини ёритиб бериш асосига қурилган. Хоразмнинг сўнги, биров билмаган хони Саид Абдулло, унинг фарзандлари, яқин қариндошларининг шўро сиёсати қурбонига айланганликлари кўрсатилади. Бир қарасангиз, муаллиф сўнги хон фарзанди — мункиллаб қолган Абдурасул туранинг Хоразмга келиши, киндик қони тўкилган ерни тавоф қилишини тасвирлагандек туюлади. Иккинчидан, воқеалар мароми шундайки, шўро ҳукумати ўзига душман бўлган кишиларни (синфни, авлодларни) аёвсиз эзган, хорлаган, хўрлаган, деган фикр келиб чиқади. Учунчидан, кишида хоразмлик хону хонзодаларга нис-



батан ҳам ачиниш туйғуси пайдо бўлади. XX асрга қадам қўйган хонзодалар шахс сифатида шаклланганликлари, лекин ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини зинҳор ҳимоя қила олмаганликлари кишини уйга толдиради. Хон ва хонзодалар подадай ҳайдаб Москвага, ундан Украинага келтириладилар. Қамоқхона мосуво қилади: улар ўлиб қолмаслик учун уринадилар, таҳқиру хўрликларга чидайдилар. Роман муаллифи характерларни таҳлил-тадқиқ этиш, сюжетни изчил ривожлантириш йўлидан бормайди. Асарда 1920 йилдан 1990 йилларгача бўлган воқеалар қаҳрамонлар биографиясига боғлиқ ҳолда ривожлантирилади. «Хусумат» романи китобхон қалбида алам, зўравонликка нафрат туйғусини кучайтиради. Хуллас, Қўзи Давлат ўз романи билан жанрга хос теранликни, характерлар таҳлилини, инсонга хос зарур масалаларни ёритиб беролмаган.

### Роман фалсафаси

Услуб — ёзувчининг адабиётдаги бетақдор қиёфаси, ўзлиги. Услуб — ёзувчи фалсафаси инъикоси. Санъаткор фалсафаси бус-бутун, теран намоён бўладиган жанр эса, роман. Бошқача айтганда, роман — ёзувчининг олам ва одам, замон ва макон ҳақидаги фалсафаси, ижодкор борлигида роса етилган тафаккур, дунёни англаш концепцияси курсаткичи. Роман — ёзувчининг руҳий-маънавий-интеллектуал даражаси ифодаси. Тарихий романларда ёзувчи фалсафаси, романий тафаккурнинг акс этиши мураккаброқ кечади. Аниқроғи, бош қаҳрамон — асосий характерлар фалсафаси ёзувчи концепцияси, тафаккури билан узвий бирликда, боғлиқликда ўз ифодасини топади. «Яссавийнинг сўнгги сафари» романининг қаҳрамони Аҳмад Яссавий мутасаввуф аллома — тариқатга асос солган. Айни вақтда, ижодкор сиймо. Романни ўқиган китобхон зинҳор: «Яссавий қарашлари қандай эди?», «Бош қаҳрамон характери юзаки тасвирланибди», «Романда асосий қаҳрамон фалсафаси ва ижодий-амалий фаолияти аро сохталик, номутаносиблик пайдо бўлибди», — демайди. Аксинча, унда ҳам эстетик, ҳам фикрий-манتيқий

қониқиш пайдо бўлади. Саъдулла Сиёев нафақат бош характер, балки Ҳаким ота, Бобо Мочин, Абдухолиқ Гиждувоний сингари характерларни тула намоён эта олган. Романдаги энг муҳим, драматик характерлардан бири — муриди содиқ, айна вақтда Қутбиддиндир. Бу характер Аҳмад Яссавий тариқати қудратини тўлалигича намоён этган. Қутбиддин Султон Маҳмуднинг ёлғиз ўгли, эртами-индинми, тахтни эгаллайдиган одам. Бу қахрамон икки йўл орасида турибди: қалбан, руҳан у пири муршидга яқин — зикр тушганда бутун борлиқни унутди, шавқ-завқ, жўшқинлик билан тариқат моҳиятини туяди, бемисл ҳузур-ҳаловат олади. Подшо якка-ёлғиз ўглини саройга қайтариш, дунё лаззатларига ошно қилиш чора-тадбирларини кўради. Қутбиддин нозик-ниҳол ёрини никоҳ тушагида бокиралигича қолдириб, пири изидан кетади. Мана шу ўринда ёзувчи фалсафаси уч кўрсатади.

Китобхон Қутбиддиннинг саройга қайтишини, адолатли подшо бўлиб, эл-юрт ҳурматини қозонишини истади. Лекин мантиқ Қутбиддиннинг Яссавий изидан кетишини тақозо этади. Ёзувчи шу мантиққа зид боролмайди. Аммо Қутбиддиннинг тирикчилик ўтказиш учун йўниқчилик қилаётганини, уззу-кун 5—6 та қошиқ йўнганини кузатган китобхон ҳаёлидан яна гап утади: «Саройга қайтсанг, отанг бошлаган ишни ҳалоллик билан давом эттирсанг бўлмасмиди?» Шу фикрда ёзувчи позицияси ҳам сезилади. Аммо у ўз қарашини зўрлаб ўтказмайди: китобхонга вазиятни баҳолаш имконини беради.

Аҳмад Яссавийнинг фалсафий қарашлари, мустаҳкам эътиқоди очиқ баҳсларда, мантиқий жангу жадалларда намоён бўлади. Шаҳобиддин Хожа, Ашрафхон қози, Аъмоқ Марвазий сингарилар Аҳмад Яссавий пайини қирқишга, уни эл аро шарманда қилишга ҳамиша шай турадилар. Аҳмад Яссавий кучли илми, мустаҳкам иродаси, букилмас эътиқоди билан ҳамиша рақибларидан устун келади. У ўз қарашларини тасдиқлаш йўлида тинимсиз ҳаракат қилади: тасаввуфий фалсафасини ривожлантириб боради. Хўш, романда ёзувчи концепцияси, фалсафаси қандай акс этган? Аҳмад

Яссавий ҳар қанча мутасаввуф бўлмасин, табиат фарзанди, онадан туғилган Яссавий боқий дунёни фоний дунёдан аъло кўради. Аммо у ўжар, ўйловсиз, кўр-кўрона иш тутадиганлардан эмас.

Шайх аввалига ўғли Иброҳимни ўзи билан муқаддас ҳаж сафарига олиб кетмоқчи бўлади. Аммо «завжалик хизмати беминнат адо этган» аёлининг мантиқли мулоҳазаларидан кейин нафақат ўз ўғлини, балки муриди Абдурауфни ҳам ҳаж сафаридан қолдиради. Аҳмад Яссавий бу дунё деб, у дунёни арзимас ҳавасларга алмаштирадиганлардан эмас. Лекин романда Аҳмад Яссавийнинг Туркистон, Исфижоб, Ийқонга фарзандли меҳри тасвирланган ўринларда ёзувчи қарши кўзга ярқ этиб ташланади. Романда зардўштилик динига эътиқод қилувчи Каффор қарлуқ, Кашмирий девона образлари берилган. Қанчадан-қанча кишилар бу инсонларнинг эътиқодлари учун хўрлайдилар, хорлайдилар. Аммо ислом устунларидан бўлган Яссавий ўзга диндаги бу инсонларга шафқат кўрсатади.

Бу ўринда ҳам ёзувчи фалсафаси, инсонпарварлик тушунчаси аниқ намоён бўлади. Асар хотимасида ёзувчи фалсафаси маҳорат билан ифода топган. Шайх ўз муридлари билан Марвни тарк этиш арафасидалигида вабо офати пайдо бўлади. Қалтис вазиятда Шайх худодан мадад кутиш, дуою зикрга зўр бериш йўлини танламайди. У ақлли, тadbирли инсон сифатида курашга киришади. Эътибор беринг, нозик вазиятда Шайх ул-машойих дунёвий инсон сифатида масжидларда намоз ўқиш, ибодат қилишга қарши чиқади. Муҳими шундаки, мана шу фидойилиги, одампарварлиги туфайли у ажр — буюк савобга дохил бўлди: «Икки кундан кейин Шайх ул-машойих субҳи содиқда сергак тортиб уйғонди. Тепасида Хизр бобоси турарди.

— Аё Аҳмад! Биродарим Жаброил мужда келтиради. Мискинларни балодин қутқариб, ажр савобини олдинг. Байъатинг қабул бўлди. Энди Туркистонга қайт. Туркистонда сени Оллоҳнинг савоби кутади...» — шундай нурли хотимада ёзувчи фалсафаси кўзга ярқ этиб ташланади, борлигингизни қамраб олади.

Хуллас, роман — фикр-мулоҳазалар, фалсафий-сиё-

сий, ижтимоий-маънавий баҳс, мушоҳадаларни жонли характерларда ифода этувчи жанр. Бу жанр китобхонни уйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди, руҳий-маънавий жиҳатдан бойитади.

### Замонавий роман имкониятлари

Кузатганмисиз, сувратга тушган одам расмига бот-бот қарайверади, узини ўзи энди кўраётгандай, нималарнидир англаётгандай бўлаверади. Муҳрланган — ортда қолган вақтга боқишнинг синоати, ички бир маъноси бор. Ҳозирги кун, ёнверимиздаги одамлар ҳақида ёзилган жонли асарни ўқиш, ўқиш, у ҳақда фикрлашиш, баҳслашиш — мароқли юмуш. Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романининг «Жаҳон адабиёти»да чоп этилганига унча кўп булгани йўқ. Лекин роман кўлдан-кўлга ўта бошлади, тилдан-тилга кўчди, диллардан жой олиб, акс-садо бера бошлади. Асар ҳақида ҳозиргача билдирилган фикрларни (мақола, тақриз, муносабат, қутлов, мулоҳаза, баҳс, таҳлил, талқинларни) алоҳида китоб қилса бўлади. «Мувозанат» ёшларнинг эътиборини тортганлиги, қизгин баҳсларга сабаб бўлаётганлиги ила диққатга сазовор. «Шайтанат»дан сунг бундай ўқишли асар яратилмаган экан-да...

«Мувозанат» нимаси билан тилга тушди, баҳсларга сабаб бўлди? Уни бадиий баркамоллиги улуғлади десак, матбуотда асардаги жўн жумлалар, сюжет, композициядаги баланд-пастликлар қайд этилди. Асарни замон фалсафаси, руҳий-маънавий қарашлар жамулжами десак ҳам тўғри бўлмайди. Эҳтимол, «Мувозанат» қайси йулдан боришимиз зарурлигини бадиий жиҳатдан исботлаб бергандир?!

Улуғбек Ҳамдам романи ҳозирги ўзбекнинг уйлари, изланишлари, руҳий-маънавий изтироблари ҳақидаги асардир. «Мувозанат»нинг ютуғи шундаки, унда жонли, тирик, изланувчи, хомсут эмган бандалар тимсоли тиниқ тасвирланган. «Мувозанат»да яхлитлик, бирбутунлик руҳи бор. Ёдингиздами, уч ўртоқ — Юсуф, Саид, Миразим тўқликка шўхлик қилишади. Кўчага чиқиб олиб қизларга гап отишади, ўтган-кетганга те-

гажоқлик қилишади, муштлашишади, тўдага тушиб қолиб, роса қалтак ейишади. Ўйиндан ўқ чиқишига бир баҳя қолганда, уч ўртоқнинг тақдири хавfli чиқиққа ўтиб қолаётганида ўртага Юсуф билан муштлашган рус йигити тушади: ҳеч ким айбдор эмаслигини жон-жаҳди билан исботлайди, ҳозиргина ўзи билан муштлашган ўзбекни балодан қутқариб қолади.

Яна бир мисол. Мирзакарим, Саид ўз йулини топиб олган, улар қийинчилик нималигини билмайдилар. Уларнинг хотинлари бугунги бойвуччалар: булар билан унча-бунча одам гаплаша олмайди. Лекин бойвучча Зуҳра камбағал Юсуф билан талабалик йилларини, донишманд Талъат ака маърузаларини нурли тушда эслайди. Юсуф билан Амирнинг ҳаётга қараши, муносабати бошқа-бошқа, лекин улар ака-ука: бирининг дарди иккинчисининг армонига айланади. Хуллас, роман қаҳрамонлари бир замон, бир муҳитнинг одамлари. Улар учун бойлик, камбағаллик ҳаёт-мамонт масаласи эмас. Асар қаҳрамонлари ҳозирги ҳаёт, нотекикликлар, ҳалолу ҳаром, инсофу ноинсофлик ҳақида дилдан мулоҳаза юритадилар. «Мувозанат» ўзининг руҳи билан кўпчиликнинг бошини қовуштирди. Тўғри, айрим эрудитлар мувозанат фалсафаси ҳақидаги қарашни инкор этдилар, романнинг таъсир доираси тор эканлигини билдирдилар. Лекин «Мувозанат» бугунги кишиларнинг ўйлари, қарашлари сифатида эътибор топти. Романдаги Юсуф, Амир, Одил ака, Саид, Заҳро, Манзуранинг ўз қарашлари, ҳаётий муносабатлари мавжуд. Тўғри, улар ишонган қарашларни эртанги кун рад этиши мумкин. Лекин муҳими шундаки, улар бугун ўйлаяптилар. «Мувозанат» романида қаҳрамонлар ўйлари, тушунчалари, ҳаётга қарашлари билан тезоқар вақтаро баҳс бўлаётганлиги очиқ-ойдин сезилади. Заҳро бугун ҳаётдан лаззат олишни, Манзура эри устидан ҳукмронлик қилишни мақсад деб билди ва улар хато йўлда эканликларини сезиб қолдилар. Юсуфнинг хотини ҳам енгилтаклиги учун жазоланганини сезади. Асарда қаҳрамонлараро азалий муаммолар бўйича баҳс бўлади. Ўйлаб кўрилса, Амир кўп масалада ҳақ. Лекин у зинҳор замон билан келишиш-

ни хаёлига келтирмайди. Одил ака ақлли, хушёр одам. Аммо ҳаёт уни келишувчан, замонасоз қилиб қўйган. Амирнинг таваккалчилиги, эътиқоди йўлида тоймаслиги қаршиликларга дуч кела бошлайди. Шундай хулоса пайдо бўладики, амирлар аввал ҳам бўлган, жамиятдан ажратиб, четга суриб ташланган. Жиннихонадаги аҳвол, соппа-соғ «жинни»лар тақдири кўп нарсани уйлашга ундайди. Амир тутган йўл: «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ», деган мақол бекорга пайдо бўлмаганини уқтиради.

«Мувозанат» романи миллий ўзлигимизда ўзгартирилиши лозим бўлган кўп нарсалар борлигини кўрсатади. Юсуф, масалан, кўпинча тўғри йўлни топиб олади. Лекин ўша йўлни изчил давом эттиришда иродасизлик, келишувчиликдан кўра теранроқ алланима борлиги сезилиб қолади. Юсуфни Амир ёзган шеърлар ҳамиша сергаклантиради, ўғлининг ўлимига сабаб бўлган воқеа-ҳодисалар қалбини ўртади. Лекин сергаклик, қалбнинг ўртаниши шахснинг қайта шаклланиши, янги йўлни узил-кесил танлади, дегани эмас. Юсуф характеридаги камчиликлар, афсуски, кўпчилик миллатдошларимизда кўринади.

«Мувозанат» романи анъанавий йўсинда ёзилган. Лекин ўйлаб кўрилса, унда модерн романининг кўп хусусиятлари кўзга ташланади. Биринчидан, Юсуф — бош қаҳрамон қарашлари зинҳор ёзувчи концепциясини акс эттирмайди. Романда ўта нозик ҳаракат қиладиган ровий образи кўзга элас-элас ташланади. У воқеа-ҳодисаларни зимдан бошқаради, қаҳрамонларнинг ўзларини эмин-эркин намоён этишларини таъминлайди. Модерн романларда ёзувчи концепцияси — воқеа-ҳодиса, қаҳрамонлар фаолияти замирида англашилади. «Мувозанат»да ёзувчи фалсафаси ва бош қаҳрамон функцияси бир нуқтага туташганки, роман ҳақидаги баҳслар, танқидий қарашлар шу ўринга келиб тақалмоқда. Юсуф мувозанат фалсафаси ҳақида шундай мулоҳаза юритадики, гўё ёзувчи шу қарашни қувватлаётгандек туюлади. Ваҳоланки, ёзувчи концепцияси Юсуф, Амир, Саид, қишлоқдаги ишсиз йигитлар қарашларида ифодаланган. Янада аниқроғи,

ёзувчи концепцияси ўсишда, ўзгаришда, ҳаракатда эканлиги билан қимматли.

Бош қаҳрамон характери, унга юкланган ғоявий вазифа — романнинг ўқ илдизи. «Мувозанат»да бош қаҳрамон шаҳардаги ижара уйидан, оиласидан, иш жойидан ажралади, руҳий танҳолик азобини ҳис этди. У саёқ, бетайин одам билан ҳамхона бўлади; моғорлаб, сувараклар инига айланиб қолган буханка-нонни ютоқиб чайнайди; мардикор бозорига чиқади. Романдаги бундай тасвирлар китобхонга қаттиқ таъсир этади, у ўзини Юсуфдек ҳис қила бошлайди. Яна савол туғилади: Юсуф қаршисида биронта нажот йўли қолмаганмиди, наҳотки, у шунчалар тубанлашса?! Ақлли одамлар энг чигал вазиятларда ҳам йўл излайдилар, иродаларини бир нуқтага жамлайдилар. Қолаверса, муроса-мадора деган гаплар бор. Юсуфнинг мана шундай ҳолати ёзувчи концепцияси нуқтаи назаридан қандай баҳоланапти? Тўғри, бадиий асар ҳолат, вазиятни тасвирлайди, ечимини бериши шарт эмас. Аммо қаҳрамон тақдирига муносабат билдирилиши керак-ку! Юсуф, қутилмаганда, муроса-мадора йўлига бурилди, аниқроғи, яшаш тарзи, ҳалолликка зид иш қила бошлади. Мана шу нуқтада муҳим бир ҳақиқат юз кўрсатади: Юсуф тоифасидаги одамлар сохта муносабатлар гирдобида яшай олмайдилар.

Романда китобхонни тўлқинлантириб юборадиган, маҳорат билан яратилган ҳолат, вазиятлар бор. Масалан, кичкинагина болакай — Абдулланинг ўлими одамни ларзага солади: Юсуф, Ойгул, ота-оналар, мунофиқ врачлар борлиги «ярқ» этиб кўринади. Амирнинг дард-ҳасратлари унинг шеърларида шундай акс этганки, ҳали танқидчилик қаҳрамон қалби ва шеърдаги ҳасрат ифодаларини ёритгани йўқ.

«Мувозанат»да жуда теран умуминсоний масалалар ҳам юксак мақомда тасвирланган. Дунёда гуноҳ, савоб деган тушунчалар бор. Гуноҳ ҳам, савоб ҳам инсонга қайтади. Амирга жисмоний азоб берган бетавфиқ чупон, унинг ўғиллари жазоларини оладилар. Улар ҳамма нарсани билиб, кўриб турувчи Оллоҳнинг ғазабига учрайдилар.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи ҳозирги куннинг энг ўқишли, қизиқарли асаридир. Лекин бу роман гарчи жонли, ички зиддиятларга бой бўлса-да, ёзувчи ижодининг бош китоби эмас, деган ишонч бор. Бадий асар, хусусан, роман, назаримиз-да, замонавий, миллий, умуминсоний бўлади. «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Кутлуғ қон» миллий роман сифатида яшайпти, яшайди. «Шоҳ Эдип», «Кассандра тамғаси», «Кичик шаҳзода», «Дон Кихот», «Жиноят ва жазо» умуминсоний асарлар сифатида яшайпти, бундан кейин ҳам яшайверади.

Улуғбек Ҳамдам, шубҳасиз, умуминсоний қадриятлар қаторида турадиган асар яратишига ишонамиз.

Ўзбек романи XXI асрга дадил қадам билан кириб келди. У жаҳон романчилигида ўз ўрни, қиёфаси, ёрқин санъаткорлари билан бўй кўрсатишини умид қиламиз. Роман халқнинг руҳий-маънавий изланиш, изтиробларини бетакрор усул, услубларда кўрсатиб берувчи имконияти кенг, ҳамиша тирик жанрдир.

### СОХТА МЕТОД ГИРДОБИ

Собиқ шўро адабиётшунослигида энг кўп қўлланган, олиму мунаққидлар тилидан тушмаган, аммо дилига жо бўлмаган, моҳияти зинҳор ярқ этиб очилмаган масала қайси эди? Адабиётга елдек бостириб кирган, бирпасда ҳам ўтмиш, ҳам келажак санъатига ҳукмини ўтказмоқчи бўлган, социалистик мамлакатлар адабиёти тугул жаҳон халқлари санъатига ҳукмронликни даъво қилган метод қайси эди? Ниҳоят, умри илон чақишидек қисқа, аммо заҳри қотили миллион-миллион онглари фалаж қилаёзган назария қайси эди? Барча саволларнинг жавоби битта: соцреализм.

Ўзбек адабиётшунослигида соцреализм ҳақида ёзиш, уни татбиқ этиш авжланаётган пайтда баъзи дадил, ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган ёшлар соцреализмга кафан бича бошлагандилар. Бу синчков ёшлар санъат табиатида катта ҳақиқатни тарғиб қилиш хусусияти мавжудлигини, ҳар хил сохта доктриналарни ҳақиқат сифатида илоҳийлаштиравериш гирт зарар эканлиги-



ни дилларидан ҳис этдилар. Аввалига чўчиб, секингина айтилган ҳақиқат бора-бора баралла янграй бошлади. Асримизнинг 80-йилига келиб, соцреализм аксарият адабиётларда назарий-ғоявий ўлик матоҳга айланган, санъатшуносу адабиётшунослар ундан қўлларини ювиб қўлтиққа уриб бўлган эдилар. Афсуски, баъзи адабиётшуносларимиз ҳамон соцреализмга ҳурмат-этибор билан қарамоқдалар, унга садоқат кўрсатмоқдалар. Бироқ соцреализмга хайрихоҳлик билдириб ёзилаётган мақола, айтилаётган мулоҳазаларда кишини ишонтирадиган асос кўринмайди. Соцреализмга доир қарашларини Озод Шарафиддинов содда, равон ифода қилгани менга ниҳоятда ёқди: «Соцреализм ҳақида кўплаб китоблар ўқидим. Лекин, барибир, пировардида унинг моҳиятини ҳеч тушуна олмадим... Янги метод жаҳон эстетикаси тараққиётида янги саҳифа очиши керак. Хўш, соцреализм бадиият борасида қандай каромат кўрсатди? Бу саволга жавоб йўқ эди!» («Инсон йул излайди», суҳбат-мақола. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1996 йил, 26 апрель).

Соцреализм «инсоннинг ўзини англаш, ўзлигини топиш йўлидагина зина» бўла олмаслиги профессор Акрам Каттабековнинг «Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин» («Тафаккур» журнали, 1996 йил, 1-сон) мақоласида ҳам исботланган: «Соцреализм методининг «ҳаётни инқилобий тараққиётда кўрсатиш», жамият тарихини «синфий кучлар кураши тарзида акс эттириш» каби талаблари ижобий қаҳрамон ёнида, албатта, бирон салбий шахс бўлиши ва улар кўчқорлардек олишишини шарт қилиб қўяр эди».

Соцреализм қаҳрамон тимсолини яратишда бўлмасин, ҳаётни тасвирлашда бўлмасин, инсоният тарихини акс эттиришда бўлмасин ўз йўриқларига риоя қилди. Бу йўриқ Маркс асарларининг бузуқ талқинларидан, Лениннинг тарихий шароитни назарда тутиб тўқиган ғояларидан, ниҳоят, давлат тепасида турган кишиларнинг бошқарув усулларига мосланган қарашлардан иборат эди. Соцреализм методидаги «ҳаётни ҳаққоний акс эттириш» ибораси сиёсатчиларнинг ихтироси эди, холос. Аммо сиқувнинг зўрлигидан файла-

суфу назариётчилар, ёзувчи-ю адабиётшунослар соцреализмга илмийлик либосини кийдирдилар, унга салобат, вазминлик руҳини сингдирдилар.

Соцреализмнинг асоси — «ҳаётни инқилобий тараққиётда кўрсатиш» масаласига бир назар ташлайлик. Профессор Озод Шарафиддинов юқорида эслатилган мақоласида: «Айтадиларки, соцреализм воқеликни революцион тараққиётда кўрсатади. Бу нима дегани?» — дея асосли савол қўяди-да, — катта назариётчилар, жумладан, Луначарский буни шундай тушунтиради: «Ҳаётда камчиликлар борлиги аниқ, уларни қаламга олиш ҳаққоний бўлиши мумкин. Лекин камчиликлар, нуқсонлар ўткинчи, улар бугун бор, эртага йўқ. Сен ҳаётни келгуси кун юзасидан ёритишинг лозим. Шу тариқа ҳаётнинг яхши томонларига диққат қилиниб, салбийларидан кўз юмилган», — деган хулосага келади. Ҳаққоний хулоса. Ҳаётнинг ижобий ва салбий томонлари масаласини қўя турайлик-да, «сен ҳаётни келгуси кун юзасидан ёритишинг лозим», — деган фикрга диққатни қаратайлик. Соцреализм ҳаётдаги янгилик куртакларига эътибор беришни ўқтирган. М. Горький совет ёзувчиси ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунни англаб етиб, келажак ҳақида ёзади, деб таъкидлаган. Келажакка шошилиш, истиқболга маҳлиё бўлиш — футуризмдир, Италия, Россия сингари юртларда авжланган фалсафий оқимдир. Маяковский — футурист. Хлебников — футурист... 20-йиллар ёшлари — келажак шайдолари, янгилик тарафдорлари... Пролеткультчилар орасида футуристлар, конструктивистлар кўп эди. Келажакка интилиб, келажакдан завқланиб, кечаги ўтмишдан йироқлашиб, ундан бегоналашиб яшаш бор эди, маъқулланар эди. «Бу дунёда туғилмоқ, яшамоқ, ўлмоқ — янгилик эмас», — дегани учун Есенинни, унинг руҳини қанча бесаранжом қилдилар. Янги ҳаётда яшамоқ, меҳнат қилмоқ, келажакка интилмоқ — бебаҳо бахт, дея бонг уришди. Хулоса шуки, футуризм замон тақозоси, инқилобий ёшлар кайфияти сифатида соцреализм руҳига кириб қолди. Лекин у соцреализмнинг асоси, моҳияти эмас эди. Соцреализмнинг асоси, моҳияти марксча-ленинча диалектик материализмдан келиб чиқади.

Маркс, Энгельс идеалистик фалсафани, уни инкор этдилар. Илоҳиятга боғланадиган фалсафага қарши бориб, уни йўққа чиқариб, уз назарияларини яратдилар. Олмониядан чиққан доҳийлар диннинг халқ учун афъюн эканлигини юз карра, минг карра турли алфозда таъкидладилар. Дин тарихи, Шарқда булмасин, Ғарбда булмасин, маърифат, маънавият, ҳақиқат тарихи билан узвий боғлиқ. Динни инкор этиш инсоният яратган маънавий-маърифий бойликларни бир йўла йўққа чиқармоқдир. Ботиний, руҳоний оламнинг уз тартибот, ажойибот ўлчовлари, саволу жавоблари, баҳсу мунозаралари, мингларча ёрқин сиймолари бор. Куз билангина эмас, қалб билан кўриш, англаш назариялари илоҳият оламида исботланган...

Маркс ва Энгельс инсондаги маънавий-руҳоний асосни инкор этгач, маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг аҳамиятини назарий асослай бошладилар. «1844 йилнинг иқтисодий-фалсафий қўлёзмалари» аса-рида К. Маркс меҳнат гўзаллик манбаи эканлигини уқтирди. Кейинчалик марксизмнинг улкан назарияси — гўзалликнинг ижтимоий концепцияси ҳар томонлама ривожлантирила бошланди. «Гўзаллик — ишлайиш. Гўзаллик — унган иш...» Қишни қиш, ботқоқни ботқоқ, тунни тун демай меҳнат қилавериб мажруҳ булиб қолган Павел Корчагин идеаллаштирилди. Айни саратонда, кун нақ тикка келганда ҳам тинмай ишлайверган Йулчибой, Ғофир, Дунанбой... сингарилар мадҳ этилди.

Қишлоқ хўжалигидаги оғир, ожизалар бажариши мумкин булмаган юмушларни бажариб жувонмарг булган Турсуной, Ширмонойлар ҳақида қўшиқлар куйланди, юзлаб, минглаб қизлар Турсуной, Ширмоной булишга қасамёд қилдилар, «Меҳнат аҳли» деб аталадиган қўшиқ буларди, унинг мусиқаси зўр, ижроси олий эди. Радио ҳар куни, иложи борица, бу қўшиқни эшиттирарди. Ҳали ҳам қўшиқ тингловчини бефарқ қолдирмайди. Аммо унинг саёз мазмуни — кетмончи, колхозчи ўртоқларни меҳнат самарасини кўриш эмас, балки фақат ишлаш ва купроқ ишлашга чорлаши но-розилик уйғотади.

Совет романчилигида меҳнат мавзуи, меҳнаткаш характерини яратиш ҳамиша долзарб, фахрли эди. Минглаб романлар орасида, менинг билишимча, иккита асарда эрта-ю кеч меҳнат қилавериш одамни инсонийликдан маҳрум этиши ёрқин кўрсатилган. Бири жабрлийда Андрей Платоновнинг «Бахтли Москва» романи, иккинчиси Тоғай Муроднинг «Отандан қолган далалар» асари. Етим қиз Москваюни расмий пойтахт Москва коммунистик меҳнатгагина чорлар, но-расмий Москва қизни бузуқликка, тубан ҳаёт кечир-ришга ундарди. Москваюй меҳнат қила-қила мажруҳ бўлади, маишат, бузуқлик қила-қила инсонгарчилик-дан чиқади.

Дарвоқе, нега А. Платонов ташландиқ қиз ҳақида асар ёзди. Уйлаб кўрилса, совет адабиётида етимлар ҳақида ёзилган асар ниҳоятда кўп бўлиб, етимпарвар-лик совет сиёсати, мафқурасининг асосига айланаёз-ган экан. Феликс болалари ҳақидаги кўшиқ, ҳикоя, роман, фильмларнинг ўзи бир олам. 1941—1945 йил-ларнинг етимлари ҳақидаги асарлар-чи? Куёшдай меҳ-рибон Ватан — етимнинг онаси, меҳнаткаш, мушфиқ халқ — етимнинг отаси... Етим бўлганлар, интернату етимхоналарда тарбияланганлар мустабид тузум газа-бига нисбатан камроқ дучор бўлдилар. Отасининг но-жўя ишларини фош этган Павлик Морозов замоннинг эъзозли фарзанди аталди. Гап шундаки, ота-она, қарин-дош-уруг болаларга дину иймонни, чин маърифату ко-милликка интилиш руҳини сингдирган. Советларга эса, ишдан бошқасини билмайдиган роботлар керак эди. Совет империяси учун коммунистик идея — оламни ўзгартириш гоёси муҳим. Чингиз Айтматовнинг «Кас-сандра тамғаси» романида коммунистик мафкура раҳ-намолик қилган энг тубан, ғайриинсоний кашфиёт фош этилган. Романнинг мағиз-мағизидан марксизм-нинг динга қарши қарашлари, коммунистик гоёнинг ғайриинсоний моҳиятини кўрсатиш англашилади. Бош-қача айтганда, соцреализм моҳиятига сингдирилган марксча-ленинча назария инкор қилинади. Уйлаб кўрил-са, шўро адабиётида севги ҳам ўта юзаки тасвирлан-ган. Нега? 20-йиллардаги инқилобчи ёшлар империа-

лизм ҳукмронлиги мавжуд бўлган бир даврда шахсий бахт — севги, оила қувончи сингариларни уят деб билганлар.

Инқилобчи севиш-севилиш ҳуқуқига эгами, оилавий бахтиёрлик ва жаҳон инқилоби масаласи ўзаро келиша оладими, деган масала жиддий баҳсларга сабаб бўлган. Павел Корчагин ўз севгисидан уялиб юрди, Павел Власов қалби билан эмас, ғоясига кўра қизга қўнғил қўйди.

Гоядошлар севгиси ўзбек адабиётида тўлиб кетди. Зайнаб ва Омон, Сидиқжон ва Канизак, Ёдгор ва Муҳаббат, Саида ва Козимбек, Аҳмаджон ва Сўнагул, Пулат ва Баҳор...

Ҳаётни инқилобий тараққиётда тасвирлаш — оламни бутунлай ўзгартириш демакдир. Революцион тараққиёт — дунёни ўзгартириш. Революция — бузиш, маромдаги ҳолатни остин-устин қилиш. Марксча файласуфлар, донишмандлар борлиқни ўзларича таърифлаб, тасвирлаб келдилар. Ўтмиш мутафаккирлари оламнинг яралишига қарши чиқмадилар: ўзларини табиатнинг парчаси, Худонинг — Яратувчининг бандаси, деб билдилар. Яратувчи — Худога сажда қилди инсон. Ўзини табиатнинг фарзанди, деб билди инсон. Минг-минг йиллар давомида сайқаллашиб келган бундай қараш Марксга ёқмади. XX асрда Маркс назарияси амалда қўлланди, бироқ инқирозга юз тутди. Олам шундай мукамал тузилганки, шу пайтгача утган пайғамбарлар, валлийлар, олимлар, аҳли донишлар, санъаткорлар мана шу мукамаллик, етуклик учун Яратганга шукроналар айтадилар. Алишер Навоий олам тузилишидаги мукамалликни бундай тасвирлайди:

*Қатрағача қулзуми заҳҳордин,  
Заррағача шамсаи заркордин,  
Они мунга, мунга анга банд этиб,  
Бир-бирига борчани пайванд этиб,  
Воситалар булди аён тў-батў,  
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.  
То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,  
Булди муҳайё бу улуғ коргоҳ.*

«Бу улуғ коргоҳ, бийик боргоҳ»даги энг шарафли зот инсондир. Наҳотки, шариф инсон зарраси-ю қатраси мукамал яратилган борлиққа зулм қилса? Наҳотки, инсон зоти ўзини табиатга, борлиққа зид қўйса, «Биз табиатдан инъом-эҳсон кутмаймиз, уни ўзимизга бўйсундирамиз», деган даҳрий шиорни айтишгача борган бўлса?! Инсоннинг барча қутуришларига табиат чидади, «шариф-ку, инсофга келиб қолар», — дея ўзига таскин берди. Бўлмади. Табиат ҳам инсонга қарши бош кўтарди. Табиат ва инсон ихтилофи қиёмат қойимни нақд қилиб қўйди. Инсон табиатнигина эмас, ўзини-ўзи нобуд этишга шитоб билан киришди. Қиёматнинг аниқ кўринишлари рўй берди.

Ададсиз шукрларки, башарият эси борида этагини ёпди — ялпи қирғин балосининг олдини олди. Афсуски, ҳамон инсон баъзи ўринларда ҳаддидан ошмоқда — табиатнинг темир қонунларини бузишга уринмоқда. «Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил, 27 март сонидида «пробиркада (шиша идишда — А.Р.) дунёга келтирилган одамлар» ҳақида маълумотлар берилди. «Труд» газетасининг хабарига кура (1997 йил, 1 март) шотландиялик Ян Уилмут икки она қўй — совлиқдан Долли лақабли қузичоқ олибди. Энди бундай қузичоқларни қолипда қуйгандек қилиб кўпайтиравериш мумкинмиш. Америкалик олим Ричард Сид ҳар йили 200 минггача одамни «ксерокопия» усули билан кўпайтиришга ваъда берди («Труд-7», 1998 йил, 16 январь). Бундай илм, сўзсиз, шаккоклик, Тангри таоло ишига аралаштирди. Бундай гайритабиий кашфиётлар аллақачонлардан бери бадиий адабиётда акс этмоқда, ўз мухлисларини топмоқда.

Социалистик санъатга борлиқни ўзгартириш ғояси инқилобий тараққиёт ибораси билан бирга кириб келди. «Инқилоб» совет кишиларининг севимли сўзига айланди. Оғизни тўлдириб, ғурур билан «инқилоб», «инқилоб» дейдиган бўлди. Фарзандларга бу номни раво кўрдик. Аслида, инқилоб инсониятни жар ёқасига келтириб қўядиган офат экан.

XX аср инқилоблар, тўнтаришлар асри бўлди — у инсониятни қиёматга яқинлаштирди. Тўнтаришларга

коммунистлар раҳнамолик қилдилар. Совет адабиёти-да коммунистнинг салбий типини яратиш мумкин эмас эди. Бу — тескари ҳақиқат эмасми?! Коммунистларни миҳларга (Н. Тихонов балладаси — А.Р.), оламини яшнатувчиларга менгзадик. Куйдирувчи, ёндирувчи лаҳча чўғни халқ «олов яшнади», дер экан. Бу ҳам тескари ҳақиқат эмасми?!

Соцреализм методида пайдо бўлган асарларни теран, атрофлича талқин қилиб бўлмайди. Бундай асарларда инсониятнинг минг-минг йиллар давомида тўплаган тажрибаси, қалбини эгаллаган эътиқоди, олам ҳақидаги ҳақиқий тушунчалари ифода топмаган бўлади. Биз соцреализмнинг етук намунаси деб билган асарларда реализм, постмодернизм, экзистенциализм бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан акс этганлиги кўринаяпти.

Соцреализм шўро мамлакатаида танқид қилина бошланганлигига эллик йил бўлди. Ярим аср давомида соцреализмни кескин танқид қилганлар ҳам, уни ҳимоя қилганлар ҳам кўп бўлди. Ҳозир соцреализмга хайрихоҳлик билан қарайдиганлар қолмаган. Лекин афсуски, баъзи олимлар соцреализмнинг асл моҳиятини — инқилобий жанговарлигини гоҳо унутиб қўйдилар.

Профессор Умарали Норматов синчков, янги адабиётимиз тараққиётини беш қўлдек биладиган олим. «Тафаккур» журналининг 2006 йил 4-сонида унинг «Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари» номли бамаъни мақоласи босилди. Аммо мақола пировардидаги мана бу фикр мени ажаблантирди: «XX аср жаҳон адабиёти ривожини манзарасини, тараққий этган носоциалистик мамлакатлардаги аҳволни куз олдингизга келтиринг. Уларда хилма-хил оқимлар қатори соцреализмга мансуб асарлар ҳам озми-кўпми мавжуд».

Бироқ ҳеч қерда уларга алоҳида устуворлик ҳуқуқи берилган эмас, бу метод туфайли адабий жараён жабр кўрмаган, бирорта ижодкорнинг бурни қонамаган. Жаҳон адабиёти ва санъатида, ҳатто бугунги кунда ҳам оз бўлса-да, шу йўналишга мансуб асар бўлган «Ошин» фильми бунинг ёрқин мисолидир.

Тан олиш керак, шўро даврида бизда ҳам айна шу

йўналишда «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон», «Син-чалак», «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка» каби етук драма, роман, қисса ва шеърый асарлар майдонга келган. Энг катта фожиа шундаки, мустабид адабий сиёсат туфайли ҳамма нарса остин-устин булиб кетди. Демак, айб адабий оқим — методда эмас, муайян методни давлат миқёсида яккахукмрон мафкурага айлан-тирган, шу тариқа уни бадном этган яроқсиз адабий сиёсатда!»

Биринчидан, «Ошин» зинҳор соцреализм методидаги асар эмас. Иккинчидан, мен «Қутлуғ қон» ва «Син-чалак»ни «Бой ила хизматчи», «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка» асарлари билан ёнма-ён қўймаган булардим. Айниқса, Гафур Фуломнинг юқорида тилга олганимиз — икки асарида дин, миллий қаҳрамонлар оёқ ости қилинган. Октябрь тўнтариши осмону фалакка кутарилган. Учинчидан, ҳар бир давлат мафкураси, сиёсати заминида аниқ фалсафа туради. Шўро давлати, коммунистик фирқа мафкураси асосида ҳужумкор, инқилобталаб марксча фалсафа ётарди. Сиёсат, мафкурани фалсафадан ажратиш мумкин эмас. Ҳозир бутун дунёда ирқчилик, терроризмга, динлараро ихтилофни кучайтирувчи мафкурага қарши кураш авж олган.

Хуллас, қон тўкилишига, вайронагарчиликка олиб борадиган мафкура, методга қарши кураш сира сусайгани йўқ. Социалистик реализм маъно-моҳиятига қўра инсониятни икки қарама-қарши гуруҳга ажратган, уларни ҳаёт-мамонт жангига ундаган эди. Социалистик реализмни беозор, бошқа методлар қаторидаги адабий-эстетик қараш, дея баҳолаш тўғри эмас. Яна бир гап шуки, ўзбек ёзувчилари, айниқса, истеъдодли санъаткорлар соцреализмнинг жиноят тусиғини поймол этиб, жонли, тирик одамни ҳаққоний тасвирлаш йўлидан четлашмаганлар. Тирик, жонли одам характери тасвирланган асарларда соцреализмнинг асл моҳияти сезилмай кетган.



## ИЛМИ ҒАРИБАНИ ҚҰМСАБ...

Хамза Ҳақимзода Ниёзийнинг 1914 йили ёзилган «Енгил адабиёт» асаридаги «Тўғри сўз бола» шеъри каттадан кичикка маълум. Лекин шеър таҳлил қилинарсан, асосан, боланинг топқирлиги, тўғрисўзлилигига эътибор қаратилади. Мени шеърдаги ўзга масала жалб этди. Боланинг йулини тўсган, қадди-қомати келишган, тасаввуримча, башанг кийинган икки киши ким эди? Нега улар пул бериб ёлгон сотиб олмоқчи бўлдилар? Қолаверса, истеъдодли Ҳамзада ёлгонфурушлар қиёфасини яратиш фикри қачон, қандай пайдо бўлди? XX асрда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёлгон мислсиз даражада муҳим ўрин эгаллади: ёлгон инқилоблар, ёлгонни сув қилиб ичиб юборган «дохийлар», ер қуррасининг олтидан бирида барпо этилажак жаннат ҳақидаги уйдирмалар, кўкдаги фариштадан-да бегуноҳ, малаклардан-да покиза янги инсон ҳақидаги ёлгон-яшиқлар... Ёлгон бор жойда чин сўзга қирон келади. Шўро даврида сўз исроф қилинди, сўзнинг уволи, гуноҳидан қўрқилмади. Шўро даврида социалистик реализм, адабиётнинг халқчиллиги, партиявийлиги, коммунистик адабиётнинг идеали, қаҳрамони ҳақида минг-минглаб асарлар ёзилди, чоп этилди. Охир-оқибат хулоса нима бўлди — сароб бўлди. Шўро адабиётида сўз қадрсизланди, сўз ўзлигидан йироқлашди. Мумтоз адабиётда ҳар бир сўз етти ўлчаб, бир қўлланилган. Битта сўз таркиби, маъноси билан боғлиқ жанрлар бўлган. Санъаткорлар кам сўз ишлатиб, кўп маънони англатишни бурч — санъат, деб англаганлар. Қолаверса, иймонли одам сўзнинг муқаддас эканлигини юрак-юракдан ҳис этган, сўзни увол қилиш гуноҳидан қўрққан. Аҳли санъат кўп сўз маънига юк эканлигини ҳис этган. Ҳумоюн Мирзо сўз бисёру беурин ишлатилган асарни қат-қат кийим кийиб олган одамга қиёслайди; сўзларнинг кўп ва уринсизлиги маъни одимини сусайтиради:

*Суханро поя гар эъзоз набошад,  
Тарзи хилъаташ ийжоз бошад.*

Суз санъатининг ёрқин сиймоларидан саналмиш Фузулий куйидаги байтда узининг гузалликни англаш эътиқодини ифодалаган дейиш мумкин:

*Гар чуқ истарсан, Фузулий, иззатинг, оз эт сузи,  
Ким чуқ улмоқдан қилибдир чуқ азизи хор суз.*

Абдулла Авлоний кўпсузлилиқ ёлғонга, сохталикка мойиллик эканлигига ишора қилади:

*Миси чиқгай кўп бўлса, бир кун.  
Купайган сузнинг бўлғай тўғриси оз,  
Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз.*

Кези келди, асосий масалага ўтишдан олдин, яна бир кузатишимни айтиб ўтмоқчиман. Бадиий асар ҳам жонли одамга ўхшайди. Асарлар «серсув» бўлганидек, баъзи одамлар ҳам эзма бўладилар. Езувчининг асар орқали айтар сузи нотайин бўлса, кўп ёзишга, китобхонни суз уюмига «кўмиб» ташлашга интилади. Баъзи одамлар эса, саводсизлигини яшириш учун патирапутур гапириб ташлайверадилар. Мисолларни Абдулла Қаҳҳор асарларидан келтирмоқчимиз. Абдулла Қаҳҳор уз қахрамонларининг «тўқ» ва «пўч»лигини сузга муносабатига қараб белгилаган. Туробжоннинг («Анор») хотини назарида, эри турмуш қуришганидан буён гулдираб келган. Бугун у уч сузни аниқ, равшан айтди: «Жигарларинг эзилиб кетсин». Боқижон Бақоев («Адабиёт муаллими») — гирт саводсиз адабиётчи. У уз касбини тинмай гапиришда, тингловчисини ҳолдан тойдириб ташлашда деб англайди. Мана, Боқижон Бақоев маърузасини тинглаш «бахти»га муяссар бўлган Ҳамиданинг ҳолати: «... ғувиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: практикum, минимум, максимум, Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...» А. Қаҳҳор Сорахоннинг онаси сийратини битта суз билан ярқ эттириб очади: «Булбулиғўё» («Сароб»). Саидий Булбулиғўё келаётганини эшитса, ичидан титроқ қўзғоладиган бўлиб қолган. Арслонбек Қаландаровнинг («Синчалак») ҳам уз Булбулиғўёси бор. Аммо Арслонбек Саидий эмас, у уз Булбулиғўёсини

шонага тортиш билан бирга Саидага ҳам нималарнидир имо-ишора қилаётгандек бўлади:

« — Афлотуннинг қизи бўлсангиз ҳам гапни тонналаб олингу, граммлаб сотинг. Гапингиз гапга ухшамайди, оғзингиз гапдан бўшамайди!..»

Абдулла Қаҳҳорнинг шапалоқдек-шапалоқдек ҳикоялари — ўтмиш ҳақидаги асарларига доир кўплаб тадқиқотлар яратилган. Боқижон Бақоев («Адабиёт муаллими»), Булбулигўё («Сароб»), Ҳуринисо («Синчалак») ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Нега? Абдулла Қаҳҳор бу қаҳрамонлар феъл-атворидаги асосий нуқта — «жон»ни беҳато топган. Аслида, илми ғариба шу...

Мумтоз адабиётшунослигимизда илми ғариба, ғариба фани хусусида талайгина маълумотлар берилган. Ғариба (ғариба) — ажойиб, таажжубланарли, хайрон қолдирган нарса. Илми ғариба талқин фани билан бевосита боғлиқ. Илми ғариба фаннинг теран нуқталарини, ич-ичидаги маънилларини англаш санъатидир... Ғариба илми мавжуд фанларни синчиклаб урганиш орқали кашфиёт даражасида хулоса чиқаришгача етиш, ажойибот нуқтаси қадар кўтарилишидир. Алишер Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида Абдураҳмон Жомийнинг илмий укуви ниҳоятда кучлилиги ҳақида тўхтаб: «Ва ғарибдурким, зоҳир улумининг такмили вақтида неча иш аларға муяссар бўлибтурким, бу умматда ақобир ва соҳиб камоллардан ҳеч қайсиға воқеъ бўлғони зоҳир эмас», деган хулосага келади. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Мусо алайҳиссаломнинг яқин қариндоши Қорун ҳақида ёзади: «Ва Мусо алайҳиссаломнинг яқин қаробатидур. Ва Мусо алайҳиссалом анинг тарбиятидан муболаға қилур эди. Ва улуми ғариба ва фунуни ажибаким, файзи олиҳидин замириға мунаққош эрди, анинг фаҳми етконча анга таълим қилур эрди».

Абдурауф Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси» асарида Бухоро мадрасаларининг талабалари ўқишнинг тўртинчи — еттинчи йилларида «Мулла Жомий»ни — «Шарҳи Жомий»ни («Фавойид уззиёия», «Ал-марфуъот», «Ал-мажрурот», «Ал-

мансубот», «Ал-мабниййот») асарлари шарҳи ўқитилганлиги хусусида ёзилади. Демак, Жомий асарларидаги мантиқнинг кучлилиги — илми ғариба даражасига кўтарилганлиги расман тан олинган эди.

Илми ғариба ҳақида Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» асарида ҳам маълумотлар мавжуд. Олимлар раҳнамоси Асомиддин Иброҳим ҳақидаги маълумот диққатга сазовордир: «Кўпгина илм соҳалари буйича яхши таснифлари бор. Айниқса, ғариба фанида иқтидори кучли эди. Иншо ёзганда кўп маъноларни муъжаз ва лўнда каломда баён этиб, сиқиқ ҳажм мазмунида катта ва кўп фикрларни англатарди. Ҳазрат Убайдуллоҳон пешиндан кейин арабий тилда бир рубоий айтиб юборган экан, мулло эса намозшомгача довур вақт ичида шу рубоий хусусида бир арабча рисола тасниф қилишга улгурганлар. Мазкур рубоийнинг ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маъно айтганлар».

Мазкур асарда Асомиддин Иброҳимнинг шогирди Мавлоно Ҳусайн Туркистоний ҳақида мана бу маълумот берилган: «Илмлар икир-чикирини шу даражада ўзлаштирганки, бу соҳаларнинг кўпида маҳорат билан иш олиб борарди... Ғариба фанида фасоҳатомез нутқи ва балоғатангез каломи билан кўп гап танобини тортиб, фаровон маъноли фикрлар иншосини оз жумларда ойдин, равон баён қилардики, дунё кезувчи ақл исботлаш кемаси билан тасаввур денгизида кетилан қанчалик эргашмасин, уни шарҳловчи сўз топа олмасди, аниқроғи, исботланмас масалалар туркумидан ҳисобланарди».

XX асрда, шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигида илми ғарибанинг пайдо бўлмаганлиги сабабларини ўйлайман. Биринчидан, ғариба фани ҳақиқий санъат асарлари талқинида пайдо бўлади. Шўро адабиётида сиёсат, мафкура, тарғиботу ташвиқот қоришиб кетди. Қолаверса, шўро адабиётининг «халқчилиги» талаби бадиий адабиётни ўта жўнлаштириб, одмилаштириб юборди. Кўп ўринларда бадиий адабиёт журналистикага айланаёзди. Шўро ҳукумати, коммунистик фирқа қандай масалани қўямасин, бадиий адабиёт ҳамини «лаббай» деб отилиб чиқди. Шўро рес-

публикаларида миллий мустақиллик учун кураш пайдо бўлдими, адабиётда босмачиларга қарши кураш мавзуси кенг ишлана бошланди. Қишлоқ ҳужалигини ёппасига жамоалаштириш ҳаракати бошландими, адабиётда «Очилган қуриқ» монанд романлар, «Муравия мамлакати» монанд дostonлар купайиб кетди. Адабий танқид бадиий адабиётга нисбатанда мафкуралашди, сиёсийлашди. У бадиий адабиёт соҳасида фирқанинг кузи, қулоғи, овозига айланди. Адабий танқиднинг сиёсий хушёрлиги қатли ому қатагон, таъқибларга сабаб бўлди. Шўро ёзувчилари юксак минбарлардан туриб қалб амрига кўра ёзajakларини ваъда қилдилар. Қалblари эса, бус-бутун партиёга бахшида эканлигини қушиб қўйдилар. Қалб амри билан ёзиш — юрак қони билан битишдир. «Юрак қони билан ёзган одам узун ёзолмайди», — дейди Асқад Мухтор «Тундаликлар»ида. Чин дилдан гапираётган, айтаётган гаплари масъулиятини сезган одам ҳам узоқ, равон гапира олмайди. «Абдулла Қодирий... сиртдан қараганда босиқ, камгап кўринар, чунки у ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрар, оғзига келган ҳар бир сўзни айтавермас, секин ва гапи худди ўзига халал бераётгандек ёқинқирамай гап бошларди», — деб ёзади Ойбек «Адабиёт, тарих, замонавийлик» мақоласида. XX асрда илми ғарибага манба бўладиган асарларни Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат, Ойбек, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин сингари истеъдодли ижодкорлар яратдилар. Тоғай Муроднинг қиссалари ва романи ғариба фани учун бебаҳо материал бўлди. Афсуски, асримизнинг 80—90-йилларигача машҳур асарларнинг санъаткорона сир-асрорлари ҳақида мақола, тадқиқотлар кам яратилди. Аввало, шўро адабий сиёсати илми ғариба йўлидаги бош тўсиқ бўлди. Қолаверса, танқидчиларда маҳорат масалаларини ёритиш, асар гўзалликлари хусусида фикр юритишдан кўра замонасозлик туйғуси — асарнинг долзарблиги, мафкурага монандлиги ҳақида гапириш кучайди. Муҳими, бадиий адабиётда бўлмасин, санъат асарлари хусусида битилган тадқиқотларда бўлмасин, гўзаллик туйғу-

сига эътибор сусайди. Бадиий адабиёт, у ҳақда битилган асарларда гўзаллик, назокат туйғусини тарбиялаш асосий гап эканлиги унутилди. Гўзаллик туйғуси деганда, аввало, маънонинг теранлиги, фикрлашга ундаш етакчилик қилади. Алишер Навоий асарларидаги ҳар бир рамз, ҳар бир ифода, ҳар бир қиёс заминиди катта маъно-мазмун яширинган. Китобхон буюк санъаткор асарларидаги маънони англагани сайин гўзаллик оламига кириб бораётганлигини, руҳий-маънавий жиҳатдан бойиб бораётганлигини ҳис этади.

Моҳир санъаткор бир ишора, бир байт орқали тарихнинг катта одимини, ун йилликлар тажрибасини бера олади. Ғариба фани тарих ҳақиқатини — қисқа сатрлар замиридаги маънони ёритиб бериши билан ғаройиб, гўзалдир.

Масалан, Абдулла Ориповнинг:

*Лабда табассуму кўзда ёш билан  
Сенга интиламан буюк набирам...*

Эркин Воҳидовнинг:

*Сен ҳилол, юлдуз, салиб,  
Таврот, Забурдан юксалиб,  
Боймисан ёки ғариб,  
Комрон ўзинг, яксон ўзинг...*

Рауф Парфининг:

*Парчин-парчин булди ёдим сирлари,  
Симлар — кўзларимга мил тортган чизгу*

сингари мисралари ғариба фани учун бой манбадир. Тадқиқотчи шоир руҳига синчков назар ташлаб, тарих ҳақиқати — фожиаларини акс эттириши мумкин.

Ғариба илмида санъаткор ва тадқиқотчининг ўзаро муносабати диққатни тортади. Санъаткор айтмоқчи булган фикрини нозик яшира олса, катта маънонинг бирон қиррасига ишора қилиш билан чекланса, фикрни лунда айтса-ю, ҳис-туйғуни жиловлай олса ёхуд асарни давом эттириш имконини яратса, ғариба фани учун майдон яратилади. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романида 3 қатор — мисрадан иборат булим

бор. Мана шу уч сатр заминидаги ҳис-туйғуни алоҳида китоб қилиб ёзиш мумкин. Ёзувчи ҳис-туйғулар оламида жуш уришни ғариба фани устасига қолдирган. Мана уша «қуруқ» хабар — мисралар:

*Куйди-куйди — аёлимнинг тани куйди.*

*Куйди-куйди — мени бағрим куйди.*

*Куйди-куйди — болаларимнинг шури куйди.*

Ғариба мақола ёзувчи тани куйган аёлнинг роҳат-фароғатсиз утган умрини уйлаб куяди; умр буйи инсон шаънини оёқ ости қилувчи меҳнатдан бошқасини билмаган, ёлғиз қувончи, дардкаши, ғамгусори аёлидан айрилган Деҳқонқул ҳолатига куяди; шу уч мисра ҳақида ёзар экан, болалиги болаларча утмаган, энди шум етимлик азобига дучор бўлаётганлар тақдирига куяди. Шу уч куйдирувчи мисра ҳақида ёзувчи одам «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақолини эпиграф қилиб олса янглишмаслигини сезади.

Илми ғариба имкониятлари чексиз. Шоир борки, шамол уйини, нур ранги, денгиз мавжи (Иосиф Бродский сингари) орқали туйғуларини ифодалайди; шоир борки, юрагидаги оғриқларни — маломат тошида очилган гулларни (Рауф Парфи сингари) тасвирлайди; шоир борки, юрагини очгани сайин намакоб тўла коса лопиллаб гоҳ у ён, гоҳ бу ён бориб туришини англайди. Ғариба илмида қалам сурувчи ижодкор руҳидаги ҳолатларни, гўзалликдан гўзаллик яратаётганини унутмаган ҳолда, қоғозга тушириши жоиз.

Илми ғарибада бадий асар муаллифи ва тадқиқот яратувчи аро муносабатнинг энг нозик кўриниши мавжуд. Санъаткор ёзувчи ҳам, олим-тадқиқотчи ҳам истеъдод соҳиби. Аммо санъаткор истеъдоди билан олим укуви — билими аро фарқ бор. Санъаткор — ёзувчи аксарият ҳолларда ғайришуурий ҳолатда, савқитабий равишда ижод қилади. Яратувчи ижодкор руҳият оламидаги ўзгариш, ҳолат-ўсишларни тасвирлайди. Тадқиқотчи-олим, санъаткордан фарқли ўлароқ, мантик кучи билан иш кўради. Унинг фаолиятида ақл, зийраклик, воқеа-ҳодиса моҳиятига теран кира олиш муҳимдир. Ғариба илмида шуурийликнинг чуққиси билан

мантиқнинг теранлиги бирлашади. Бадий асар тирик тан мисоли ҳамиша ўсиб-ўзгариб борганидай, олимптадиқотчи ҳам доимо унинг янги қирраларини кашф этаверади. Мумтоз адабиётда Бедил, Навоий, Фузүлий асарлари юзлаб талқинларга имкон берганини биламиз. XX аср охирига келиб ўзбек адабиётида жаҳон адабиётидан ўрганиш, унинг етук томонларини ижодий давом эттириш принципи кучайди. Бу ҳол ғариба илми тараққиёти учун кенг имкониятлар очиши табиий. Асримизнинг 90-йилларида Омон Мухтор, Тоғай Мурод, Тоҳир Малик, Мурод Муҳаммад Дўст сингари адибларнинг ўзига хос асарлари — роман, қисса, ҳикоялари пайдо бўлди. Бу асарларда насрнинг назм томон силжиб бориши — руҳият оламини акс эттириши, қиёс, рамзларнинг нозиклашуви, моддий тушунчалар туйғусини енгиб, руҳий-маънавий тасаввурлар оламидан муҳим ўрин эгаллаши сингари белгилар сезилмоқда. Бадий асарлардаги изланиш, янгиликлар илми ғариба — талқин фанида ҳам акс этиши табиийдир.

Илми ғариба талқин фанининг ҳамиша навқирон, янгиликларга бой, муҳими, гузаллик билан йўғрилган тармоғидир.

### ЎЗЛАШТИРИШ ЭСТЕТИКАСИ АЖОЙИБОТЛАРИ

Санъат асари борки, яратувчи (ёзувчи) билан китобхон (ўқувчи) орасидаги мунозара, баҳс, мулоқот сифатида пайдо бўлади. Инсоният эъзозлаб келаётган дўртта муқаддас китоб — Таврот, Забур, Инжил, Қуръон Яратувчидан ўз элчилари — Мусо, Довуд, Исо, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга келган ваҳийлари йўсинида пайдо бўлган. Санъат асарлари табиатида китобхон билан муносабат жиддий ўрин эгаллайди. Қайсики бадий асарда китобхон масаласига жиддий эътибор берилган бўлса, ўша асар узоқ яшайди. Бошқача айтганда, бадий асар муаллифи китобхон имкониятлари тўла намоён бўлиши учун руҳий-маънавий маконни кенг, замонни узоқ олган бўлса, ўша асарнинг онтологик таянчи (узоқ яшаш кайфия-



ти) мустаҳкам бўлади. Ижодкор асар яратар экан, шуурий ва ғайришуурий равишда, руҳий-маънавий имкониятларини тўлиқ сафарбар этган ҳолда ҳаракат қилади. Ёзувчи атайин баъзи қисмларни пишиқ, баъзи жиҳатларни хом-хатала яратмайди. Бадиий асар нияти, ғояси, тўқимаси, қурилмаси, адабий аҳолиси матн яратиш жараёнигача пишитилади. Улкан санъаткор ёзишга ўтириши биланоқ ғайритабиий куч таъсирида ҳаракат қилади: фикрлар оқими, ҳислар тўлқинини имкон даражасида бошқариб туради, холос.

Бадиий асар табиатида китобхон (ўқувчи) ижоди учун ажратилган ўрин мавжуд. Бошқача айтганда, ҳар қандай ижодкор асар яратар экан, ўзидан кучли, инсофли, етук, талабчан китобхонни ҳис этиб туради. Баъзи ёзувчилар узил-кесил қилиб: «Мен ҳеч қандай китобхонни кўз ўнгимда тасаввур этмайман. Асарни ўзим, фақат ўзим учун ёзаман», — дейди. Ҳар қандай ёзувчи биринчи галда талабчан ўқувчидир. Ўзим учунгина ёзаман, деган ёзувчи руҳидаги, тасаввуридаги ўқувчи ҳар қандай реал, талабчан китобхондан кўра кучлироқдир. Илмий-тадқиқотларда бир шахсда мужассамлашган ёзувчи ва китобхон руҳияти, фикрий кураши ҳали етарлича ёритилган эмас. Мумтоз адабиётимиз, хусусан, «Шоҳнома», «Хамса»лар Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий руҳидаги яратувчи — санъаткор ва талабчан, ўз қадрини юксак баҳолайдиган китобхон аро муносабатлар ҳар хиллигини ифодалайди. Бу ёрқин сиймолардаги санъаткорлик — яратувчилик китобхонлик талаби, қадр-қимматини шакллантиради. Аксинча, китобхон Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий каби санъаткорлар масъулиятини оширди. Бу ёрқин истеъдодларда ўзига нисбатан юксак талабчанлик узаро бирлашиб кетган. «Хамса»да китобхон Навоийнинг ўзга қирраси — Низомий, Деҳлавий, Жомий «Хамса»ларига муносабат билдирувчи мунаққид Навоий қарашларини сезадик, бу алоҳида суҳбат мавзуидир.

Шундай қилиб, асар яратувчи ижодкорнинг қуш қаноти бор: бири ёзувчилик, бири ўқувчилик. Ижод-

корнинг асар яратувчилигини ер десак, унинг китобхонлиги гуё осмондир.

Бир одамда ҳам ижодкорлик, ҳам китобхонликнинг мавжудлиги санъаткорлик диалектикасини барпо этади. Бир шахсдаги китобхон сифатидаги талабчанлик ёзувчи сифатидаги масъулиятни оширади. Аслида, ёзувчилик, китобхонлик, бадий асар ўзига хос тушунчалардир. Ёзувчининг асар яратиш жараёни адабиётшуносликнинг муҳим соҳаси. Адабий танқид ёзувчининг ижод жараёнини ҳамиша диққат марказида тутати. Бадий асар — ўзига хос мураккаб олам. Адабиётшуносликнинг структурализм соҳаси бадий асар матни билан боғлиқ ҳамма масалаларни ўрганади. Китобхонлик — ўзига хос фан.

Ҳар бир адабиёт шайдоси китобхон ва китобхонлик ҳақида қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб бериши мумкин. Ироқнинг Басра шаҳрида бундан 1000 йилдан ҳам аввалроқ Абу Усмон Амр ибн Баҳр деган инсон яшаган. У киши фан оламида Ал-Жоҳиз (укки кўз, чақчайган кўз) номи билан машҳур. Берунийгача яшаган бу одам «Китоб ал-ҳайвон», «Бахиллар китоби» сингари асарлар ёзган. Аммо Ал-Жоҳиз китобхон сифатида маълуму машҳурдир. У қўлига тушган китобни ўқийди, янги китоб ҳақида эшитса қидириб топиб ўқийди. Ноёб китобларни ўқиб бериш эвазига китоб эгаси юмушини бажариб берган. Кутубхона унинг севган жойи бўлган. Қарангки, бу одамнинг вафоти ҳам китоб билан боғлиқ. Оёқлари шол бўлиб қолган Ал-Жоҳиз кутубхонасидаги бир китобни олмоқчи бўлганида, бошига китоблар уюми тушиб кетиб ҳалок бўлади. Алломанинг ҳолидан хабар олишга кирганларида унинг кўкси устида китоблар уюлиб ётарди. Китобсевар олим 350 дан ортиқ китоб ёзган. (Ушбу маълумот А. Ирисовнинг «Миллий тикланиш» газетасининг 1995 йил, 21 ноябрь, 24-сонидан босилган «Ал-Жоҳиз» мақоласидан олинди.)

Европа ва рус эстетикасида янги бир соҳа пайдо бўлган. Унинг номи — рецептив ёхуд ўзлаштириш, қабул қилиш эстетикаси. Ёзувчи, адабий матн, китобхон — алоҳида-алоҳида масалалардир. Айни вақтда, ёзувчи бўлмаса, бадий матн бўлмайди. Бадий матн

йўқми, демак, ўқувчи ҳам йўқ. Бу фикрни тескари томондан ҳам кўриб чиқиш мумкин. Китобхон бўлма-са, асарни ўқийдиган ўқувчи топилмаса, ёзувчи асар ёзадими? Алексей Толстойдан сўрашибди:

— Фараз қилингки, сиз одам қадами етмаган, бундан кейин ҳам одамзод бориши даргумон бўлган жойга тушиб қолдингиз. Ёзиш имкониятингиз бор, дейлик. Шундай вазиятда асар ёзармидингиз?

— Ёзганларим ўқувчи қўлига сира етиб бормаслигини билсам, асар ёзмаган бўлардим, — деб жавоб берибди ёзувчи.

Табиийки, ҳар бир инсон фаолиятини маънавий-руҳий, моддий-маиший мақсад бошқариб туради. Ёзувчининг руҳий таскини асарини китобхон қўлида кўриш, ўқилаётганини ҳис қилишдадир.

Яна бир фикр бор. Адабий матн китобхон томонидан ўзлаштирилгач, ўқувчининг ўзига хос ижоди билан тўйингач, бадиий асар ҳуқуқини олади. Матн — ҳали бадиий асар эмас. Матннинг бадиий асарга айланиши — китобхон томонидан ўзлаштирилиши, тасдиқланиши — мураккаб жараён. Унинг ўз муаммолари, руҳий-маънавий жараёнлари, мутахассисларгина англайдиган қурилмалари мавжуд. Бадиий матнни ўзлаштириш, бадиий асарни тасаввур этишдаги китобхон руҳиятини, онгидаги ўзгаришларни, айтиб ўтганимиздек, рецензив эстетика ўрганеди.

Кези келди, битта мисол келтирамиз. Чўлпон «Улуғ ҳиндий» мақоласида ўзбек ёзувчиларининг уч гуруҳи ҳақида тўхталиниб, синчиклаб қаралса, ҳар учала гуруҳдан қоникмаётганини билдиради: «Навий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил!

Кунгил бошқа нарса — янгилик қидирадир: Боту, Файратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнғон чироқлар бўлса ҳам, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддиқий ва Ҳакимзодаларни ўқумаймен, ўқумаймен, мени шу қолға солғон ўшалар!..»

Эҳтиросли бу фикрларни 27—28 ёшлардаги Чўлпон ёзган. Бу ёшда одамлар дунё нима эканлигини англаб

етадилар, тарихга ўзларининг узил-кесил муносабатларини билдирадилар. Ўн етти ёшда «Адабиёт надир» мақоласини ёзган, «Уйғониш», «Булоқлар» шеъррий тўпламларини чоп эттирган, «Тонг сирлари» тўпламини нашрга тайёрлаб қўйган, жаҳон адабиёти намояндалари асарларини узлуксиз ўқиб борган, улар ҳақида мақолалар битган Чўлпон ўз адабиёти ҳақида куюниб гапиришга ҳақли эди. «Улуғ ҳиндий» мақоласи ёзилган 1925 йили Чўлпон, таъбир жоиз бўлса, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётидаги муҳбири эди. У ўз адабиётига жаҳон адабиётида рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар нуқтаи назаридан боқар экан, ундаги бир хилликни, панд-насиҳат — дидактикани кўриб фиғони кўкка кутарилади. Яхшиямки, эртанги куннинг ёнган чироқлари — Жулқунбой, Ойбек, Ботулар бор...

Чўлпоннинг ўзбек адабиёти ҳақидаги фикрларини китобхон руҳияти нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш мумкин. Ҳақиқий бадиий асар китобхонни фаолликка ундаши, унда баҳсли фикрларни уйғотиши, асар муаллифи билан мунозара, тортишувга чорлаши жоиз. Дидактика — адабиётнинг кўҳна тури. Ундан ҳам ўрнида, пайтида фойдаланиш мумкин. Бу турдаги асарлар китобхонни маъқулликка чорлайди, ижрочига айлантиради. Чўлпон фикрича, оламшумул ўзгаришлар жаҳонни остин-устин қилаётган бир пайтда жонли, китобхонни фаолликка ундайдиган асарлар яратиш керак.

Ёзувчи бадиий матнда ўз ғоясини, қарашларини акс эттиради. Китобхон бадиий матнни ўзлаштирар, унга муносабатини билдирар экан, матн тақдири ҳал булади. Унинг бадиий асар сифатидаги мустақил йўли бошланади ёхуд у бадиий асар сифатида инкор қилинади. Ёзувчи — адабий матн — китобхон. Бу шундай узвий боғлиқликки, унда адабиётшунослик, танқидчилик, эстетика, психология фанларининг жуда кўп томонлари ойдинлашади. Ёзувчи — бадиий матн — китобхон боғлиқлигида ички бир ҳаракат, биридан иккинчисига ўтиш, ўтказиш жараёни борки, у бадиий коммуникация номи билан машҳур. Бадиий коммуникация ижод психологияси; бадиий идрок этиш эстети-

каси; семиотика ва структурализм; адабий-бадий танқид, танқидчи; асарни талқин қилиш (герменевтика), баҳолаш (аксиология) назариясини келтириб чиқаради.

Ёзувчи, бадий матн, китобхон боғлиқлигини борлиқдаги, инсон хатти-ҳаракатидаги ҳодиса, ҳолатларга қиёслаш мумкин. Ариқни, анҳору дарёни кўрмаган одам йўқ. Менингча, ариқнинг бир қирғоғи — ёзувчи, иккинчи қирғоғи — китобхон, оқар сув — бадий матн. Қушнинг бир қаноти — ёзувчи, иккинчиси — китобхон, тана — бадий матн. Бир қўл — ёзувчи, иккинчи қўл — китобхон, икки қўлдан чиққан қарс — бадий матн.

Бизнинг мақсадимиз бадий матн ва китобхон боғлиқлигидаги кичкинагина нуқта — илгор, билагон, ижодкор китобхон ёхуд танқидчининг бадий асарни талқин қилиши, баҳолаши жараёнини бир қанча масалалар ечими орқали кўрсатиб беришдир. Лекин асосий мақсадга ўтгунча ёзувчи — матн — китобхон аро алоқа, ўтиш, ўтказишнинг асосий нуқталарини ёритиб бермоқчимиз.

Бадий коммуникация — ички ўтиш — ўтказишнинг қабул қилинган (-дан... -гача) чегараси бор. Ёзувчининг ҳаётни ўрганиши, ният — ғоянинг пайдо бўлиш нуқтаси ўтиш-ўтказишнинг бошланишидир. Ижодкорнинг ҳаётни ўрганиши, жумладан, бадий асарларни ўқиш, улардан таъсирланиш жараёнини ҳам қамрайди. Айниқса, Шарқ-мусулмон адабиётида сайёр сюжетлар асосида асар яратиш санъаткор учун ижодий синов вазифасини ўтаган. Фирдавсий, Саолибий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий дostonлари подшоҳлар, валиаҳдлар, сарой аёнлари, амир-амалдорлар, анбиёлар, пиру донишмандлар ҳамда улуг севгининг рамзлари — Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро тўғрисидадир. «Шоҳнома»лару «Хамса»ларнинг ҳар бирида бетакрор санъаткорнинг ўзлиги — услуби, бадий концепцияси мавжуд. Айни вақтда, кўпчилик санъаткорлар анъанавий сюжет ўзаги теварагида фаолият кўрсатадилар. Навоий «Хамса»сида, масалан, Низомий, Деҳлавий, Жомий дostonларига изчил муно-

сabat билдирилади. Аксарият ўринларда Навоий уз устозларини — «Хамса» ижодкорларини, уларнинг маҳоратларини кўкларга кўтариб мадҳ этади. Уз меҳнати самарасини ниҳоятда камтарона баҳолайди:

*Булса уту суву ҳаво дилназир  
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир.*

*Сарву гулу лола харидори бор,  
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.*

*Бўлса хазу атласу иксун либос,  
Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос.*

*Лаъл ила ёқуту дур истар баҳо,  
Лек сомонники чекар қаҳрабо...*

*Ит киби чун настлиғим чоғладим,  
Узни бийликлар ипига боғладим.*

«Хамса»ни ёзишга киришар экан, Алишер Навоий донишманд, бетакрор санъаткор сифатида ўзигагина хос йулдан боради: аввал яратилган «Хамса»лар, достонлардаги камчилик, мантиқсизликларни дадил иботлайди. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonи кўп жиҳатдан Шайх Низомий, Хусрав Дехлавийнинг Баҳром Гур ҳақидаги асарларидан кескин фарқ қилади. Нега? Устод санъаткорлар яратган Баҳром тийнатида Алишер Навоийга сира маъқул бўлмаган томонлар бор:

*Неча навъ ишни қилдилар тақсир  
Гар тутарсен қулоқ, қилай тақрир:  
Бири буким, йўқ анда мояи дард,  
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард...  
Яна бири буки, анда бағзи иш,  
Зоҳиран номуносабат тутмиш,  
Бўйла тухматки, айш учун Баҳром  
Ясади етти қаср сургали ком.  
Етти иқлим шоҳидин етти қиз,  
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз,  
Етти қаср ичига келтурди,  
Ком ҳар кун бири била сурди.*

*Турфа буқим, чу бўлди бодапараст,  
Қилди оқшомға тегру узин маст.  
Уйқу комин олурға мастони  
Шўхларча буюрди афсона.  
Бу ажойибқим алар дағи дедилар,  
Қиссахон қизлари магар эдилар?  
Ким, мунингдек ики ваҳиди замон,  
Ҳар бири ўз вақтида фариди замон.  
Буйла нодон учун ёзиб авсоф  
Анга қилгайлар ўзларин вассоф.*

Шарқ-мусулмон адабиётининг Фирдавсий, Низомий, Навоий сингари буюк санъаткорлари ўз асарлари қадр-қимматини яхши билганлар. Улар ўз асарларининг узоқ яшашига ишонганлар. Бу уринда «Шоҳнома»нинг хотимаси тарихи»даги қуйидаги мисолларни эслаш кифоя:

*Неча тарихлардан қилдим ҳикоят,  
Овозам заминга ёйилди ғоят.*

*Мен асло ўлмасман, мангу яшарман,  
Айтган ҳар сўзимда қайта яшнарман.*

*Инсофу эътиқод кимга бўлса ёр,  
Менга таҳсин айтиб, этгай бахтиёр.*

Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий ҳам ўз «Хамса»ларини юксак баҳолаганлар. Пушкин ҳам «Хайкал» шеърисида узининг келажак авлодлар томонидан эъзозланишини ишонч билан айтган. Бошқача айтганда, улут санъаткорлар неча-неча авлод китобхонлари руҳини аниқ ҳис этганлар.

Кези келди, яна бир мулоҳазани айтиб утмоқчиман. XX асрда жаҳон адабиётини тўла англаган олимлар жуда кам. Европа, рус олимларининг кўпчилиги Шарқ, хусусан, мусулмон дунёси адабиётини яхши билмайди. Шарқ-мусулмон адабиёти муаммолари билан шуғулланган Е. Э. Бертельс, А. Бринкман, Г. Э. фон Грюнебаум сингари олимлар XX аср эстетика фанида рўй бераётган янгиликлардан бохабар бўлганлар. Биз ўз ишимизда кўпроқ Европа, рус адабиётшунослигида XX

асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган назарий, методологик асосларга суянамиз. Ишонамизки, мумтоз адабиётимиз ҳам энг янги методологик-эстетик қарашлар асосида таҳлил этила бошланади.

Шундай қилиб, ёзувчининг ният-ғояси — асар яратиш иштиёқи фақат ҳаётни кузатиш орқалигина эмас, бадиий асарларни ўқиш-ўрганиш орқали ҳам вужудга келади. Ҳар бир ёзувчи руҳида, онгида макон тутғач китобхон тимсоли бор. Кўпинча бу ўқувчи холис бўлавермайди. Унда ёзувчини улуғлаш кайфияти кучли бўлади. Совет даврида ёзувчи руҳида шафқатсиз, адолатсиз китобхон образи пайдо бўлди. Бу ўқувчининг шахси, шакли-шамойили аниқ эмас. Лекин унинг бош белгиси шуки, у коммунистик партияга содиқлик билан хизмат қилади. Бундай китобхонда «Ўткан кунлар»ни билар-билмас ер билан яксон этган М. Швердин, Соти Хусайннинг нимасидир бор. Руҳдаги бу ўқувчи ёзувчини эҳтиёткор, қўрқоқ қилиб қўяди. Озод Шарафидинов «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси» мақоласида руҳдаги китобхонни «алланечук муҳаррир» деб атади: «Санъаткор ҳаётни кузатар экан, ҳаёт ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг реал нисбати ва тақдосларидан келиб чиқмай, улар ҳақидаги тайёр тасаввурлардан, аввалдан мавжуд қолиплардан келиб чиқади. Бундай ҳолларда ҳаёт ҳақиқати ёзувчига керагидан ортиқ кескин, шиддатли, юмшатмаса, силлиқлаб тарашламаса бўлмайдиган кўринади. Санъаткор ичидаги алланечук муҳаррир унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришдан тийиб туради, бундай ҳолларда асарда асл ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки шаклан ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра ундан жуда олис турадиган ясамас нусхаси пайдо бўлади. Схематизмнинг энг ашаддий зарари ҳам мана шунда. Ҳаёт ҳақиқати қаршисида ҳадиқсираш, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим-бир чимдимдан намоён этиш бадиий асарнинг қўламан маҳрум этади, заифлаштиради, умрини қисқартиради».

Ижодкор руҳидаги «алланечук муҳаррир»лар, «аллакимлар» кўз илғамас китобхонлар қалбидаги кураш



ни авж олдиради. Катта ижодкор, албатта, руҳидаги манфий кучларни енгиб боради:

*Олти ойким, руҳим шундай учмиш танадан,  
Олти ойким, мени хаёл эзар беомон,  
Олти ойким, алакимлар пана-панадан  
Тош отади дарвозасиз қалбимга томон...  
Хазон тула боғчаларга бораман тагин,  
Яна ўзни хаёл билан шеърга ташлайман.  
Туниб қолган юрагимга бериб бир таскин  
Яна қувноқ қушиқларни куйлай бошлайман.*

Хуллас, китоб, китобхон ёзувчи ҳаётида, руҳий оламида беқийс аҳамиятга эга. Бадиий асарнинг дунёга келиши бавосита ёхуд бевосита китобхонликка, ижодкор руҳидаги китобхонга келиб боғланади.

Ижодкор бадиий матнни яратди. Ёзувчи ижодининг маҳсули — бадиий матн — ечилиши лозим бўлган масала, сирли муаммо. Синчиклаб ўқилса, ҳар бир асарнинг ечими, қалаванинг учи, сеҳрли қалитча унинг ўзидан топилади. Матннинг содда-мураккаблиги, осонқийинлиги ижодкорнинг услубига, фикрлаш имкониятига, ҳаётининг концепциясига боғлиқ. Мутахассис борки, асар руҳига аста-секин кириб бораверади: ёзувчи услубини; фикрлаш жараёни, имкониятларини; жумла тузишини, улардаги маънолар салмоғини; сўз-ибора-ларнинг қай даражада образли, сержило, мазмунлилигини ўрганади. Бундай таҳлил йўсинини структурали ўрганиш дейилади. Яратилган замонидан, маконидан йироқлашиб кетган, таржимонлар саъй-ҳаракати билан ўзга юртларга «кетиб қолган», ўзга элатлар қўлига тушиб қолган асарлар, одатда, шундай таҳлил қилинади. Хайрулла Исматуллаев «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1994 йил, 11 ноябрь) газетасида босилган «Абдулла Қодирий абадияти» мақоласида америкалик олим Христофор Майкл Мурфининг ўзбек адиби романларининг структурализм асосида таҳлил этганини ёзади. Структурали таҳлил — адабиётшуносликнинг доимий воситаси. Уни ҳар бир адабиётшунос ўз тажрибасида қўллаши мумкин. Ёзувчининг шахси, ижодий йўли ноаниқ бўлса, бадиий асарнинг яратилган замони,

макони мавҳум бўлса, ҳамма маълумот асар қурилмасидан — структурасидан олинади.

3) Бадиий матннинг китобхон томонидан ўзлаштирилиши жараёни унларча муаммолар тугунидир. Мана шу тугунни изчиллик билан, эринмай ечиб бориш, қалаванинг учини топиш жиддий юмушдир. Бадиий матнни китобхон ўзлаштиради — ёзувчи маҳсули ўқувчи борлиғига сингди. (Истеъмолчида рўй берган ўзгаришга кўра матннинг бадиий асар сифатида яшаши ёхуд, аксинча, инкор қилиниши сезилади. Китобхон ҳақиқий санъат асарини ўқиган, ўзлаштирган бўлса, унинг руҳида катта ўзгариш рўй беради. Аристотелнинг «Поэтика» асарида катарсис ва каолокогот таълимоти мавжуд. Катарсис — руҳий покланув таълимоти, каолокогот — маънавий таъсирга дучор шахсдаги руҳий ва эстетик ўзгаришларни англаш илмидир. Аристотель санъатнинг инсонга таъсири муаммосини трагедия асарлари таҳлили орқали кўрсатган. Инсон қалби энг нозик, энг таъсирчан, биллурдек покизадир. Қалбга таъсир этувчи восита яна ҳам нозик, яна ҳам покиза, олмосдек сержило, серқирра, бебаҳо бўлмоғи лозим. Халқда аччиқни аччиқ кесади, деган гап бор. Аъзои баданга тикан кирса, уни (тиканданда қаттиқ) игна билан чиқарадилар. Энг қаттиқ жисмлар олмос (қаттиқларнинг қаттиғи) билан қирқилади.) Нозик, таъсирчан қалбга яна ҳам нафис, сертаъсир, пок-покиза санъатгина таъсир этиши мумкин. Аристотель яратган катарсис таълимотининг энг ёрқин талқини — Чўлпоннинг «Адабиёт надир» мақоласидир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов Чўлпоннинг мазкур мақоласи таъсирида бадиия ёзди. Профессор Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашларига доир» таълиқоти, Улуғбек Султоновнинг «Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси ўзагини «Адабиёт надир» мақоласи ташкил этади. Аристотель катарсис таълимотининг моҳиятини Чўлпон мақоласидаги мана бу ўринлари ёритади: «Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танзимизга сув-ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат

йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмагон ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етишдирмогон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз булур. Муни инкор қилиб булмас. Инкор қилгон миллат ўзини инқирозда эканун билдирур.

Биздан бошқа миллатларга кўз солсак кўрамизки, аларнинг олти ёшдан олтмиш яшар қариларина қадар адабиётдан бир лаззат олуб, охир умрига қадар адабиёт ўқиб, эшитмакни вазифаи миллиясидан ҳисоб қилур. Мана шунинг учундирки, Оврупонинг ҳар шаҳар ва қишлоқларида ҳар кун, ҳар ҳафта адабиёт кечалари қилинур, адабиёт ўқилур, нутқ сўзлануб, халқ кўб кируб таъсирланурлар».

Чўлпон руҳий покланувнинг бирдан бир воситаси санъат, хусусан, бадиий адабиёт. деб билади. Афсуски, Чўлпонни бадиий адабиётимиздаги ўсиш-ўзгаришлар қониқтирмади. У ҳамиша ўзга халқлар адабиёти, санъатидаги ўзгаришларга ҳавас билан қаради, уларнинг энг ёрқинларини ўзбекчага таржима қилишга интилди. Чўлпон миллий адабиётимиздаги ўсиш-ўзгаришлардан қониқмаган экан, халқнинг руҳий оламидаги покланув кўнгилдагидек давом этмаётганлигини англаган.

Аристотелнинг катарсис, каолокогот таълимотлари кўп жиҳатдан немис файласуфи Иммануэл Кант эстетикасида давом эттирилади. Кантнинг уқтиришича, бадиий асарнинг эстетик моҳияти ўзлаштириш жараёнида — маданий контекст ҳолатида намоён булади. Кант эстетикасида бадиий матнни ўзлаштирувчининг гўзалликни ҳис қилиши, диди муҳим аҳамиятга эгалиги уқтирилди.

И. Кант эстетикасидан фарқли ўлароқ Гегель таълимотида бадиий асарнинг моҳияти ҳақида кенг тўхталилади. Бадиий асар шунинг учун яратиладики, токи китобхон уни ўқиш-ўзлаштириш орқали ўзининг иймон-этиқодини, юксак туйғулари маъносини англаб етсин. Гегель санъаткор асаридаги дунё билан китобхон

руҳий олами аро ҳамоҳанглик масаласига алоҳида эътибор беради.

Рус инқилобий-демократик танқидчилиги ва эстетикаси тарихий-адабий концепциянинг туқислиги китобхонга боғлиқлигини қайта-қайта таъкидлайди. В. Белинский биринчилардан бўлиб: «Адабиёт китобхон аҳдсиз, халойиқ адабиётсиз яшай олмайди», деб таъкидлайди. У рус танқидчилигида китобхон аҳлининг одатларини, гайритабиий қилмишларини чуқур ўрганди. Белинский фикрича, халойиқ ўзгариб турувчи: гоҳ у томон, гоҳ бу томонга оғиб турувчи кучдир. Мана шу тизгинсиз куч қулёзма, қораламани эъзозлаши, бошига қутариши ҳам, уни аёвсиз равишда улоқтириб юбориши ҳам мумкин.

Шарқ-мусулмон оламида руҳий-маънавий покланув масалаларнинг масаласидир. Абу Наср Форобий Аристотель ва Афлотун асарларига шарҳлар ёзар экан, руҳий поклик масаласига эътибор берди. У Аристотелнинг «Поэтика» асарида келтирилган трагүзиё, кумузия, драмото, сотуро сингари тур, жанрларни шарҳлар экан, руҳий покланиш масаласига эътибор беради. Ривоятларга кура, Форобий Аристотелнинг «Рух ҳақида» асарини юз бор, «Табиат гармонияси»ни 40 бор, «Риторика»ни 200 бор ўқиган, ўрганган экан. Мазкур асарларга ҳамда «Иккинчи аналитика», «Талқин ҳақида», «Этика», «Софистика» асарларига Форобий шарҳ битган.

Катарсис таълимоти Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний қарашларида ҳам ўз аксини топган.

Шарқ-мусулмон оламининг улуғ донишманди Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий «Дил ажойиботларининг шарҳи» асарида нафс, жон, дил, ақл лафзлари маъноларини ифодалайди. Донишмандларни мазкур тушунчаларнинг руҳоний томонлари қизиқтиради. Ғаззолийча, дил, жон, нафс, ақл тушунчалари илоҳий неъматлардир. Нимаки илоҳий булса, у пок, муқаддас булмоғи даркор. Бизни жон сўзининг талқин этилиши алоҳида қизиқтиради: «Жон сўзининг иккинчи маъноси қуйдагичадир: жон инсондаги билувчи, идрок қилувчи илоҳий неъматки, биз бу ҳақда дил маъноларидан ик-

кинчисини шарҳлаганимизда айтиб ўтдик. Оллоҳ таоло ўзининг «Айтинг, жон эгамнинг (парвардигоримнинг) ишидандир», — деган қавли билан жоннинг шу маъносини кўзда тутганки, у ҳақиқатан ҳам инсоният моҳиятига етиши мушкул бўлган илоҳий ишдир».

Рухнинг поклануви халқ орасида «жоним кирди», «дилим равшан тортди» иборалари билан ҳам ифодаланadi. Санъаткор яратган бадиий матн китобхоннинг «жонини киритади». Айни вақтда «дили равшан тортган» китобхон матнга ҳам жон ато этади — ўзидаги пок руҳни асарга ҳам утказadi. Ғаззолий жонни идрок қилувчи неъмат, деб билади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг III ва VII мажлисларида Султон Соҳибқирон ҳақида қизиқ фикр билдиради: «...ул ҳазратнинг нукот ва маорифининг дақойиқи алфозини ва ҳақойиқи маонийсини ҳеч донишварлардин яхшироқ билмади ва ҳеч аҳли табъ аларнинг ушри амрини фаҳм қилмадиким, мажлисда назм тарийқида ҳамроз эрдилар ва наср услубида нуктапардоз...

...Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар, балки қарнларда мундоқ латиф суз воқеъ бўлмас». Бу уринда Амир Темурнинг аҳли дарк эканлиги таъкидланади. Яъни ул ҳазратнинг нозик маъноли, терану нафис фикрларини донишмандлар англаб етмади, аҳли табъ Султон Соҳибқирон айтган гапларнинг юздан бирини ҳам тушунмади. Султон Соҳибқирон талқинларини ҳеч ким йиллар, ҳатто асрлар давомида айта олмайди. Демак, Амир Темур, гарчи «назм айтмоққа илтифот қилмаса-да», шеърни нозик ҳис этар, нозик таҳлил қиларди. Бошқача айтганда, улуг Темур бадиий асарни англаш, ҳис этишда ўта истеъдодли эди. Алишер Навоийнинг Амир Темур ҳақида айтган фикрлари нақадар туғри эканлигини «Менким, Фотиҳ Темур» асари, хусусан, унинг XIX фасли — «Шероз суғутидан кейин» боби тула исботлайди.

Амир Темур сиёсий рақиблари билан орани очик қилгач, султонлик юмушларини амалга оширгач, Шерознинг уламолари, орифлари билан учрашмоқни мақсад қилади. У диний уламолар билан Умар ибн Лайс

Саффорий масжидида илк бор учрашди. Меҳмонларга шарбат тортилгач, машҳур Шайх Баҳовуддин Ҷрдустоний билан суҳбат бошланди. Оддийгина масалада Амир Темур Шайх Ҷрдустонийни енгди.

Сунг амир Ҳожи Мусо Кунгоҳийга: «Намози бомдодга хос фазилат бор, шунинг далилини айтиб берсангиз», дея мурожаат қилади. Бу одам ҳам саволга жавоб бера олмайди. Бу саволга қўса бир одам, кийимлари одми, йиртиқ кас жавоб беради. Унинг исми Ҳасан ибн Қурбат эди. У айтди: «Эй амир, Оллоху таоло эрта намозининг фазилати ҳақида сураи «Исро»да «Қуръонул фажр», деб зикр этгандурки, эрта (фажр) намозини Қуръон деб таъриф эгиш билан унинг фазлини ҳам Қуръон мартабасидек кўрсатди. Бу ҳақда бутун ислом уламолари муттафиқ (хамфикр)дурлар. Динимиз бу асос билан бутун мусулмонларга етказадурки, эрта намози Қуръон каби аҳамиятлидир. Шу билан бирга, намозни дин арконларидан, деб биламиз. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимдурки, Оллоху таоло Қуръонда бошқа намозларни ҳам зикр этди. Аммо ҳеч қайси намозни «Қуръон», деб васф этмади. Фақатгина тонг намозини «Қуръонул фажр», деб зикр этгандур», — деди.

Шайх Ҳасан Қурбат Амир Темурни бир сирдан огоҳ этди: «Эй амир, Шерозда кўп олимлар бёрдур; улар ҳақиқий уламолар бўлиб, узлатда яшайдурлар. Уларни урафолар», «аҳли урафо», деб атаймиз. Кўз олдингизда турган «уламо»лар уларни «палид» деб шуҳрат берадилар. Чунки улар ўз шеърларида майхона, маъшуқа, даф-чангдан баҳс қиладилар... Эй амир, агар Сиз бу янгиликларни билишга қизиқсангиз, Шероз урафоларини хос ўз ҳузурингизга чақириб, улар билан суҳбат қилгайсиз», — деди.

Дарвоқе, Алишер Навоий ижодида ҳам урафолар ҳақида маълумот бор. У «Насойим ул-муҳаббат» асарида «Шайх Рузбеҳон Бақлий... султони уламо ва бурҳони урафо эрди», деб ёзади.

Амир Темур Шайх Ҳасан Қурбат сўзига юриб, Шероз урафоларини ўз уйига чақиради. Ташриф буюрган урафолар орасида Зикриё Форсий (тахаллуси Вомиқ),

Саҳобиддин Сунбули (тахаллуси Ориф), Шамсиддин Шерозий (тахаллуси Ҳофиз) бор эди. Амир Темур Вомиқ ва Ориф билан суҳбатда оддий мусулмон, уламо ва ориф орасидаги фарқни билди, тўғрироғи, аниқлади. Урафо ёки орифлар диний асарларни чуқур ўрганган маърифатли кишилардир. Улар ўрганавериб, ўрганавериб авлиёлик даражасигача етганлар.

Мунис Хоразмийда бундай байт бор:

*То мусаххар айладим сўз бирла маъни кишварин,  
Шоҳмен, эй Мунис, аҳли донишу идрок аро.*

Бадий асарни, муқаддас китобларни нозик ҳис этувчилар зиёлилар орасида аҳли дарк, мудрик, аҳли идрок, зурафо номи билан машҳур бўлганлар. Мунис юқоридаги байтида узини аҳли идрок шоҳи эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий аҳли даркни «хирад хозини», дея улуғлайди. Идрок хазиначиси (хирад хозини) бадий асар қимматини ҳам ўлчаши мумкин.

Ёзувчи қораламаси, матни ҳақиқийми ёки сохтами эканлигини ҳар қандай китобхон фарқлайвермайди. Китобхон аҳлининг энг идрокли, қилни қирқ ёрадиган табақаси, Ғаззолий таъбирича, жони бор қисми ўзлаштириш эстетикасида танқидчи деб аталади. Қабул қилиш эстетикасида танқидчи шахсидан ташқари воситачи (маънавият даллоли) функциясига ҳам эътибор берилади, сотувчи билан олувчи орасидаги воситачини, унинг вазифаларини яхши биламиз. Лекин санъат, журналистика, бадий ижоддаги воситачи вазифаси дарҳол англашилмайди. Лекин бир нарса аниқки, яратувчи (санъат намунаси, асар матнини тайёрловчи ва жўнатувчи) билан уни қабул қилувчи (томошабин, тингловчи, китобхон) ораллигида талқиний нуқта мавжуд. Воситачи мана шу талқиний нуқтада фаолият кўрсатади. Воситачи ҳар икки томон — ҳам бадий восита яратувчи ва жўнатувчи манфаатини ҳамда жўнатилган воситани қабул қилувчи ва ўзлаштирувчи эҳтиёжини кўзлайди. Воситачи қабул қилувчи томонида туриб яратувчи — жўнатувчи олдига талаблар қўяди, айтилган вақтда яратилган — жўнатилган воситани қабул қилув-

чига маъқуллашга интилади. Муҳими шундаки, воситачи ҳукумат сиёсатини, партия мафкурасини тарғиб этиш вазифасини зиммасига олиши мумкин. Ўз манфаати йўлида интилар, ҳаракат қилар экан, воситачи шахси, қиёфаси аниқ кўриниб туради.

Истеъдодли олим Мирзааҳмад Олимов «Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси» китобида пафос фақат қаҳрамонга, ёзувчига тааллуқли бўлмай, у қабул қилувчи (танқидчи, режиссёр, аҳли даркка)га ҳам ўтувчи куч эканлигини таъкидлайди: «Олдинроқда ишора қилиб ўтганимиздек, бадиий асар пафосининг ҳаётини муаллиф пафоси ва қаҳрамон пафоси билан чеклаб қўйиб бўлмайди. Китобхон ва санъат шинавандаси олдида, мунаққид ва бадиият илмига дохил одам олдида, режиссёр, актёр ва, қўйингки, диктор олдида ҳам бадиий асар пафосининг бу икки қатлами объектив мазмун сифатида намоён бўлади ва унга мазкур шахсларнинг субъектив муносабати, субъектив талқини қўшилгандан кейингина пафос ўзининг санъат ҳаётидаги сўнгги қиёфасини касб этади. Бадиий асар пафоси реал ҳаётда фақат шундай тарихий-даврий, ижтимоий, шахсий талқинлар оралигида яшайди ва фаолият кўрсатади. Бу талқинлар асар пафосининг, қаҳрамон пафосининг муаллиф кўзда тутган моҳияти ва йўналиши билан айри туриб қолиши мумкин». Асар матнининг бадиийлиги, санъат асарининг баркамоллиги масаласи кутарилса, воситачи мавҳум (имплицит), яширин (латент) кучга айланиб қолади. Бадиий ўтиш, ўтказиш (коммуникация) таълимотида воситачининг ўрни, имконияти, вазифаси ҳақида булғориялик адабиётшунос И. Знеполскининг «Художественная коммуникация и её посредник» мақоласида анча кенг маълумот берилган.

Ҳақиқий танқидчи билан воситачи орасида ер билан осмонча фарқ бор. Танқидчининг ўз овози, бетакрор услуби, ижодкор шахс эканлиги ҳақиқий бадиий асарни куйиб-ёниб ҳимоя қилишида, аксинча, сохта асарнинг яроқсизлигини ишонарли исботлаб беришида кўзга ташланади. Ҳақиқий бадиий асар, истеъдодли санъаткорга тухмат қилинганида танқидчи адолат учун



жангга киради. Танқидчининг масъулияти адабиёт даргоҳини сохта, юзаки матнлардан тозалаш учун олиб борган курашида сезилади.

(4)

Адабий танқиднинг сараловчилик вазифаси қадимдан маълум. Ҳайдар Хоразмий адабий танқидчи «Маҳакки имтиҳон» (маҳак — олтин ва кумушнинг ҳақиқий ёки қалбаки эканини аниқлаш учун қўлланадиган қора тош), деб атайди.

Адабиётшунос Султонмурод Олимов «Навоийнинг шеършунос шогирди» китобида илми нақд (адабий танқид)нинг вазифаси, «нақд» истилоҳининг пайдо бўлишига эътиборни тортади: «XIII асрнинг йирик адабиётшуноси Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам фи маоири ашъор ул-Ажам» (1218—1233) йиллар орасида битилган) китобида илми нақд алоҳида фасл қилиб ажратилган. Олим бу илмнинг аҳамияти, вазифалари ҳақида ҳам махсус фикр юритади. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарига ҳам айблар алоҳида бобда баён этилган...»

Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадойиъ ул-афкор фи санойиъ ул-ашъор» китоби Шарқда танқид илми тарихини ёритиш учун муҳим манба ҳисобланади. Асар 1977 йили Москвада факсимиледа нашр этилди.

«Бадойиъ ул-афкор фи санойиъ ул-ашъор»нинг бадий санъатлар ҳақидаги анъанавий китоблардан фарқи шундаки, унинг биринчи боби — бадий санъатлар, иккинчи боби — илми нақд, яъни адабий танқидга бағишланган.

Кошифий бу адабий илмни янада мукаммаллаштиради, ўша пайтгача санъатлар ичида юрган жуда кўп айбларни ажратиб олади. Эҳтимол, ана шу ўзига хос янгиликлари туфайлидир муаллиф асарини «Шеър санъатлари ҳақида янги фикрлар», деб номлаган.

12

Китобда нақднинг луғавий ва истилоҳий маъноси, бу адабий илмнинг вазифалари ва аҳамияти жуда аниқ таърифланган: «Назм айби баёнидаким, уни нақд илми дерлар ва адабий илмлардан бири, деб билурлар. Ва нақд луғатда... «сараламоқ» ва «соф тангани нософ, қалбаки тангадан ажратмоқ», дегани. Истилоҳда (тер-

минологик маънода — С.О.) эса «яхши шеърни ёмон»дан ажратиш ва уларни ўзаро фарқлаш илми»дан иборат. Ва бу илми шунинг учун нақд деганларки, танга наққоди (сараловчиси — С.О.) қалбаки тангалар орасидаги ҳақиқий тангани ажратса, бу илм соҳиби (танқидчи — С.О.) ҳам покиза ва беайб суҳанни ношоиста ва айбли суҳанлар орасидан саралаб айтиши керак. Ҳар ҳолда кимки шеър айбларидан огоҳ бўлмаса, унга беайб шеърни намуна қилиб кўрсатиш (!) лозим» (ундовлар бизники — С.О.).

Кўриниб турибдики, олимнинг адабий танқид олдига қўйган талаби ҳозир ҳам жуда аҳамиятли.

Демак, мумтоз адабиётшунослигимиз ҳам, Европа ва Америка адабиётшунослиги ҳам, ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ҳам, «адабий танқидий сараловчи — бадиий мукамал матнни номукаммалидан, ожизидан фарқловчи», деб биледи. Адабий танқид ижоднинг ўзига хос тури. Бадиий диди юксак аҳли даркларгина танқидчи бўла олиши мумкин.

Адабий танқиднинг номукамал, бадиий бўлмаган матнга қарши кураши қандай кечади? Адабий танқиднинг инкор қилувчилик хусусияти нимада кўринади? Бадиий адабиёт олами аввали — охир соғлом тана мисолидир: у ҳар хил касалликлар, ёт жисмларга қарши курашади. Ҳақиқий санъаткорлар бадиий адабиётнинг етуклиги, тараққиёти йўлида курашадилар.

Адабий танқидчи адабий жараён, ёзувчи ижоди, янги асарларни талқин қилиш, баҳолаш билан бирга ҳаминча истеъдодсиз асарларга қарши курашмоғи лозим. Ўзбек танқидчиларининг синчков, талабчан, билагонликлари туфайли бир қанча машҳур ёзувчиларнинг хом-хатала асарлари китоб ҳолида босилмади. Бу уринда «Одам қандай тобланди» (И. Раҳим), «Машраб» (Ҳ. Фулом) сингари романларни назарда тутаяпман. Матёқуб Қўшжонов «Давр талаби ва ижод масъулияти» (1976) мақоласида И. Раҳимнинг «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Одам қандай тобланди» романини изчил мантиқ, илмий далиллар орқали йўққа чиқарди. Танқидчи китобхон аҳли номидан асарнинг бўш, яроқсиз эканлигини айтади: «Асарни шошиб ёзибсиз», де-

йишга асосим бор. Гап ҳаёт воқелиklarини психологик таҳлилсиз, ахборот йули билан берилишидагина эмас. Асарингизнинг кўпгина ўринларида бундай маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди, бинобарин китобхонни ишонтирмайди, оқибат унинг сиздан, фақат сиздан бўлса майли эди, балки бутун адабиётдан ихлоси қайтади. Гап бутун адабиёт обрўи ҳақида кетар экан, оддий ҳақиқат бузиб курсатилган жойлар ҳақида ҳам тўхташ зарур».

Бундай мисолларни О. Шарафиддинов, Н. Худойберганов, И. Фафуров, Б. Қосимов, Р. Қучқоров сингари танқидчилар ижодидан ҳам топиш мумкин. Демокчимизки, адабий танқиднинг муқаддас бурчларидан бири бадиийлик, юксак санъат учун курашмоқдир.

Мустақил республикамызда бадиий асарларни саралаш, нашр этиш ишлари мураккаб кечмоқда. Бадиийликдан йироқ, хом-хатала асарлар китоб бозорыда кўпайиб бормоқда. Аҳвол шу даражада давом этаверса китобхон диди, маданий савиясини бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас. Ҳозирги пайтда адабий танқиднинг жанговарлик руҳини ҳар қачонгидан кўра орттирмоқ жоиз, токи чалакам-чатти, масъулиятсизлик билан қораланган матнлар йули тўсилсин.

### БАДИИЙЛИК — БЕЗАВОЛ ЯНГИЛИК

Халқимизнинг эзгу ниятини ифодаловчи шундай бир ирим бор: оҳорли кийим кийилаётганда, «Сен — чирик, мен — тирик», деб қўйилади. Аслида-ку, «мен»нинг тириклиги ҳам муваққат. Чунки туғилмоқ борми, ўлмоқ муқаррар. Лекин «мен» умри давомида қанчадан-қанча янгини эскиртиради, эскираётган янгидаги ўзгаришларни кузатади. Ҳаётнинг моҳияти — янгининг эскириши, эскирининг эса йўқолишидан иборат. Шундай экан, яшашнинг маъноси нимада? Одам ўзини қуршаган олам билан алоқага киришиш эҳтиёжи-ла туғилади. Ҳаракат — одам ва олам аро узлуксиз боғлиқлик. Моҳиятан олганда эса одамнинг ўзи ҳам тугал бир олам. Фақат катта оламга нисбатан кичик олам,

холос. У мана шу олами кабирга кўшилиб, сингигани сайин мукаммаллашиб боради. Ажабки, инсон дунёнинг янги жиҳатини кашф этса, бу кашфиёт «калити» азалдан ўзида бўлганини ич-ичидан ҳис қилиб боради. Бошқача айтганда, одам ғайришуурий ҳолда, қалб кўзи билан янгиликларни аллақачон билган, ҳатто уларни қай бир усулда белгилаб ҳам қўйган бўлади. Икки олам — одам ва борлиқ ўртасидаги мўъжизаларни сўз ёрдамида акс эттиришга уриниб келаётган шоир Эркин Воҳидов бу ҳақда шундай дейди: «Ерни гўзал қилгани сайин, гўзал бўлар ўзи ҳам инсон». Албатта, бу фикр кўпчиликка янгилик бўлиб туюлмаслиги мумкин. Чунки шоири даврон Фафур Фулом ундан салкам чоракам аср бурун «унган иш» гўзал эканини мафкура «матоси»дан тикилган либосда — торроқ миқёсда баён этган эди. Ундан-да илгарироқ шоир Чўлпон кўнглидаги гўзални улкан олам мўъжизалари ой, қуёш, юлдуз, тонг елига қиёслаган ва шундай хулосага келган: «Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал...» Утган ХХ асрда инсон табиатнинг руҳ-руҳига, ич ичига чуқур кириб борди: фанда мисли кўрилмаган кашфиётлар қўлга киритилди. Қизиғи шундаки, табиий фанлар соҳасида яратилган ҳар қандай кашфиёт муайян кўринишда инсонда акс этади. Зарранинг заррасини кашф этиш физика ва кимё соҳаси билан бирга биология ҳамда генетикада ҳам буюк ўзгариш ясади. Ота билан боланинг ўхшашлиги, қалбан бир-бирига интилиши дostonу эртақларда, бахшилар ижодида азалдан айтилиб келинади. Ана шу ирсий боғлиқлик қонунияти ХХ асрга келиб ДНК — дезоксирибонуклейн ишқорлари молекуласи ҳақидаги назария сифатида кашф этилди. Натижада, тириклик қонуниятлари ва «жон» ҳақидаги қарашлар ушбу назарияда мужассамлашди. Бошқача айтганда, инсон ирсий боғлиқлик алоқаларини тушуна бошлаган, «жон»нинг моҳияти сари янги бир қадам ташлаган бўлса, фан мазкур қарашларни ғайришуурийликдан онглилик — фанний кўринишга айлантирди. Инсоннинг иқтидори ҳақида кўп гапирилган, ёзилган, афсоналар тўқилган. Иқтидорнинг ноёб инъом эканини кўпчилик биларди-ю, аммо ҳеч ким уни кўрма-

ган, қўл билан ушламаган эди. XX асрнинг ўртасила бельгиялик олим Илья Пригожин термодинамика назариясини ихтиро қилди. Табиий фанларга оид бўлган бу назария вақт ўтиши билан ижтимоий соҳага кириб кела бошлади. Ҳозир фалсафа илмида синергетика номи билан юритиладиган янги таълимот мавжуд. У мураккаб системанинг нотекис, тартибсиз табиати (хаос)га асосланади. Тартибсизлик палапартишликни англатувчи нотекис емирилиш, бузилиш ҳолатида ўзини тиклайди, нотекисликда тартибни яратади. Бошқача айтганда, яралиш, бунёдкорлик эҳтиёж фарзанди сифатида юзага келади. Хўш, буларнинг истезодга алоқадорлиги қандай, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, инсонда лепто-энергомагнит кучлари мавжуд бўлиб, улар зарур вазиятда ишга тушади: кутилмаганда янгилик — гузаллик ва кашфиёт яратади. ЛЭМ ҳолати моддийлик билан маънавийлик чегарасида рўй беради. ЛЭМ — ўта енгил оҳанрабо мисолидаги тортилиш кучи бўлиб, моддий ҳолат ҳисобланади. Агар шу ҳолат инсонда пайдо бўлса, унинг ҳаётида фавқуллода янгилик вужудга келиши, умргузаронликнинг туссиз, бефайз кўриниши гузаллик ва улғуворлик касб этиши мумкин.

Нафсламрини айтганда, фан соҳасидаги кашфиётларга одам тез кўникади — улар вақт гирдобиди оддий, кундалик зарурий эҳтиёж воситасига айланиб қолади. Радио, электр қуввати, телевидение сингари кашфиётлар ўз вақтида ақл бовар қилмас мўъжиза ҳисобланган. Ҳозир одамлар уларга оддий буюм деб қарайди. Чунки одатий эҳтиёжга айланган янгиликнинг қизиқтириш кучи камаяди. Ваҳоланки, бир қанча муддат чироқ (ток) бўлмади қолса, одамни зулмат ютиб юборадигандек туюлади. Ўтмишда инсонларга қирон келтирган касалликлар XX аср тиббиёти ютуқлари олдида чекинганини ҳамма вақт ҳам ўйлаб утирмаймиз. Одатий нарсанинг мўъжизалик сири йўқолади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини ўқисангиз, XX асрда инсоният қўлга киритган ютуқлар ҳақида маълумот берилганига гувоҳ бўласиз. «Компьютер ва электрон хатлар замонида Искандар бундан

икки ярим минг йиллар аввал илк бора ойнадан батискаф ясатиб, неча минг кемаларни Баҳри муҳит сари йўллаб, сув тагига тушгани, одамзот илк бор номаълум дунё ва унинг махлуқларини кургани эндиликда фаройиб бир нарса бўлиб туюлмаслиги мумкин», — деб ёзади адабиётшунос Иброҳим Фафуров «Ҳозир Навоийни ким ўқийди?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2001 йил, 12 январь) мақоласида. Ҳўш, замондошларимизни Навоий ижодининг нимаси қизиқтиради, деган саволга олим бундай жавоб беради: «... инсоннинг доим безовта билишга, уз ақл муъжизаларини намоён қилишга интилганлиги, тўхтовсиз фожияли қидиришларда бўлганлиги нуқтаи назаридан қарасак, афсона ва мифологиялар тагида туганмас инсон ҳақиқатлари ётганлигини кўрамиз... Навоий сиз билан биздан қанчалар узоққа кетмасин, унинг одамийлик ғоялари, буюк изланишлари, фусункор муҳаббати — муҳаббат Оллоҳдан! — ҳамиша сизу бизга энг яқин нуқтада туради. Биз яқинлашиб борган сари у ҳам нурафшон бағрини очиб, яқинлашиб қолаверади». Бу уринда Навоий асарларининг эскирмайдиган янгилиги — бадийлиги ҳақида сўз бораяпти.

Иброҳим Фафуров Навоийнинг «одамийлик ғоялари, буюк изланишлари, фусункор муҳаббати», деганда нималарни назарда тутаяпти? Жавоб тайин: гапнинг индаллоси шуки, бадий асар қачон, қаерда ва ким томонидан яратилганидан қатъи назар, унинг моҳиятини безавол янгилик эгаллаган бўлса, у асрлар оша яшайверади, олам кезади, ажодлардан авлодларга ўтаверади.

Нега «бадий асар» деймиз? «Бадийлик»нинг ўзи нима?

Заҳматкаш олим Умнат Тўйчиев «Бадийлик такомил» мақоласида бадийлик сўзининг моҳияти ва мазмунига эътибор қаратган: «IX асрда яшаган араб филологи Ибн ал-Муътазз суянган фикрга қараганда, бадийлик арабча «бадаа» масдари (феъли)дан бўлиб, «янгилик» деган маънони билдиради. Шу сабабли «бадийлик» атамаси адабиётнинг энг нозик жиҳати билан алоқадор — шунга эътиборимизни тортади, чун-

ки асарда янгилик бўлмаса, унинг ўрнида такрор бўлса, бундай асар адабиётга кераксиздир» («Миллий тикланиш» газетаси, 1996 йил, 31 декабрь).

Калом илми ва араб тилидан сал-пал бохабар одам ўзбек тилида «бадаа»дан ясалган сўз, атамалар кўплигини дарҳол англайди. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида «бадиъ» сўзининг ажойиб, нафис, нодир, камёб, тоза деган маънолари берилган. «Бадиъ йўқ» бирикмаси «янгилик эмас», «таажжуб эмас» (1-жилд 187-бет) тарзида ифодаланган. Демак, бадиъ — тоза, янги, таажжубли маъносини англатади.

Юқорида ҳар қандай «тоза» бора-бора кирланишини, «янгилик» эскиришини айтган эдик. Энди янги бир олам — бадий адабиёт ҳақида фикр юритиш мавриди келди. Муъжаз олам — инсон руҳи, маънавияти, ўзлигини кашф этиш бадий адабиёт мақсадидир. Ўзига хос, бетакрор олам ҳисобланмиш инсон руҳида, маънавиятида, қарашларида эса узлуксиз ҳолатда ўзгаришлар содир бўлади. Ўзгаришлар табиий, зарурий эҳтиёж туфайли вужудга келади. Одам фитратидаги интилиш, ҳаракат асосида нафсининг ҳиссаси муҳимдир. Шарқ илмида «нафс-и аммора», «нафс-и лаввома» ва «нафс-и мутмаинна» ҳақида кўп ёзилган. «Нафс-и аммора»ни гоҳо «нафс-и баҳима» ҳам дейдилар. «Баҳима» чорва дегани.

Демак, ҳайвонга хос нафс аммора дейилган. Нафс жилловини ўз қўлига олган, уни ақлга буйсундирган ва нафс ғолиб келганда, ўзини-ўзи қойиб яна нафсини мағлуб қилиб оладиган кишининг нафси «нафс-и лаввома», деб аталали.

«Нафс-и лаввома»нинг тўртдан бирини «нафс-и мулҳама» белгилайди. Академик Алибек Рустамов ёзади: «...мулҳаманинг луғавий маъноси илҳомланган, илҳомлидир. Илҳом деганда кишига бирор сирли ҳодисанинг тўсатдан аён бўлиши тушунилади. «Нафс-и мулҳама» деганда эса кишида турли жозибали истақларни уйғутувчи куч тушунилади. Бундай нафс кўпроқ илм, ҳикмат ва санъат аҳлида бўлади. Бундай нафс эгаларига ҳаяжон, ижод, фидойилик, гўзаллик ва санъатни се-

виш каби хислатлар хосдир» («Сўз хусусида сўз». Т.: 1987 йил, 33—34-бетлар).

Инсон табиатидаги беқиёс янгиликлар ҳақида илмий, бадиий асарлар яратилган. Лекин тирик одамдаги янгиликлар ҳамиша турланиб, товланиб, замон таъсирида ўзгариб бораверади. Истеъдод соҳиби инсон руҳи, маънавиятидаги янгиликларни вақтида кўра олиши, асарларида акс эттира олиши муҳим аҳамиятга эга. Ижодкор бадиият оламини теран англаса, машҳур санъаткорларнинг (миллати, қаерданлигидан қатъи назар) асарларини ўқиган бўлса, инсон руҳи, табиатидаги янгиликларни ва уларнинг қай даражада акс эттирилганини яхши тушунади. Шу маънода, бадиийлик — инсон руҳидаги янгиликни чуқур ҳис этиш, уни мангу безавол қилиб тасвирлашдир. Демак, гап улкан санъаткор ва унинг кўриш, ҳис этиш, тасвирлаш санъати хусусида борапти. Ундан эса, шундай маъно келиб чиқадики, инсон руҳи ва табиатидаги янгиликлар дарҳол ҳис этилиш, тасвирланишни тақозо этар экан. Чунки инсондаги янгилик ҳам эскириб, тозалигини йўқотиб қўйиши мумкин. Бадиийлик аслида, умуман янгиликни эмас, унинг «ноз» ҳолатини акс эттириш, тасвирлашдир. Тилимизда «ноз» сўзи от, сифатловчи кўринишида кенг қўлланилади. Ноз-неъмат: ноз-карашма, нозик ниҳол, ноз-истигно деймиз. Бу уринда у тоза, барра каби маъноларни англатади. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугатида ҳам бу сўз тоза, янги нарсалар маъносини англатиши битилган (II жилд, 471-бет). Бадиий адабиёт инсон борлиғи ва меҳварида содир бўладиган янгиликлар акс эттирилган мўъжизадир. Унинг безағи эса тимсоллар ҳисобланади. XX аср узбек шеърлятида кашф этилган тимсоллар жуда кўп. Халқ дилидан жой олган шоир борки, унинг улмас, янгиликлари — тимсоллари бор. Мақсуд Шайхзода, масалан, мана бундай тимсолларни кашф этган: «Биласанми, бўса нима? У — сўзсиз ғазал», «Ёндирмоқчи бўламан лабимдаги папиросни Осиё кўёшидан», «Баҳри Ҳазар лабига холдай кўниб олган Озар пойтахти».

Ноз-тимсоллар кашшофи Миртемир ҳақиқий (яъни безавол янгилик, бадиийлик) шеър ҳақида шундай



ёзади: «Ҳолбуки, ҳақиқий шеър тимсоллар силсиласидан дунёга келади. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър ўрганувчи дилидан шундай жой оладики, уни суғуриб ташлаш қийин. Ҳақиқий шеър бой-бадавлат тил хазиначисидан чертиб-чертиб, жонон пиёладай жаранг берган сўзларнинг маржондай ўз ўрнида ярқирашидан таркиб топади. Ҳақиқий шеър рассом чизган лавҳадай ёрқин ҳаёт манзарасидир» (Асарлар. 4-том, 157-бет).

Миртемир шеърятидан кўплаб мангу, эскирмайдиган янгилик бўлган тимсолларни мисол келтириш мумкин. Унинг ижод мактабидан бахраманд бўлган ўнлаб шоирлар теша тегмаган тимсолларни кашф этмоқда. Миртемир мактабининг кенжа намояндаларидан бири бўлган Фахриёр «Аёлғу» тўпламида ажойиб тимсолларни кашф этган. Мана, улардан айримлари: «Ой — болта», «Ой — арши аълонинг фаромуш фаришталари ёпмай кетган тўйнуғи», «Эрк — энг жафокаш сўз», «Ой — пўстлари арчилиб, занглаб қолган олма», «Қарсак — шоҳнинг мулозими, саройда яшар», «Одамни қамаб қўйса бўлар бемалол, сургун қилса бўлур ҳаттоки ўзига», «Менинг эса киссамда умр, бир мартага берилган ойлик», «Илон — дунёдаги энг кичик, узунлиги бир қулоч дарё...»

Булар шеърнинг доимий безакларидир. Шеър эса шоирнинг ўзлиги демакдир. Шу боис, ҳар бир асарда ижодкор услуби яққол сезилади. Услуб — шоирнинг дунёни кўриши, тасвирлаши ва инсонларни англашдаги эскирмас янгилиги. Яъни, бадиийлик — бетакрор услуб. Шеърятда услуб тимсол, ташбеҳ ҳамда санъатларда сезилади. Шоир борки, теран мушоҳада юритади; шоир борки, сўзлар латофатини кўз-кўз қилади; шоир борки, шеърятга фикр дунёсига чўккандай сингиб кетади. Насрий асарларда, хусусан, катта насрий жанрларда бадиийлик — ноз янгилик концепцияда — асарнинг илди-илдизи, руҳи-руҳидан келиб чиқадиган улкан ғояда англашилинади.

Мана, «Ўткан кунлар» романини олайлик. Унда нозик кузатишлар, захаланмаган туйғулар, санъаткор кўз ўнгида намоён бўлган ажибликлар ниҳоятда кўп. Лекин «Ўткан кунлар» концепцияси ҳамisha янгилиги

Ўзбекнинг миллий бетақрорлигини маромига етказиб тасвирлаганлигиладир. «Ўткан кунлар», таъбир ўринли бўлса, ўзбекнинг бадиий — мангу ўзлиги. Аждодлар бу асарда ўзларини кўрдилар, авлодлар учун ҳам «Ўткан кунлар» тиниқ кўзгулик вазифасини ўтамоқда.

«Кеча ва кундуз» — ўлмас асар. Унда Чулпон гўзалликнинг ҳаётбахш руҳини кўрсатган. Инсон руҳидаги нур билан оламни ёритиши, гўзаллаштириши жоиз. Зеби — зулматда чақнаган чақмоқ. У Раззоқ суфининг димиққан каталагига файз киритди. Зеби ўз қўшиғи билан ўлик сукунатни уйғотди. Унинг қўшиғи Энахоннинг қашшоқ хонадонига аллақандай руҳий-маънавий бойлик ҳада этди. Акбарали мингбоши Зеби исмли қизнигина эмас, қалбида гўзаллик ёмбиси яширинган бойликни қулга олмоқчи бўлди. «Итлик» табиатига сингиб кетаёзган шу кимса қалбида Зеби туфайли алланима «уйғона бошлади» — дуторни тингиллатадиган, Зеби қўшиқларини тинглайдиган, миршабларини қўшиқ айтишга қистайдиган бўлди. Мирёқуб қалбининг ўпқонларига чўкиб кетган инсоний, гўзал туйғулар қўшиқ, куй туфайли юзага чиқа бошлади; у Акбарали мингбошига Зебига нисбатан «итлик» қилмасликни тайинлайди; Мариянинг маъюс, дил рози сифатида айтилаётган қўшиқлари Мирёқубни ром этади; у поездаги ҳамроҳи — жадиднинг миллат тақдири, истиқболи ҳақидаги суҳбатини жон қулоғи билан тинглайди.

Ўтган асрнинг 10-йилларида ўзбеклар ҳаёти ва руҳияти «Қутлуғ қон» романида тиниқ, ўта миллий тасвирланган. Бу романнинг эскирмайдиган янгилиги увоқ тимсолларда, ўзбекона руҳнинг синчковлик билан кузатилганлигида сезилади. «Қутлуғ қон» романида ёзувчи шундай кенглик ярата олганки, китобхон унга сингиб кетади, ўзбек ҳаёти, удумлари, хатти-ҳаракатини бемалол кузатади; турли рангларни фарқлайди, беда исини, саратон тафтини, тўй кайфиятини, аза ҳолатини ҳис қилади. Муҳими, романдан ҳар бир китобхон ўз (руҳий-маънавий-маданий) эҳтиёжига кўра фойдаланади: кимнидир Мирзакаримбой хонадонидagi мураккаб муносабатлар қизиқтиради; кимдир Шокир ота, Али охун, Ўроз сингари йўқсил мусофирлар дардига

ёзади: «Ҳолбуки, ҳақиқий шеър тимсоллар силсиласидан дунёга келади. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър ўрганувчи дилидан шундай жой оладики, уни суғуриб ташлаш қийин. Ҳақиқий шеър бой-бадавлат тил хазинасидан чертиб-чертиб, жонон-пиёладай жаранг берган сўзларнинг маржондай ўз ўрнида ярқирашидан таркиб топади. Ҳақиқий шеър рассом чизган лавҳадай ёрқин ҳаёт манзарасидир» (Асарлар. 4-том, 157-бет).

Миртемир шеърятидан кўплаб мангу, эскирмайдиган янгилик бўлган тимсолларни мисол келтириш мумкин. Унинг ижод мактабидан баҳраманд бўлган ўнлаб шоирлар теша тегмаган тимсолларни кашф этмоқда. Миртемир мактабининг кенжа намояндаларидан бири бўлган Фахриёр «Аёлғу» тўпламида ажойиб тимсолларни кашф этган. Мана, улардан айримлари: «Ой — болта», «Ой — арши аълонинг фаромуш фаришталари ёпмай кетган туйнуги», «Эрк — энг жафокаш сўз», «Ой — пўслари арчилиб, занглаб қолган олма», «Қарсак — шохнинг мулозими, саройда яшар», «Одамни қамаб қўйса бўлар бемалол, сургун қилса бўлур ҳаттоки ўзига», «Менинг эса киссамда умр, бир мартага берилган ойлик», «Илон — дунёдаги энг кичик, узунлиги бир қулоч дарё...»

Булар шеърнинг доимий безакларидир. Шеър эса шоирнинг ўзлиги демакдир. Шу боис, ҳар бир асарда ижодкор услуби яққол сезилади. Услуб — шоирнинг дунёни кўриши, тасвирлаши ва инсонларни англашдаги эскирмас янгилиги. Яъни, бадиийлик — бетакрор услуб. Шеърятда услуб тимсол, ташбеҳ ҳамда санъатларда сезилади. Шоир борки, теран мушоҳада юритади; шоир борки, сўзлар латофатини кўз-кўз қилади; шоир борки, шеърятга фикр дунёсига чўккандай сингиб кетади. Насрий асарларда, хусусан, катта насрий жанрларда бадиийлик — ноз янгилик концепцияда — асарнинг илдиз-илдизи, руҳи-руҳидан келиб чиқадиган улкан гояда англашилинадир.

Мана, «Ўткан кунлар» романини олайлик. Унда нозик кузатишлар, захаланмаган туйғулар, санъаткор кўз ўнгида намоён бўлган ажибликлар ниҳоятда кўп. Лекин «Ўткан кунлар» концепцияси ҳаминша янгилиги

Ўзбекнинг миллий бетақрорлигини маромига етказиб тасвирлаганлигидадир. «Ўткан кунлар», таъбир ўринли бўлса, ўзбекнинг бадиий — мангу ўзлиги. Аждодлар бу асарда ўзларини кўрдилар, авлодлар учун ҳам «Ўткан кунлар» тиниқ кўзгулик вазифасини ўтамоқда.

«Кеча ва кундуз» — ўлмас асар. Унда Чўлпон гузалликнинг ҳаётбахш руҳини кўрсатган. Инсон руҳидаги нур билан оламни ёритиши, гузаллаштириши жоиз. Зеби — зулматда чақнаган чақмоқ. У Раззоқ суфининг димиққан каталагига файз киритди. Зеби ўз қўшиғи билан ўлик сукунатни уйғотди. Унинг қўшиғи Энахоннинг қашшоқ хонадонига аллақандай руҳий-маънавий бойлик ҳаля этди. Акбарали мингбоши Зеби исмли қизнигина эмас, қалбида гузаллик ёмбиси яширинган бойликни қўлга олмақчи бўлди. «Итлик» табиатига сингиб кетаёзган шу кимса қалбида Зеби туфайли алланима «уйғона бошлади» — дуторни тингиллатадиган, Зеби қўшиқларини тинглайдиган, миршабларини қўшиқ айтишга қистайдиган бўлди. Мирёқуб қалбининг ўпқонларига қўшиб кетган инсоний, гузал туйғулар қўшиқ, куй туфайли юзага чиқа бошлади; у Акбарали мингбошига Зебига нисбатан «итлик» қилмасликни тайинлайди; Мариянинг маъюс, дил рози сифатида айтилаётган қўшиқлари Мирёқубни ром этади; у поезддаги ҳамроҳи — жадиднинг миллат тақдири, истиқболи ҳақидаги суҳбатини жон қулоғи билан тинглайди.

Ўтган асрнинг 10-йилларида ўзбеклар ҳаёти ва руҳияти «Қўтлуғ қон» романида тиниқ, ўта миллий тасвирланган. Бу романнинг эскирмайдиган янгилиги увоқ тимсолларда, ўзбекона руҳнинг синчковлик билан кутатилганлигида сезилади. «Қўтлуғ қон» романида ёзувчи шундай кенглик ярата олганки, китобхон унга сингиб кетади, ўзбек ҳаёти, удумлари, хатти-ҳаракатини бемалол кузатади; турли рангларни фарқлайди, беда исини, саратон тафтини, тўй кайфиятини, аза ҳолатини ҳис қилади. Муҳими, романдан ҳар бир китобхон ўз (руҳий-маънавий-маданий) эҳтиёжига кўра фойдаланади: кимнидир Мирзакаримбой хонадонидagi мураккаб муносабатлар қизиқтиради; кимдир Шокир ота, Али охун, Ўроз сингари йўқсил мусофирлар дардига

дардкаш булар; яна биров Жаббор кўса, Қамбар чулоқ, Ёрмат қуруқ ҳолатларини кузатар; баъзилар бозордаги жушқин ҳаёт, чойхоналардаги руҳ, Салим ва Абдушукур маишат қилаётган ресторандаги ғала-ғувур, Тангибойвачча билан фоҳиша Гуландом орасида кечаётган муносабатлар маҳлиёси булар. Хуллас, йирик асарлардаги бадийлик — мангу янгилик китобхон учун кузатув, фикрлов кенглигини, эркинлигини беради. Шундай гапни Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод романлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бадийликдан яратилган кенгликни асардаги қатламлар дейиш ҳам мумкин. Ҳар бир қатламда китобхон ўзини жамоа, миллат, халқ, ниҳоят, башарият бирлигида кўриб бораверади. Асардаги кенглик, қатламларнинг пайдо булиши бадийликнинг кўринишидир. Бадийлик асарнинг мангу тириклиги, эскиришдан йироқ янгилик эканлигини билдиради.

1 Бадийлик — асарнинг руҳи, «жони», борлиги. Мана шу руҳ, «жон» асардаги ижтимоий муносабатларни, характерлар тўқнашувини, сиёсий қарашларни, мафкуравий-ахлоқий ҳолатларни — умуман, асарнинг макони, замонига оид маълумотларни акс эттиради. Бадийликнинг маъни-маъноси ҳам замон, муҳит, замондошлар, турлича қарашлар ҳақида кенг ва мўл маълумот беришди. Бадий асардаги «юк» — гоъвий асос китобхонга малол келмаслиги учун нима қилиш керак? Асар фақат ва фақат бадийликка асосланиши лозим, холос.

2 Бадийлик — юксак истеъдоднинг ҳосиласи, шаклланишидир. Истеъдодни кўриш, вазнини ўлчаш мумкин бўлмаганидек, бадийлик даражасини дафъатан белгилаш, таъсир кучини аниқ ифодалаш мушкул. Эътибор берганмисиз, ҳақиқий санъат шайдолари шеърятни, умуман, бадий асарни асл ҳолида, таржимасиз ўқишни — бадий кучини ҳис этишни ёқтирадилар. Бадийлик — руҳ, уни ҳамиша ҳам таржимада мукамал, заха қилмасдан ифодалаб бўлмайди. Лекин таржимасиз адабий алоқа жараёнини ҳам тасаввур этиш қийин. Таржимада «таржима» бор. Тилмочлар борки,

асардаги руҳни, «жон»ни ўзга тилда ҳам акс эттиришга интилади! Шундай бўлса-да, ҳар қандай яхши таржимада ҳам бадиий асардаги асл руҳ тула ифода топган дейишга тула ишонч йўқ.

Ривоят қилишадикки, машҳур бир мухлисга ўзга адабиётда яратилган ноёб асар ҳақида хабар беришибди. Табиийки, ўша мухлис ноёб асар билан тезроқ танишмоқчи бўлибди, таржима қилиб беришларини сўрабди. Шунда донишманд бир зот мухлисга бундай маслаҳат берибди:

— Ноёб асарни таржима қилдиргандан кўра, ўша асар яратилган тилни ўргана қолсангиз дуруст бўлар эди.

Ривоятда, равшанки, асардаги бадиийликни авайлаш хусусида гап борапти. Энди XXI аср китобхони ҳолатини кузатиш: бадиий асарнинг ашаддий мухлиси неча тилни билади ёхуд бадиий асарларни яратилган тилида ўқиш, завқланиш имкониятига эгами? Шўро даврида ўзбек китобхони таржиманинг «таржималарининг таржимасини» ўқиди. Ҳозир ҳам «Улисс», «Юз йил танҳоликда», «Ҳалокат» сингари асарлар «таржиманинг таржимаси»да ўқилмаяптими? Бошқача айтганда, асардаги асл бадиийлик йўл-йўлакай «тукилиб», «йўқолиб» қолмаяптими? Жеймс Жойс, Фолкнер, Камю, Кабо Абе, Лион Фейхтвангер асарларидаги бадиийлик асл ҳолида қандай экан?

Ўзбекистон мустақиллигининг фазилатлари бисёр. Шулардан бири сифатида жаҳон халқлари тилларини билувчи таржимонларнинг сони ортиб бораётганини айтиш мумкин. Энди ўзбек китобхони жаҳон халқлари адабиёти билан асл (она) тилидан ўгирилган таржима орқали танишиш имкониятига эга бўлаяпти: бадиийлик тўқислиги, нозик томонлари билан китобхонга етиб келишига шароит туғилди.

3 Бадиийликсиз гўзаллик, санъат бўлмаслигини айтдик. Хўш бадиийликни пайдо қилувчи омиллар нималардан иборат? Умумлаштириб айтганда, бадиийлик — истеъдод даражасини кўрсатувчи меъёр. Даҳо санъаткор яратган асардаги бадиийликнинг миқёси кенг, тағамини чуқур бўлади. Даҳо санъаткор яратган бадиий

кашфиётни асрлар давомида янги-янги тадқиқотчилар ўрганаверади. Фирдавсий, Низомий, Навоий, Қодирий, Чўлпон сингари улкан истеъдодлар яратган асарлар — инсониятнинг мангу қадриятидир. Улар ҳаммиша ардоқланади, талқин этилади, баҳоланади.

† Бадиийлик омилларидан бири — янгиланган анъанадир. Ҳар бир санъаткор ўз замони, халқи, тузумининг вакили. У ўз истеъдодини она халқи характери, ўз замони руҳини, ижтимоий-маънавий, маданий-мафкуравий иқлимни ифодалаш орқали намоён этади. Бадиийлик замон, макон доирасида намоён бўлади, лекин унинг фойдаси, таъсир кучи замон, маконга тобе бўлмайди. Бадиийлик — ҳаётнинг гўзалликка чулганган куриниши. Ижодкор ҳаёт фожиаларини, иллатларини акс эттириши мумкин. Лекин бадиийлик воқеликни ич-ичидан ёритиб турадиган гўзалликдан холи бўлиши мумкин эмас. Бадиийлик — маҳорат меваси. Ижодкор ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, асар устида жиддий ишламоғи, тер тўкмоғи лозим. Озод сўз — хуркак оху, тоғларни макон этган лочин. Ёзувчи сўзни ўз инон-ихтиёрига бўйсундириши, яратилаётган гўзалликнинг таянч тиргагига айлантириши шарт. Ёзувчининг асар устидаги заҳмати ҳақида Озод Шарафиддиновнинг «Истеъдод жилолари» мақоласида бундай дейилган: «Ёзувчининг шуҳрати ниҳоясиз машаққат эвазига келади. Билмадим, одамлар учун ҳар бир китоб, наинки китоб, ҳар бир саҳифа, ҳар бир жумла устида ёзувчи сарфлайдиган меҳнатни, тортадиган азобни ўз кўзлари билан кўрганда, эҳтимол, ёзувчиликни орзу қилиб юрганларнинг кўпчилиги бошқа тирикчиликнинг кетига тушиб кетарди. «Игна билан қудуқ қазииш», дегани ёзувчилик ҳақида айтилган бўлса, ажаб эмас» (А. Қаҳҳор. 6 томлик асарлар, 1-том, Тошкент, 1967, 28-бет). Бадиийлик — таъсирчанлик, шавқ-завқ манбаи. XXI асрга келиб бадиий адабиётда интеллектуал асос, ўта мураккаб санъатлар кучайиб бормоқда. Шундай асарлар борки, уларни бир ўқиб, икки ўқиб англамайсиз. Лекин мана шундай асарларда ўқувчини ром этадиган, ундаги савқитабий қизиқишни уйғотадиган алланима бўлади. Мана шу «алланима» китобхонни

оҳанрабодай бадиий асарга торта бошлайди. Кези келганда айтиш жоизки, баъзи машҳур санъат асарлари таржимасида китобхонни ром этадиган оҳанрабо кучи сезилмайди, у тамоман таъсирсиз бўлиб қолади. Мураккаб, модерн асарларни бошқотирмалардан фарқлаб турадиган бош омил оҳанраболик вазифасини ўтувчи таъсирчанлик, жозиба кучидир. «Сал туртки» асарга жон, жозиба беради, деганда таъсирчанлик, шавқ-завқ назарда тутилади.

Хуллас, бадиийлик барча турдаги, жанрдаги асарларнинг жон робитаси, асаб — ҳаракат калаваси, миллийлик тамғаси, қилинган меҳнатнинг сифат белгиси, шавқ-завқнинг тугунмас қуввати.

Бадий асар — қадрият. Ҳар бир китобхон қадрият қадрига етади. Шундай китобхонлар борки, уларга қадриятларни баҳолаш ҳуқуқи берилган. Баҳолаш — талқиннинг асосли натижаси. Асар устида ишлаш ёзувчи учун қанчалик заҳмат, тер тўкиш бўлса, талқин адабий танқидчи учун ҳам шунчалик руҳий-ақлий, илмий-тадқиқий меҳнатдир. Адабий талқин — ўзлаштириш эстетикасининг тескари кўриниши, яъни китобхон бадиий асарни ўқиш, ўқиш учун мураккаб жараёни бошдан кечиради. Бу ҳол илмда бадиий асар коммуникацияси дейилади. Ўзлаштириш қанчалик мураккаб жараён бўлса, ўзлаштирилган гузалликни, хусусан, асарни қайтадан юзага келтириш — талқин этиб бериш шунчалик нозик, жиддий руҳий-ижодий, илмий-тадқиқий жараёндир.

Талқин онтология назариясини чуқур ўзлаштириш, уни амалиётда татбиқ қилишдан бошланади. Бадиийлик, уни ташкил этувчи омиллар онтологиянинг асосидир. Онтология — қадриятнинг тирик, мангу эканини кўрсатувчи таълимот. Ҳайвонот, набототнинг тириклиги кўзга ташланиб туради. Қадриятнинг тирик, яшовчанлигини ҳис этиш эса уни қалб кўзи билан кўриш, санъатшунослик қонуниятлари билан исботлаб бериш демак. Онтология фақат яшовчан асарлар ҳақидаги қараш эмас. Бу назария асарнинг «ўлик» туғилиши сабабларини ҳам санъат қонуниятлари билан исботлаб беради. Матёқуб Қўшжонов 1976 йили Ибро-



ҳим Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» романининг адабий чиқит — улик асарлигини «Давр талаби ва ижод масъулияти» мақоласида, Сайёрнинг «Хулқар» қиссалар тўпламига кирган ижод маҳсулининг жонсизлигини «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» тадқиқотида исботлаб берган эди. Адабий танқидда қайта, янги авлод талаблари даражасида баҳолаш ёхуд адабий асарнинг тарихий функцияси деган қараш мавжуд. Мумтоз ва жаҳон адабиётининг асарлари ҳозирги замон нуқтаи назаридан баҳоланади. Бадиий таржима — жаҳон адабиёти намуналарининг қайта баҳоланишининг бир кўриниши. Адабий танқид аксарият ҳолларда мумтоз адабиёт намуналарини талқин этади — баҳолайди. Иброҳим Ғафуровнинг «Ўттиз йил изҳори» тўпламида, Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Зоти қулзум Турди» асарида, Иброҳим Ҳаққулнинг «Шеърят — руҳий муносабат» китобида Алишер Навоий, Турди, Аҳмад Яссавий, Атоий, Огаҳий шеърларининг, асарларининг янгича талқинлари бор.

Бадиий асарни талқин этишда муҳим бир қоида бор: талқинчи асарнинг ич-ичига кириб бориши, унинг ботинида туриб мулоҳаза юритиши лозим. Буни асарни синчиклаб текшириш ёхуд микроанализ қилиш дейдилар. Синчиклаб таҳлил этилганда асар поэтикаси, ички ҳужайралари, сўзларнинг «қалб уриши», «жони» англашилади. Синчиклаб таҳлил қилиш танқидчилик асари бадиийлигини яратиш демакдир. Сўнги йиллари Алишер Навоий ғазаллари сўзма-сўз, оҳангма-оҳанг, мазмуннинг ботиний силсиласи бўйича талқин этилмоқда. Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Нажмидин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов сингари олимлар талқинида шу хусусият диққатни тортаётир.

Бадиий асар талқинида руҳиятни ҳис қилиш — талқинчи билан бадиий асар табиатидаги инплицитив (яширин, руҳдаги) ўқувчи билан алоқага киришиш муҳим аҳамиятга эга. XX асрнинг 70-йилларидан Ғарбий Овруро, Америка мамлакатлари танқидчилигида шундай ёндашув кўзга ташланмоқда. Ганс Яусс, Уилсон Найт, Томас Элиот, Волфганг Изер, Роберт Уор-

рен каби адабиётшуносларнинг тадқиқотларида бадиий асар табиатидаги китобхон муаммоси жиддий ўрганилмоқда.

Ҳар қандай адабий талқинда уч турлаги характер ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биринчиси, бадиий асардаги характер ёхуд характернинг ёрқин бир қирраси. Талқинчи характерга суяниб иш кўрса, таҳлил асосли, ишонарли чиқади. Иккинчидан, ҳар бир асарда ёзувчи характери — қарашлари, бетакрор белгиси, ҳолат-ҳаёти акс этади. Адабий талқин ана шу омиллар билан боғлиқ томонларга ҳам эътибор беришни тақозо қилади. Улар адабиётшуносликда биографик метод томонидан ўрганилади.

Ниҳоят, учинчидан, талқинда талқинчи характери — диди, фаросати, билими, замонга муносабати, иқтидори муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, талқинчи услуби, бетакрор хусусиятлари ҳам диққатга молик. Масалан, Матёқуб Қўшжонов матнга боғланган ҳолда таҳлил этса, Иброҳим Ғафуров услубида назокат, санъаткорлик, тиссоллар билан фикр юритиш китобхонларни ром қилади. Наим Каримов эса кўпроқ тақдирлар, ундаги драмаларга эътибор беради. Натижада, унинг ижодида биографик талқин етакчилик қилаётгани аниқ-равшан кўриниб қолади.

Шуни таъкидлаш жоизки, адабий танқид тарихи, талқин силсиласи мунаққид тақдири демакдир.

Хуллас, адабий танқид тарихи юзлаб талқинлар, бетакрор тақдирлар, мунтазам давом этган адабий-танқидий қарашлар ва баҳслар жамулжамидир.

## ЖАМОДОТ СИНОАТИ

Ўзбек мумтоз адабиётига мансуб аксарият асарларнинг ўқ илдизи ҳазрат Алишер Навоий ижодига бориб тақалади. Хусусан, Муҳаммадризо Огаҳийнинг «Ўн ақл, туққиз сипеҳру саккиз жаннат, Ҳам етти мунири ахтару ҳам олти жиҳат, Ҳам беш ҳису турт унсуру уч мавлад, Ҳам икки жаҳон бир сенга айлар хизмат»,

деган мисраларини ўқиб, ундан биргача саналган нарса ва тушунчаларнинг маъзини чақишга ҳаракат қилдик. Уч мавлад (туғриси, мавлид — А.Р.) хусусида аҳли дарк фикрини билмоқ ниятида суз ва маъно салтанатига назар ташладик. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида анбиёнинг «аъмол ва афъол ва муомилот ва риёзотидин» баъзиларини зикр қила туриб, «Авлиёуллоҳга воқеъ бўлган ҳавориқ одот ва қаромот»нинг бир нечтасини айтиб ўтади: «Маъдум ижоди ва мавжуд эъдоми ва мастур амр изҳори ва зоҳир амр истори ва дуо истижобати ва оз муддатда баъида масофат қатъи ва ҳисдан ғойиб ишларга иттилоҳ ва андин хабар этмоқ ва воҳид замонда мутааддид ва мухталиф маконга ҳозир бўлмоқ ва мавто ихёси ва аҳён амотаси ва жамотот ва наботот ва ҳайвонот каломининг самои ва маонисига вукуф топмоқ...» Бу жумлаларнинг насрий баёни қуйидагича: авлиёлар йўқдан бор, бордан йўқ қила олиш, пинҳон амр этилганни изҳор қилиш ва билиб туриш, амр этилганни маҳдийга айлантириш, дуони ижобат қилиш, қисқа муддатда масофаси ноаниқ ҳисдан-ғойиб ишлардан огоҳ бўлиш, бир пайтнинг ўзида бир қанча, ҳар хил маконда ҳозир бўлиш, ўлим хавфини кўриш, жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот товушини эшитиш, гаплари маъносига тушуниш фазилатига эга экан.

Маълум бўладики, туғилган уч ажойибот — жамотот, наботот ва ҳайвонотдир. Жонсиз табиат, ўсимликлар олами, ҳайвонот (жонзотлар) дунёси қандай вужудга келди ёхуд у қандай таваллуд топди? Алишер Навоий бу саволга шундай жавоб берган:

*Чу обоға бу навъ бердинг сифот,  
Алар тахтида айладинг уммаҳот.  
Ато эттию тўрт қилдинг ано,  
Натижа уч этдинг булардин яно.*

Бу байтларнинг насрий баёни қуйидагича: сен фа-лакиётга шу тахлит хусусиятлар ато этиб, уларнинг ихтиёрига оналарни топширдинг, отани етти ва онани тўрт қилиб, оқибат яна улардан учтасини чиқардинг.

Ушбу матндаги «тўрт она» ва «уч фарзанд»нинг («уч натижа») изоҳини эса Беруний шундай таърифлаган: «Уч-тўрт — осмону фалак икки пояс — экватор ва эклиптикага бўлинади. Булақларнинг ҳар бири яна учта тенг булақларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири бурж-ни англатади». Аслиятдаги мазмун эса қуйидагича: оталар, яъни етти қат осмон шундай хусусиятларга эга экан, сен улар тагида оналарни яратдинг. Отани етти ва онани тўртта қилдинг (тўрт унсур) ва улардан уч фарзанд — жонсиз жисмлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини пайдо этдинг. Кейинги байтларда шоир тўрт унсур, уларга хос тўрт мизож ва табиат ҳамда «уч натижа»нинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталлади.

Алишер Навоий «уч натижа»нинг тўнғичи — жамодот ҳақида «Садди Искандарий» достонида бундай ёзади: «Бирига ҳажар жисмидин тўшадур, Анга нақд балким жигаргўшадир». Улуғ шоир бу ўринда жамодот асосида тошлар ётишини, уларнинг бағрида қимматбаҳо маъданлар борлигини лўнда ифодалаган. Шундай қилиб, биз Огаҳий рубойида тилга олинган «етти мунири ахтар, тўрт унсур, беш ҳис»нинг бири — сомеълик, «уч мавлид» — натижанинг баъзи жиҳатларига оид маълумотларни Навоий асарларидан топдик.

Хўш, бизни жамодот нега қизиқтириб қолди? Фан жисм тараққиётини ўрганар экан, космогоник ва геологик жараён ўн миллиард йилнинг нари-берисини қамраб олишини, диний илм туроб (ер, тупроқ) уч кунда бунёд этилганини ёзади. (Профессор Абдулла Аъзам «Тафаккур» журналининг 1999 йилги 4-сонида чоп этилган «Фан ва дин: одамзотнинг пайдо бўлиши» номли мақоласида олам ва одамнинг яратилишидаги олти куннинг (диний қараш) ва жисм тадрижидаги саккиз босқичнинг ажойиб тақвимини баён этган. Олим (диний) салсал, тийн, туроб, нутфа, алақ, музга кун (даврлар); (фанний) квант-физик жараён, физик-кимёвий жараён, космогоник ва геологик жараён, органик-хемотоник жараён, биологик тадриж даври, морфогенез, онтогенез босқичлари ҳақида ёзиб, «Куръони каримда инсонни Оллоҳ яратгани қатъий таъкид-

ланади. «Ҳаж» сурасининг 6-оятида Оллоҳ одамни туробдан яратгани қайта-қайта айтилади. Бу сўз чанг, чанг зарраси, хок, кул, тупроқ, ер, руда ва қабр маъноларига эга», дейди. Олим мана бу гапни ҳам муҳим деб билади: «Туроб — моддаларнинг ерни ҳосил қилгани ва ундаги мавжуд ҳолати».)

Ёши ўн миллиард йилнинг нари-берисиди (демакки, энг кекса) жамодот хилқати бир қанча илмий, бадий, диний адабиётларда «жонсиз табиат» дея изоҳланади. Ваҳоланки, диний, бадий асарлар жамодотнинг наботот ва ҳайвонот сингари пайдо бўлганига гувоҳлик беради. Бинобарин, жонли ҳодиса ўлик бўлиши мумкинми? Қолаверса, Алишер Навоий жамодот тоғу тошга тўшалгани, унинг жигаргўшаси қимматбаҳо тошлар эканини айтади. Энди жамодот ҳақида геология фани билимдонлари фикрига кулоқ тутайлик. Камина Иброҳим Ҳамробоев, Ҳосил Фозилов, Тўрабек Долимов каби шу соҳа олимлари билан кўп суҳбатлашганман. Улар тўлиб-тошиб, берилиб, шундай гапиришадими, мен, ёпирай, Ер қобиғи-ю унинг қаъри, тоғу тошлар ҳақида шунчалик қизиқарли суҳбат куриш мумкинми, деб ҳайрон қолганман.

Уларнинг гапига қараганда, Ернинг қобиғи-ю қаъри ниҳоятда серҳаракат ва жонли экан. Ер қобиғининг ички қисмида пайдо бўладиган юқори ҳароратли силикат эритмалар гранитоид жисмларни пайдо қилади. Маъданлар билан гранитоид жисмлараро ирсий алоқалар бор. Ана шу алоқа қонуниятини буюк олим Ҳабиб Абдуллаев кашф этган. Ирсий алоқанинг самараси, яъни фарзанди конлар ҳисобланади. Ирсий алоқадорлик қонунияти жамики жамодотга хосдир. Инсоннинг она қорнидаги ривож (морфогенез) тўққиз ой давом этса, жамодотнинг «оғир оёқли» муддати миллион, миллиард йилларга тенг экан. Қиёслаб куриш, бирон аёлнинг куз ёриши сал чўзилиб кетса, «Нима бало, туя гўшти еганмидинг?!» дейишади. Чунки ҳайвонот оламида туягина ҳомиласини ўн икки ой кўтариб юрар экан.

Ана энди гапнинг индаллосини айтиш мавриди кел-

ди. Одамзот биологик ҳодиса сифатида туғилади, ўсади-унади, қарийди ва бир куни боқий дунёга рихлат қилади... Инсон кексая боргани сайин милодий ва ҳижрийдан бошқачароқ йил ҳисобига диққатини қаратади. Космик ҳамда астрономик жараёнларнинг йил ҳисоблари бор. Лекин энг аниғи, кўзга кўриниб тургани жамодот йил ҳисобидир. Қуръони каримнинг «Каҳф» сурасидаги «Асҳобул Каҳф» қиссасида жамодот йил ҳисоби билан одамлар орасидаги вақт тушунчаси ўртасидаги тафовут кўрсатилган. Дақёнусдек золим шоҳ таъқибидан қочиб бораётган бир неча иймонли йигит форга кириб яширинади. Уларни кўрган шоҳ навкарлари фороғзини бекитиб ташлайди. Йигитлар уйқуга кетади. Шунда муъжиза рўй беради. Ўн туққизинчи оятда айтилишича, йигитлардан айримлари бир кун ё ярим кун ухлаганини эътироф этади. Йигирма бешинчи оятда «Улар Каҳф форларида уч юз йил турдилар ва яна туққиз йилни зиёда қилдилар», дейилган. Форда бир кун ё ярим кун ухлаган йигитларнинг бир нечаси бозорга келади. Бозор аҳли Дақёнусдан қолган тангаларни олиб харид қилишга келган қадим одамларга ҳайрат билан боқади. Бу ўринда икки хил вақт тушунчаси берилган: жамодотдаги замон тушунчаси ва инсонлар кашф этган вақт ҳисоби.

Одамнинг ёшига ёш қўшилиб, ҳаёт тажрибаси ортиб боргани сайин, у қадардан қазогача ажратилган вақт ниҳоятда қисқа эканини ҳис эта бошлайди. Умр кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади... «Тириклик сабзаси ўзра кўнган қировлар» кишини ўйга толдиради. Лекин кекса одам ўз тажрибаси, тиниқ ақли билан ҳаётнинг гўзаллиги, боқийлигини исботлашга уринаверади. Кексаларда жамодоту наботот сир-асрорларини билишга эҳтиёж кучаяди. Валий инсонлар табиат, наботот, жонзот, хусусан, одамлараро бирлик, боғлиқлик мавжудлигини биладилар, унга амал қиладилар. Аҳли илм эса ҳар учала туғишган — жамодот, наботот ва ҳайвонот орасидаги боғлиқлик қоидаларини кашф этаверади.

Бадий адабиётда уч туғишган — жамодот, наботот ва жонзот орасидаги боғлиқликни ифодалаган образ-

лар сероб. Чингиз Айтматовнинг «Сомон йули» қиссида икки қария — Момо Ер ва тенг-туши, фарзандларидан айрилган, мункиллаб қолган Тулғаной урта-сидаги мунгли, таъсирли суҳбат узоқ давом этади. Неъмат Аминовнинг «Бир аср ҳикояти» асарида «темирчидан қолган тиллолар» — ҳаётини лавҳа, ўғит-ҳикоялар китобхонни лол қолдиради. Асарда Амин бува юрагининг бақувватлиги нимадан экани ҳақида кўп ўйлайди. У охири мана бундай хулосага келади: «Яна, болаликда кўп олма еганман, кейинчалик темирнинг сувини ичганман. Ҳар эрталаб дуконни очганимда темирга сув берилган тошоҳурдан уч ҳўплам сув ичишни одат қилган эдим». Донишманд уста «темирга сув берилган тошоҳур»ни эслайди. Баҳовуддин Нақшбанд мажмуасида, умуман, азиз-авлиёлар яшаган жойларда тош охурлар мавжуд. Тошоҳур — жамодот мулкига ҳурмат ва эътиқоднинг белгиси. Авом кесакни дардсиз, тошни ҳиссиз деса бордир, аммо аҳли дониш тупроқни кўзга тўтиё қилган, тошни сир — хазина маскани деб билган. Шу боис «Ёрил, ёрил, ёрил, тош, Мен опамни кўрайин, Дийдорига тўяйин» деб кўшиқ ҳам айтишган.

Дарвоқе, қадим аждодларимиз жамодот жисмларидан мўъжизалар яратишган. Оламнинг етти мўъжизаси ҳақида эшитмаган одам йўқ ҳисоби. Лекин кўпчилик қадим мўъжизаларнинг ёши-ю қандай ашёлардан барпо этилганини билмаса керак. Қолаверса, мўъжизаларнинг айримлари «Ёрилтош» кўшигини ёдга солади.

Шундай қилиб, етти мўъжизадан бири — Мисрдаги Хуфу эҳроми эрамиздан беш минг йил муқаддам фиръавн ва унинг завжаси дафн этилган улкан-улкан, тарошланган, аниқ ҳисоб-китоб билан терилган тошлардан бунёд булган. Бошқача айтганда, Миср эҳроми — тошлардан барпо қилинган улкан хилхона.

Ҳозирги Туркия худудидаги Галиқарнас шаҳрида миллоддан уч юзу олтимиш йил аввал вафот этган подшоҳ Мавзилга хилхона қурилган. Иншоот ўта дабдабали, қимматбаҳо булган. Шунга нисбат берилиб, ҳануз ҳашаматли безатилган хилхоналар «мавзолей» дейила-

ди. Хиндистондаги мрамару қимматбаҳо тошлардан бунёд этилган Тож Маҳал ҳам аслида мавзолейдир.

Юнон ҳайкалтароши Фидий Олимп тоғи яқинида афсонавий Зевсга ўн икки метрлик улкан ҳайкал ясаган. Ҳайкал — Зевснинг либослари олтинга бурканган. Танаси фил суягидан тарошланган. Зевснинг кўзлари қимматбаҳо тошлардан ишланган. Ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган Диана ибодатхонаси томини ўн саккиз метрли қоятошлардан тарошланган тош устунлар тутиб турган. Милодгача икки юз олтмиш иккинчи йили бостириб келган готлар ибодатхонани ёқиб юборган. Ҳозирги Ироқ ҳудудида жойлашган Бобил деворлари милоддан аввалги олти юзинчи йилларда тошлардан тикланган бўлиб, баландлиги нақд юз метр бўлган. Милоддан бурунги икки юз саксон учинчи йили Мисрдан йироқ бўлмаган Форос оролида бир юз саксон метр баландликда маёқ қад ростлаган. Қимматбаҳо тошлардан ҳўб фойдаланиб ишланган маёқ бир ярим минг йил давомида денгизчиларга хизмат қилиб, алал-оқибат, зилзиладан вайрон бўлган. Куринадики, ажодларимиз мангу обидаларни жамодот жисмларидан ишлашни мақсадга мувофиқ, деб билганлар. Афсуски, шўролар ҳукмронлиги йилларида табиат муҳофазаси билан шуғулланиш номигагина булар, бадиий адабиётда бу мавзуни кўтариш эътиборли ҳисобланмас эди. Шунинг учун Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Шухрат сингари адиблар ижодида табиат ва уни ҳимоя қилиш ҳақида ёзилган асарларни учратмайсиз. Истиклол замонида яратилаётган асарларда табиат ва инсон алоқалари баҳоли қудрат тасвирланмоқда. Чунончи, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Мавлон Икром, Нормурод Норқобилов, Шойим Бўтаев сингари ёзувчилар жамодот, наботот, ҳайвонот олами ҳақида асарлар яратдилар.

Янги ўзбек адабиётида табиат мавзусини теран ҳис этиб, муаммо моҳиятини ҳар томонлама англаб қалам тебратган ёзувчилардан бири Менгзиё Сафаров (1938—1994) эди. Тошкент Давлат университети (ҳозирги



ЎзМУ)нинг тарих факультетини тугатган Менгзиё ҳам табиатан, ҳам расман қадимшунос-археолог эди. У Сурхондарёнинг энг қадимги тарихини шавқ-завққа тўлиб сўзларди. Холчаён тепалигидаги қозишмалар, милoddан беш аср муқаддам барпо этилган Бақтрия давлати, эрамиздан аввал оламга доврўғи кетган Кушон империяси ҳақида Менгзиё суҳбат қурса, ёшу қари берилиб тингларди. Ровий ўқиган нарсаларини эмас, ўзи иштирок этган тарихий воқеа, жангу жадалларни курсатиб бераётгандек буларди. Менгзиё ўтмиш харобаларини кезар экан, мана бу ерда фалон воқеа рўй берган, фалон император жанг қилган, дея ҳаммани лол қолдирарди. Менинг назаримда, Менгзиёнинг жисми, ҳаёти XX асрда-ю, бутун хаёли, фикр-ёди ўтмишда эди. Унда бетакрор тарихий асар ёзиш имкони бор эди. Ҳозир бизнинг қўлимизда ёзувчининг «Она ер қўшиғи» (1969), «Турналар учади...» (1972), «Олис қирлар ортида» (1977), «Она тупроқ қўшиғи» (1989) китоблари бор. Афсуски, ҳануз Менгзиё Сафаров ижоди ҳақида дурустроқ тадқиқот яратилгани йўқ. Ш. Холмирзаев бир неча мақоласида М. Сафаров номини, асарларини тилга олиб кетган эди. Бу инсон бағрикенг, суҳбати тотли, алпқомат инсон бўлган. У сергап эмас эди. Гапирса тили билангина эмас, кўзи, юзи, бутун борлиғи, қалби билан сўзларди. Ёдимда, кўкларнинг эрта тонги эди. Боботоғда юрардик. Аниқроғи, наботот уммонида сузардик. Ёпирай, ердан униб чиққан ўт-ўланлар шунчалар ранг-баранг, файз-тароватли бўладими?! Менгзиё бўйи тик, равочга ўхшаб кетадиган бир ўсимликни қарс эттириб синдириб олди, уни карсиллатиб чайнай бошлади. У ҳам ковракни ерди, ҳам бу шифобахш неъмат ҳақидаги сира эшитмаганимиз гапларни айтарди. Аниқки, ҳамма узини ковракка урди. Лекин ҳеч ким бу ўсимликни Менгзиёдай маза қилиб чайнай олмади. Коврак анчагина бадбўй, урганмаган одамга ёқимсиз эди.

...2005 йилнинг 23 сентябрида Озод акани кўргани уйларига бордим. Афсуски, бу Устозни сўнгги бор кўришим эди. Гапдан гап чиқди-да:

— Коврак еганимиз ёдингиздами? — деб қолдилар Устоз. Мен жавобга оғиз очмасимдан Озод ака нима-нидир уйлаб кетдилар. Анчадан кейин:

— Абдуғафур, сафар-саёҳатларимизнинг ҳар бири алоҳида тарих экан. Эҳ-ҳе, қанча жойларни кўрибмиз, не-не одамлар билан танишибмиз, суҳбатлашибмиз, — дедилар. Сўнг Менгзиёни эслаб кетдилар, худди у билан гаплашаётгандай бўлдилар. Пайгамбар орол, у ерда вақти-вақти билан ёнғин бўлиб туриши, табиатнинг янгилини олиши ҳақидаги Менгзиё гапларини эсладилар. Ноёб китоблар сақланадиган хонадан кичкинагина балиқ скелетини олиб чиқтирдилар.

— Буни эслайсизми? — дедилар. — Менгзиё мана шу скелетни бериб, айтган гапини унутмайман.

— Мана шу балиқ тури Амударёда-ю Жанубий Америкадаги яна бир дарёда бўларкан. Улар шундай ваҳший эканки, бир тўдаси хаш-паш дегунча катта-катта наҳангларни қоқ суяк қилиб ташларкан...

Менгзиё катта ёзувчи, элга машҳур сиймо бўла туриб умрининг анча-мунча йилини Пайгамбар оролда назоратчи бўлиб ўтказганини эсладик. М. Сафаров жамиятдан кўра, табиат кишиси эди. У жуда эрта она табиат бағрига сингиб кетди. Ундан «Она тупроқ кўшиги» китоби бебаҳо бойлик сифатида авлодларга мерос бўлиб қолди. Ёзувчи «Пайгамбар ороли» деб номланган бадиасида табиат ва инсон ҳақидаги фалсафий қарашларини, жамодот, наботот ва ҳайвонот бирбутун, яхлит яратма деган эътиқодини меъёрига етказиб ифодалай олган: «Жаҳонгирлар табиати, руҳий олами менга ёт, бегона. Ҳей одам, ахир, олам ўзингники-ку! Уни босиб олиш шартми? Наҳотки, инсон ўз мулкига, туғилиб ўсган она-бешигига хиёнат қилса... Ҳар бир инсон улуғ оламга умидвор бўлиб туғилади. Шу ягона, яхлит она — Ер, табиатни мулким дея олишга ҳаққи бор, айна пайтда бурчи ҳамдир. Аксинча, модомики, инсон улимига, ўлгач эса шу тупроқ — замин қўрига киришига гумон қилмас экан, йиллар, асрлар ўтиб ўт-ўлан, дов-дарахт, ҳайвон ва қуш — пировард инсон қиёфасида такрор ҳаётга қайтишига ишонар-

кан, у тириклигида еру замин ғамини ейиши керак. Ер — мангу ёстиғимиз, манзилимиз».

Менгзиё Сафаров табиат — жамодот, наботот мангу, теран мавзу эканлигини кўрсата олди. Ҳозирги ўзбек адиблари ҳам табиат ҳақида имкон-истеъдодлари даражасида асарлар яратмоқда. Ёзувчи Нормурод Норқобитов XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб баракали ижод қилаётганлардан бири. Унинг асарларида тоғ ва тоғолди табиати, одамлари акс эттирилган. Уларни талқин, таҳлил қилиш жоиз. Аммо биз жамодот ҳақида кўпроқ тўхталганимиз боис тоғнинг тоғдай одамлари — полвонлари табиати хусусида фикр юритмоқчимиз. Ҳусан полвон («Орият»), Нортोजи полвон («Тепалик»), Бозор полвон («Сариқ гул»), Эрназар полвон («Қоялар ҳам йиғлайди») — бетакрор феъл-атворлар, бир-бирига ўхшамайдиган адабий қаҳрамонлар. Лекин уларни ўзаро бирлаштириб турадиган хусусиятлар кўп. Уларнинг ҳар бири тоғдай кўркам ва улғувор, Эрназар полвон ибораси билан айтсак, «харсангтошдай дағал». Аҳли тамаддун, аҳли таъб назарида, адиб полвонлари — саводсизгина, кўполгина, гапнинг ўнгу терсига қараб ўтирмасдан шартга гапириб қўяқоладиган жайдари одамлар. Эрназар полвон, Ҳусан полвонлар шундай гапларни айтадики, киши беихтиёр «Одам ҳам шунчалик содда, гўл бўладими?» деб ўйлаб қолади. Лекин масалага табиатнинг тузилиши, уч мавлид қонуниятлари асосида қаралса, полвонлар бор ҳақиқатни оддий, содда ифода этаётганига одам ишонади. Ёзувчининг полвонлари асрлик тошларга, мангу қояларга ўхшайди. Улар чайир, пишиқ, баҳайбат, айни вақтда кўнгли нозик, ғурури баланд, миллат, элат, қавм шаъни учун жон бериб, жон олишга тайёр кишилар. «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссасида Эрназар ва ўзга полвонларнинг нозик ҳис-туйғулари акс этган ўринлар кўп. Бироқ диққатимизни қиссадаги ўта нозик ифодаланган бир тафсилот ўзига жалб этди. Эрназар полвон ҳаром йўлига кирган қизбет ўғли Ўсар ҳақида куйиб-ёниб ўй сураяпти, ўз ёғига ўзи қоврилаяпти: «Кейин туйқусдан ич-ичидан кўзгалган аччиқ аламга чидаёл-

май, боя кўз остига олиб қўйган калладай тошни чангаллаб, бор кучи билан пастга улоқтирди. Тош пакана арча танасига бориб урилиб, қасир-қусурлаганича қуйига юмалаб кетди. (Хурматли ўқувчи, дард-дунёси қоронғи бўлиб, юрагига қил ҳам сифмай турганида Эрназар полвон жон-жаҳди билан улоқтирган калладай тошни ёдингизда сақлаб қолинг.) Орадан анча вақт ўтди. Ўсар билан Эрназар полвон ўртасида ота-бола шаънига тўғри келмайдиган воқеа рўй берди: ўғил беихтиёр отасининг юзига мушт туширди. Дили ёниб турган ота фарзандидан мушт еди. Ўсар қилмишидан гарангсиб қолган. У беихтиёр тоғ томонга қоча бошлади. Шунда отанинг «Тўхта, оқпадар!» деган наъраси ер-кўкни тутди, бунга яна ваҳималироқ шовқин-сурон қўшилиб, борлиқ силкиниб кетди. Бирдан ҳушёр тортган ота беихтиёр бошини кўтарди. Шундоқ тепада ҳумрайиб турган баланд қоя пойидаги харсангтошлар уюми кўзгалиб, йигитнинг устига бостириб келмоқда эди. Не ҳодисот рўй берди, ё қодир Эгам? Қаттиқ изтироб ва қўрқувга тушган ота бир қотиб қолди-да, сўнг бор овозда бақирди:

— Чапга ўт, чапга!..

... Эрназар полвон энг олдинда мисоли коптокдай сакраб келаётган калладай-калладай тошлардан бири ўғлини уриб йиқитганини аниқ кўрди. Ундан кейинги чоғроқ харсанг белидан босиб, янчиб ўтганини ҳам илғади. Салдан сўнг Ўсар тошлар оқими орасида бутунлай кўздан йўқолди. Ота жонҳолатда бўкириб юборди: «Ули-им!»

Менинг назаримда, Ўсарни уриб йиқитган тош боя ғазаб алангасида қоврилиб, юрак-бағри ўртаниб турганида Эрназар полвон жон-жаҳди билан пастга улоқтирган «калладай тош» бўлиб туюлаверади. Ёзувчи руҳи тоғу тошга, асрлар бўйи қимир этмай ётган жамодотга жон, яъни ҳаракат ато этгандек бўлади. «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссасида жамодот хилқати ва полвон келбатли кишиларнинг узаро муносабати ифода топган. Нормурод Норқобилов ўлик табиат — жамодотни синчковлик билан кузатади. Муҳими, Эрназар полвон,

Кўчар полвон, Туркман полвон сингари қаҳрамонлар табиати тошлар, харсанглар билан уйғунликда ифода этилган. Эрназарнинг полвонларга хос тушунчалари оддий, содда, таъбир жоиз бўлса, ҳатто эскириб кетгандек. Аслида эса, табиатнинг тузилиши, минг-минг йиллик ҳаёти оддий, содда, ниҳоятда теран қонун-қоидаларга асосланган. «Қоялар ҳам йиглайди» қиссасида жамодот тузилиши, табиати инсонлар феъли-хўйига менгзаб кўрсатилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Эрназар полвон Нормурод Норқобилов асарларида яратилган полвонлар орасида энг тажрибалиси, ёши энг улуғи. Эрназар полвон юрак дардларини фақат тенгдоши Ғайбулла мерганга-ю мангу қояларга, тоғу тошларга айтиши мумкин. Қарангки, Эрназар полвоннинг ғамини, юрак дардларини ҳиссиз деб билганимиз — калладай-калладай тошлар «англади». Ўша «зийрак» тошлардан бири нобакор ўғилни бирёқли қилди. Бу ўринда ҳам кекса, тажрибали инсоннинг кўпни кўрган, асрлар гувоҳи бўлган жамодот билан мослиги кўзга ташланади. Қиссада кекса полвоннинг андуху қувончларига тоғу тошлар, мангу қоялар акс садо билдиради.

Адибнинг «Тоғ одами» деган яна бир қиссаси «Қоялар ҳам йиглайди» билан деярли бир пайтда китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди. Мазкур ихчамгина қиссада ҳам инсон ва жамодот, одам ва наботот, инсон ва жонзотлараро боғлиқлик кўрсатиб берилган. Дарвоқе, қисса қаҳрамони Жондош ҳам полвон: гавдали, чайир, чидамли, айна вақтда ўта содда, ишонувчан, мўртгина одам. У ҳаётда адашган бир аёлга бош булишга жазм этди. Аммо ўзини ўнглаб олгач, аёл Жондошга хиёнат қилди. Жондош иккинчи бор уйланди. Бу хотин ўта рашкчи, инжиқ, айтганини қилдирадиган ўжар чиқди. Жондош хотини билан талашиб-тортишиб ўтирмади: уй-жойини ташлаб, тоғу тошга бош олиб кетди. Жондош яраланган жонзотлар, паррандаларни даволади, уларни ҳаётга қайтарди. Унинг яхшилигини кийик ҳам, йўлбарс ҳам, ит ҳам билди. Жондош тоғда ўзини эркин ҳис қилади: ҳар бир сўқмоқни, ғорни, камарни

яхши билади. Лекин ёвуз одамлар Жондошни тоғда ҳам тинч қўйишмади. Уни табиат — жамодот, наботот, ҳайвонот ҳимоя қилди. Қиссада бир ҳодиса борки, уни батафсилроқ сузламоқ лозим. Жондош тик қояга осилиб қолган. Уни Башир чандир, Садир миршаб қаттиқ тутиб турибди. Жондош жинсдошлари — инсонларга интилса, тирик қолади, аммо эркидан ажралади. У тирик қолиб тутқун бўлгандан кўра, тубсиз жарликка кулаб эрк кучоғида жон беришни афзал билади. Инсоннинг эзгу нияти Яратганга ҳамиша аёнدير. Жондош жарликка қулаётганида тасодиф рўй беради: тик қоядан униб чиққан арча дарахти уни «илиб» олади. Улимни бўйнига олиб қўйган Жондош тирик қолганига сира ишонмайди. Бундан кейинги ҳодиса ҳам ўта қалтис, ақл бовар қилмаслиги билан китобхонни лол қолдиради. Жондош гуё чумоли йўлидек ингичка издан (уни зинҳор йўл деб бўлмайди) аста-аста уриниб, пастга тушиб олади. Жондош жарликка учганидан бери уни аллақандек қўл тутиб тургандек, ғайришуурий бир куч мадад бераётгандек бўлади. Бу ўринда жамодот, наботот, ҳайвонот ва инсонларни сирли, боғлаб турувчи бир куч мавжудлигига ишора бор. Шундай қилиб, жамодот, наботот ва инсоннинг аҳиллиги, бирлиги Жондошни ўлимдан олиб қолади.

Мақола пировардида адибнинг илк қиссаларидан бири — «Юзма-юз»даги биология фани ўқитувчиси Болта муаллимнинг хатти-ҳаракатини эслатиш ўринлидек туюлади: «Болта муаллим ўқувчилар учраган тошга жойлашиб ўтиргунча у ён-бу ён юратуриб, дуч келган ўтни шартта узиб олди-да, боши узра баланд кўтарди.

— Қаранглар, нима қилдим мен? — Болалар гоҳ унга, гоҳ қўлидаги майсага ҳайрон тикилишди. Болта муаллим уларга синчков бир-бир қараб деди: — Жонли нарсани жонсиз қилдим. Мана, уляпти у! Ҳа, ҳа, қўлимда жон беряпти. Нимага ҳайрон бўласизлар? Буям тирик вужуд, худди инсон каби ҳаводан нафас олади, қуешдан нур... шикаст еса, азоб тортади, керак бўлса, йиғлайди ҳам. Фақат буни биз сезмаймиз. Сезиш учун буларни севмоқ керак, севмоқ учун юрак керак...»

Биз бугун ахборот даврига тобора теранроқ кириб бормоқдамиз. Энди жамодот, наботот ва ҳайвонотнинг яшаш, ривожланиш тарзини фақат ҳис орқалигина эмас, ақл (мукаммал ҳисоблаш машиналари) воситасида ҳам теранроқ ўрганиб, ўзлаштириб бораверамиз. Сўзимизни инсониятнинг даҳо фарзандларидан бири бўлмиш Алишер Навоий ижодига таяниб бошлаган эдик. Мухтасар гурунгимиз якунида эса, мутафаккир шоирга мурожаат этишни лозим топдик. Зеро, буюк Алишер Навоий етти осмон (ота), тўрт унсур (она), уч натижа (фарзанд) — жамодот, наботот, ҳайвонотни алоҳида-алоҳида таъриф у тавсифлаб қолмай, балки уларнинг ўзаро таъсири алоқаларини ҳам ифодалаб берган эди:

*Они мунга, муни анга банд этиб,  
Бир-бирига барчани пайванд этиб,  
Воситалар бўлди аён тў-батў,  
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.  
То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,  
Бўлди муҳайё бу луғ коргоҳ.*

# ТАЛҚИНЛАР





## ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

Санъат асарлари ҳам одамларга ўхшаб, ўз тақдири, таржимаи ҳолига эга. Муйсафид «Шоҳнома», уч машҳур «Хамса», жанговар «Бобурнома», жаҳонгашта «Ҳамлет»у «Отелло», «Илоҳий комедия»ю «Фауст», «Уруш ва тинчлик», «Жиноят ва жазо»... — мангулик йўлида тажриба орттирган, гаройиб тарихга эга асарлар. Йигирманчи асрда миллий адабиётлар мангулик гувоҳномасига лойиқ асарларини яратдилар. Абдулла Қодирий романлари ҳам абадий яшашга даъвогар асарлар.

Олтмиш йилдан мўлроқ вақт ичида «Меҳробдан чаён» қанчадан-қанча чигириқлардан ўтиб, турли-туман талқинларга дош бермади дейсиз?! Абдулла Қодирий ўттизинчи йиллардаги сиёсий адолатсизликнинг қурбони бўлгач, унинг асарлари ҳам халқ қўлидан юлиб олинди. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни муқаддас китоб қатори асраб-авайлаганлардан қанчаси халқ душмани сифатида қамалди, йўқ қилинди. Сиёсат қанчалик қутурмасин, халқ дилидан жой олган китобларни йўқ қила олмади! Фақат ўзбеклар орасида эмас, балки бошқа туркий қавмдаги оилаларда ҳам Анвар исмли болалар, Раъно исмли қизлар кўпайиб бораверди. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ёддан ўқийдиган чин мухлислар пайдо бўлди. Одам илк бўса тотини умр бўйи ҳис этгандек, биринчи бор завқланиб ўқиган асарини сира унутмайди. Ун уч-ўн тўрт ёшли ўсмирлар роман оламини мустақил «кеза оладилар», бадийлик сеҳридан руҳий-маънавий ҳузурланадилар, десак, 30-йиллари туғилган ўғил-қизлар «Менинг биринчи романим «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» дейиш бахтидан маҳрум этилган. Иккинчи жаҳон уруши жанглирида қатнашган, шахид бўлган ўзбек жангчиларидан қанчадан-қанчаси Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно севгисини, Чулпон, Усмон

Носир шеърларини қалбига жойлаб олган бўлса-да, Жулқунбой, Чулпон, Усмон Носир китобларини бебаҳо бойлик сифатида асраб-авайлагани, ён чўнтаги, юк халтасида олиб юргани ҳақида хабар топмадик. Ваҳоланки, А. Пушкин, Н. Островский, В. Маяковский сингариларнинг китоблари жангчи-шаҳид қўйнидан, юк халтасидан топилгани ҳақида кўплаб хабарлар берилган.

Абдулла Қодирий отиб ташланганидан, демакки, асарлари ҳам «ҳибс»га олинганидан йигирма йил ўтгач, 1958 йили «Ўткан кунлар», 1959 йили «Меҳробдан чаён» яна китобхон қўлига тегди. 1930 йили китобхон «Меҳробдан чаён»ни қанчалик берилиб ўқиган бўлса, орадан салкам ўттиз йил ўтгач, яна шундай шавқ-завқ билан романга сингиб кетди. Юрагида завқи, санъатга меҳри бор китобхон зўр асарни мириқиб ўқийди, ҳушига келса, уни ёд олади; хоҳласа, дўст-ёрларига берилиб сўзлайди. Оддий китобхон санъат асаридан ҳар қанча завқланмасин, унинг баҳосини бекаму қўст ифода-далаб беролмайди. Бадиий асарни баҳолаш танқидчиликнинг вазифаси. Танқидчилик эса, ҳамиша холис бўлавермайди. Шўро давлати пайдо бўлибдики, фирқа яккаҳоқимлиги улуғланди, мафкура бус-бутун коммунистлар инон-ихтиёрида бўлди. Адабий-бадиий танқид фирқа раҳбарияти буйруғини бажариб келди. 20-йилларданоқ марксча-ленинча назарияни кўр-кўрона санъатга қўллаш сезилди. Бу кейинчалик сохта ижтимоийлик — вульгар социологизм деб атала бошланди. Вульгар социологизм «назария»си ниҳоятда чалкаш, мавҳум, уни ўша назариячиларнинг ўзлари ҳам аниқ тушуниб етмас эдилар... Вульгар социологизм ёзувчига муносабатда синфий ёндашув қондасини рўкач қилди: ёзувчилар навларга ажратилдилар... Бадиий асарни баҳолашда ҳам марксча-ленинча диалектик қараш бош мезон вазифасини ўтади. Вульгар социологизм санъат сеҳрини, ўзига хосликларини тамоман инкор этди. Жуда кўп ёзувчилар, бадиий асарлар тақдирида назариябозлик қадимги юнон афсонасидаги «Прокруст тўшаги» вазифасини ўтади. Ойбекдек нозик дидли санъаткор «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласида

«Меҳробдан чаён»ни замон руҳида, фирқа талаблари асосида бузиб, ёриб таҳлил қилди. Мана, Ойбек рисо-ласидан баъзи кўчирмалар (улар Ойбекнинг 19 жилд-лик асарлар тўпламининг XIV жилдидан олинди. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1979): «Анвар жонли, реал, ҳаётий обстановкада пассив ва Маркс таъбирича айтганда, «жонли, мазмунли, ҳаёт билан яшамайди» (155-бет); «Анвар жонли, индивидуал, ёрқин фигура экани қабариб туюлмайди: Анварни тасаввур этиш анча қийин» (115-бет); «Ҳазар қилган» ишни қабул этиб, Анвар зулм аҳллари ва туҳматчилар билан бўладиган кураш йўлини бекитади» (156-бет); «Ёзувчи... Абдурахмон домла образини қора бўёқлар билан чизса-да... диннинг эксплуататорлик моҳияти у билан чуқур очилмаган»лиги (162-бет), романда «муҳим тарихий воқеалар жонли образлар орқали кўрсатилмаган»лиги (163-бет), «романда камбағал табақасининг хонлик тузумига қарши курашини акс эттиришга кам ўрин берилган»лиги (150-бет) уқтирилади. Йигирманчи йилларнинг биринчи ярмида гўзал лирика намуналарини яратганлиги учун қанчадан-қанча таъна-дашномлар эшитган, Чўлпон шеърятининг чин мухлиси бўлган Ойбекки вульгар социологизм «кўзойнаги»ни тақибдими, сиёсий ҳушёрлик «сиёсати» ундови билан «Меҳробдан чаён»ни асоссиз танқид қилибдими, билин-ки, ҳоким мафкураининг дами ўткир қиличи кескир бўлган, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади, деган нақл бор. 30-йиллари Абдулла Қодирий ёмонот-лиқ бўлиши биланоқ унинг, холис қараганда, энг етуқ асарлари ҳам қоралана бошланди, қилдан қийиқ ахтарилди.

Абдулла Қодирий ижодини урганишдаги иккинчи давр ёхуд «Меҳробдан чаён» романининг баҳоланиши-даги кейинги босқич Иззат Султоннинг «Ўткан кунлар» романига ёзган «Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақида» (1958) номли сўзбоши-мақоласи билан бошланди. Бу мақола ёзилганида Сталин шахсига сифиниш қораланган, 30-, 50-йиллари қамалган, қурбон бўлганларнинг бир қисми, хусусан, Қодирий, Боту, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир оқланган, ижтимоий ҳаётда ҳур-

лик, ошкоралик, сал бўлса-да, сезила бошлаган эди. Сиёсий ҳаётдаги қаҳратон ўтган бўлса-да, унинг аччиқ изгирини ижтимоий ҳаётда аниқ сезиларди. Абдулла Қодирий асарлари, гарчи тўғри келмайдиган томонлари олиб ташланган бўлса-да, чоп этилди. Чўлпон, Фитрат асарларини чоп этиш йўлидаги барча уринишлар беҳуда кетди. Абдулла Қодирий асарлари босилди-ю, улар на синчиклаб, на ғоявий эстетик таҳлил этилди. Вульгар социологизм «ойнаги» бизни узоқни кўролмайдиган қилиб қўйган, социалистик реализмнинг темир қонунлари тафаккуримизга кишан бўлиб қолган экан. Иззат Султон Абдулла Қодирийни янги давр китобхонига етук санъаткор сифатида таништиришга, романлари ҳақида самимий, ҳақ гапларни айтишга чоғланган булишига қарамай, социалистик реализм таллабларидан четга чиқа олмади: «Абдулла Қодирий ўз олдига синф курашини тасвир қилиш вазифасини қўйиш билан тарихга марксча-ленинча қарашга интилганини кўрсатади. Бу эса, «Ўткан кунлар» ёзилган даврга нисбатан ёзувчи дунёқарашда ижобий эволюция юз берганидан далолатдир. «Меҳробдан чаён»нинг бутун мундарижаси ёзувчи ўз дунёқарашини ва тарихни тасвир этишда неча поғона баландга кўтарилганини намоён этади»; «Романнинг ғоявий етуклиги ва тарихни чуқурроқ тушуна бошланганлигини биз асар бош қаҳрамонини танлашда ҳам кўраимиз, — деб ёзади сузбоши муаллифи И. Султонов. — Бу гал романчи асарга бош қаҳрамон қилиб халқ ичидан чиққан камбағал боласи, етим Анварни олади».

Яқин-яқинларгача ҳам дунёқарашнинг ўзгариши, характернинг шаклланиши жуда осон деб англандик. Октябрь тўнтаришидан кейинги ҳар бир йил, ҳар ой, ҳар кун, ҳатто ҳар соат-дақиқа дунёқарашнинг марксча-ленинчасига ўзгариб боришига ҳисса қўшганлигини таъкидлашни ёқтирардик. Характернинг шаклланиши, ўзгариши ҳам оппа-осон тушуниларди. Босиб ўтилган мураккаб, янглишиш-хатоликларга сероб йўл, халқ йўлбошчиси, доҳийси бўлган кишилар қилмишлари, ўйлари, руҳияти билан танишиш дунёқараш, характернинг ўзгариши ўн йилликларнинг ҳам иши эмасли-

гини тасдиқлаяпти. Мана, битта мисол. Биз етмиш йил ичида динни қанчалик ёмонламадик: уни афъюн деб атадик, ёлгон, бўхтон дедик, эзувчилар қўлидаги қурол дедик... Эринмасдан худосизлар сонини санаб бордик, атеизм уйларини безадик, лекторийлар ташкил этдик. Виждон эркинлиги ҳақида қонун қабул қилиниши биланоқ барча халқлар динга ҳақиқий муносабатларини билдирдилар-қўйдилар.

Иzzат Султоновнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги мақоласидаги руҳ, оҳанг XX съезддан кейинги даврга мос, ҳамоҳанг. Аммо мақолага синчиклаб, мазмунини чақиб эътибор берсак, ўша-ўша, вульгар социологизмнинг терминлари, тушунчалари: ёзувчининг марксистик дунёқараши; синфлараро муросасиз кураш; камбағал одамни ижобий қаҳрамон қилиб тасвирлаш ҳақидаги ақида... Қолаверса, социалистик реализм талаблари, шартлари, вульгар социологизм билан ниҳоятда яқин экан. Олтмишинчи йиллари, ҳатто ундан анчагина олдин ҳам, социалистик мамлакатлардаги, ҳатто шўролар мамлакатадидаги анчагина санъаткорлар, олим-мунаққидлар социалистик реализм методига қарши чиқа бошлаган эдилар. Иzzат Султонов «Меҳробдан чаён»ни социалистик реализм андозасига асосан таҳлил қилишни давом эттиради: «Аммо Абдулла Қодирий бу романда ҳам синфий курашни тасвирлашда бир камчиликка йўл қўяди: романда эксплуататор муҳити мукамал тасвирлангани ҳолда, бу муҳитга қарши турган меҳнаткаш халқ муҳити етарли кенг тасвирлаб берилмаган» (21-бет).

Биз санъат асарларини вульгар социология асосида, социалистик реализм шартлари бўйича қанчалик берилиб таҳлил этсак, уларнинг эстетик қимматини, умуминсоний қадрият сифатидаги баҳосини шунчалик назардан соқит қилдик. Наҳотки, «Меҳробдан чаён»нинг бадиий-эстетик қиммати, барча давр, барча миллат намояндаларига маъқул тушадиган умумбашарий қадри синфий курашнинг қай даражада тасвирлангани, ёзувчининг дунёқараши қай даражада марксчалиги, бош қаҳрамоннинг камбағал боласи бўлганлиги билан белгиланса?! Социалистик реализм шартлари қай даража-

да санъатга ёт бўлганлигини бугун очиқ-ойдин кўриб, билиб турибмиз-ку!

Абдулла Қодирий ижодининг 60–70-йиллардаги тадқиқотчилари, мантиқан, ғоявий-эстетик таҳлилни чуқурлаштиришлари, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»нинг бадиий-эстетик моҳиятини ёритишлари жоиз эди. Афсуски, ҳоким мафкура, 30-, 50-йиллардаги қатагонлар, ниҳоят, социалистик реализм фикр қаҳатчилигини вужудга келтирган экан. Тавба, 60-йиллар «қодирийшунослари» Иззат Султонов мақоласида айтилган фикрларни у ёки бу тарзда такрорлаган эканлар. Аҳмад Алиев «Абдулла Қодирий» танқидий-биографик очеркида (1967) «Меҳробдан чаён» романини чуқур мутолаа қилганини, асар ҳақида янгича хулосалар чиқаришга яқинлашганини кўрсатади. Афсуски, тадқиқотчи Иззат Султоновнинг роман ҳақидаги асосий хулосаларини ўзгачароқ шаклда такрорлайди, холос: «Меҳробдан чаён»да ёзувчи бир-бирига қарама-қарши бўлган икки синф курашини тасвир этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган»; «Асарнинг марказий қаҳрамони Анвар, Отабек сингари йирик савдогар эмас, ... қашшоқ бир оиланинг боқимсиз қолган боласидир».

1977 йили чоп этилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси» рисоласининг муаллифи Иброҳим Мирзаев Аҳмад Алиев сингари Иззат Султон чизган чизикдан зинҳор четга чиқмайди — «Меҳробдан чаён» ҳақида айтилган гапларни такрорлайди. Янгилик шундаки, Иброҳим Мирзаев «Ўткан кунлар»дан сўнг «Меҳробдан чаён»нинг юзага келганига қадар ўтган қисқа даврни «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюциясида ўзига хос бир босқич», деб қарайди. Чиндан ҳам, икки роман оралигидаги давр ёзувчи учун синов муддати бўлди. Унинг онгида зиддиятли фикрлар кураши давом этди, буюк деб аталган «инқилоб»нинг асл моҳиятини англай бошлади. Романи синчиклаб ўқиган китобхон ёзувчи қарашларида муҳим ўзгаришлар рўй берганини сезади. Иброҳим Мирзаев бўлса, икки роман оралигида социалистик воқелик тез суръатлар билан тасдиқлана борганлигини, совет санъати ва адабиёти ривожланганлигини, Москвада, гарчи қисқа муддат бўлса-да,

тахсил куриш Қодирий қарашларида ижобий узгаришларга сабаб бўлганлигини ёзади. Танқидий тафаккурда ғалати-ғалати ажойиботлар мавжуд эди. Масалан, янги социалистик тузум барча жабҳаларда фақат ютуқлардан ютуқларга эришганлиги ҳамиша такрорланар, тушкунлик, емирилиш, ғоявий парокандалик, боши берк кучага кириб қолиш, инқирозга маҳкумлик капитализмгагина хос эканлиги бақириб-чақириб айтиларди. Адабий танқид: «Совет ёзувчиси салкам фаришта: у ҳамиша олға интилади, сиёсий ҳушёрликни оширади, марксча дунёқарашни чиниқтиради, ижтимоий, маънавий, оилавий жабҳада ўзгаларга ўрнак бўлади, ўлиб бораётган капиталистик мафкурага қарши ўт очади» қабалида фикр юритарди. Алексей Максимович Горький янги тузумнинг илк босқичларида жорий сиёсатга қарши чиққан, «Бемаврид фикрлар» номли туркум мақолаларида ҳаётдаги ноҳўя ишларни фош этган, деса ҳеч ким ишонмасди. Худди шунингдек, ўзбек танқидчи-адабиётшунослари 60-йиллари Абдулла Қодирийнинг йигирманчи йиллардаги ҳаётини ўта кўтаринки, инқилобий руҳда тасвирлаганлар. Ваҳоланки, ёзувчи, авваламбор, тирик инсон, ҳаётдаги ўзгаришларни нозик ҳис қиладиган шахс. Абдулла Қодирий ҳаётининг икки роман оралиғидаги даврини кўкларга кўтариб мақтаганлар, негадир, «Масков хатлари» (1925); «Йигинди гаплар» (1926) мақолаларини эсламайдилар, 1926 йили ёзувчининг сирли қамалишини, судда сўзлаган нутқини четлаб ўтадилар. «Меҳробдан чаён»ни яратишга киришиш арафасида ёзувчи инқилобий ҳаётдаги жумбоқларни, мақталган тузумдаги камчиликларни тушунди, амалдорлик-тўрачилик асорати янги тузумда авж олаётганлигини, ичи қора, хиёнаткор одамлар ови юришиб қолганлигини ички туйғу билан ҳис этди; баландпарвоз шиорлар билан амалдаги ишлар ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини англади. «Меҳробдан чаён» романидаги Абдурахмон домла образи ўзгача бир нафрат, алам билан ёзилганки, Абдулла Қодирийдек ҳасос, санъат қоидаларини муқалдас деб биладиган ёзувчи, сал булмаса, ноҳолисликка берилиб кетишига оз қолди. Абдурахмон домлага чапланган қора бўёқлар-

нинг сабабини Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли бебаҳо китобидан англаш мумкин. Ҳ. Қодирий ёзишича, Абдурахмон домланинг прототипи Абдулла Қодирийга яхши таниш бўлган, аниқроғи, ўша чақимчи, ичи қора одам ёзувчи бошига кўп савдолар солган экан. Чақимчилик, хиёнат, хоинлик — Абдулла Қодирий асарларида куйиб-ёниб фош этиладиган инсоний мараз, иллат. Абдулла Қодирий самимий китобхонни қанчалик эъзозласа, адабий ҳаётдаги амалдорларни шунчалик ёқтирмасди. «Меҳробдан чаён» романининг мавзуи тўғрисида муаллиф томонидан битилган киришдаги: «...қора кучларга қарши «тубан» синф — камбағаллар, уларнинг хонлик тузилишига қора куч — уламо алайҳига қарши чиқиши, меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оиласи, турмуши ва бир-бирига алоқаси, самимияти», деган гапларни айнан қабул қилиш тўғри эмас. Абдулла Қодирий ҳаёт ниҳоятда мураккаблигини, уни қолипга солиш мумкин эмаслигини беш қўлдек билган: юқори синф — номарғуб кучлар орасида улуғ инсонлар кўплигига ишонса, «тубан» синф — марғублар орасида қабиҳ, фаросатсизлар кўплигига шубҳа қилмаган. Хуллас, Абдулла Қодирий кишиларни тамоман зид икки гуруҳга ажратиб ташлаш ножоизлигини тушунган. Таассуфки, олтмиш йилдан бери «Меҳробдан чаён» романида икки қарама-қарши синф орасидаги кураш тасвирланганлиги мақоладан китобга, китобдан адабиёт дарсликларига ўтиб келмоқда. Собир Мирвалиев «Ўзбек романи» рисоласида «кураш икки синф ўртасида бўлиб» ўтишини (109-бет), қарама-қарши синфлараро «тўқнашувни ташкил этишда ёзувчи асаридаги бош қаҳрамон Анвар образини тўғри танлаган»лигини (110-бет) «Меҳробдан чаён»нинг фазилати, деб кўрсатади. Олим «Уткан кунлар» социалистик реализм томон бурилиш бўлди, «мазкур романда («Меҳробдан чаён»да — А.Р.) социалистик реализм томон қадам қўя олди» (109-бет), деган хулосага келади. «Маълумки, — деб ёзади Собир Мирвалиев, — ҳар бир ижодий метод янги метод учун замин ҳозирлайди, пайдо бўлаётган янги метод эса ўша аввалги метод ичидан ўсиб чиқади» («Ўзбек романи», «Фан», 1969).



Биз юқорида адабий-танқидий тафаккурдаги баъзи қолиплар — қотиб қолган тушунчалар ҳақида тухталган эдик. Адабий танқид социалистик реализм методининг афзаллиги, устунлигини тасдиқлаш мақсадида аввалги ижодий методларни ерга урганки, бу ҳам қолип — қотиб қолган асоссиз ақида ҳисобланади. Мантиқан текширсак, шу нарса аён бўладики, гуё социалистик реализмгача битилган асарлар мукамал бўлмаган эски методда яратилганлиги сабабли савияси паст бўлади. Наҳотки, истеъдод деган илоҳий эҳсонни уйлаб топилган методга қурбон қилсак?! Алишер Навоий, Пушкин, Гёте, Лев Толстой мислсиз санъаткорлар, лекин социалистик реализм методида ижод этмаганлар. Наҳотки, уларнинг улуғ асарлари социалистик реализм методида ижод қилган, лекин уртачагина укувга эга бўлган қаламкаш асаридан паст турса?! Бу айни мантиқсизлик, адолатсизлик эмасми? Ёзувчи ижодини, санъат асарларини баҳолашда асосий мезон истеъдод ва санъаткорлик ҳисобланади. Социалистик реализм методи расман шўро адабиётида салкам олтмиш йил ҳукмронлик қилди. Октябрь тўнтаришидан кейиноқ янги адабиёт, янгича дунёқарашдаги ижодкор ҳақида тинимсиз гапирилганлигини ҳисобга олсак, социализм шўро адабиётининг тағзаминини ташкил этади. Социалистик реализм соф эстетик категория эмас, сиёсатга хизмат қилувчи адабий дастур эканлигини ҳақиқий санъаткорлар ижоди, етук асарлар ҳамшиша инкор этиб келганлигидан очиқ-ойдин сезиш мумкин. Ушбу методнинг чуви чиқаёзувдики, Андрей Платонов, Михаил Булгаков, Василий Гроссман, Чулпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, А. Солженицин асарлари ҳақида баралла гапириладиган, улар ижоди таҳлил қилинадиган бўлиб қолди. Хўш, «илғор, етук» социалистик реализм машҳур ёзувчилар ижодини, чин санъат асарларини нега инкор этиб келди? Бош сабаб шуки, социалистик реализм тоталитар сиёсат, мафкурага хизмат қиларди.

Яна бир ачинарли томони шундаки, санъаткорлик сирларини ўрганиш, ижод жараёнига тааллуқли масалаларга диққатни жалб этиш ўрнига, назариябозлик,

тўғрироғи, назария ниқобига ўралган сиёсатбозлик билан шуғулланиб келинди. 20-, 30-, 50-йиллардаги адабий-танқидий мақолаларда санъат масалаларини ҳал қилишга нисбатан сиёсий мақсадларни кўзлаш, ёт мафкурадаги душманларни ахтариш етакчилик қилади. Абдурахмон Саъдий, Сотти Хусайн, Айн, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингариларнинг баъзи адабий мақолаларини ўқисангиз, этингиз жимирлашиб кетади: уларда сиёсий айблов, ёт мафкура изларини излаш яққол кўриниб туради, адабий танқидни сиёсат жангига айлантириб юбориш ишқибозлари ҳануз топилади. Бахтимизга замон ўзгарди, ошкоралик эпкини эсди, ҳурфикрлилик ниҳоллари кўкараяпти. Яқин-яқинларда ҳам гоёвийликни байроқ қилиб кўтаришлар, «Улугбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Истанбул фожиаси», «Авлодлар довони» сингари асарларни сиёсатга солиб ўлчаш ҳоллари яққол кўринади. Адабий танқиддаги тарафкашлик, гуруҳбозлик иллоти ҳам вульгар социологизм, социалистик реализм сингари ҳар хил «изм»ларнинг, адабий сиёсатнинг «фарзанди». Ҳаётимизда ҳурфикрлилик, ошкоралик очиқ сезилаяпти-ю гуруҳбозлик, тарафкашлик йўқолмаяпти...

70-йиллари ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги Абдулла Қодирий ижодини, жусусан, «Меҳробдан чаён» романини ўрганишга эътибор берди. Лекин улкан санъаткор ижодини ўрганиш бевосита реалистик методнинг шаклланиши масалалари йўналишида давом этди. Илк ўзбек шўро адабиётининг ижодий методи кўпроқ Абдулла Қодирий асарлари мисолида ишботланди. Ижодий метод ҳақидаги гаплар асосан дунёқараш, воқеликка муносабат масаласини асос қилиб олди. Ҳомил Ёқубов «Ўткан кунлар» романининг 1973 йил нашрига ёзган сўнги сўз — мақоласида бу асар «ўзбек романчилигида социалистик реализм адабиётининг яхши намуналарини яратишга реалистик замин ҳозирлагани ва катта йўл очиб бергани» (395-бет), «Меҳробдан чаён» романи эса «меҳнаткашлар ичида етишган маърифатли йигит — Анвар образини яратишда, ...реакцион руҳоний табақаларни жуда индидуаллашган образлар орқали фош қилишда...» (395-

бет), аввалги романнинг «ғоявий-бадий маҳдудлигига барҳам беришда» (396-бет) муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ўзбек прозасида реалистик принципларнинг галабасидан далолат беришлигини» (396-бет) Ҳ. Ёқубов уқтиради. Бердиали Имомов, Ҳафиз Абдусаматов, Анқабой Қулжонов мақола, тадқиқотларида Абдулла Қодирий романларининг методи социалистик реализм эмаслиги айтилса, Иззат Султонов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов сингари олимлар Абдулла Қодирий романларининг методи социалистик реализм дейдилар. Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Абдусаматов, Б. Имомов. С. Мирвалиев адиб асарлари социалистик реализм учун замин тайёрлади, улар социалистик реализм даражасига кўтарилмади, деган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар Абдулла Қодирий санъаткорлигини, унинг романларида умуминсоний тушунчалар акс этганлигини социалистик реализм методи доирасида тушунтирдилар.

1975 йили Тошкентда «Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализмнинг манбалари, шаклланиши ва ривожини» мавзуида умумиттифоқ илмий-назарий анжумани ўтказилди. Унда маъруза қилган, илмий ахборот берган олимлар, бошқа масалалар қатори, Абдулла Қодирий романлари методи ҳақида фикр билдирдилар: бир гуруҳ олимлар Абдулла Қодирий ижодини танқидий реализм деган бўлсалар, бошқа олимлар Абдулла Қодирий социалистик реализм намояндаси эканлигини уқтирдилар. Ўзбекистон Ёзувчиларининг VIII съездидаги ҳисобот маърузасида Абдулла Қодирийнинг ижодий методи социалистик реализм эканлиги алоҳида таъкидланди. Олимлар, ёзувчилар Абдулла Қодирийнинг ижодий методи хусусида қизгин жанг қилаётган пайтлари оддий ўқувчи «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни маза қилиб ўқийверди, романлар таъсирида унинг қалбида олам-олам туйғулар жўш урди, кўзларида ҳаётга муҳаббат нури жилваланди. Қайта қуриш самараси — янгича тафаккур кўзимизни мошдек очди: социалистик реализм боши берк кўчага кириб, ҳақиқатдан ажралиб қолган методу, биз уни осмондаги ой билибмиз: энг етук ёзувчиларимиз ижодини шу

«метод»га қандай қилиб бўлмасин сиғдиришга беҳуда уринибмиз.

Биз бир пайтлари санъат санъат учун, деган қоидага қарши тиш-тирноғимиз билан курашардик. Ваҳоланки, масалани бундай йўсинда қўйиш, жўн ҳал этиш сира мумкин эмас экан. Санъатнинг мураккаб қонунларидан воз кечиб бўлмас экан. Қарангки, XX асрнинг 70-йиллари назария назария учун, деган қоида адабиётшуносликка кириб қолди, мутахассислар диққатини бадиийлик масалаларидан четга буриб юборди. Умумсовет адабиётшунослигида 20-йиллардаги совет адабиётининг методи ҳақида қизгин баҳслар бошланиб кетди. Шу пайтда социалистик реализмда ижод қилганлар, танқидий реализмдан кўтарила олмаганлар, методи тайин бўлмаганлар ҳақида ҳар хил фикрлар юритила бошланди. Методлар ҳақидаги баҳслар шунчалик «қизиб» кетдики, конкрет асарларни таҳлил этиш, методни асарнинг ички тўқимасидан келтириб чиқариш лозимлиги тамоман унутиб қўйилди. Анқабой Қулжоновнинг «Реализм ва романтизм» китобидаги «Ижодий метод ва услуб», «Камолот», «Адабиётимизнинг оқсоқоли» мақолалари фикримизнинг далили бўла олади. Аксинча, баъзи олимлар социалистик реализм имкониятларини юзага чиқаришга интилдилар, очиқ система назариясини кенг тарғиб қилдилар. Профессор Умарали Норматов «Насримиз уфқлари» китобига кирган «Изчил реалистик оқим» мақоласида «Ўткан кунлар»ни социалистик реализмнинг изчил реалистик услубий оқимда, «Меҳробдан чаён»ни романтик услубий оқимда яратганлигини исботлайди. Матёқуб Қўш-жонов тадқиқотларида Абдулла Қодирий романларини, хусусан, «Меҳробдан чаён»ни ғоявий-эстетик таҳлил этади. А. Каттабеков, Ҳ. Умунов, У. Носиров яратган тадқиқотларда ҳам «Меҳробдан чаён» таҳлиliga алоҳида эътибор берилган.

«Меҳробдан чаён» романини вульгар социологизм, социалистик реализм талаблари, шартлари асосида таҳлил у талқин қилиш қайта куриш давригача давом этди, бундан буёғига қолиплар, андозалар ҳақиқий таҳлилинг тўсиғи бўла олмайди дейиш уринлимикан? Қайта

қуришнинг янгича тафаккури ҳар хил сохта қарашлар — «изм»лар йўлига чек қўйиши мушкул кечди, шекилли. Мана, 1987 йили «Ўзбек совет адабиёти тарихи» номли 5 жилдли асарнинг биринчи, 1988 йили иккинчи ва учинчи жилдлари чоп этилди. Китоб рус тилида босилгани сабабли уни уқиган кўпчилик телбатескари фактларга дуч келавериб, ҳайратдан ёқа ушлашлари мумкин. Мавзуимиз «Меҳробдан чаён» романи бўлганлиги боис биз шу асар ҳақида «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг I томида берилган баъзи маълумотларни келтирамиз. «Анвар — қашшоқлашган буюкчи (?) Солиҳ маҳдумнинг ўғли» (154-бет). Раъно хон ҳарамига олиб борилмаганлиги, канизлар қаторига қўшилмаганлиги оддий китобхонга ҳам аён. Лекин «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратувчилар: «Хон ҳарамидан қочиш фикри Анвардан эмас, Раънодан чиқди» (157-бет), — деб ёзадилар. «Ўткан кунлар» яратилибдики, Абдулла Қодирий камбағаллар намояндаларини ижобий қаҳрамон қилиб танламаганлиги учун ур калтак қилинади, ёзувчига хайрихоҳлик кўрсатмоқчи бўлганлар эса, «Меҳробдан чаён»нинг асосий қаҳрамони оддий халқ орасидан танланганлигини, албатта, эслатадилар. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да мана бу «янгилик»ни ўқиймиз: «Ҳар икки романда («Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»да — А.Р.) ёзувчи ижобий қаҳрамонларни халқ орасидан топади, унинг барча салбий персонажлари — ёзувчи синф намояндалари» (157-бет). Ҳозиргина ижобий қаҳрамонларни оддий халқ вакили деб турган муаллифлар Раъно, Султоналини шу қаторга қўшиб қўядилар; Шариф, Раҳим каби персонажларни энг баландпарвоз сўзлар билан мақтайдилар: «Ижобий қаҳрамонлар — Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Қобилбой, Шариф, Раҳим ва уларнинг дўстлари индивидуаллаштирилган. Абдулла Қодирий уларни инсонпарвар, ҳақиқатгўй, дилдан сева оладиган вафодор қилиб тасвирлайди» (257-бет). Ижобий қаҳрамонлар, персонажлар ҳозиргина кўкларга қутарилган эди. Энди булса: «Худоёрхон ва унинг яқинларини ҳаққоний ва ишонарли тасвирлай олган ёзувчи Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, халқ вакил-

лари намояндалари тақдири ва характерини чуқур ёрита олмаган» (157-бет), — деган хулосани ўқиймиз. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»даги «Меҳробдан чаён»да психологик реализм қўлланганлиги (157-бет), «реалистик портрет яратиш тажрибаси мукаммаллаштирилганлиги» (158-бет) каби баҳсли мулоҳазаларни қўя турайлик-да, «Меҳробдан чаён»нинг «асосий конфликтини икки антагонистик синф — эзувчи ва эзилувчиларнинг мурасасиз кураши белгилайди», (154-бет) деган узил-кесил фикрга қайтайлик. Наҳотки, шундай бўлса?! Қани романдаги антогонистик синф вакиллари, улар ўртасидаги мурасасиз кураш?! Самад бўқоқ, Гулшан — оддий халқ вакиллари. Лекин роман воқеаларида улар салбий куч сифатида кўринадилар. Абдураҳмон домла — ўта қашшоқ, қўл учида кун кўриб келган кампирнинг ўғли. Лекин у Анвар, Раъно фожеаларининг бош сабабчиларидан ҳисобланади. Султонали, Раъно қандай қилиб эзилувчи синф вакили бўлиб қолдилар? Хуллас, «Ўзбек совет адабиёти»да Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди, хусусан, «Меҳробдан чаён» романи бузиб гайририилмий талқин қилинган. Ачинарлиси шундаки, «Меҳробдан чаён» романи ҳақида «Ўзбек совет адабиёти тарихи» берган алмойи-алжойи маълумотлар билан танишган умумиттифоқ китобхони бошидан тегирмон тоши юргазганда ҳам бу китобни қўлига олмайди, ўқимайди. Романдаги гоёни, эстетик моҳиятни англамоқ учун асарни бошқача «ўқимоқ», талқин этмоқ жоиз.

Адабий-танқидий мақола, тақриз баҳолаш билан бирга, ёзувчи ижодига ёхуд алоҳида асарга қизиқиш ўйғотмоғи керак. Китобхон борки, миллати, эътиқоди, адабий-бадиий кўникмасидан қатъи назар, Абдулла Қодирий асарларини шавқ-завқ билан ўқийди. Ўзбек шуро танқидчилиги Абдулла Қодирий ижодига, асарларига қизиқишни орттириш ўрнига, уни сусайтириб келди. Бунинг боиси шуки, мунаққидлар асарнинг узидан, ёзувчининг эстетик қарашларидан келиб чиққан ҳолда эмас, гоҳ вульгар социологизм, гоҳ соцреализм талаблари асосида, сиёсат зайлига кўра қўлларига қалам-тиғ олдилар. Шуниси ҳам борки, Абдулла Қоди-

рий ижоди, асарлари ҳақида ёзган инсофли, иймонли мунаққидлар ҳамиша мураккаб руҳий ҳолатни кечирдилар: санъаткор асарлари замоннинг дастуриламал тенгламасига мос келмайди, уни «бинойидек» ҳолатга келтириш учун кесиш, тарошлаш — қип-қизил қонга бўяш керак. Аини вақтда, Абдулла Қодирий романлари яхлитлиги, расолиги, улугворлиги билан ҳар қандай китобхонни — мунаққидни ром этади. Ойбек, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов сингари олимлар асарларида мунаққиднинг руҳий ҳолатлари сезилади. М. Қўшжонов, У. Норматов сингари мунаққидлар мақолаларида асарнинг узидан келиб чиққан ҳолда, ҳолис таҳлил этиш кузатилади, гарчи бу мунаққидлар ҳам гапни социалистик реализм томон буриб турсалар ҳам.

Абдулла Қодирий романлари уз тақдирига, ҳаёт йўлига эга. Улар ҳозиргача ҳар хил таҳлил, талқин қилиб келинди. Бадиий адабиёт сиёсат асоратидан қутулаётганидек, адабий танқид ҳам баҳолашда — таҳлилу талқинда бевосита асар руҳидан, санъаткорнинг эстетик қарашларидан келиб чиқиш томон юз бурмоқда.

Абдулла Қодирий янги адабиётнинг етук санъаткори. Унинг айна етилган палласи Октябрь тўнтариши йилларига тўғри келди. Менга қолса, «Улоқда» ҳикояси улкан санъаткорнинг туғилгани ҳақидаги суюнчи-хабар эди. Абдулла Қодирий ҳар иккала романида «халқимиз тарихидаги энг кир давр»ни акс эттиради. Бошқача айтганда, романларда ижтимоий-сиёсий зимистон тасвирланди. Тим қора туннинг безаги, қувончи ёруғ юлдузлардир. Абдулла Қодирий етилаётган янгича ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг илк намояндаларини Отабек, Анвар, Султонали, Ражаббек, Сафар бўзчи, Кумуш, Раъноларда — XIX аср ўрталаридаги зулматнинг ёрқин юлдузларида кўрди. Абдулла Қодирий яратган бадиий оламнинг бир сарҳади XIX аср ўрталаридаги ҳаёт тасвиридан бошланади. Ёзувчи бу сарҳадни яна «ичқари»га сурмоқчи — Умархон ҳақида роман ёзмоқчи эди. Абдулла Қодирий бир қанча ҳикоя, мақолаларида XIX аср ўрталаридан янги асрнинг 30-йилларигача бўлган ҳаётни бадиий тадқиқ эта бошлаган эди. Санъаткор яратган бадиий оламини бир бутун

ҳолда урганиш, уни сунъий булинишларга ажратмаслик лозим. Фикрни очиқ айтганда, А. Қодирий ижодини икки қисмга ажратиш, муҳими, бу қисмларни бири-бирига қарама-қарши қўйиш номувофиқдир. Абдулла Қодирийнинг барча асарлари — яхлит бадиий оламнинг мулки. Тўғри, Калвак махзум, Тошпўлат тажанг, Мухсин домла, Хатиб домла, мулла Обидлар замонанинг ўзгаришлар туфайли бесаранжом бўлиб қолган, лекин, барибир, узлигини сақлаб қолган одамлардир.

Абдулла Қодирий бадиий характер яратиш устаси эди. Ёзувчининг бу санъати тирик одамлар образларини ишонарли кўрсата олишида кўзга ташланади. Ҳозирги пайтда ўзбек шўро адабиётининг қаҳрамони масаласи ечилмаган муаммо бўлиб турибди. Қарийб етмиш йилдан зиёд вақт давомида ўзбек шўро адабиёти қаҳрамон характерини яратишда сунъийликка йўл қўйиб келди. Бу нарса икки масалада аниқ кўринади. Биринчиси, қаҳрамон образида виждон эркинлиги масаласи сунъий равишда четлаб ўтилди ёхуд сохта тасвирланди. Иккинчиси, қаҳрамондаги ўзлик бошқа масалалар билан алмаштирилиб келинди. 1990 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси қўтилмаганда бадиий қаҳрамон ҳақида баҳс бошлади. Қарангки, баҳс Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги образлардан бири — Солиҳ махдум хусусида эди. Баҳс иштирокчилари Солиҳ махдум образига икки хил дунёқараш асосида ёндашдилар. Азим Раҳимов «Солиҳ махдумда нима гуноҳ?» (1990, 3 август) мақоласида қайта қуриш даври нуқтаи назаридан Солиҳ махдум образига муносабат билдиради, унинг зиёкор-муаллимлик фаолиятини ёритади. Муаллиф Солиҳ махдумни ҳар томонлама оқлашга, унинг қусурларидан ҳам фазилат топишга интилар экан, қуйидаги фикрга суянди: «Адолат юзасидан айтганда, муайян адабий персонажнинг хатти-ҳаракати ва қилмишларини баҳолашда фақатгина уни олиб қолмасдан; асар яратилган шароит ҳамда мафкуравий муҳит билан ҳам ҳисоблашиш зарурдир. Чунки ҳар қандай китобхон ва танқидчи сингари муаллиф ҳам ўз даврининг фарзанди бўлиб, ўзи мансуб бўлган синфий-ижтимоий табақанинг салбий таъсири-



дан холи бўлмаслиги шубҳасиздир». Азим Раҳимов Солиҳ махдум образи ҳақида фикр юритар экан, марксча-ленинча методологияга асосланади, онгимизга сингдирилган дунёқараш асосида фикр юритади. Иккинчидан, мени қувонтирадиган нарса шуки, Солиҳ махдум тирик қаҳрамон сифатида ҳаракат қилади, гўё ноҳақ ёзувчидан мунаққидга шикоят қилгандек, ундан мадад кутгандек бўлади. Тирик қаҳрамон ҳамиша ўзи учун курашади, ўзини ҳимоя қилади. Ўз шаъни учун курашиб, Солиҳ махдум Абдулла Қодирий обрусини оширди, унинг чин санъаткорлигини тасдиқлади. Муртазо Қаршибоев «Солиҳ махдум фариштами?» (1990, 2 ноябрь) мақоласида Азим Раҳимов қарашларига зид боради. У Солиҳ махдумни шунчаки ёмонлаб қўя қолмай, фикрини Қуръони шариф оятлари, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари орқали исботлаб беради. Бир қарашда, М. Қаршибоев ўз мақоласида диний методологияга бус-бутун амал қилгандек туюлади. Мунаққид Солиҳ махдум қилмишларини унинг ўз арқони — амал қилиши лозим бўлган қоидалари билан чирмайди. Бироқ М. Қаршибоев тутган йўлда бир сакталиқ бор. Солиҳ махдум ўз илмига амал қилса, ёзувчи томонидан салбий тип сифатида кўрсатилмасди. Қолаверса, Солиҳ махдумнинг тили билан иши айричалигидан муаллиф унумли фойдаланади: сатирик тип яратади. Бизнинг танқидчилигимиз, адабиётшунослигимиз ислом дини қоидаларини, асосий моҳиятини чуқур ўзлаштириши жоиз. Бусиз асосли, ишонарли ёзиб бўлмайди. Лекин ҳадису оятлар кўрсатмасига кўр-кўрона риоя этиш ҳозирги давр талабларидан узилиб қолишга олиб келади. Муртазонинг асосий қарашини тасдиқлаган ҳолда, мақоладаги битта нуқтани — «Солиҳ махдумнинг мадрасадаги кирдикорлари» хусусидаги фикрга тамоман қўшилмайман. Ўзбекнинг бағри кенг, кечиримли халқ. Лекин баъзи кирдикорларни, хатти-ҳаракатларни у зинҳор кечирмайди. Айниқса, ўзбек гулдек боласини кирдикорли одам қўлига топширмайди, шогирдликка бериб қўймайди. Солиҳ махдум эл орасида танилган зот. Унинг хасислигидан, қирқ ямоқ тўнидан, қўнжи йилдан-йилга қисқариб бораётган маҳсисидан мириқиб қу-

ладиганлар серобу, ундан жирканадиган, сирли кирдикорларидан ор қиладиган одам йўқ. Ю. Шоназаров «Яна Солиҳ махдум ҳақида» (1991, 25 январь) мақола-сида Азим Раҳимов, Муртазо Қаршибоев мақолаларига муносабат билдиргач, «...Солиҳ махдум фаришта ҳам эмас, тирик одам. Муҳими, у сатирик схема эмас», деган лунда хулосани айтади-қўяди.

Романдаги барча персонажлар тирик одамлиги, ўзлигига эга бўлган кишилар эканлиги билан китобхон диққатини жалб этади. «Меҳробдан чаён» қаҳрамонлари образини роман асосига сингдирилган бадиий-эстетик концепциясиз таҳлил қилиш мумкин эмас. Абдулла Қодирий, гарчи XIX асрнинг 50—60-йилларидаги воқеаларни бадиий тасвирлаган бўлса-да, роман ёзилган пайтдаги ўз руҳиятини, тушунчаларини, замон ва замондошлар ҳақидаги қарашларини — концепциясини китобхонга етказиш йўлини топган. Шу пайтгача «Меҳробдан чаён» романининг тадқиқотчилари масаланинг бу томонига эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, роман таҳлилида бу масала алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз роман қаҳрамонлари образини талқин этар эканмиз, «Меҳробдан чаён»нинг умумий концепциясини таҳлил қилишни мақсад этиб қўйдик.

«Меҳробдан чаён» романида омонат тахтга амалтақал қилиб учинчи бор илашиб олган Худоёрхоннинг ич-ичидан чириган Қўқон хонлигини идора этишдаги ҳийла-найранглари, икки пулга яроқсиз сиёсати моҳирона фош қилинган. Худоёрхон хонликдаги чирик ички аҳволни, унга ташқаридан таҳлика солиб турган хавфли кучни (Россия империясининг хонликни тамоман маҳв этиб юбориш сиёсатини — А.Р.) аниқ сезади. Хонлик ўлим талвасасида эди. Хон эса ўзини билиб, билмасликка оларди, иккиюзламачилик сиёсатини изчил давом эттирарди. Хон омонат тахт бугун бўлмаса, эртага қулашини ич-ичидан ҳис қилса-да, ташқаридан шод-хуррам, тўй-ҳашам, базму жамшид, карнай-сурнай билан ҳам халқни, ҳам ўзини чалғитмоқчи бўлади. Ариқ қаздиради, мадрасалар қурдиради. Карнай-сурнай овози, кўзни қамаштираётган сохта ялт-юлтлар бошқарув соҳасидаги асабозликни, амалдор-

лар ўртасидаги ҳаёт-мамот жанги даҳшатларини кумиб юбормайди. Абдулла Қодирий романида бошқарув усулидаги, ижтимоий ҳаётдаги сохталик, қаллоблик нозик тасвирланади. Ҳеч ким ўзининг асл моҳиятини кўрсатмайди, ҳамма иложи борича, найранг қилади, бошқача қиёфада кўринишга зўр беради. Абдулла Қодирийнинг санъаткорлиги шундаки, у ўз қаҳрамонларининг асл қиёфасини, туб моҳиятини китобхонга ўта нозик тасвирлар билан англатади. Бошқача айтганда, китобхон, масалан, Солиҳ маҳдумнинг хасисликлари, антиқа қилиқлари устидан кулиб юраверади-ю, бирдан ҳақиқий ёвуз Солиҳ маҳдумни кўриб қолади: бу даҳшатли одам унинг қалбига кўрқув солади. Ёвуз Солиҳ маҳдум бирров кўринган бўлса, ёзувчи Абдурахмон домланинг асл башарасини, қора юрагини эринмасдан тасвирлайди, китобхон бу ифлос одамдан жирканиш даражасига етади. Шаҳидбек закотчи, Ғози эшон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзо ҳам чаёндек чақиб қолиш учун пайт пойлайдилар. Лекин улар думларини гажак қилиб, сиёсат куйига турли мақомда йўргалайдилар. Анвар думи гажак чаёнлар орасида юрганни ҳис қилади, қачонлардир гажак думдаги заҳар ҳаёт-мамотини хароб этишини ички туйғу билан англайди. Чаёнлар салтанатида яшаш, ҳаракат қилиш ўта мушкул, нозик туйғу, ўткир ақлгина бу салтанат жинкучаларидан омон-эсон олиб ўтиши мумкин. Худоёрхон салтанатидаги нозик ўйинлар, сиёсатнинг беаёв зарбаси қанчадан-қанча одамларни четга суриб, тузумнинг ноқерак чиқитига айлантормади, дейсиз? Ёдингизда бўлса, Анвар девонаваш Тойир ака билан улфатлик қилади, унинг кулбаи харобасига бот-бот боради. Тойир ака бегубор, қалби тоза одам. Лекин у чаёнлар муҳитида, қуршовида яшай олмади. Кимсасиз ғор, ғариб кулба Тойир ака учун Худоёрхон айғоқчилари қуршовидаги кошонадан афзал. Хон ҳарамидagi канизлар шоҳи-атласларга беланиб, ғоза-ю мушқлар атрини таратиб, оқсочу энагалар хизматидан баҳраманд бўлиб яшайдилар. Уйлаб кўрилса, саройдаги маҳкумлар билан Тойир ака ўртасида фарқ йўқ, ҳисоби. Ғорда яшаётган кимсасиз одам ҳам, саройда сақланаётган каниз-

лар ҳам хўрланган кишилар — жамиятнинг аянчли қурбонлари. Инсоннинг инсонлиги зулмга қарши курашида, ақл-ҳуши билан иш қўришида сезилади. Инсонлар буладики, эркисизлик ҳукмрон тузумда ҳам эзгулик йўлида ҳаракат қиладилар, эзилганлар қисматини яхшилаш йўлида интиладилар. Кишилар борки, адолатсиз тузумни лойқалатилган сув деб биладилар; балиқ овлашга — бойлик орттиришга ружу қиладилар. «Меҳробдан чаён» романида Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Моҳлар оғим, Нигор хоним, Огача оғим сингари инсоф, савоб тушунчаларини унутмаган иймонли кишилар образи китобхон ҳурматини қозонади. Худоёрхон, Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфти, Гулшан сингари образларда бахиллик, ичиқоралик, амалу бойликка учиш — инсофсизлик, диёнатсизлик, беқаноатлик қусурлари ҳоким. Бу белгилар ҳар бир салбий персонажнинг ўз мавқе, имконияти даражасида рўй беради. Худоёрхон, масалан, тахтни беҳавотир сақлаш учун минглаб фуқароларини қатл этишга, шаҳвоний нафсини қондириш йўлида юзлаб қизлар ҳаётини хазон қилишга, қанчадан-қанча аҳил оилалар бошига қора кун солишга тайёр. Унинг салтанатида айгоқчилар, жосуслар, порахўрлар тўкин-сочинликда яшайдилар. Хонликнинг қайси чеккасида «тиқ» этган товуш борки, хоннинг қўлоғига эшитилди, қаердаки фитна уюштириляётган бўлса фош қилинади, фитначилар жазоланади. Худоёрхон даврида имошора билан гаплашиш, мактубларни «илгакли», коса тагида нимкоса бор тақлидида ёзиш авж олади. Бу ўринда Раънонинг Анварга йўллаган мактубини, ундаги «боқий сўзни Шайх Саъдийдан ўқурсиз», деган рамзни мисол тариқасида кўришимиз мумкин. Умуман, менинг назаримда, «Меҳробдан чаён» романининг матнида сермаънилик, рамз, ишора ниҳояда кучлидек туюлади. Ёзувчи ўзга даврни ёзиб, бошқа бир шароитдаги муносабат, кишилараро эҳтиёткорликни акс эттираётгандек кўринади. Гулшан — романдаги эпизодик образлардан бири. У саройдаги энг эътиборсиз ювиндихўрлардан эканлигини англайди, ҳаддидан ошмайди. Лекин у диёнатсизлик, олғирликни табиатига сингди-

риб юборган. Ҳар қандай жуъали гапдан у битта олтин тангани аъло билади.

«Меҳробдан чаён» романининг муҳим фазилатларидан бири шундаки, ёзувчи жонли одамлар образларини яратган. Танқидчиликда «жонли одамлар, тирик инсонлар образи», деган ибора бот-бот қўлланилади. Ҳаётнинг бош ҳақиқати бузилмаса, характерлар тадрижидаги табиийликка раҳна солинмаса, жонли одамлар, ҳаётдагидек тирик инсонлар образи диққатимизни жалб этаверади. Жонли одамлар характери яратилган жонли асарларда инсоний қувончлар, дардлар, қайғулар, хуллас, одамларни ҳамиша ўйлантирадиган ғоялар ифода топади. Жонли, тирик одамлар образларини яратиш учун ёзувчининг санъаткорлиги халқнинг мард фарзанди сифатидаги шижоати, довюраклилиги билан қўшилиб кетиши жоиз. Санъаткорда ҳадиксираш, юз ёқни ўйлаб иш кўриш одати бўлса, яратган қаҳрамонлари сохта, сунъий, жозибасиз чиқади. Шуниси ҳам борки, биз кўпинча жонли одамнинг қандай бўлишини билмай қоламиз. Олам қашшоқ, камбағалми — тамом, негадир уни жамики эзгу хислат мажмуи деб англаймиз. Қашшоқлик дангасалик, ишёқмасликнинг оқибати эканлигини кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Абдулла Қодирий инсон руҳияти, табиати, ижтимоий моҳиятини чуқур англайдиган санъаткор эди.

У инсонни шундай нозик тасвирлайдики, руҳиятини турли нуқталардан кузатадики, «бу образ ижобий», «бу образда эзувчилар синфи намояндаси акс этган» қабалидаги ўй хаёлингизга келмайди. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўқиб бўлгач, ҳис-туйғуларни жиловлаб олгач, ёзувчининг мақсадини, синфий позициясини, партиявий муносабатини, бадий характеру образларига юклатилган ғоявий «топшириқ»ни англаб етасиз. Худоёрхон, масалан, ғирт салбий тип — унинг ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатида чин эзгулик, инсонийлик билан йўғрилган мақсад кўринмайди. Аниқроғи, марксистик дунёқарашдаги одам Худоёрхонни «ҳазм қилолмайди». Лекин, барибир, Абдулла Қодирий хондаги жонли, фикрлайдиган кишиларга хос томонларни холис тасвирлайди. Мана, масалан, бош

мунший тайинлаш керак. Табиийки, хоннинг назари зоти улуглардан ёхуд саройдаги эътиборли кишилардан бирига тушиши керак эди. Лекин хоннинг диққатини Фикри равон, саводи ўткир, туркийда битилган фармон, номаларга «жон» киритиб юборадиган Мирзо Анвар тортди. Абдулла Қодирийнинг реалистлиги шундаки, Худоёрхон Анварнинг билимдон, саводхонлигидан ташқари, махсус уюштирилган улугларнинг Анвар учун қуйиб-пишаётганликларини ҳам ҳисобга олади. Улугларнинг Анвар тарафини олишларида Султонали томонидан энг учуда узатилган олтин тангаларнинг ҳиссаси катта. Худбинлик — инсон табиатининг асосий белгиларидан бири. Ўзини сира ўйламайдиган, фақат ўзгалар учунгина яшайдиган одам йўқ. Шундай одамлар борки, ўзгалар манфаатини кўзлашдан, эзгуликка хизмат қилишдан ҳузур қилади. Мана шу белги асосида ҳам яхши маънодаги ўзини ўйлаш ётади. Оғача ойим ҳарамни канизаклар билан тўлдиравериш ақллилик, онҳазратга садоқат белгиси эмаслигини қўшмачи Гулшанга ётиғи билан тушунтиради. Гулшан Оғача ойим фикрига қўшилганлигини билдиргач, мукофот тарзида икки танга олади. Оғача ойимнинг куйиб-пишишида эзгулик, онҳазрат салтанатини мустаҳкамлаш, айни вақтда, саройидаги ўз кундошлари сонининг кун сайин кўпайиб боришидан хавфсираш сингари маънолар бор. Гулшан Оғача ойим билан суҳбатда ўзини «онҳазратнинг отган ўқлари» эканлигини қистириб ўтади. «Онҳазратнинг отган ўқлари» туфайли қанчадан-қанча лобар қизлар очилмасдан сўлдилар, хон ҳарамидеган мазористонга тириклайин кўмилдилар. Чиндан ҳам, ҳарам канизлари жамиятдан, ижтимоий ҳаётдан итқитиб ташланган одамлар, улар ўлик бўлиб гўрда, тирик бўлиб сонда йўқ. Қаноти қайрилган, орзулари поймол этилган, оналик, аёллик бахти-қувончидан маҳрум қилинган канизларнинг Гулшан билан ўтказган кечалари тасвири романнинг энг ёрқин, юксак санъат билаи ёзилган бобларидандир. Абдулла Қодирий икки-уч жумла, битта руҳий ҳолат тасвири билан ҳар бир канизнинг қалбини ёритади, характерини очади. Ёзувчининг улкан маҳорати шундаки, куйган кўнгиллар

фарёди шўх қийқириқлар, ўйин-кулгилар шаклида тас-вирланади. Канизлар, бир томондан Гулшанга ҳавас, ҳасад қиладилар, чунки унинг оиласи, эри, болалари бор. Иккинчидан, канизлар Гулшандан нафратланадилар, чунки мана шу қўшмачи уларни оилали, эрли, болали бўлиш бахтидан маҳрум этган. Гулшан ва канизлараро зиддият шундай нозик, сўз ўйини шаклида ўтадики, баъзи китобхонлар уни сезмай қолишлари мумкин. Канизлар уюштирган «базм»да Гулшан ўзини босиқ, вазмин тутади: шўх канизларнинг шаддодликларига, пахтага ўраб отилган тошлар — қочириқлар, пичинглар, ўкинчлар зарбига чидайди. Гулшан жонли одам, тирик инсон. У, гарчи «онҳазратнинг отган ўқлари» бўлса-да, ўз қилмишларини ўйлайди, гуноҳга ботаётганлигини ҳис қилади, бурчини бажара олмай, хон олдида шарманда бўлиб қолишдан чўчийди. Раънонинг хонга лойиқ топилишида Гулшаннинг ҳиссаси бор. Аслида, Анвар ва Раъно фожиасининг сабабчиси Гулшан эмас. Худоёрхон Раъно деган қиз борлигини, унга уйланиши мумкинлигини ҳаёлига келтирмаган эди. Солиҳ маҳдум Раънони Анварга узатишга рози эди. Қолаверса, Анвар бош мунший бўлгач, тўйни тезлаштириш ҳаракатига тушиб қолади. Гулшан кучама-куча изғиб, эшикма-эшик юриб Раънони топмади. Раъно ҳақидаги гап қўққисдан пайдо бўлди. Хуш, фожа айбори ким?! Жаҳон адабиётининг — «Фарҳод ва Ширин», «Отелло», «Ҳамлет», «Жиноят ва жазо», «Уруш ва тинчлик» сингари шоҳ асарларида хиёнат, фитна ҳаётнинг бир маромдаги оқимини остин-устин қилиб юборади, кескин драматик, фожиавий ҳолатларни келтириб чиқаради. «Меҳробдан чаён» романидаги фитнанинг илдизи Абдураҳмон домлага келиб тақалади. Эсланг, аввалига домла Раънога «оғиз» солди, бўлмагач, Солиҳ маҳдум номидан хонга мактуб битди — ёлғиз қизини хонга ҳадя этмоқчи бўлган отанинг орзуларини баён қилди. Абдураҳмон домла мактубни Гулшанга топширар экан, Солиҳ маҳдум номидан қўшмачига бир неча олтин танга берди. Гулшан анойи эмас, мактубни эгасига топширишдан олдин Солиҳ маҳдумнинг ўйини қидириб топди, Раънони кўрди, гаплашди. Қиз

саройга лойиқ эканлигига, хонга ёқишига ишонгач, Солиҳ махдумнинг «орзуси» ҳақида хонга ахборот берди. Гулшаннинг Раъно ҳақидаги гаплари хонга маъқул тушди. Фожиа энди тез ривожланади. Султонали Гулшаннинг қўйнига қўл солиб кўради, қуруқ қошиқ оғиз йиртар бўлмасин деб, олтин тангалар тикиштиради. Гулшан, гишт қолипдан кучганлигини, энди, худо хоҳласа, Мирзо йигитга онаси ўлмаган гўзални олиб беришга бош қўшишини айтади. Ўрдадан совчиларнинг келиши Солиҳ махдумни саросимага солиб қўяди. Хон марҳаматига сазовор бўлиш Солиҳ махдумнинг пинҳоний орзуси эди. Қолаверса, хонга қайнота бўлиш иззатгалаб, бойликка уч махдум учун кутилмаган бахт эди. Айни вақтда, Солиҳ махдумда жиндаккина истиҳола ҳам бор: у Анварга сўз берган, яқинроқ қариндошларига Раънонинг тўйи ҳақида оғзидан гуллаб қўйган эди. Солиҳ махдум шундай одамки, манфаат, амал, бойлик олдида юзта Анвардан воз кечиб юбориши, Раънонинг нолаларини бир пулга олмаслиги мумкин...

Абдулла Қодирий — романнависнинг маҳорати шундаки, у Анвар ва Раъно фожиаси орқали Қўқон хонлигидаги адолатсизликларни, инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинганлигини кўрсатади. Бир одам яхши кўрган қизни хон тортиб олармишу, ҳеч ким чурқ этиб оғиз очолмасмиш. Оқ-қорани таниган қиз йигитни жондидан севармишу, унинг қўл-оёғини боғлаб хонга тутқизармишлар. Асарда кишилар руҳидаги тобелик аёвсиз фош қилинади. Мана шу мутелиги, қўллиги туфайли халқ ҳануз ўзини таний олгани, инсондек тўйиб нафас олгани йўқ.

Анвар ва Раъно фалаж жамият танасидаги соғлом асаб торларидек ҳаракат қиладилар. Ошиқлар жасорати Султонали, Сафар бўзчи, унинг опаси ва поччаси, Қобилвой ва унинг дўстларини хайрли иш йўлидаги курашга ундайди. Тузумимизда инсонпарварлик, хурфикрлилик, ошкоралик қанча кенг ривожланса, «Меҳробдан чаён» романининг хурфикрлилик, инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган жамиятни фош этувчи вазифаси орта боради.



Солиҳ маҳдум, юқорида айтаб ўтганимиздек, романдаги мукаммал характерлардан бири. Етук бадий типнинг кашф қилиниши — катта воқеа. Кўп ижолкорлар шунга ўхшаш образни яратишга киришадилар. Қори Ишкамба («Судхўрнинг ўлими», Айний) — Солиҳ маҳдум таъсирида яратилган типлардан. Айний ўта билагон одам бўлса-да, Абдулла Қодирий санъатини юксак қадрларди. Бу икки буюк сиймо ўртасида яқинлик бор эди; Ойбек — Абдулла Қодирий романларидан таъсирланиб, насрга қўл урган адиб. «Қутлуғ қон» романида Солиҳ маҳдум «мактабидан чиққан» бир неча бахиллар, тежамкорлар образлари бор: Тантйбойвачанинг отаси, Нурунинг қайнотаси, қолаверса, Мирзакаримбойда Солиҳ маҳдумдан ўтган белгилар анчамунча топилади. Саид Аҳмаднинг Иноят оқсоқоли («Уфқ»), Ўрик домласи ҳам Маҳдум отанинг «ўғил»лари.

Солиҳ маҳдум — кўлами кенг характер, тип. Руҳшунос, жамиятшунос, мантиқшунос, маърифатшунос ҳам Солиҳ маҳдум типи асосида жиддий иш олиб бориши мумкин. Азим Раҳимовнинг «Солиҳ маҳдумда гуноҳ нима?» мақоласида ўқиш-ўқитиш масалаларига эътибор берилган эди. Солиҳ маҳдум моҳир мактабдор. У ўз мактабида, ҳозирги тушунча билан айтсак, ҳам директор, ҳам дарсни ташкил қилувчи, ҳам хўжалик ишларини бошқарувчи эди. Муаллим сифатида маҳдум қатор фазилатларга эга: у болаларга яхши билим беради (Анвар, асосан, Солиҳ маҳдум берган билим туфайли бош мунший бўлди). Маҳдумда ўз шогирдларини мақтаб юриш, уларнинг кейинги тақдири билан қизиқиш одати бор. Маҳдум мактабдор муаллимлар билан рақобат-мусобақа қилади: дурустроқ ўқитишга, бўлар-бўлмасга болани калтаклайвермасликка интилади. Маҳдумнинг педагогик фазилатлари остида худбинлик — бошқа мактаб болаларини ўз мактабига оғдириб олиш мақсади ётади. Мактабдорлараро рақобат шуни кўрсатадики, ўтган асрда мактаблар кўп бўлган, болалар саводсиз қолишмаган, ««Ўзбекистон тарихи»да ёзилганидек, саводдилар икки фоизга яқин бўлган, деган маълумот гирт ёлғон эканлигини кўрсатади. (Тоҳир Қаҳҳорнинг

«Иисонни маърифат тарбиялайди» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1969, 10 февраль) Ўрта Осиё халқларининг 1917 йилдан аввалги саводхонлиги, мактаб-мадрасалардаги ўқув системаси ҳақида кенг маълумот берилган.)

Абдулла Қодирий романларида зиёлилар образлари ниҳоятда тиниқ яратилади. «Ўткан кунлар»да Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор оиласи қанчалик ишонарли ёритилган бўлса, «Меҳробдан чаён»да Солиҳ маҳдум хонадони ундан ҳам аниқ, ишонарли кўрсатилган. Маҳдум оиласида ёзув, чизув, китоб улуғланади. Оила бошлиги қанчалик хасис, очкўз бўлмасин, унинг билимли одамлиги сезилиб, билиниб туради. Оила аъзолари кийишдан, ейишдан сиқилдилару, лекин китоб кўриш, ўқиш, ёзишдан бемалол фойдаланадилар. «Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳуснихат ол, сен китобнинг қизи эмассанки...» (5-бет) тахлитидоги тунбёҳлар Раънонинг бинойидек отинча бўлиб етишишига туртки бўлди. Маҳдум етимча Анварни мактабга йўлатмай, уйнинг юмушлари билан банд этиб қўйиши мумкин эди. Лекин у бундай қилмайди. Қолаверса, Анвар ўқишга чанқоқлиги, зеҳнининг ўткирлиги билан Солиҳ маҳдумнинг ўқитиш ишларидаги таянчига айланди. Маҳдум ўқимишли, билимли одам, лекин унда диёнат, инсоф етишмайди. Ўрдадан совчилар келгач, маҳдум диёнатли одам бўлса, бор гапни рўй-рост айтишдан чўчимаган бўларди. Рост гапни айтса, Солиҳ маҳдум азиат чекиши, сиқувга олиниши мумкин эди. Лекин китобхон кўзи ўнгида у тамоман бошқача одам бўлиб кўринарди. Хонга қариндош бўлиш ҳақидаги ширин уйлар, Анварга ёвқарашлик билан муносабатда бўлиш Солиҳ маҳдумни Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ — меҳроб чаёнлари сафига қўши-қўйди. Солиҳ маҳдум ута мураккаб шахс, жонли одам сифатида намоён бўлади. У ҳар қанча ўқимишли, зиёкор бўлмасин, ёзувчи уни салбий типлар қаторига қўшади. Унга узининг аниқ муносабатини билдиради.

Асарнинг асосий қаҳрамони Анвар қашшоқ оилада туғилган, маҳдумнинг уйида тарбияланган, хон саройидаги катта амаллардан бирини эгаллаган йигит. «Меҳ-

робдан чаён» ҳақида ёзилган тақриз, мақола, тадқиқотларда романнинг жиддий ютуғи бош қаҳрамоннинг камбағал оиладан, эзилган синф орасидан танланганлигида деб уқтириларди. Бизнинг онгимизда камбағал одам курашувчи, энг инсоний хислатларни сақлаб қолган, деган тушунча чуқур ўрнашганди. Марксизм-ленинизм классиклари эзилган синф деганда капиталистик муносабатлар ута ривожланган мамлакатлар қашшоқларини — курашишдан ўзга йўли қолмаган пролетариатни назарда тутганлар. На Россияда ва на Ўрта Осиёда капитализм юксак чўққига кўтарилган эди. Аниқроғи, Туркистонда капиталистик муносабатлар энди-энди ниш ура бошлаганди. Демак, капитализм эзиб ташлаган, онгли курашга тайёр пролетариат ҳақида ҳали гап бўлиши мумкин эмасди. Анварни эзилган, курашга тайёр синф намояндаси сифатида кўриш аноийликнинг ўзгинаси, холос. Қолаверса, Анвар қашшоқ оилада туғилган бўлса-да, Солиҳ маҳдум оиласида тарбияланди, Ражаббекдек эътиборли, амалдор одам назорати остида сарой хизматига тайёргарлик кўрди. Анварда улуғ кишиларга хос бир фазилат бор: у эзгуликни қабоҳатдан, чин инсонийликни сохта мулозаматлардан бехато фарқлайди. Анварда тиниқ ақл, садоқат, адолатпарварлик сингари белгилар тарбия топиб, такомиллашиб борди. У маҳдумникига келиши билан боғчани гулзорга айлантиради, Насимдек одобли, ақлли бола билан дўстлашди, ўзидан кичикларга меҳр кўрсатди. Муҳими, Анвар илм олишга жиддий берилади, ҳақиқий инсонийлик сабоғини Шарқ фалсафаси, адабиёти, маданиятидан олди. Романнинг бош қаҳрамони ўзи яшаётган ижтимоий муҳитнинг моҳиятини, хон саройидаги ифлосликларни, бошқариш усулидаги қаллобликларни чуқур англаб етди. Анвар ва унинг дўстлари хонлик системасининг, хусусан, Худоёрхон утирган тахтнинг ниҳоятда омонат эканлигини теран англаб етдилар. Сўнгги йиллари Ўрта Осиё хонликларидаги сохталликлар, бошқаришдаги омонатликлар ҳақида ишонарли маълумотлар берилмоқда. Генерал Жўрабек, Сатторхон, Фурқат тўғрисидаги янги-янги материаллар эълон қилинмоқда. Кўқон педагогика институтининг

ўқитувчиси Рустам Тожибоев «Мирзо Анвар ким?» номли ихчам мақоласида («Ёшлик» журнали, 1989, 1-сон) халқ кўзголонига («Ёшлик» журнали, 1989, 1-сон) ҳақида ёзиб, шу бошчилик қилган Мирзо Мунаввар туртки (прототип) одам Мирзо Анвар образига ҳаётий ўртага ташлайди. Диккатга сазовор жойи шуки, Қўқон, Хива, Бухоро тахтига таҳдидни камбағаллар эмас, оқу қорани таниган, мадраса таҳсилани кўрган, оламшумул ўзгаришлардан бохабар бўлган кишилар солганлар. Бошқача айтганда, адолатсизликни, хўрликни кўзи очиқ, юрагида дарди бор одам кўради, жамият дардига даво излай бошлайди. Бой, амалдорлар орасида ўша пайтда ҳам тепса тебранмайдиган, ўз ҳузуридан ўзгани ўйламаганлар жуда сероб бўлган. Камбағал кўпинча инсофли, ҳалол бўлади. Лекин бу масалада ҳам беш қўл баробар эмас. «Меҳробдан чаён» яратилибдики, камбағал одамнинг бош қахрамон қилиб олинганлиги ҳар хил алфозда мақталди. Лекин биронта тадқиқотчининг эсига Абдурахмон домланинг чилласи чирок кўрмаганлиги, Самад бўқок, Гулшан сатанг ҳам камбағал эканлиги тушмади. Ахир, мана шулар эмасми, фирт иймонсиз кишилар? Абдурахмон домла, Самад бўқок, Гулшан кўшмачи хоннинг отган ўқи, пичоғининг қайроғи бўлмасалар, омонат тахт аллақачон қулаган бўларди. Қаттиққўллик билан бошқариладиган ҳокимиятда айғоқчилар, лағаббардорлар, сотқинлар, хушомадгўйлар тоифаси пайдо бўлади. Бу тоифа кўпроқ камбағал, қўл учидан кун кўрадиганлардан ташкил топади. Моддий манфаатдорлик, амалдорларнинг соясига бекиниш иштиёқи бу тоифани урчитувчи воситадир.

Камбағал Анвар қандай қилиб амал курсисига кўтарилганлигини айтди. Хўш, Анвар характерида қашшоқ оиладаги илк тарбия, муносабатларнинг таъсири қай даражада? Отабек билан Анварни қиёсласак, ҳар иккала қахрамоннинг бир-бирига зид тарбия ўчоғидан баҳраманд бўлганлиги сезилади. Отабек ўзини туттишида, гап-сўзида, ўз қаддини, иззатини билишида ҳамини, унинг сирқаси сув кўтармайди, кўпол муомалани ҳазм қилолмайди. Отабекнинг ўрнида Анвар бўлганда Мирзакарим кўтидорга айбсизлигини тушунтир-

масмиди? Ёхуд Анвар нуроний Ҳасан отага юмуш буюра олармиди, «қулим» деган сўзни оғзидан чиқара олармиди? Анвар дунёга келибоқ меҳрга зор бўлди, уни ҳеч ким эркаламади, ялаб-юлқамади. Отабек бўлса, бадавлат, баобрў оиланинг арзандаси эди. Чақалоқнинг жисмини сув, ҳаво, ер вояга етказди. Унинг қалбини меҳр, суюш, ардоқлаш кўтаради. Онгини таълим-тарбия улғайтиради. Инсон қалбида шундай бир гавҳар борки, у меҳрдан, ардоқдан сайқал топади, нур таратади. Меҳр кўрмаган боланинг кўнгли яримта, ўксик бўлади. Анвар ўқиди, унди, амалдор бўлди. Лекин ҳаммаша унинг кўнгли ўксик, яримта. Шунинг учун бўлса керакки, у кўнгли ярим Тойир ака суҳбатини бот-бот қўмсайди, Сафар бўзчи билан дардлашиб, кўнгил чигилини ёзади. Анвар умрида бировга қаттиқ гапирмаган. Уни қатл этишга тайёрланаётганларида кўзи Абдурахмон домлага тушиб қолади. Анварнинг домлага қарата айтган аниқ сўзларида ҳам ўртанган кўнгил армони сезилиб туради. Анвар нима иш қилмасин, қаерда бўлмасин ёшлигидаги ўксиклик, меҳрга ташналик сезилиб туради. Анвар тушиб қолган рўмолчани кўтариб канизак кетидан югуради, бош муншийликка фармон чиққанида негадир узини ноқулай сезади, Раъно билан Тошкентга келгач, бир коса сув билан никоҳ ўқиттиради. Анвар ҳаммаша сергак, алланимадан чўчиб туради. Буларнинг бариси ёшлиқдаги маҳрумликларнинг оқибатидир.

Эътибор берганмисиз, Отабек юрса ҳам, ўтирса ҳам, сўзласа ҳам, бирон иш қилса ҳам ўзлиги сезилиб туради. У бўзахонага кириб, алоҳида хона сўрайди, ҳофиз киритишларини буюради. Ноҳақлик қилаётган амалдорни кўради-ю, ўзини тутиб туролмайди, уни калтаклай бошлайди. Анвар Отабекка нисбатан, катта амалдор. Лекин Анвар ерни титратиб юролмайди. Унга ортиқча эътибор беришларини истамайди. Саройдаги ёзув-чизув, фармону буйруқ тайёрлаш Анварнинг қулида-ю, у Солиҳ маҳдум қаршисида ҳамон ўша-ўша, елкаси қисик ўқувчи, етим бола. У Солиҳ маҳдумга жарақ-жарақ пул келтиради-ю, на ўзига, на Раънога, на Нигор ойимга бирор кийим олишга журъати етади. Бу

гапларни биз зинҳор Анвар образини камситиш учун айтаётганимиз йуқ. Абдулла Қодирий характер мантиқига қилча зиён етказмай тасвирлаган. Қолаверса, Абдулла Қодирий болага овқат қанча зарур бўлса, руҳий мадад, меҳр, инсоний севги шунчалик шартлигини айтмоқчи бўлади. Маркс асарларида моддий жиҳатдан сиқилган камбағаллар ҳақида фикр юритилади. Ҳазрати инсон сифатида таниган камбағалгина истибдодга, зулмга қарши бош кўтаришга қодир. Сўнгги 100—130 йил давомида ўзбеклар маънавий-руҳий қашшоқликка маҳкум этилдилар. Қуллик руҳи халқнинг қонқонига зурлаб сингдирила бошлади. Бу Маркс асарларида тасвирланган моддий эзишга нисбатан даҳшатлироқдир. Руҳга, қонга сингдирилган қашшоқлик, мутелик одамни ланж қилади, излаш, ҳаракатдан маҳрум этади. «Меҳробдан чаён» романида қашшоқликнинг мана шу турига ишора бор. Анвар зийрак, зеҳни уткир бола бўлмаса, Насим билан дўст тутинмаса, Ражаббек мунший назарига тушмаса, биз таниган, ҳавас қилган Анвар бўлиб танилармиди?

Биз бадиий асардаги, хусусан, катта насрдаги образларни бирин-кетин таҳлил этаверишга одатланганимиз. Ваҳоланки, бадиий асарда ҳар бир образнинг аниқ ўрни, вазифаси, бурчи бор. Бу гап фақат бош қаҳрамонгагина тааллуқли эмас. Шундай қаҳрамонлар борки, улар асарда биринчи вазифани адо этмайдилар. Айни вақтда, уларни зинҳор иккинчи, учинчи даражали деб қараш ҳам тўғри эмас. Мана, масалан, Раъно образи. Романдаги асосий образлар Раънога боғланади. Раъно бўлмаса, Анвар образининг бўлиши мушкул эди. Солиҳ маҳдум оиласидаги оҳанрабо Раъно: у каттадан кичикни ўзаро қовуштиради. Абдураҳмон домланинг «холис хизмати» туфайли Раъно романдаги бош конфликтнинг сабабчиси, ҳам иштирокчиси бўлиб қолади. Раъно образини баҳолаганда икки босқични, албатта, фарқлаш жоиз. Уй қизи, Солиҳ маҳдум оиласининг файз-таровати бўлган Раъно — бир дунё. Раъно қиз бола эмасми, бувиси, онасининг ғам-ташвишларини эрта ҳис этди, оиланинг ички сирларини англади. Бу виси, онасидан фарқ қилиб, Раъно Солиҳ маҳдумнинг

«тошметинлиги»га кулиб қаради, мушкулотни ҳазилга йўйишга одатланди. Мана шу қилмиши биланоқ Раъно оиладагиларнинг ҳамдарди, суянчиғига айланди. Анварга нисбатан ҳам Раъно ўз муносабатини аниқ белгилади. Бувиси «хушрўйгина, дўмбоқ болани» ёқтириб қолган, уни ўз набирасидек тарбиялашга — едириш-ичириш, кийинтиришга чоғланган экан, Раъно ҳам Анвар акасини ёшлигиданоқ ёқтирди. Анвар ҳам ёшлигиданоқ бийрон Раънога алоҳида меҳр қўйди. Оилавий зиддиятлар (оила эҳтиёжлари-ю, махдум домла зикналиклари натижаси — А.Р.) Раъно туфайли осонроқ ҳал этила борди. Солиҳ махдум ҳар қанча қаттиққўл бўлмасин, бош фарзанд эмасми, Раънони алоҳида меҳр билан суярди. Раъно Анвардан фарқ қилиб, оиланинг қувончи бўлиб дунёга келди, уни суйдилар. Чақалоқлигидаги меҳр, суйиш, эркалаш Раънонинг ҳар жиҳатдан мукамал бўлишини таъминлади. Раънода Анвардаги ўксиклик, тушкунлик, елкасини қисиб туриш йўқ. Аксинча, унда ўктамлик, эркинлик, руҳий бардамлик бор. Раъно қисиниб-қимтаниб турадиганлардан эмас; бир қарасангиз, у сабоқдош дугоналари билан апоқ-чапоқ; бир қарасангиз, ким биландир уришиб қолади, аразлайди; бир қарасангиз, укаларини ялаб-юлқаётган, улар билан ўйин-кулгу қилаётган бўлади; бир қарасангиз, онасининг панд-насиҳатларига берилиб қулоқ тутаётган бўлади. Хуллас, у тиниб-тинчимайдиган, жони ичига сиғмайдиган қиз. Раъно Анвардаги зехни, уқувни, айна вақтда руҳий синиқликни эрта англади, ўзи сезмаган ҳолда Анвар акасининг ҳимоячисига, тарафкашига айланди.

Биз купинча Анварнинг Насим билан дўстлиги ҳақида ёзамизу, унинг Раъно билан руҳий яқинлигини таҳлил қилмаймиз. Ваҳоланки, қўзга қўринмас муносабатларда ҳам изчиллик, мантиқийлик, тартибот мавжуд. Абдулла Қодирий романларида руҳий муносабатлар тарихи, тадрижи, зиддияти ўта нафис тасвирланади. Дидли китобхон айрилиқ йилларида Кумуш ва Отабек узоқ-узоқ масофалардан туриб, бир-бирларини кўрмай, офизларини очмай ўзаро қандай «суҳбатлашганлик»ларини, дил изҳорларини ҳис этади. Анвар би-

лан Раъно ҳам ҳамиша бир-бирларига руҳий мадад бериб турадилар. Анвар Худоёрхонга, писмиқ Абдурахмонга юрагидаги аламларини тукиб солаётганида Раънонинг руҳий мададини, юрак аламларини ҳис қилиб турмадими? Бир сўз билан айтганда, Абдулла Қодирий маҳоратининг нозик нуқтаси шундаки, у руҳ табиатини, ўзгаришини ишонарли, кўз илгамас қонуният асосида тасвирлайди.

Хонга фотиҳа қилинган, Раъно кескин ўзгарди, улгайди, оғир масъулиятни ҳис этди. Энди у бола эмас, ота-онанинг эркатоёи, Анварнинг севгилисигина эмас. У энди ўзлигини, инсон сифатидаги шаъни, қадрини ҳимоя қилиши лозим. Раъно болалиги ўтган уйга сиймай қолди, отасини илк бор ўзгача кўз билан кўрди, нафратланди. Илк бор у онасига юрак-юрагидан ачинди. Раънода шиддат, енгилмас ирода жўш урди. Қиздаги мана шу куч Анварга қувват берди. У аввалига иккиланиб, қатъий қарорга келмай турган эди. Раънонинг қатъияти уни курашчи, паҳлавонга айлантирди. Сафар бузчи, Султоналилар Анвар ва Раънони тунда хонлик ҳудудидан қочириб юборадилар. Қочиб кетаётган Раънода Тўмариснинг жасорати, Ойбарчиннинг садоқати жўш уради. Анварнинг Алпомишдек ботир бўлиб кетишида Раънонинг ҳиссаси мислсиз.

Раъно, гарчи тарихий романнинг қаҳрамони, XIX аср ўрталарида яшаган аёлларнинг вакиласи бўлса-да, ўз руҳи, шижоати билан шўро аёлларига яқин эди. «Меҳробдан чаён»ни ўқиган ёзувчилар борки, бошқа образлар қатори, Раъно сиймосига ҳавас билан боқдилар. Мен давр қизи — Дилбарнинг («Дилбар — давр қизи», Ойбек) ўқтамлиги, шижоатида, Мастоннинг («Мастон», А. Қаҳҳор) қатъиятида, Зайнабнинг («Зайнаб ва Омон», Ҳ. Олимжон) ўз бахти йўлидаги интилишларида, Гулнорнинг («Қутлуг қон», Ойбек) йўлчига мадад бўлишида Раъно характерининг белгиларини аниқ кураман. Бугина эмас, Абдулла Қодирий ўзлигини намоён эта оладиган ўзбек аёлининг образини илк бор тасвирлади. Ижтимоий фаол ўзбек аёллари образларининг барчасида Раъно образининг нимасидир бор. Ўзбек шўро адабиёти аёл образини яратишнинг янги



йўллари кашф этгани сезилмади. Шўро давридаги ҳаёт узбек аёлини жуда ўзгартириб юборади. У Абдулла Қодирийнинг Раъноси билан пайдо бўлган тарихга, бичимга ҳечам сизмай қолди. Кўтар-кўтар қилиб шуҳрат осмонига чиқариб қўйилган аёлнинг қулаш пайтидаги фарёди юракларни эзиб юборди-ку! Ваҳоланки, биз юлдузни кўзлаб бораётган аёл ҳолатини ёлғон-яшиқ тасвирлашдан нарига ўтганимиз йўқ. Ун беш ёшлик қизнинг номуссизланганлигини, ҳомиладор бўлиб қолганини билгач, фарзандини ўз қўли билан ўлдирган онанинг дарди роман ё қиссага сизармикан?!

Санъат асари ҳамиша маънавият мезони бўлиб келган. Осий банда — китобхон ҳақиқий асарни ўқиётиб руҳий-маънавий қийноқни ҳис этади, дил-дилидан санъаткорнинг ҳақлигига тан беради. Баркамол инсон — китобхон санъат асарини мутолаа қилар экан, руҳий-маънавий қониқиш ҳузурини ҳис этади. Демак, санъат асари китобхонни эзгулик йўлига бошлайди. «Меҳробдан чаён» — санъат асари. Лекин афсуски, баъзи китобхонлар, кўпроқ ёшлар роман моҳиятига сингдириб юборилган эзгу ғоя — дўстликнинг улуғланишига ишонмайдилар, уни афсона деб биладилар. Бир-бир ярим асрдирки, биз узоқ асрлар мобайнида қон-қонимизга сингдирилган муқаддас туйғу, тушунчаларни бой бериб келаяпмиз. Мусулмон мафкураси пайдо бўлибдики, дўстлик, иймон, одиллик, ҳалоллик улуғланади. Пайғамбарнинг саҳобаларидан бири дўсти содиқлик (Абу Бакр), иккинчиси одиллик (Умари одил) тимсолига айланиб кетган. Мусулмончиликда иймонлилик дейилганда содиқлик, одиллик, ҳалоллик, шафқатлилик англашилган. Абдулла Қодирий романида дўсти содиқлик асосий йўналиш сифатида тасвирланади. Мурғак Анвар Насимни шунчалик севадики, уни ёзувчи маромига етказиб тасвирлайди. Ражаббек мунший Анвардаги дўсти содиқлик белгисига эътибор беради, унга қўлидан келган яхшилигини қилади. Болалигида Анвар Насим билан дўстлашган бўлса, улғайганида Султоналини топди, унга тўла ишонадиган дўстга айланади. Анвар билан Сафар бўзчи ўртасидаги дўстлик моддий манфаат асосида пайдо бўлган эди. Кейинчалик бу му-

носабат маънавий эҳтиёжга айланди. Анварнинг кўпчилик мушкулликлари дўстлик, дўстлари туфайли ҳал бўлди. Насим билан дўстлашув хон ўрдасига, бош муншийлик лавозимига бевосита йўл очди. Анвар тушиши аниқ бўлган зиндонга Султонали ўзини гирифтор қилди. Қобил ва унинг содиқ дўстлари туфайли Анвар жаллод қўлидан қутулиб кетди. Сафар бузчи, Султонали, Қобиллар Раъно ва Анварни хон чангалидан соғомон чиқариб юбордилар... Савдо-сотиқнинг кенг йўлга қўйилиши, ҳисоб-китобли дунёнинг мустаҳкамлана бориши дўстлик, ҳалоллик сингари муқаддас туйғуларни моддий муносабатлар даражасига тушириб кўяди. Мирзакаримбойдек уйдан гўри яқин бўлиб қолган одам уялмай-нетмай: «Нима у, дўстлик дегани? Мана, менинг дўстим йўқ...» («Қутлуғ қон») деса, Мирёқуб («Кеча ва кундуз») фақат ишини битириш, моддий-шаҳвоний манфаат йўлида Акбарали, Нойиб тўра билан «дўстлашади». Ҳозир ҳам дўстлик деганда кўпроқ моддий интилишлар туфайли яқинлашган кишилар тушуниладиган бўлиб қолган. Ижтимоий муносабатларни яхшилашни истасак, дўстлик, одиллик, ҳалоллик сингари тушунчаларни моддийлик балчиғидан тозалашимиз, маънавият осмонининг юлдузига айлантиришимиз лозим.

«Меҳробдан чаён» яратилган даврда сотқинлик, хонинлик, моддий манфаатлар — амалу унвонлар йўлини тутиш авж олган эди. Энг муҳими, ўша йиллари динга қарши хуруж авж олган, аҳли уламо қатағон қилинаётган эди. Иймони суст кишилар замон зайлига бўйсуниб, маданий қадриятлардан юз ўгираётган эди. Абдулла Қодирий ҳар икки романида «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»ни қаламга олди. Тарихга танқидий қараш, унинг камчиликларини рўй-рост айта олиш ўзи яшаб турган даврнинг етуклигига ишонган кишида учрайди. Абдулла Қодирий янги тузумни улғуниятлар билан самимий қаршилади. Орадан беш-олти йил ўтгач, сиёсий-ижтимоий ҳаётда қабиҳликлар рўй бера бошлади. Сизгир санъаткор Абдулла Қодирий 20-йилларнинг ўрталаридан маъмурий-тўрачилик муносабатлари, фирқа яккаҳоқимлиги чуқур илдиз ота

бошлаганлигини, ҳурфикрлик, ошкоралик таъқиб этила борганлигини сезмаслиги мумкин эмас эди. Ҳаётда Абдураҳмон домла сингари иккиюзламачилар, Солиҳ маҳдум сингари субутсизлар, Ғози эшон, Шаҳодат муфти сингари лаганбардорларнинг иши юришиб қолди. «Меҳробдан чаён»да инсон эрки поймол этилган тузум тасвирланган, имонсизларнинг қўпгина образлари яратилган экан, ёзувчи муайян маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги Ҷорасоликларни ҳам назарда тутди, сиёсий ўзгаришлар туфайли меҳроб чаёнлари зумда ўзгариб қолди, дейсизми? Инсон табиати жуда секинлик билан ўзгаради. Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфтийлар саллаларини чувалаштириб, Шаҳибек, Ғози эшонлар мешдек қоринларини силкилатиб, Гулшанлар эшилиб-буралиб янги ҳаётга қадам қўйдилар, янги турмушга мослашдилар...

\* \* \*

«Меҳробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, битилган даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ундаги камчиликларини сағрлар орасига моҳирона жо эта олган санъат асари намунасидир. Абдулла Қодирий инсон руҳини, табиатини, улуглигини, ожизликларини чуқур англади. У шунини яхши билардики, инсон табиатини ўзгартириш игна билан қудуқ қазишдек мураккаб, узоқ муддат талаб қиладиган ишдир. «Меҳробдан чаён» романида ўнлаб ҳаётини тақдирлар бадиий талқин этилган. Бу роман ҳали қўплаб талқин таҳлилларга асос бўлиши, шубҳасиздир.

### РОМАН ПОЭТИКАСИ ТАЛҚИНИ

Одил Ёқубов XX аср ўзбек адабиётининг бетакроп санъаткорларида. Унинг ҳикоя, роман, драма, қиссаларида даврнинг мураккаб муааммолари ўзбек миллий характерлари орқали акс эттирилади. «Улугбек хазинаси», «Диёнат», «Қўҳна дунё», «Адолат манзили», «Бир қошона сирлари», «Қайдасан, Морико?», «Осий банд» сингари асарларида олам ва одам, табиат ва жами-

ят, бошқарувчи ва бошқарилувчи, адолат ва риё сингари муаммолар ўзига хос тарзда тасвирланади. Бадиий асар — китобхон мулки. Айни вақтда у ижодкор руҳи, маънавияти, онги, муносабатини шакллантирадиган восита. Ҳар бир асар ёзувчи маҳоратини чархлайди, ўз замони кишиси сифатидаги концепциясини тарбиялайди. Концепция — мустаҳкам эътиқод самараси. Эътиқодли санъаткор зинҳор сохталикни рост, кўзбўямачиликни ҳақиқат демайди. Одил Ёқубовнинг гражданлик жасорати, ёзувчилик маҳорати, миллатпарварлик моҳияти Кремлнинг мухташам саройида, дунё донишмандлари, сиёсатдонлари жамулжам бўлган анжуманда сўзлаган тарихий нутқида чақмоқдек чақнади, зумда ўзбек ёзувчисини жаҳоний сиймога айлантирди. Уша тарихий нутқда Одил Ёқубов асарларининг қат-қатидаги маъно-моҳият — халқнинг бўғзидаги фарёд ҳаммани зийрак торгитди. Ёзувчининг жаҳонга танилишига катта ҳисса қўшган асарларидан бири — «Улуғбек хазинаси»дир. Мен бундан ўттиз йил муқаддам ёзилган «Улуғбек хазинаси» романи поэтикасига бағишланган мақолани ҳурматли китобхонлар ҳукмига ҳавола этишни маъқул кўрдим.

\* \* \*

«Улуғбек хазинаси» тарихий романини яратар экан, Одил Ёқубов тадқиқотчи-ёзувчи, узоқ тарих билан ҳозирги кун орасидаги боғлиқликни ҳис этувчи санъаткор эканлигини билдирди. У халқнинг ўтмишини ҳозирги куннинг етакчи ижтимоий-ахлоқий идеаллари нуқтаи назаридан баҳолади. Улуғбек ҳукмронлигининг сўнги кунларини бадиий таҳлил этар экан, уша давр илғор кишиларининг ўй-мулоҳазалари, интилишларини кўрсатиб берди. Бошқача қилиб айтганда, илмий-техника тараққиёти даврининг етук вакили бўлган ёзувчи XV асрда илм машъалини ёққан, ёрқин келажакка илм-маърифат йўлидангина бориш мумкинлигига ишонган Улуғбек, Али Қушчи, Мирам Чалабий, Қаландар Қарноқий характерларини яратди. Дарвоқе, сўнги йилларда ўтмишнинг буюк олимлари Улуғбек,

Беруний ҳақида йирик асарлар ёзилмоқда. Адибларимиз ўтмишга назар ташлар эканлар, табиийки, илм йулида заҳмат чеккан, инсониятнинг илм хазинасини бойитишга умрларини бағишлаган буюк сиймолар характери очишга интилмоқдалар. Ўтмиш алломаларининг характери илм машаққатларини енгишда, янглик яратишдагина эмас, шу билан бирга, илм-фан йулидаги жиддий ғовларга қарши курашда, уларнинг гуманизмида намоён бўлади. Тўғрироғи, эътиқодлар, тушунчалар, маслакларнинг аёвсиз курашида илм кишиларининг характерлари шаклланиб борди. Айниқса, Улуғбек сингари буюк шахслар аёвсиз ички, ташқи курашнинг марказида турдилар. Олимлардан Али Қушчи, Қозизода Румий ҳаёти бир оз енгилроқ эди, чунки улар фақат илм кишилари эдилар. Улуғбек эса ҳам шоҳ — инсоният қудратини фақат қиличда қурувчиларнинг етакчиси, ҳам аллома — келажакка олиб борадиган тўғри, ҳақиқий йўл илмда, деб билувчиларнинг саркори эди. Улуғбек ҳар иккала йўлни тенг давом эттириши лозим эди. Лекин у севган илмий машғулотларига ортиқроқ вақт сарф қилди, ганимларининг хуружи, ҳужуми учун имконият яратиб берди. Романдаги мана бу мушоҳада Улуғбек қалбини тўла ёритиб беради, дейиш мумкин:

«Юлдузлар... юлдузлар!.. Мирзо Улуғбек эллик йил уларга ошуфта бўлди. Кечаларни бедор ўтказиб, ҳар бир ситора, ҳар бир юлдузнинг буржини, яъни ҳаракатидаги чамбар йўлини кузатди. Ҳайҳот! Қирқ йил умрини сарф қилиб, юлдузлар сирини, коинот сирини ўрганди-ю, замин сирига, инсонлар ҳаётига келганда ғафлатда қолди. У фалак сирларини билсам, замин ва ҳаёт сирларини ҳам билурмен, деб ўйлаган эди. Йўқ, янглишди! Фалак сирларининг бир четини хиёл очгандай бўлди, лекин инсоният, наинки инсоният, ҳаттоким ўз пуштикамаридан бўлган зурриётларининг юракларига қўл солиб қуролмади, матлаблари не? Билолмади!..»

Улуғбек — романдаги мукамал психологик характер. Унинг ўй-мушоҳадаларига кенг ўрин ажратилган. Қаҳрамон ўз ҳаёти, кишиларга муносабати, тож-тахт,

илму фан ҳақида чуқур фикр юритади, онгида қарама-қарши фикрлар кураши узлуксиз давом этади. Улуғбек буюк олим, маърифатпарвар эди, айнаи вақтда, унинг томирларида Темурдан ўтган қон ҳукмрон: у тожу тахт, рақиблари билан бўладиган курашлар ҳақида ўйлайди. Унинг Али Қушчи билан суҳбатлари қанчалик муҳим бўлса, суянган аскарлари Бобо Ҳусайн билан бўлган маслаҳатлари ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Улуғбек истеъдодли шогирди Мавлоно Муҳиддин билан ғурурланади, абжир, довюрак Султон Жондорга суқланиб боқади. У Абдуллатифнинг бемеҳрлигидан ранжийди, Абдулазизнинг хатти-ҳаракатларидан куюнади. Лекин қалбида оталик меҳри ҳамон етакчи, фарзандларининг келажаги ҳақида ўйлайди. Улуғбек бахти қаро бўлган Хуршидабону дардига малҳам топишга ҳаракат қилади. Айнаи вақтда, рақибларидан аёвсиз ўч олишга тайёрланади.

Ёзувчи қаҳрамон характерини бутун мураккаблиги билан ёрита олди. Бу ҳақда танқидчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Воҳид Зоҳидов, Матёқуб Қўшжонов, Пирмат Шермуҳамедов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Норбой Худойберганов, Маҳкам Маҳмудов тақризларида романнинг ютуқ ва камчиликлари чуқур таҳлил қилинди. Танқидчилар «Улуғбек хазинаси» ёзувчининг жиддий ижодий ютуғи эканлигини таъкидладилар. Муҳими, ҳамма тақризлар самимийлиги, романи кенг ва чуқур таҳлил қилишга йўналтирилганлиги, жиддий мулоҳазаларни кутарганлиги билан диққатни тортади. Тақризларда О. Ёқубов ижоди учун муҳим бўлган хусусиятлар кўрсатиб ўтилди.

Кези келганда, бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Одил Ёқубовнинг ижоди доимо танқидчиликнинг диққат марказида бўлиб, унинг асарлари ҳақида деярли барча ўзбек танқидчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Л. Якименко, Г. Ломидзе, З. Келрина, Дм. Холендро, В. Турбина сингари рус танқидчилари ҳам ўз мақолаларида О. Ёқубов асарларига бот-бот мурожаат қилдилар. Бунинг сабаби шундаки, унинг асарлари ҳаётийлиги, проблематиклиги билан диққат-

ни тортади. Дарҳақиқат, унинг қахрамонлари характерида замондошимизни ўйлантириб турган фикрлар, даврнинг муҳим хусусиятлари акс этади.

«Улуғбек хазинаси» романига ёзилган тақризларда, бизнингча, айрим камчиликлар, юзакиликлар ҳам учрайди. Чунончи, аксарият мунаққидлар Улуғбек, Абдуллатиф, Али Қушчи, Муҳиддин, Қарноқий, Қашқир характерларини алоҳида-алоҳида, қиёсий таҳлил қилганлари ҳолда, заргар оиласининг фожиаси, романдаги оддий халқ вакиллари образига етарли эътибор бермадилар.

Романинг тили, услуби, ритмикаси, портрет тасвири ва ҳоказолар ҳақида кам гапирилди. Ўйлаймизки, бадииятнинг бу компонентлари тўғрисида танқидчилик ҳали ўз фикрини айтади.

Одил Ёқубов «Абдулла Қодирийни ўқиганда...» этюдига: «Одатда, Кумушнинг ўлими тўғрисида, тўғрироғи, китобхон буни сеза бошлаши ҳақида гап кетганда Зайнаб билан Хушрўйибининг суҳбатини, баъзан Отабекнинг тушини эслайдилар. Лекин мен бу фожиани Кумушнинг Тошкентга келиши тасвирланган саҳифаларданоқ ҳис этаман», — деб ёзади. Қарангки, ўша ҳис этиш беиз кетмабди. Ёзувчи Абдулла Қодирий асарларида сезган томонларни ўз ижодида синаб кўрмоқчи, ўқувчида ҳам «ҳис этиш»ни пайдо қилмоқчи бўлибди. «Улуғбек хазинаси» романидаги биринчи жумлани ўқишингиз биланоқ катта фожиани ҳис этасиз, мотамсаро куйнинг даромадини эшитгандек бўласиз. Ёзувчи шаҳарда тарқалган ваҳимали миш-мишларни оҳанглар, овозларда беришга интилади.

«Расадхонанинг теран сукунатини толиби илмларнинг шарпасиз одимларига ўхшамайдиган оёқ товушлари бузди. Эшик шарақлаб очилди, ўктам овоз янгради. Ўша овоз яна таҳдид қилди: «Навкарларнинг нағал қоқилган огир этиклари мрамар зиналарни гурс-гурс босди».

Роман китобхон вужудига титроқ солувчи мана шундай сирли овозлар билан бошланади. Уларнинг тебраниши узоқ давом этади. Ниҳоят, «Қусам ибн Аббос даҳмаси томондан тиловат қилаётган қорининг мунгли

овози» аввалги оҳангларга янги руҳ киритади. Қорининг мунгли овози эса ҳамду сано ўқиётган қаландарларнинг овози ичида йўқолиб кетади. Кейин эса, «кулф ва занжирларнинг оғир шарақлаши», «куйма дарвозанинг ғичирлаб очилиши» эшитилади, «...ер тагидан аллақандай гурс-гурс овозлар», «устоднинг асабийлашган бўғиқ товуши» эшитилади. Бу товушлар, оҳанглар — мотам элчилари, фожиа даракчилари.

Одил Ёқубов ваҳимали миш-мишларни ранглар тасвирида яна ҳам таъсирлироқ акс эттиради. Воқеа зимистон тунда бошланади: «Навкарлар баланд кўтариб турган машъаллар расадхонани ним ёритар, серсоқол юзларни чала-чулпа кўрсатар, тилла суви юритилган деворларни бир ялаб, сўнарди»; «Тун ойсиз бўлса ҳам юлдузлар акс этган фируза гумбазлар аллақандай кўкиш жило таратиб, ғалати ялтиллаб турарди»; «Тор, тимли расталардан кейин чуқур хандақ билан ўралган, Кўксаройнинг кунгурадор деворлари қоронғида чўнг қоядай ҳайбатли туюлди. Қалъа деворлари ортидаги сарой гумбазлари эски даҳмалардай вазмин қорайиб турар, қалъа ҳам улкан гўристонни эслатар, гўристондай сирли ва осуда эди. Саройда милт этган чироқ кўринмас, бу ерда, ҳатто посбонлар ҳам гулхан ёқишмаган, ҳаммаёқ зимистон эди».

Овозлар, ранглардан яратилаётган кайфият, руҳ «тоғдан эсаётган изгирин», «дарёдай шовиллаётган даҳлатлар, нола чекаётгандай чийиллаётган, ғитиллаётган кекса тут ва садалар» тасвири романга тиниқлик киритади.

Улуғбекнинг кўриниши, кайфияти ҳам аллақандай ваҳимали ҳодисанинг яқинлашаётганидан дарак беради, китобхонда туғилаётган таассуротни мустаҳкамлайди: «Эгнида, одатда, саройда кийиб юрадиган зарбоф тун ўрнига, кўк яшил мовут чакмон, бошида расадхонада ва мадрасада киядиган учлик қора духоба қалпоқ, оёғида ичига олмахон мўйнаси қопланган қўнжи кенг иссиқ этик, устод остонада тўхтаб, шогирдига аллақандай синовчан тикилди».

Али Қушчи ва Улуғбек орасидаги суҳбатда ҳам афсуслар, армонлар, йўқотишлар тўғрисида гап боради.



Улуғбек Қозизода Румийни туш кўрганини айтади. Мавлоно Муҳиддиннинг хасталигини Алига билдиради, Қарноқийнинг дарвишларга қўшилиб кетганини эшитиб афсусланади. Устод ва шогирд суҳбатида кўнгилдаги гашлик сезилиб, билиниб туради. Айниқса, Улуғбек борлигини чигал уйлар қоплаб олганлиги, у шу муаммолар чангалидан қутулмай қийналаётганлиги яққол англашилади. У Алига қуйма олтинлар бераётганда, вазифалар топшираётганда, Бобо Ҳусайн билан учрашганда ҳам ўша уйлар билан бандлиги кўриниб туради. Пайт-пайти билан у онгидаги гапларни сиртга чиқаради: умрини беҳуда ўтказмаганлигини, қисман булсада, маърифатга йўл очганлигини, ўғлининг қилмишидан изтироб чекаётганлигини билдиради.

Ёзувчи Салоҳиддин заргар хонадони тасвирида бошқача усулдан фойдаланади. Заргарнинг уйига биринчи бор қадам қўйган одам оғзи очилиб, безаклар, нақшлар, дид билан қурилган уйлар, тилла-қумуш асбоблар, шоҳи-атласу гиламлар билан чўғдек ясатилган хоналар қаршисида лол қолади. Хонадоннинг эгалари ҳам кўғирчоқдек безанган, ширинсухан, риндтабиат кишилар. Хуршида, Мавлоно Муҳиддин, Салоҳиддин заргарнинг гап-сўзларидан, хатти-ҳаракатларидан ўқимишли, маданиятли одамлар эканлиги кўриниб туради. Лекин бу хонадонда чинакам файз, самимийлик етишмаётганлиги сезилади.

Китобхон яна қандайдир нохушликни ҳам туя бошлайди. Али Қушчи устод ҳақида сўз бошлаши биланоқ Мавлоно Муҳиддин безовталанаётганлигини сездириб қўяди, суҳбат жilовини бошқа томонга буришга уринади. Дўстида юз бермиш бундай ҳолат Али Қушчини ажаблантиради: Мирзо Улуғбекдан энг кўп яхшилик кўрган шу хонадон эмасми? Устод ёш Муҳиддинни мударрис этиб тайинлади, Салоҳиддин заргарга тарҳонлик унвонини берди, унинг савдо ишларига кенг йўл очиб қўйди. Тўғри, Абдулазиз бу оила бахтига оғу ташлади: Хуршидабонуни бадном, бадбахт қилди. Лекин бу ишда Улуғбекнинг қўли йўқ. Аксинча, устод Хуршиданинг ихтиёрига кўра уни уйига жўнатди, кўнглини кўтармоқчи бўлди.

Олтин-кумушларга беланган бу хонадондаги файзсизлик, совуқликнинг сабаби сатрма-сатр аниқлана боради. Мавлоно Муҳиддин устоднинг топшириғини эшитиши билан довдираб қолади, лекин юрагидаги гапни айта олмайди. Салоҳиддин заргар ҳеч тортинмасдан, уялмасдан ҳали тахтга чиқмаган Абдуллатифга сажда қилиб, Улуғбекка маломат тошларини ота бошлайди. Ишончнинг йўқолиши, эътиқодсизлик, хиёнат фақат инсоннинг ўзинигина эмас, уни ўраб турган муҳитни ҳам файзсизлантириши Салоҳиддин хонадони мисолида аниқ кўринади. Ёзувчи асар давомида феодализм учун характерли бўлган бу катта хонадоннинг инқирозини, оила аъзоларининг маънавий мажруҳ, аянчли бўлиб боришларини маҳорат билан тасвирлайди. Ойбек «Қутлуғ қон» романида миллий буржуазиянинг шаклланиши, ривожланиши ва инқирозини Мирзакаримбой хонадони мисолида кўрсатган эди. Одил Ёкубов ўз романида илм-маърифат шуъласидан воз кечиб, ўзини жаҳолат ботқоғига отган оиланинг чириб боришини заргар хонадони мисолида, Салоҳиддин ва Муҳиддин образларида кўрсатади.

Мавлоно Муҳиддин — романдаги энг етук характер. Ёзувчи билимдон Муҳиддиннинг иродасизлик, кўрқоқлик, эътиқодсизлик туфайли аянчли ҳолга тушишини моҳирона таҳлил қилади. Куш қаноти билан тирик бўлганидек, инсон эътиқоди, қатъияти билан гўзалдир. Эътиқодсиз, қатъиятсиз одам у ким бўлмасин, нафратга сазовордир. Муҳиддиннинг аянчли аҳволи ҳибсдалигида аниқ кўринади. Қийноқ-азоблар Али эътиқодини, ишончини қанчалик мустаҳкамлаган бўлса, Мавлоно Муҳиддинни шунчалик аянчли, жирканч қилиб қўяди. Китобхон бу юмшоққина одамга нафрат билан қарайди. Жунунликдаги жасорат — Абдуллатифнинг юзига илк бор «Падаркуш», деб айтиш Мавлонони қисман оқлайди. Унинг қалбида аёвсиз кураш бўлганини кўрсатади. Мавлоно Муҳиддинга ўхшаш характерни биз рус ёзувчиси Ф. Достоевскийнинг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романида ҳам кўрамыз. Романдаги Алёша Валковский ювош, ишонувчан, кўрқоққина одам, унда ирода йўқ. Ёзувчи Алёшанинг

фожиасини умрбод улғаймаслигида, гудаклигича қолиб кетишида, деб ифодалайди. Муҳиддин ҳам гарчи мударрис, Хуршидадек оқила қизнинг отаси бўлса-да, Салоҳиддин заргарнинг чизган чизигидан чиқмайди, мустақил ҳаракат қилишга, қадам ташлашга ожиз банд. Муҳиддин, балки Қаландар Қарноқийни ёқтирар, қизини унга беришга қарши эмасдир. Лекин Салоҳиддин заргар гадойвачча Қарноқийни куёв қилишни ор деб билдими — бас, Муҳиддин бир нарса дея олмайди. Муҳиддин балки Улуғбек топшириғини бажаришни истагандир, лекин у отасидан ўтиб бир қадам ҳам ташлай олмайди.

Салоҳиддин заргар — савдо кишиси. У ҳар бир нарсани пулга чақиб баҳолашга одатланган. У ҳаётидан мамнун эди: пули бор, обрўси бор, данғиллама уйи, олтин у зарлари бор. Унинг тож-тахт, жангу жадаллар билан иши йўқ. Улуғбек ҳукмронми, Абдуллатиф шоҳми, барибир, иши юришиб турса, бас! Улуғбек тахти омонат бўлиб қолгач, у дарҳол ўз ғамини ейишга киришади, Низомиддин Хомуш пинжига тикилади, Абдуллатифга қуллуқ қила бошлайди. Салоҳиддин ҳар қандай вазиятда ҳам олтину кумушлар кучига ишониб иш кўради. У қанчадан-қанча олтинлар бериб, ўғлини ҳибсдан қутқаради.

Салоҳиддин заргар бойликка ружу қўйди-ю, ўғлининг мустақил, эътиқодли бўлишига эътибор бермади. Тўғрироғи, Муҳиддиннинг иродасизлиги Салоҳиддинга қўл келди. У ўғли туфайли тарҳон бўлиб олди, обрў орттирди. У хонадоннинг эгаси, бошлиғи, истаган нарсаси муҳайё. Муҳиддиннинг, Хуршиданинг фожиасида заргарнинг «хизмати» катта. Оқила Хуршида Қарноқий билан бахтли бўлиши мумкин эди. Лекин заргар бунга йўл қўймади, уни бадавлат оилага узатди. Хуршида отаси Муҳиддиндан бошқача: жасур, матонатли аёл. Аммо у бобоси ва отаси чизган чизиқдан чиқмай бахт топа олмади. Янги фалокат кўланкаси аниқ кўрингач, Хуршида ўз тақдири тизгинини кўлига олди, у Қаландар Қарноқий билан қочди. Қисқа вақт бўлса ҳам бахтиёр дамларни кечирди, ўзининг инсон ва аёл эканлигини ҳис этди, севиш-севилиш бахтига муяссар бўлди.

— Хуршидабону образида инсоний ҳақ-хуқуқи, аёллик бахти учун курашганлар сиймоси гавдаланади. Қарноқий образида Арслонқул («Навоий»), Йўлчи («Кутлуг қон»), Отабекларнинг қайсидир белгилари борлиги тақризларда айтилган эди. Хуршидабону образида Кумушдаги назокат, Раънодаги садоқат, Дилдордаги («Навоий») эрка чанқоқлик, Гулнордаги («Кутлуг қон») самимият жамлангандек туюлади. Хуршидабонунинг ўлими Кумушнинг сўнгги дақиқаларини эслатади. О. Ёқубов характерлар яратишда устозлар сабоғидан фойдаланди, лекин унинг образлари моҳияти эътибори билан янги, ўзига хосдир.

Салоҳиддин заргар хонадонининг фожиаси мамлакат бошига тушган оғир кулфатнинг кўриниши, зулмат ҳукмронлиги бошланганлигининг нишонаси. Романда яқинлашаётган фалокатга қарши кураш ишонarli тасвирланади. Улуғбек сулҳ-битишувларга интилиш беҳуда эканлигини англагач, яна қилишни ишга солади, Абдуллатифга қарши кўшин тортади. Аммо Улуғбекнинг салтанатни сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари фойда бермайди: мамлакатда парокандалик кучайиб кетган эди. Қора кучлар бирлашган, Улуғбекнинг амиру саркардалари хиёнат йўлига ўтган эдилар. Бир томондан, Абдуллатифнинг босиб келиши, аскарлару саркардаларнинг пайдар-пай чекинишлари, иккинчидан, Самарқанд дарвозаларининг тақа-тақ бекитилиши Улуғбек салтанати ҳалокатининг яқинлашиб қолганини кўрсатади. Бу ўринларда ёзувчи психологик тасвирдан кўра кўпроқ воқеалар ривожига ургу беради. Ўз ўғлидан энгилаётганлигини ҳис қилиш, ишонган амир-саркардаларининг хиёнатларини кўриш Улуғбек онгида қандай фикрлар туғдирган, қалбида қандай тўфонларни пайдо этган экан?! Шундай бир пайтда аллақандай хоин билан сан-манга бориб ўтириш ўринлимикан (Улуғбекнинг амир Жондор билан суҳбати назарда тутилади)?

Улуғбекнинг руҳий, маънавий азоблари узоқ давом этади. Унинг Абдуллатиф ҳузурига киришга интилиши, янги шоҳ билан суҳбати қаҳрамон ҳаётидаги энг оғир, уқубатли дамлар ҳисобланади. Улуғбек шайх Ни-

зомиддин Хомуш билан туқнашар ва Абдуллатиф билан сўзлашар экан, ўзини шоҳ, олим, ота сифатида тутлади. Абдуллатиф қалбида ўзига нисбатан илиқлик, самимийлик вужудга келтириш учун интилади. Бироқ у Абдуллатифдаги адоват, кин, ишончсизлик туйғусига дуч келади. Абдуллатиф билан суҳбатда Улуғбекнинг ҳақиқий инсоний қиёфаси кўзга ташланади.

Улуғбек янги шоҳдан қалбидаги муқаддас орзу — илмий ишларини давом эттириш учун имконият яратиб беришларини илтижо қилади. Аслида-ку, Улуғбекнинг ўзи бу истаги амалга ошмаслигини билади. Лекин у ҳаётдан, орзуларидан ҳам умидини узолмайди. Улуғбек маънавий азоблар жисмоний ўлим билан тугашини билади. Лекин бирон жойда унинг ўлим қаршисида довдираши, кўрқиши, таҳликага тушиши сезилмайди. Шу ўринда Улуғбекнинг улуғворлиги, Абдуллатиф, Муҳиддинларнинг тубанлиги яққол кўринади.

Улуғбек тахтдан жудо бўлгач, жуда кўп нарсаларни ўйлайди. У инсон умрининг мураккаблиги, мазмуни ҳақида фикрга толади; илм, олимлар, тахт масъулияти, унинг азалий қонуниятлари, тахт ва қилич ҳақида мушоҳада юритади. Умрининг сўнгги дамларида Улуғбек қабихлик, хиёнат, лоқайдлик, беандишалик каби иллатларга бот-бот дуч келди. Лекин унда инсонга муҳаббат, ҳурмат асло сўнмади. У ўлим билан юзма-юз келаркан, шогирдларини, айниқса, Али Қушчини эслади, умри мазмунидан рози эканлигини ҳис қилди.

Романдаги мураккаб характерлардан яна бири падаркуш Абдуллатифдир. Бу тип ҳаракатларини бошқариб турувчи, ундаги ички зиддиятларни вужудга келтирган, характер моҳиятини белгилайдиган асос нимада? Абдуллатиф сарой муҳитида ўсди, темурийлар сулоласи руҳида тарбияланди. Лўнда қилиб айтганда, шижоаткорлик билан ҳасад, кескинлик билан бошқа шаҳзодаларга нисбатан нафрат, билимдонлик билан ўжарлик, санъатни ҳис этиш билан фанатизмга берилиш каби белгилар унинг характерида ёнма-ён. Асарда айтилишича, Абдуллатиф кўпроқ Гавҳаршодбегим таъсирида бўлди. Шаҳзодаларни худбинлик, ўзаро душманлик руҳида тарбиялаган, ҳукмронлардан бирини

айблаб, иккинчисини кўкларга кутарган мана шу Гавхаршодбегим эди.

Абдуллатиф ёшлигиданоқ худбин бўлиб ўсди, юрагида гина, адоват пайдо бўлди. Бора-бора бу қусурлар тиғи ўз отаси Улуғбекка қарши йўналтирилди. У отасини ёқтирмас, уни ўзига нисбатан адолатсиз деб ҳисобларди.

Улуғбек салтанатидан норози бўлганлар Абдуллатиф пинжига суқилдилар, илм-фанга кенг йўл очган олим Улуғбекни унга ёмонлай бошладилар. Тахтга чиқиши билан Абдуллатифнинг давлатни бошқаришга ноқобиллиги сезилиб қолди. Хукмдорнинг бунчалик ожизлиги шайх Низомиддин Хомушни ҳам ажаблантиради. Абдуллатифнинг хукмдорликка ярамаслигини амирлар, жумладан, Султон Жондор дарҳол пайқади. Узоқни кўзлаб иш қиладиган ҳоким ўз атрофига ишончли кишиларни йиғиши, уларни эъзозлаши лозим бўлса, Абдуллатиф ўз хатти-ҳаракатлари билан яқин кишиларини ҳам чўчитиб, безиллатиб қўйди. Амирлар, саркардалар Абдуллатиф атрофига қанчалик тез уюшган бўлсалар, шунчалик зудлик билан йироқлашдилар ва унга чоҳ қазидилар.

Абдуллатифнинг инқирозига унинг хукмрон сифатидаги ожизлигигина сабаб бўлмади. Тахтга олиб келган йўлда у энг қимматбаҳо туйғусини — фарзандлик бурчини бой берди. Тахтни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли Улуғбекни орадан кутариш, деб билди.

Улуғбекнинг ўлдирилиши энг даҳшатли фожиага айланиб бораверди. Абдуллатиф дин йўл-йўриқларини яхши биледи. У диннинг эътиборини ошириш йўлида ҳаракат қилди. Айни вақтда, диннинг муқаддас талабларидан бири — отани ҳурмат қилишни бузди, унга зид борди, падаркушлик қилди. Абдуллатиф дин йўлида ҳар қанча азият чекмасин, кишилар уни ислом ҳомийси деб билмадилар, падаркуш деб лаънатладилар. Муҳими, Абдуллатиф ўз фожиасини бошқалардан кўра олдинроқ пайқади, ундан қутулиш мумкин эмаслигини англаб етди.

Улуғбекнинг бахти шунда эдики, у мангулик йўлини — илм йўлини танлади, ихлосмандлар, шогирдлар

орттирди. Айни пайтда, табиийки, ўз йўлини тасдиқлаш учун қора кучларга қарши курашди. Абдуллатиф бўлса, тахтга чиқар-чиқмас, ўз келажагини барбод қилди. Халқ уни падаркушликда айблади. Қизиғи шундаки, рўй берган фожианинг қандай оқибатга олиб келишини Абдуллатифнинг ўзи ҳис этади. Падаркушлик унинг борлигини куйдираяпти. Йўқ, у Улуғбекка — отасига ачинмайди. Ундаги газаб, адоват ҳали сўнгани йўқ. Лекин у падаркушлик — гуноҳи азимга ботди, эл олдида шарманда бўлди. Шуниси алам қилади. Ахир гуноҳи учун эртами, кечми, жавоб бериши керак: у интиқомдан қўрқади. Ўзи билан ўзи бўлиб қолади: на давлат ишлари ва на халқ тақдири билан қизиқади. Ёлғизлик азобига дучор бўлади: юрса ҳам, ўтирса ҳам, ётса ҳам, базм қурса ҳам ёлғизликдан, ваҳимадан чўчийди, ундан қутулолмайди. У қайси ишга қўл урмасин, ким билан суҳбатлашмасин, падаркушлиги сезилиб туради. Бу бедаво дарддан қутулиш учун ҳамма нарсага тайёр: ашаддий душмани Али Қушчига ялинади-ёлворади, Мирюсуф Хилватийнинг суюқ шеърини мақтайди, шоирнинг устига тўн ёпади, Амир Жондорга тинчлик-ҳаловат бермайди.

Қачонлардир Улуғбекни маънавий-руҳий азобга дучор қилган Абдуллатиф мана энди ўзи отасиникидан юз чандон ортиқ дардга мубтало бўлиб ўтирибди...

Характер моҳиятини тўғри белгиллаган ёзувчигина қаҳрамондаги ички зиддиятни ишонарли тасвирлай олади. «Улуғбек хазинаси» романида биронта характер йўқки, унинг асоси, моҳияти аниқ белгиланмаган бўлсин. Характер моҳиятининг аниқ белгиланганлигини қаҳрамондаги ҳаракат, феъл-атвор, гап-сўз, ташқи кўриниш аро бирликнинг вужудга келишида сезиш мумкин. Яъни психологик белгиларнинг беҳато тасвирида характер моҳияти очилади.

Психологик белгилар портрет тасвирида аниқ кўринади. Моҳир санъаткор қаҳрамоннинг портрети орқали унинг қалбини чуқур ёритади. Портрет чизилмаган йирик бир асарни учратиш қийин. Лекин ҳар бир ёзувчи портрет масаласини ўзича ҳал қилади. Айрим санъаткорлар асарни портрет тасвиридан бошласалар, бошқа

бирлари қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари орқали портретини яратадилар. Яна бир гуруҳ ёзувчилар портрет ва ҳаракатни параллел курсатадилар. Демак, портретни қачон, қандай тасвирлашнинг аниқ курсатмаси йўқ. Аммо портрет билан характер йўналиши орасида бирлик бўлиши, портрет қаҳрамон қалбини ёритишга хизмат қилиши лозим.

Л. Толстой муайян образ устида ишлар экан, авваламбор, характер «калити»ни топишга интилган. Шу мақсадда у қаҳрамоннинг ҳаёти, характерига оид кўп материалларни ўрганган. У бутун диққатини «қалб диалектикаси»га жалб этган ҳолда қаҳрамон портретини чизган. Л. Толстой учун портрет қалбга очилган дарча вазифасини ўтаган: қалбдаги тугён, ўзгаришлар портретда ифода топган. Алексей Толстой ҳам характерни ичдан ёритиш тарафдори бўлган. Унингча, портрет тасвири қаҳрамоннинг ахлоқидан, хатти-ҳаракатларидан, кураш-туқнашувларидан келиб чиқади. Моҳир санъаткор портрет сўзлар маънисидан келиб чиқишига ишонган ва ижодида шунга амал қилган. Қаҳрамоннинг моҳияти тўғри белгиланган бўлса, унинг портретини ўқувчининг ўзи чизиб олади.<sup>1</sup>

Кўринаяптики, Л. Толстой ҳам, А. Толстой ҳам портретни ички нур билан ёритиб тасвирлаш тарафдорлари. Ёзувчи ўз қаҳрамонини қанчалик чуқур билса, унинг асарига тасвир ва портрет бир йўла бериб борилаверади. Портретни ҳаракатда бериш характер табиийлигини белгилайди. Бундан ташқари, ҳаракат портретни жонлантириб юборади, ўқувчи қалбида ўчмас из қолдиради.

Ёзувчи О. Ёқубовнинг аксарият асарларида қаҳрамонларнинг ички ҳолати юзага тепган пайти топиб тасвирланади, табиийлик вужудга келтирилади, гузаллик яратилади:

«Муқаддас жилмайганича олдимга келди:

— Нима бўлди? — деди у қўлимдан ушлаб. Менинг «беш» деган жавобимни эшитиши билан чехрасидаги

<sup>1</sup> Русские писатели о литературном труде. Том 4, Л., 1957 год, стр. 490.



гуноҳқор ифода чуқур ички бир шодлик билан алмашди-ю, юзига гўё ёруғ нур қуйилди» («Муқаддас»).

Нилуфарнинг портретини чизишда ҳам жонлилик, ҳарорат мавжуд:

«Нилуфар бир оз озган, юмалоқ оппоқ юзи хиёл чўзилган, ўзиям аллақандай маънос бир латофат касб этган, гўё булут ичида ловиллаб ёниб турган қандайдир аланга сундирилгану энди ором олиб, тинчиб қолган» («Биллур қандиллар»).

Шуни айтиш керакки, ташқи чирой О. Ёқубов қаҳрамонлари учун ҳақиқий гузаллик эмас. Ёзувчи ташқи гузалликни ички гузалликка қиёслайди. Купинча қаҳрамондаги ташқи чирой унинг қалбига зид қўйилади. Мавлоно Муҳиддин ташқи жиҳатдан кўркем одам, лекин китобхон ундаги ташқи гузалликни эмас, ички совуқликни сезиб ранжийди, ундан ихлоси қайтади:

«Мавлоно Муҳиддин қирқ беш ёшлар чамасидаги, қош-кўзлари қизининг қош-кўзидай қоп-қора, оқ-сарикдан келган, нозиккина, бўйчан бир одам эди. У пешонасини шойи қийиқча билан боғлаб, бошига учлик қора тақя кийиб, авраси мовут қимматбаҳо сувсар пўстинга ўраниб олганди. Мавлоно кўш-кўш олгин узуклар тақилган узун ингичка бармоқларини чўзиб кўришди-да, ёстиққа ёнбошлади» («Улуғбек хазинаси»).

Муҳиддин моҳияти англашила боргач, унинг ёқимлилиги ҳам, қимматбаҳо кийими-ю, тақинчоқлари ҳам нурсиз бўлиб қолади.

Одил Ёқубов аввалги асарларида ҳам қаҳрамоннинг ташқи кўриниши билан унинг асл моҳиятини қиёслай олганди. Масалан, Салтанатнинг («Бир фельетон қиссаси») коллективга зид, худбинлиги авжга чиққан пайтдаги кўриниши — портрети бундай тасвирланади:

«Оёғида пошнаси баланд бежирим қизил туфли, эгнида оҳори тўкилмаган оқ халат. Яна бу халат шундай усталик билан тикилганки, анча тўлишган қадди-қоматини, туртиб чиқиб турган кўкрагини кўз-кўз қилгандай. Бунинг устига, қуралай кўзларини, лабларини шундай нафосат билан бўяган, сочларини эса пешонасига тушириб, ҳаворанг капрон дуррачаси билан томоғининг остидан шундай танғиганки, ҳар қан-

дай йигитни ҳам маҳлиё қилиб қўяди десам, лоф бўлмас».

Шундай ҳолатда Салтанат қанчалик гузал кўринмасин, қандайдир ички совуқлик ундаги ташқи чиройни хиралаштиради. Тўғрироғи, Салтанатнинг гузаллигида табиийлик, ички ҳарорат йўқ, яъни бу сохта гузалликдир.

Аксинча, ижобий қаҳрамои хунук бўлиши ҳам мумкин. Лекин китобхон қаҳрамоннинг қалб гузаллигига маҳлиё бўлади. Одил Ёқубов машҳур пахтакор Фанишер Юнусов билан учрашувини бундай тасвирлайди:

«Фанишер ака қишлоқнинг бир чеккасида, дашт бағрида, пахтазорнинг четига қамиш қапа қуриб, туш пайти дам олиб ётган эканлар, бизни кўриб, қападан чиқиб келдилар. Яланг бош, яланг оёқ, рангини таниб бўлмайдиган эски кўйлагининг ёқаси киндигигача очиқ, энглар шимарилган, у эмас-бу эмас, ҳозир биттамит билан беллашишга чоғланган полвоннинг ўзгинаси... Худонинг қудрати билан у киши ҳам каминага ўхшаб, ҳуснда танҳо эканлар. Чўяндай қоп-қора, рапидадай юм-юмалоқ юзида чечак излари, қип-қизил ялтир бошида битта ҳам тук йўқ! Лекин шу ҳолида, мен умримда Фанишер акадай юлдузи иссиқ, ёқимтой одамни кўрмаганман, десам лоф бўлмас. Ёпирай, бу одамнинг ширинсуханлиги, дилкашлиги, сизни қулдириш учун ростни ёлғонга қўшиб обқочиллари!.. Дастлаб кўрганингизда туғиладиган ғалати таассурот зум ўтмай ўзгариб кетади-ю, у кишига мафтун бўлиб қолардингиз!..»

Портрет чизишда ҳар бир ёзувчи асар руҳига кўра иш кўради. Одил Ёқубов, масалан, «Муқаддас» қиссасини Шариф портретини чизишдан бошлаган бўлса, «Улугбек хазинаси» китобхонга Али Қушчинини «таништириш»дан бошланади. Лекин ёзувчи Али Қушчинини портретини тўла чизишга шошилмайди. Дастлаб унинг «калтагина чўққи соқолини» эслатади, абжирлигини билдиради. Асар урталарига бориб, Али Қушчининг қиёфасига Абдуллатиф кўзи билан қаралади:

«Эсида бор, бу учрашувларда шаҳзодани бир нарса ҳайратга солган, у ҳам бўлса Али Қушчининг чеҳраси-

даги қатъият ва аллақандай кишини ўзига асир қилувчи салоҳият эди. Қорачадан келган бу новча, қотма одамнинг жуссасидан куч ёғилиб турар, кенг пешонаси, ўткир кўзларида чуқур заковат акс этар, қийгир бурунли узунчоқ юзида булакча бир шиддат, мардлик, бир сўзли одамлардагина буладиган зур иқтидор сезилиб турарди».

Ёзувчи Мирзо Улуғбек қиёфасини биринчи учрашувдаёқ анча батафсил тасвирлайди:

«Худди шу пайт, саломхона эшиги оҳиста очилиб, устод кўринди. Эғнида, одатда, саройда кийиб юрадиган зарбоф тўн ўрнига, кўк-яшил мовут чакмон, бошида расадхонада ва мадрасада киядиган учлик қора духоба қалпоқ, оёғида ичига олмахон мўйнаси қопланган қўнжи кенг иссиқ этик, устод остонада тўхтаб, шогирдига аллақандай синовчан тикилди.

Унинг сал тўлиша бошлаган новча буй-бастида, мисдай қорамтир узунчоқ юзида, қалин қошлари тагидан тикилиб қараган ўйчан нигоҳида ҳам теурийларга хос кишини ўзига ром этувчи шиддат, ҳам қандайдир пинҳоний мажруҳлик бор эди».

Али Қушчи ва Улуғбек портретлари тасвирида улар характеридаги белгилар кўзга ярқ этиб ташланади. Али Қушчи ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қаттиқ ишонган, ҳеч қандай куч уни бу йўлдан тойдира олмаслигини чуқур ҳис этган шахс. У бирон дақиқа бўлсин, ўзи танлаган йўлга ва ўзи яратган асарларига шубҳа билан боқмади. Аксинча, Улуғбек душманлари фаоллашиб қолгач, яна ҳам қатъийлик билан ўз эътиқоди, ишончи учун кураша бошлади.

Қаҳрамондаги ўсиш, интилиш Мавлоно Муҳиддин, Абдуллатиф, ҳатто Улуғбекка нисбатан, бир маромда, осойишта давом этади. Шунинг учун бўлса керак, айрим танқидчилар Али Қушчи характерида турғунлик, статиклик мавжуд, деб танқид қилдилар. Ваҳоланки, Али Қушчи романдаги мураккаб, психологик характерлардан.

Али Қушчи характерида инсоннинг ягона мақсад, улуг ғоя йўлидаги фидойилиги чуқур таҳлил этилади. Ёзувчи ҳар бир воқеа-ҳодиса, детални характер моҳи-

ятини чуқурроқ ёритишга йуналтиради. Қарноқий характерида эса кенглик, воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонларни ўзаро боғлаш хусусияти кўзга ташланади. Али Қушчи кўпинча ўзининг бой руҳий дунёси ичида тасвирланса, Қарноқий доим халқ орасида бўлади. Бу характерда оддий халқнинг хусусиятлари, эзгу орзулари, ҳақиқатга ташналиги мужассамлаштирилган. Қарноқий Али Қушчи, Улуғбек йўлини давом эттирувчи илм кишиси, деб кўрсатилади. Лекин Қарноқий характерида илм кишисига хос хусусиятлардан кўра, асосий муаллим қилиб ҳаётни танлаган, турмушдан кўп нарсани ўрганган одамнинг хусусиятлари кўзга ташланади. Чиндан ҳам ўз элининг ҳақиқат йўлидаги курашлари Қарноқий қалбида чуқур из қолдирди, уста Темур Самарқандий, Босқонбек, Қалқонбек билан танишув унинг учун ҳаёт мактаби бўлди. Салоҳиддин заргар оиласини Қарноқийдан кўра яхшироқ биладиган, тушунадиган одам йўқ. У Салоҳиддинга очикдан-очик нафрат билан қарайди, Муҳиддинга ачинади, Бонуни жонидан ҳам яхши кўради. Ташқи дунё хабарларини Бонуга Қаландар етказиб туради, Хуршида кўзининг очилишида, ўз эркини танишида Қарноқийнинг хизмати катта.

Қарноқий жанда-ю, кулоҳ билан ниқобланган, тасбеҳ билан қуролланган қаландару дин пешволари оламини ҳам роса ўрганди. Уларнинг ҳаёти Қаландар қалбида нафрат туйғусини кўзғади. Тилида Оллоҳга ҳамду сано, дилу ўйларида фиску фужур, ҳийла-ю найранг бўлган шайхлардан Қаландарнинг ихлоси тамоман қайтди. Қаландар қисқа умри давомида Улуғбекдек улуғ инсон билан суҳбатлашиш, Бонудек гўзал аёлнинг ибоси, унинг кўзларида қувонч учқунларини кўришдек бахтга муяссар бўлди. Айни пайтда, у қашшоқликда яшаган, ягона ўғли кўйида йиғлаб ўтган муштипар онанинг қабри устида аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкди. «Улуғбек хазинаси» романини Қаландар Қарноқий характерисиз тасаввур этиш қийин. У ўзига хос характер бўлишидан ташқари, асар қисмларини, турли тоифа кишиларини ўзаро уюштирувчилик вазифасини ҳам утайди.

XV аср ҳаёти, Шоҳрух, Улуғбек, Навоий яшаган

давр ҳақида Ойбек, Уйғун, И. Султон, М. Шайхзода, Мирмуҳсин, Миркарим Осим ва бошқаларнинг асарлари яратилган. Бу ёзувчилар учун тарихий мавзу бирмунча яқин эди. Лекин Одил Ёқубовнинг тарихий темага қўл уриши ижодий жасорат бўлди. Чунки ёзувчининг барча асарлари ҳозирги кун, нари борса, уруш даври ҳақида эди.

Одил Ёқубов тарихий мавзуга қўл урар экан, унинг олдида бирмунча қийинчиликлар турар, масъулиятни яна ҳам чуқурроқ англаш ҳиссини оширарди. Санъаткор тарихий мавзунини ҳар томонлама кенг ёритди, мураккаб, психологик характерлар яратди, уша давр руҳини ишонарли кўрсатди, образлар индивидуаллигига алоҳида эътибор берди.

Тарихий асарда давр руҳи, қаҳрамонларнинг ўзига хослиги бадиий тилда ярқ этиб кўзга ташланади. Тил — халқ хазинаси. Ҳар бир санъаткор шу хазинадан ўз эҳтиёжи ва маҳоратига қўра фойдаланади. Ёзувчи истеъдоди, маҳорати тилни тежаб-тергаб, авайлаб ишлатишида, ниҳоят, халқ хазинасини бойитишга интилишида кўринади. Л. Толстой, А. Чехов, М. Шолохов, А. Қодирий, М. Аvezов, Ойбек, Л. Леонов, Ғафур Ғуллом, А. Қаҳҳор сингари санъаткорлар тилга муносабатини бадиий маҳоратнинг муҳим шартини, деб билганлар.

Моҳир санъаткорлар сўзни топиб, ўз ўрнида ишлатишга, ҳар жумлада қат-қат мазмун бўлишига эътибор берадилар. Уларда жумлага жамланган мазмун нишонга тегади, онг ва қалбимиздан мустаҳкам ўрин олади. Эҳтимол, жумланинг мазмундорлиги, салмоғи «Сўзнинг юраги бор», деган нақлни вужудга келтиргандир. Санъаткорнинг маҳорати сўзларга жон ато этишида, улар «юрагини» ҳаракатга келтиришда аниқ сезилади. Сўз ўз ўрнида ишлатилсагина, унинг «юраги» ура бошлайди, ёзувчи ғоясини амалга оширишга хизмат қилади. Биргина сўз бутун бир картинани, воқеани, қаҳрамон ички дунёсини нурлантириб юбориши, ёзувчи муносабатини билдириши мумкин:

« — Ҳм-м... — шаҳзода истеҳзоли жилмайиб лабини тишлади. У Мавлоно Муҳиддинни биринчи кўриши эди. Лекин донғи Али Қўшчидан кам бўлмаган бу одам-

нинг рисолаларини ҳам мутолаа қилган эди. Мутолаа қилган пайтларида машҳур рисолаларнинг муаллифи унга нечундир тамом бошқача, нигоҳи ўткир, соқоли кўксига тушган, калондимоғ бир аллома бўлиб туюлган эди. Шаҳзода бу одамнинг, ўз эътиқодидан воз кечиб, бош эгиб келган бу алломанинг Али Қушчидан ҳам забардаст ва шиддатлироқ бўлишини истар эди. Бу ерда эса... қора мовут чакмони озгин танасида қопдай шалвираган, нимжонгина бир кимса оёқлари остида юмалаб ётарди».

Парчадаги «юмалаб» сўзи Мавлоно Муҳиддиннинг жирканчилигини, шаҳзоданинг, ёзувчининг унга муносабатини аниқ кўрсатиб берган. Парчадаги шу биргина сўз бутун мазмун кўламини ўзига қаратган. Агар нарсалар, жонсиз буюмларнинггина юмалашини кўз олдимизга келтирсак, ёзувчининг топилмасига қойил қоламиз. Лекин «юмалаб» қанчалик маҳорат билан ишлатилган бўлса, «ҳам» сўзи эътиборсизлик билан қўлланилган.

Парчадаги «донғи Али Қушчидан кам бўлмаган» иборасини «донғи Али Қушчиникидан кам бўлмаган» деб ишлатилса тўғри бўларди. Чунки Муҳиддин донғи Али Қушчига эмас, унинг шуҳратига қиёсланапти.

«Улуғбек хазинаси» романи XV асрдаги ҳаёт ва шу аср кишилари ҳақида эканлигини асар тили кўрсатиб туради. Автор манзараними, воқеаними, характерлариними, тасвирлар экан, ўша давр тилидан моҳирона фойдаланади. Романнинг журнал вариантыда тил бирмунча мураккаб эди. Романнинг биринчи нашри билан журнал варианты қиёсланса, автор асар тилини бир оз соддалаштирганини, силлиқлаштирганини сезиш мумкин. Масалан: «У сипоҳий жиболарини...» (журнал варианты) — «У сипоҳий кийимларини... (китоб варианты, 33-бет); «муддаонгиз ул муқ-тадо-муршид Хўжа Аҳмад Яссавий» (журнал) — «...муддаонгиз ул пири муршид Хўжа Аҳмад Яссавий» (китоб, 45-бет); «...орсиз манкуҳанг бирлан... (журнал) — «орсиз хотининг бирлан...» (китоб, 45-бет); «О, бани одамлар, одамлар! (журнал) — «О хомсут эмган одамлар, одамлар!» (китоб, 48-бет); «...мислсиз сафолатга бориб... (жур-

нал) — «мислсиз разолатга бориб» (китоб, 51-бет); «Усиз ҳам бетоқат пишқирган оқ бедов сувлигини чайнаганча қора бургутдай ер бағирлаб учиб кетди» (журнал). — «Усиз ҳам бетоқат пишқирган оқ бедов сувлигини чайнаганича бургутдай ер бағирлаб учиб кетди» (китоб, 57-бет). «Бу мувоҳасадан ёлғиз муддаом» (журнал). — «Бу суҳбатдан ёлғиз муддаом» (китоб, 99-бет); «Ҳеч бир ёмонлик ажрсиз қолмайду!» (журнал) — «Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмайду» (китоб, 99-бет) ва ҳоказо. Романнинг китоб вариантыда ёзувчи арабча жумла, ибораларни имконияти борича ўзбекчалаштирган ёхуд бирмунча қисқартирган.

Бадиий асарда ёзувчи, аввало, характер моҳиятига киришга интилади. Қаҳрамон характери ойдинлашгач, унинг портрети «қўринади», сўзлашдаги ўзига хослиги «эшитилади», психологик белгилари намоён бўлади. Муҳими, ёзувчи характер тилидаги ранг-барангликни тушунади, қайси сўзлар унинг луғатига кириши ёки кирмаслигини аниқ билади.

Қаҳрамон характерини чуқур билган ёзувчи унинг ички монологини, онгидан кечган фикрларни тасвирлайди. Санъаткор қаҳрамон қалбига кириб, унга баҳо беради, ўйларини баён этади. «Улуғбек хазинаси» романида турли тоифа кишилари иштирок этади. Олимларнинг «тили» дин ҳомийлари «сўзлашувидан», ҳукмдору амирларнинг гаплашишлари оддий ҳунармандларнинг суҳбатидан кескин фарқ қилади. Ёзувчи ҳар бир тоифа вакилининг ўзига хос «луғати»дан фойдаланишга интилади. Табиийки, шайх Низомиддин Хомуш юрса ҳам, турса ҳам Қуръонга таянади, гап-сўзларида Калому шарифдан қўлаб мисоллар келтиради. Мирзо Улуғбек тилида мантиқийлик, фикрни атрофлича ёритишга интилиш сезилади.

« — Ҳа, Олло шоҳид! — деди Мирзо Улуғбек ҳансираб. — Ва лекин сиз эмасму... Ва ҳайреҳе ва шарреҳе мин Оллоҳе таоло... Яъники, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бари Оллодандир, деган. Бас, бари Оллодан эркан, бандасида не гуноҳ, ҳазратим?

Мирзо Улуғбек гапини тугатмаган ҳам эдики, уламолар «гурр» этиб ўринларидан туриб кетишди. Лекин

шайх яғна қулини кутариб, ғалаённи босди, ғазабдан чиройли чақнаб кетган ўткир кўзларини Мирзо Улуғбекка қадаб: — Куръони мажиддин мувоаза қилгунча, истиғфор айлағайсан, эй осий банда! — деб хитоб қилди. — Зероким... Ас-савобу бифазлихе вал-уқобу биадлихе ва ла яджибу алайхе шайъун... Инчунин, савоб анинг фазли карами ва азоб-уқубат анинг адолати ва бандасидан анинг қарзи йўқдур...»

Қаҳрамоннинг қиёфаси, моҳияти, ички дунёси диалогларда кўзга ташланади. Маҳорат билан битилган диалогни чақмоққа қиёслаш мумкин: у билан бир зумда қаҳрамоннинг борлиғи, индивидуал қиёфаси ёритилади. Диалог бир эмас, бир қанча персонажларни бир лаҳзада ўқувчига таништиради-қўяди. Бундан ташқари, диалог воқеа ҳақида қисқа, лўнда маълумот беради, ҳодисаларни бир-бирига улайди. Диалогда мавжуд қаҳрамонларгина эмас, суҳбатдан ташқаридаги персонажлар ҳам ўзининг объектив баҳосини олади.

Диалог ҳар доим жўшқин, сермазмун, руҳий кечинмаларни аниқ, ишонарли акс эттириши лозим. У ҳеч қачон сафсатага, шунчаки савол-жавобга айланмаслиғи, автор матни ўрнида қўлланмаслиғи керак. Одил Ёқубовнинг илк қисса, ҳикояларида, табиийки, диалог кўп ўрин эгалларди. Лекин уларнинг ҳаммасидаги мазмун характер моҳиятини очишга тулиқ йўналтирилмаган бўларди:

« — Шарофат... нима бўлди? — деди у.

— Билмадим, дафн этишди шекилли.

— Сен бормадингми?

— Йўқ.

— Нега?

— Ахир сиз... — деди Гулчехра, — бу ёқда...» («Ларза»).

Қаҳрамон индивидуаллигини кўрсатишда ҳар бир ёзувчи ўз усулидан фойдаланади. Одил Ёқубовнинг барча асарларида кўз тасвири, унинг маъноси, ўзгаришлари жуда кўп такрорланади. Тўғри, кўз — қалб ойнаси. Қалбшунос, табиийки, кўз маъносига эътибор беради. «Улуғбек хазинаси» романида ҳам ёзувчи қаҳрамон-



ларнинг руҳий ҳолатини куз орқали тасвирлашга урғу беради.

Мана, Али Қушчи Абдуллатиф ҳузурда. Улар орасида ҳали гап-суз бошлангани йўқ. Аммо Али Қушчи Абдуллатиф ниятини дарҳол билиб олди: «Қуқимтир тусга кирган заҳил юзида ёмон бир хасталикнинг нишонаси, кўзларида аллақандай қўрқув, йўқ, қўрқув эмас, телбалик бор!»

Хуршидабону отаси Мавлоно Муҳиддин ҳақида ҳар хил нохуш гапларни эшитган, аммо уларга ишонмаган. Мавлоно зиндондан қайтиб келгач, Хуршида отаси билан учрашади: «Хуршидабону оёқ учида юриб бориб, унинг рўпарасига оҳиста чўнқайди... Чўнқайганда кумуш шамдондаги шамлар «лип» этди-ю, дадаси чўчиб бошини кўтарди. Унинг чуқур ботган катта катта кўзларида қўрқув аралаш таажуб акс этди».

Кўзлар Мавлоно Муҳиддинни аёвсиз фош эта болади: «Мавлоно Муҳиддин вужудига совуқ бир нарса теккандай жунжикиб, қизига қўрқинқираб қаради. Унинг чуқур ботган маънос кўзларида аллақандай шубҳа жилваланди.

— Оллонинг хоҳиши шу бўлса начора, болам?

Мавлоно кўзини қизининг нигоҳидан олиб қочди. Ганчдай оқарган сўник юзига қизиллик югурди».

Хуллас, «Улуғбек хазинаси» романида ёзувчи тили ҳам, қаҳрамонлар тили ҳам яхши ишланган, тасвирлар пишиқ. Лекин ҳеч бир санъаткор, мен халқ тилини, хазинасини бус-бутун эгалладим, деб айтишга журъат қилолмаса керак. Ёзувчи бутун ижоди давомида тилни, унинг ранг-баранг товланишларини ўрганиб боради. Шу мазмунда, «Улуғбек хазинаси» романида ўз ўрнида қўлланилмаган сўз, иборалар учрайди. Санъат асарига ҳар бир фикр образлилиги, мазмундорлиги билан диққатни тортмоғи лозим. Аниқроғи, чин санъат асарига маъно тағдор, кўп қиррали бўлади. Қайта-қайта ўқилгани сайин ҳақиқий бадиий асардан янги мазмун, маъно, тушунча, фикрлар чиқаверади. Бу сеҳрнинг қалити — тил, тилдан фойдалана олиш маҳоратидадир.



# ЭТЮДЛАР



## ТУНДА ЧАҚНАГАН ЮЛДУЗ

## I

XX асрнинг 30-йиллари, айниқса, машғум оммавий қирғин-қатагон пайтида юрак-бағри бутун ёзувчи, санъаткор, арбоб, олим, омилкор қолмади ҳисоби. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзодани қамамадилар. Лекин уларни шунчалик хорзор қилдиларки, инсон зоти бундай руҳий-маънавий азобларга тоб бериши амри маҳол эди. 1937 йилнинг 31 августидан 5 сентябригача Ойбек учун дўзах азобидан қийин кунлар бўлди. Шу кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси пленумида ёзувчининг сиёсий фаолияти, ижтимоий-маънавий қиёфаси масаласи ўртага қўйилди. Ойбекни миллатчидан олиб миллатчига солишди, нари олиб бориб, бери олиб келишди. Ойбек ўзи билмаган, етти ухлаб тушига кирмаган «гуноҳ»ларини ўзгалар оғзидан эшитиб ҳангу манг бўлди. Бундай вазиятда инсон ўзини ҳимоя қилолмайди, тўхматларни бўйнига олишдан ўзга йўл қолмайди. Пленум қарори бўйича «Ойбек ёзувчилар союзи аъзолигидан ўчирилди, Тил ва адабиёт институтидан ҳайдалди» («ЎзАС», 2005, 21 январь).

1937 йилнинг сентябридан Ойбек ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ишламаса бўлмайди: уч фарзанди, оиласи бор. Ойбек ўз тенгқурлари орасида интеллектуал салоҳияти кучли олим эди. У фалсафа, эстетика, тарих, иқтисоддан ташқари жаҳон адабиёти намояндалари асарларини яхши биларди. Ойбек бошига иш тушган пайтда профессор Н. Ф. Дератанининг икки жилдлик «Антик адабиётдан хрестоматия» китоби машҳур эди. Хрестоматиянинг иккинчи китоби «Рим адабиёти»ни таржима қилиш имкониятини Ойбек ўзига қарата олди. Салкам 16 босма табоқли бу асар «Бизнинг эрадан илгари III—I асрлар адабиёти», «Рим адабиётининг классик

даври (милоддан аввалги I асрнинг охири — милоддан кейинги I асрнинг бошлари)», «Императорлик даври адабиёти (милодий I—II асрлар)» бўлимларидан, «Шарҳлар» ва атоқли исмлар ва адабиётшунослик терминлари рўйхатидан иборат эди. Хрестоматия таржимаси Ойбек учун катта ижодий мактаб бўлди. Мажмуага Тит Плавт, Публий Теренций, Гай Катулл, Тит Лукреций, Марк Цицерон, Квинт Гораций, Марон Вергилий, Публий Овидий, Луций Сенека, Гай Петроний, Луций Апуллей, Албий Тибилл, Лукианнинг трагедия, комедия, дидактик поэма, лиро-эпик дoston, сатиралари киритилганди. Ойбек хрестоматияни таржима қилишдан олдин Н. Ф. Дератанининг «Юнон адабиёти» (М.-Л., 1932), «Плавт театри» (М.: 1933) сингари асарларини ўқиб чиқди. «Рим адабиёти» хрестоматияси таржимаси Ойбекка зур ижод мактаби бўлди: таржимон уч тур ва куп жанрдаги асарларни бир йўла ўзбекчалаштирди, шарҳ ва луғат маъзини чақди. Таржимон деярли барча асарлари охирига «баъзи ўзгаришлар билан» деган иборани қўшганки, таржимага ижодий ёндашганлиги сезилиб туради. Хрестоматияга киритилган асарлар муаллифлари ҳақида тазкирамонанд маълумотлар берилади. «Рим адабиёти» хрестоматиясига асарлардан парчаларгина киритилган. Таржимон маҳоратини кўрсатиш мақсадида Луций Сенеканинг «Октавия» трагедиясидан кичик бир парчани келтиришни лойиқ топдик:

#### Октавия:

*Энди золим мустабид мени юборар  
 Гамли кулкаларнинг зулмат юртига.  
 Нимага мен шўрлик беҳуда йиғлай?  
 Тақдир кимни лойиқ кўрган бўлса у  
 Элтсин ўлимга мени! Кўк тангриларини  
 Чақираман... Тухтанг, тентак, кўк тангрилари  
 Сендан нафрат қилишади. Мен чақираман  
 Тартарни, ҳам жаҳаннамнинг уч олар  
 Илоҳларин, шундай жазо ва ўлимга сазовор  
 Бўлган отам, сени-да чақираман.*

*Тайёрлангиз кемани, чодирни қуриб,  
Узоқ Пандатария соҳилларига  
Томон йул солсин илдам кема ҳайдовчи<sup>1</sup>.*

«Рим адабиёти» хрестоматиясининг сарварағида: «Китобнинг таржимасини Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги тасдиқ этган» деган ёзув борки, у Ойбекка ўша йиллардаги муносабатдан дарак беради. Ойбек таржимасидаги бу хрестоматия нашр этилганига 68 йил булди. Ҳозир университет, институт филолог-талабалари жаҳон адабиётини урганадилар. Афсуски, ҳозиргача юнон, рим, миср, япон, хитой антик адабиётидан ўзбек тилида дарслик, хрестоматиялар йўқ. 1965 йили Москвада Н. Ф. Дератани, Н. А. Тимофеев тайёрлаган «Антик адабиётдан хрестоматия»нинг I—II жилдлари чоп этилганди. Ойбек таржимасидаги «Рим адабиёти» хрестоматияси ўз қимматини сира йўқотгани йўқ. У ҳозир қайта нашр қилинса, Ойбек илмий меросининг безаги булар эди.

## 2

Ойбек ёзувчилар уюшмасидан чиқарилиб, Тил ва адабиёт институтидаги ишидан четлатилганда 33 ёшда — ишлаб, ўқиб-ўрганиб, ижод қилиб чарчамайдиган балоғат палласида эди. У «Антик адабиётдан хрестоматия»нинг II жилди таржимаси билан банд экан, ўзбек халқининг миллат сифатида шаклланиши жараёнини ҳаққоний акс эттириб берадиган роман концепциясини онгида етиштираётган эди. Санъаткор қандай асар ёзмасин, барибир, шахсий ҳаётининг, оилавий муҳитнинг қайсидир томонларини ифодалайди. Катта эпик асарда ёзувчига таниш, унинг хотирасидан ўрин олган воқеалар, кишилар тасвирланади.

«Қутлуғ қон» романида тасвирланган воқеалар XX асрнинг 10-йиллари уртасида рўй беради. Ойбек даврларни яхши эслайди. Аниқроғи, XX асрнинг 10-йиллари воқелиги, одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдизи-

<sup>1</sup> Антик адабиётдан хрестоматия. II том. «Рим адабиёти». Олий педагогик ўқув юртлари учун. ЎзДавлат ўқув педнашриёти. Т., 1939, 179–180-бетлар.

дан бирини белгилайди. У «Бобом», «Болалик», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Улуғ йўл» асарларида шу даврни тасвирлайди. Демокчимизки, Ойбек ижодини ўрганганда биографик методни зинҳор унутмаслик жоиз. Француз алиби, олим-мутафаккири Шарл Сёнт-Бёвнинг биографик методига кўра, бадий асарда ёзувчи биографиясига тааллуқли куп масалалар мавжуддир. Аввало, асар гоёсининг, концептуал асосининг пайдо бўлиши ёзувчи ҳаётидаги биронта масала билан боғланиб кетади. Иккинчидан, ёзувчи билибми, билмайми, ғайришуурий ҳолда, юраги қаъридаги туйғуларни, хотирасидаги шахсларни асарига кирита бошлайди. Учинчидан, асарнинг ёзилиши жараёнидаги ҳолатлар, манзаралар, ҳодисалар табиий ҳолда структурага сингиб боради. Матёқуб Қушжонов, Наим Каримов, Акрам Каттабеков тадқиқотларида, Зарифа Саидносирова хотира-китобида Ойбек асарларидаги биографик томонлар — ҳаёти, турмуши, кайфияти, танишлари, асарларининг прототиpleri ҳақида қизиқарли воқеалар келтирилган. Биз «Қутлуғ қон» асарининг ёзилиши жараёни билан боғлиқ биографик жиҳатларга эътибор қаратмоқчимиз. Бошқача айтсак, ёзувчилар союзи пленумидан (31.VIII—5.IX.1937) кейинги воқеаларнинг Ойбек тақдири, «Қутлуғ қон» романи биографиясида қандай акс этганини кўрсатмоқчимиз. Образли айтганда, 1937 йилдаги машғум пленум навқирон Ойбекнинг ёруғ кунини қоп-қора тунга айлантирди. Ойбекдаги санъаткорлик, юксак истеъдод зимистон тунда чарақлаган юлдузни — «Қутлуғ қон»ни яратди.

«Қутлуғ қон» романи 1938 йили қисқа муддатда битилганлиги айтилади. Роман ёзилган жой, фасл ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург ва режиссёр Рихсивой Орифжонов («ЎЗМЭ», 6-том, Т., 2003 йил, 566-бет) ҳикоя қилиб берган эди. (Рихсивой ака асли Юнусободнинг Оқота мавзеидан бўлган.)

— Қишлоғимизда Ойбек домланинг дала боғи буларди, дейди у. — Боғдаги кўркам шийпон ҳамон кўз унгимдан кетмайди. Ёз кечалари Ойбек шийпонида кетросин чироқ алламаҳалгача ёниқ турарди. Мен, 12 ёшли

қишлоқ боласи Ойбек домла шийпонидаги чироққа тикилиб ётганимча уйкуга кетардим. У вақтларда электр, радио қаёқда дейсиз?! Ҳатто жинғироқли соат ҳам йўқ экан-да қишлоғимизда. Ойбек шийпонидаги чироқ учиши билан қишлоқ аҳли ғимирлаб қоларди: кексалар бомдод намозига тайёрланар, бозорчилар от, эшакни аравага қўша бошлар, яна кимлардир ўз юмушларига банд бўлардилар. Мен болалигимни эсласам, ёз фасли, Ойбек шийпонида пориллаб ёниб турган чироқ хаёлимга келаверади. Кундуз кунлари мол боқиб юрганимизда биронта овлоқ, салқин жойга кўрпача тушаб китоб ўқиб ўтирган Ойбек домлани кўриб қолардик...

Наим Каримов «Ойбек» китобида ёзади:

«Адибнинг айтишича, у романни қисқа муддатда — саккиз-тўққиз ой мобайнида ёзиб тугатди. Бу 1938 йилнинг ёз ойлари эди».

Миркарим Осим худди шу даврни эслаб, ёзади:

«Мен якшанба куни Ойбекни йўқлаш учун унинг Оқтепадаги (?) боғига бордим. Кўрғонча эшигини тақиллатган эдим, Зарифахоним чиқиб, мени ичкарига таклиф қилдилар.

— Ойбек шу ердами?

— Ҳа, шу ерда. Лекин ҳали уйкудан тургани йўқ.

— И-е, соат бир бўлди-ку. Кечаси иккида ётган бўлса ҳам, уйкуга тўйиши керак эди.

— У кўпинча соат уч-тўртгача шийпонда ўтириб ишлайди. Энди турадиган вақти бўлди, киринг ичкарига.

Зарифахоним айвондаги хонтахта устига дастурхон ёзиб, бир чойнак чой келтириб қўйдилар...»

Зарифа Саидносирова «Ойбегим менинг» хотиракитобида 1934 йили Тахтапул ва Юнусобод мавзелари ўртасидаги Оқота деган жойдан (ҳозирги Фуломмаҳмуд Абдуллаев маҳалласи — А.Р.) боғ ҳовли сотиб олганликлари, бу жой Ойбекка ниҳоятда маъқул бўлгани ҳақида ёзади. Муаллиф боғнинг кўринишини тиниқ тасвирлайди: «...боққа торгина боғ кучадан кичкина бир эшикча орқали кириларди. Эшикдан бошланган якка йўлнинг ўнг томонида катта ҳовуз, атрофида қизил олма оғочлари терилган... Сўл томонида бир танобча

келадиган бедазор... Ҳовуздан кейин — қўрғон: унда бир уй ва бир айвон бор. Қўрғон орқаси ва бедазордан бошлаб 18 ишком узум: чарос, қора кишмиш, даройи, соҳиби, ҳусайни, нимранг ва ҳоказо. Беда атрофида олма ва шафтоли оғочлари. Шафтоли май ойдан бошлаб пиша бошлайди. Навлари жуда кўп... 1934 йилдан 1939 йилнинг кузига қадар ҳар ёзни шу боғда утказдик».

Зарифа Саидносирова боғни таърифлаб ёзади: «Ойбек Чимёнда ишлаётган кезларда, унинг дадаси билан маслаҳатлашиб, қўрғондаги уй ва айвон устига катта шийпон қурдирдик... Шийпон жуда кўркам. Боғ томондаги дарахт навдалари шийпонга шундоққина тўкилиб туради. Улар гуллаганда, мевалари пишганда эса кўркини кўриб, кўзингиз тўймайди. Айниқса, кечалари, ойдиндаги манзаранинг гўзаллиги кўнгилларимизни ором ва нашъа билан тўлдиради».

«Қутлуғ қон» романини ўқий бошлаганимиз ҳамон Ойбек суйган боғ тасвирини кўрамиз: Мирзакаримбой «боғнинг ташқарига қаратилган кичкина эшигига кирди. Йўлчининг кўзига жаннатдай катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юрaverди. Орасидан Қўқон арава бемалол юрадиган кенг, узун ишкомлар икки танобдан мўлроқ ерни ишғол этган. Кўм-кўк ток барглари эрталабки кўёшда жилваланади. Боғнинг тўрт томонини ўраган баланд, янги пахса девор бўйлаб шафтолилар ўсади...»

Ойбек ўз боғидаги бедазорни ҳам унутмаган: «Улар пича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқишди.

— Мана, бедам! — қўлини белига тираб, кузи билан узоққа ишорат қилиб, деди Ёрмат. — Ҳафсангиз бўлса, беданани шунда тутинг-да.

— Йўнғичқа сизникими? Ёш экан ҳали, жуда бақувват ўсибди. — Ёрматга қараб деди Йўлчи».

«Зарифахоним тарҳини чизган, Ойбекка жуда ёққан шийпон кўринмаяптими», дейсизми? Мана, ўша машҳур шийпон: «Ёз кечаси қисқа. Йўлчи бир чимдим ухлаб, бегона жойга ўрганмаганиданми, кўзини очаркан, тонг отган эди. Ҳаво салқин ва тоза. Унда-мунда



қушлар сайрайди. Йулчи урнидан турди, ариқда юзқулини ювиб, ташқари саҳнида бир оз кезди. Меҳмонлар шийпонда шоҳи, адрас кўрпаларда, бошларини оппоқ ва юмшоқ ёстиқларга кўмиб ухлайдилар... Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атирларини ҳар ёққа сочади».

«Кутлуғ қон» романидаги структура системасини мукаммал ўрганган мутахассис асардаги биринчи семиотик марказ Мирзакаримбой боғи тасвири эканини англаб етади. Ойбек боғни тиниқ, аниқ, ишонч билан тасвирлайдики, шу жойни билмаган, кўрмаган одамда бунчалик тиниқ, қатъий матн сира пайдо бўлмас эди. Илк семиотик марказнинг бошланиш қисми, табиийки, романнинг илк саҳифалари, Йулчининг Тупқайрағочга кириб, Жаббор кўса чойхонасида чой ичиши, атрофни синчковлик билан кузатишидир. Ҳар қандай катта асарнинг бошланиши, иложи борича, китобхонга кўп «вазифа бериш»ни тақозо қилади.

«Кутлуғ қон» романи саратоннинг сариқ кунда («ҳамма ёқни олов сели тўлдирган», «ҳаво аллақандай оқ аланга билан ёнгандай», «куйиб ётган билқ-билқ юмшоқ тупроқ») «иссиқда, совуқда обдон пишган», «баданидан куч ёғилиб турган» Йулчининг чойхонага кириб келиши, «чувак юзли, эти суягига ёпишган, жиккак... ғирт кўса» самоварчининг дийдиёларига эътибор қаратиши, «куннинг даҳшатли ёнувига қарамай, қалин, қора жун чопонга ўралган бир қозоқнинг... минут сайин... самоварчига... «Шилимни узат!», дея буйруқ бериши сингарилар билан бошланади.

Самоварчи Йулчига қарата:

— Роса мучанг бор экан, иним. Баданингдан куч ёғилиб турибди-я. Қарликсан, сайрамликми? — дейди. Шу заҳоти у бирдан шанғиллаб қолади: «Ҳой аравакаш бола, отингни торт, нақ тезагини дўппингга солиб бераман!»

Деворга суянган лоқайд қозоқ, «...сайрамликмисан?» — дея сўрашиши, «тезакни дўппига солиб бериш» пуписаси — биографик метод нуқтаи назаридан аҳамиятли. Воқеа Тошкентнинг шимол тарафида, қозоқларга яқин жойда, қишлоқда (от, эшаклар тезаги) рўй берапти.

Романдаги воқеалар ёзувчи Ойбек ёзда дам оладиган, яшайдиган Оқота қишлоғи атрофида кечаяпти. Қуринадик, романнинг бошланиши биографик, топонимик, этник маълумотларга бой. Бадий асарнинг ҳар томонлама сержозиба, маълумотларга бой, деталларга сероб бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Қизиғи шундаки, орадан 15—20 кун ўтиб, Йўлчи яна гузарга — ўша таниш икки чойхона, қассоб дўкони, боққол дўконига чиқади. Энди гузарни ҳам, ён-атрофни ҳам Йўлчи бошқача кузатади. Бу гал унинг диққатини боққол билан ижара аравасининг гупчаги сингани боис қовунини шаҳарга етказа олмаган деҳқон орасидаги савдо муносабати жалб қилади. Қизиқки, бу гал Йўлчи на Жаббор қўсага, на чойхонадаги кишиларга эътибор беради. Уни жиддийроқ муаммолар домига торта бошлайди.

Ижод жараёни юрилмаган йўл бўйлаб боришга, аниқроғи, тунда автоуловни бошқариб бораётган ҳайдовчи юмушига ўхшайди. Ёзувчи асари ғоясини, қаҳрамонлари тақдирини билади. Лекин уйдаги гап кўчадагига тўғри келмайди, дейилганидек, йўл-йўлакай бир қанча масалаларни ҳал этиб боришга тўғри келади. Ёзувчи ўзи истамаган ҳолда янги персонажларни киритишга, айрим ҳолатларни беришга, янги воқеаларини тасвирлашга мажбур бўлади. «Қутлуғ қон»даги бир персонаж, масалан, Йўлчининг иниси Қурбон бойда корандалик қилаётганини айтади. Суҳбатларнинг бирида Унсин тасодифан Эргаш акасини эслаб қолади. «Улуғ йўл» романида эса, Йўлчининг иниси Элмурод номи билан китобхонга таништирилади. Гап, албатта, персонажларнинг номида эмас, асар сюжетидаги ўрнида, бош ғояни ёритишдаги вазифасида. Лекин моҳир санъаткор ҳар бир деталга, ҳар бир ҳолатга эътибор қаратади. Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» китобида ғалати бир ҳолат бор. Ойбек «Қутлуғ қон»ни ёзиш жараёнида Йўлчининг синглизини қандай ном билан атаса маъқул бўлишини Зарифахонимдан сўраб қолибди:

*Тун яримлаган,  
Шоир «Қутлуғ қон»*

*Романидан бош кутармас бир он.  
 Қўлимда китоб  
 Атом ҳикмати,  
 Тафаккуримда  
 Дунё қисмати.  
 Бир исми топ,  
 Ёқимли ёш қиз —  
 Йулчи сингиси  
 Кўзлари юлдуз.  
 — Захро ё Чулпон  
 Ё Олтинбиби?  
 — кам учрар Унсин,  
 Бу энг яхшиси!*

«Қутлуғ қон»га Унсин образи шундай кириб келди.

Бадиий асар яратаётган ёзувчи табиатни тасвирлайдими, ҳолатларни курсатадими, диалогларни берадими, қаҳрамону персонажларга ном қўядими, эмин-эркин ҳаракат қилади. Лекин структура системаси, матндаги ҳар бир ифода, ишора ўз мантиқи, мазмунига эга бўлиши керак. Бошқача айтганда, асарга биографик ёндашилинадими, синчиклаб таҳлил қилинадими, у бошқа тилларга таржима этиладими, матндаги ҳар бир белги ўз мазмунига эга бўлиши шарт.

«Қутлуғ қон»да темирчи Қоратой, унинг ўғли Холтой, маҳсидўз Шокир ота, унинг дардманд ўғли Тоҳиржон образлари чизилган. Эътибор берсангиз, Мирзакаримбой Йўлчининг маслақдошлари ҳақида титраб-қақшаб дейди:

— ...Унинг бир муттаҳам темирчи дўсти бор. Шокир эзма деган бир отаси бор. Улар қутқарсин...

Қаранг, Қоратойдаги дадиллик, ҳеч нарсадан тоймаслик Мирзакаримбойга муттаҳамлик бўлиб қуринган. Шокир отадаги бурро-бурро гапириш бойга эзмалик бўлиб туюлган.

Хуллас, бадиий асардаги биографик ҳолатлар, воқеа-ҳодисаларни ёритишдаги ўзига хосликлар структура системасида ўз ўрнини топади, семиотик нуқта сифатида аҳамият касб этади.

Буюк санъаткор шахсий фожиаларини асар руҳига,

матннинг чийратма арқоғига чувалаштирмайди. «Кутлуғ қон» матнида аниқ сара қисса, романлардаги воқеа-ходисалардан, характерлардан таъсирланганини яширмайди. Гуландом образида Зеби («Кеча ва кундуз»), Нетай («Нетай»), Холисхондан («Параңжи сирларидан бир лавҳа»), Гулнорда Кумушдан («Ўткан кунлар»), Лутфинисода Ўзбек оймдан («Ўткан кунлар»), Мирзакаримбойда Юсуфбек ҳожидан («Ўткан кунлар»), Солиҳ маҳдумдан («Меҳробдан чаён»), Нурида Хушрўйдан («Ўткан кунлар») ўтган аллақандай аломатлар сезилиб туради. Ёрмат ва унинг оиласи тарихининг баъзи томонлари Раззоқ суфи оиласи («Кеча ва кундуз») тақдирини ёдга туширади.

«Кутлуғ қон» романида «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Шум бола», «Нетай» сингари асарлардаги ҳолатларни ёдга туширадиган ўринлар бор: «Гулнор катта ариққа яқинлашганда, бирдан тўхтади: ариқ ёқасида Йўлчи юз-қўлини артиб турарди... Гулнорнинг юраги кучли тўлқинланди, бутун гавдасини тотли титроқ босди».

Бу ўринда китобхон ёдига Отабек ва Кумушнинг ариқ бўйидаги илк учрашуви тушади.

## 3

«Кутлуғ қон» романидаги характерларнинг айрим томонлари ўзга асарлардаги қаҳрамонларникига ўхшаб кетиши, асарда таниш ҳолат-вазиятларга дуч келиб қолиниши Ойбек асарининг бетакрор, ўзига хослигига зинҳор соя сололмайди. «Кутлуғ қон» матни ўзигагина хос системага, пухта тўқимага эга. Асар матнида синик, ожиз ҳалқалар деярли учрамайди. Матннинг пухталиги асар концепциясига боглиқ. «Кутлуғ қон» романи концепцияси ниҳоятда теран. Ёзувчи ўзбекнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий-сиёсий даражасини, рухий-маънавий ҳолатини, миллий ўзига хослигини ниҳоятда аниқ, тиниқ, конкрет тасвирлаган.

«Кутлуғ қон» — янги ўзбек адабиётидаги ҳақиқий реалистик асар намунаси. Асар концепцияси қанчалик теран, тиниқ, ҳаққоний бўлса, ўзга асарлардаги кон-

цепцияни ўз ўзанига буриб юбора олади. Ойбек 1915—16 йиллардаги Тошкент, тошкентликлар ҳаётини тасвирлаган. Бу йилларда миллий буржуазия жадал ривожланаётган, савдо-сотик авж олаётган, йирик бойлар бош кўтариб, майда-чуйда савдогарлар «синаётган», камбағаллар, ночорлар кўпаяётган эди. «Кутлуг қон»да қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисалар кўп. Уларни ўша пайтда аниқ ўлчайдиган бир тарозу — пул мавжуд эди. Бойларни пишқиртирган, бойвуччаларни қутуртирган, йўқсилларни зир қақшатган куч — пул эди. Пул ошқора ва пинҳона жиноятчиларни, ношаръий битимларни, мунофиқликни авж олди. Пул якка ҳоким бўлган жойда инсон қадри арзонлашар, гурур оёқ ости қилинар экан.

«Кутлуг қон» романида пул муаммолари, ҳисобкитоблар кўп ўрин эгаллайди. Бир қанча мисоллар келтирамиз: қирғиз Урознинг бир йиллик меҳнатига бой саккиз сўм тўлайди; деҳқон бир арава сара қовунини тўрт ярим сўмга сотади; Ёрмат Мирзакаримбойда салкам 20 йил ишлаб 143 сўмгина жамғарипти; Йўлчи тонгдан шомгача ҳаммоллик қилиб бир сўму 70 тийин топибди; Шоқосимнинг хотини вафот этганда этак тугиб аранг беш сўм йиғишипти...

Бойлар пулни сарфламайдилар, сочадилар. Салимбойвачча Гулнорни гумдон қилиш учун Тантига 5000, Олимхон элликбошига минг сўм беради. Пул сарфлашда бойвуччалар бойлардан қолишмайдилар. Мана, Қўқон араваларда келин — Нурини куёвниқига олиб боришяпти. Одатга биноан, йигитлар келин минган арава йўлини тўсадилар. Лутфинисо йўл тўсганларга биринчи бор беш сўм, икки дўппи, иккинчи бор ўн сўм, икки дўппи узатади. Мирзакаримбой, Нажмиддин, Тантининг отаси пишиқнинг пишиғи бўлишган. Мирзакаримбой Йўлчига 9 сўм бераркан, роса насихатбозлик қилади. У Сайрамдаги дўконининг иш юртувчиси Муҳаммад Расулни тергайвериб қонига ташна қилади. Нури алвасти фолбинга ўн сўм беради. «Ойна» журнали 10 сўм ҳадя қилган Ҳакимбойвачча Мирзакаримбой ўғлига журнал саҳифасида миннатдорлик билдиради... Капитализмнинг қатъий бир қонуни

бор: биров бойиб боради, биров «синади». «Қутлуғ қон»да «синган» ота — Гуландом оиласининг фожиаси кишини титратади. Йигирма бир ёшли йигитча қарзга ботгач, Қурбақаободдаги жаннатдек боғини 800 сумга хатлаб беради.

Хуллас, «Қутлуғ қон»да ўзбек халқи ҳаётидаги муҳим бир жараён тўлалиги, теранлиги билан акс эттириб берилган. Асарнинг бош қаҳрамони Йўлчи Хўжакентдан Тошкентга меҳнат қилиш, пул топиш учун келади.

Роман матнидаги илк семантик нуқталардан бири бундай ифодаланган: «Қишлоқда кўп одамларнинг юмшини қилдим, майли, бу ерда ҳам ишлай. Яхши ишласам, албатта, чакки бўлмайди. Негаки, булар қариндошларим, ҳаммадан юлсалар ҳам мендан юлмаслар... гап яхши ишлашда...» Йўлчи, асосан, Мирзакаримбой хонадониди, бойнинг қариндош-уруғлариникида ишлади. Тил учиди бўлса-да, Салим, Ҳаким Йўлчини «жиян, жиян»лаб туради, Нури гоҳо қишлоқдаги аммасининг ҳолидан гап очади. Йўлчи бойни «тоға», бойваччаларни «ака», «почча», бойвуччаларни «опоқи», «янга», «опа» деб пул йиғиши мумкин эди. Романдаги энг нозик томон шундаки, Ойбек Йўлчи орқали ўзбекининг ор-номуси, ҳалоллиги, гурурини кўрсатиб бермоқчи. Бошқача айтганда, инсон қадр-қиммати энг арзон бўлган бир даврда Йўлчи гурур, қадр-қиммати бой бермади.

Романда Йўлчи ва Ёрмат ҳамиша бақамти тасвирланади. Ёрмат урта ёшдан ошган, рўзгорли, киришимли, серғайрат, сузамол одам. Лекин бой хонадонидигилар Ёрматни одам урнида кўрмайдилар. Ёрмат хизматкор, мардикорларнинг бевосита бошлиғи. Аммо на Ўроз, на Алиохун, на тошкентлик мардикор Ёрматни заррача ҳурмат қилади. Нега? Ёрмат қадр-қимматини, инсоний гурурини бой бериб қўйган одам. Мирзакаримбой илк бор Йўлчига синчиклаб назар солар экан, «бутун сиймосида катта жасорат ва гурур сезди». Обдон чиниққан бу йигитдаги «жасорат ва гурур» одам танийдиган Мирзакаримбойга ёқмади.

Аслини олганда, Йўлчининг бош қаҳрамонлиги,

халқ намояндаси эканлиги ўша жасорат ва гурурда акс этган. Йўлчидаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик, поклик — тарбия самараси. Аммо гурур ва жасорат Йўлчи характерининг бетакрор, ўзигагина хос томони. Мана шу белгилар Йўлчига бахт ҳам, бебахтлик ҳам келтиради. Англашимча, Йўлчи ва Мирзакаримбой хонадонидagi муносабат, муҳит ўзига хос макет, атайин яратилган ҳолат, яъни ўзбек халқи 130 йилдан мулроқ муддатда чор ва қизил империя инон-ихтиёрида бўлди. Ўзбек мустамлакачиликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб, қийноқ, хўрликларини бошидан кечирганда ҳам гурурини, жасоратни бой бермади.

Мустақиллик йилларида ўзбек гурури, жасорати, топқиру билагонлиги боис жаҳон халқлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллай бошлади. Ўйлаб кўрилса, «Қутлуғ қон»да тасвирланган гурур, жасорат, қадрқиммат сингари миллий қадриятларни юксак тутиш янги авлод ёзувчилари ижодида изчил давом эттирилмоқда.

Йўлчидаги ақллилик унинг гурур, жасоратини нурлантиради, маъно-мазмун билан бойитади. Йўлчи характеридаги сахийлик, бағрикенглик тасвирига алоҳида ўрин берилади. Йўлчи тоғаси хонадонига эндигина келганида кичик бойвачча Рафиққа най ясаб беради, ёш бола билан мириқиб суҳбатлашади. Йўлчи вақт-вақти билан камбағал деҳқонларга, хунармандларга қўлидан келганича яхшилик қилади, саховат кўрсатади. Шокир ота, бедаво дардга мубтало бўлган Тоҳирга, гадойчилик қилишгача борган Шоқосимга, Ўрозга, бойлар қўлидаги қўғирчоққа айланган баччага, нонвой Саодат кампирга, темирчи Қоратойга қўлидан келган яхшилигини қилади.

Йўлчи характерининг моҳиятини севги, Гулнорга бўлган оташин муҳаббат белгилайди. Жаҳон адабиётида Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Ромео ва Жюльетта, Тристан ва Изолда сингари ошиқ-маъшўқлар тимсоллари бор. Йўлчи ва Гулнор севгиси Кумуш ва Отабек, Раъно ва Анвар, Алишер ва Гули севгисидек ўта жўшқин, нурли тасвирланмагандир. Лекин Йўлчи Гулнорсиз ҳаётини тасаввур қилмайди. Севги Гулнорни

ртирди: у ўз қадрини биладиган, муҳаббати ашадиган даражага етди.

Матнида Гулнорни ўқувчига яқиндан таништириш ҳолат — семантик нуқта диққатни ўзига «Эшиқни оҳишта очиб, танчага солиш учун бир ҳокандоз тула лаққа чўғ билан ёш қиз у — Ёрматнинг қизи Гулнор эди. Нафис, носум бир қиз... Бўйи ёшига қараганда баландин бутун гавдага мутаносиб. Болаларча кулимва юқоридан пастга томон майин ингичка-қок, тиниқ юзи, қалам билан чизилгандай инъанодор қошлари, узун, қуюқ киприклар оран йирик қора кузлари бор эди. Бу кузларда к, олижаноблик, кунгилнинг баҳорий тозақлиги ва қандайдир паришон хаёлчанлик жилди». Ойбек Гулнор портретини рассомдек чизардек тасвирлаган. Дарвоқе, Ойбек «Қутлуғ қон» аттаси шайх шоир, дostonнавис сифатида танилган эди. Ойбекнинг кичикроқ айтсак, Ойбек «Қутлуғ қон»нинг руҳиририк шеърларини, поэмаларидаги қаҳрамон-актерини сингдириб юборган. Ижодий бисомиша унумли фойдаланиб туриш Ойбек услумуҳим хусусиятларидан. «Қутлуғ қон» матни «Уч», «Темирчи Жура», «Бахтигул ва Соғиндилбар — давр қизи» дostonларидаги қаҳрадолағлар моҳирона сингдириб юборилганлиги биёйишunosлигида ёзилган. Чунончи, Йулчидадан («Ўч»), Урозда Соғиндикдан («Бахтигулдик»), Қоратойда Журадан («Темирчи Жура»), Лаблихондан («Ўч»), Бахтигулдан («Бахтигулдик»), Дилбардан («Дилбар — давр қизи»), Йивачча, Ҳакимбойваччада Ҳошимбойваччадан ултонбекда «Бахтигул ва Соғиндик»даги тошқуйчивон бойдан ўтган хусусиятлар кузга аниқди.

Матнни сингдириб, едириб юборишдан муштук, Ҳар бир асар — матн ўз руҳига, маромига, системасига эга. Тайёр матнни яратилган матнга сингдириш учун ҳам оҳанг, ҳам



моқ лозим. Акс ҳолда, эски матн янги матндаги ямоқ сингари кўзга хунук кўринади.

Ойбек услубида матнларни мослаш, қовуштириш уқуви кучли эди. У «Навоий» романини яратишда «Навоий» достони, улуғ шоир ҳақидаги шеърларидан унумли фойдаланган. «Олтин водийдан шабадалар» романи руҳига «Қизлар», «Раиса» дostonлари моҳияти сингдириб юборилган. Энг синчков матншунос ҳам Ойбек услубидаги матнга матнни сингдириш маҳоратидаги юзакилик, сакталики сезмайди.

Йўлчи характеридаги гурур, жасорат севги туйғуси туфайли аниқ, тўлиқ намоён бўлди. Бош қаҳрамон Гулнор туфайли ўтга ҳам, сувга ҳам кирди. У Қора Аҳмад билан муштлашди. Севгилиси туфайли Парпихужанинг ҳайвон ҳам турмайдиган оғилхонасида тунади, Олимхон эллиқбоши, бой тоғаси билан тўқнашди, хавфли одам сифатида чор амалдорлари диққатини жалб этди.

«Кутлуг қон» матнида Йўлчининг қамалиши, Петров билан учрашиши, дўстлашиши, авахтадан бир ҳолатда қочиб келгач, Тахтапулдаги хароб ҳовлига жойлашганлиги, анҳор сувида баданларини совун билан ишқалаб-ишқалаб ювганлиги тасвирланадики, китобхонда ишончсизлик пайдо бўлади. Йўлчи қамоқхонадан қочгач, Қоратой, Шокир ота билан учрашади. Петровдан эшитган гапларини оқизмай-томизмай дўстларига завқланиб сўзлайди. Мана шу ўринда қизиқ бир ҳолат бор. Йўлчи мастеровойлар, иш ташлашлар, буржуйларга қарши кураш ҳақида куйиб-пишиб гапирди:

— Шу нарса аниқки, ишчилар урушга ҳам қарши, Николайга ҳам қарши, буржуйларга ҳам қарши экан.

— Буржуйлар дедингми? У нима тагин? — деди Шокир ота.

— Урислар бойларни буржуй дер экан, — деди Йўлчи.

— Ия, урислар бойни купас дерди шекилли, — чол кузини тикди Йўлчига.

Чолнинг битта луқмаси Йўлчининг жушиб-тошишларини зумда сўндирди-қўйди. Чиндан ҳам, ўзбеклар асосан олди-сотти билан шуғулланар, купец — олиб

сотарлар билан алоқа қилардилар. Жаҳон уруши, унинг иқтисодга салбий таъсири ҳақида гап бўларди-ю, одамлар бу масалалар ҳақида чуқурроқ уйлаб кўрмасдилар. «Кутлуғ қон» матнидаги Петров образи ўта юзаки эканлиги сезилиб қолади. Изчил реалист, ҳаётий воқеаларни моҳирона тасвирлайдиган Ойбек Петровни тасвирлашда «ёрқин», «улуғ», «алангали», «олмосдай ўткир» «қуёшдай порлоқ» сингари сифатлашларни ишлатишдан, Йулчининг ундай қиламан, бундай юраман сингари хом ҳаёлларини тасвирлашдан нарига ўтолмайди. Энди маълум бўлаётирки, 1915—1916 йиллари коммунистларнинг хатти-ҳаракатлари ўта мўрт бўлган. Фирқа раҳбарлари, асосан, гапдонлик, маслакбозлик билан шуғулланган эканлар.

«Кутлуғ қон» матнини ўрганиш шуни исботладики, асарда тасвирланган ижтимоий муҳит ҳаммани — бойни ҳам, камбағални ҳам ҳаракат қилишга, савдосотиқ муносабатларига берилишга ундади. Ўша пайтда Жондор бой, Жамолбой, Султонбек сингари пулдор, тадбиркорлар бирдан кўзга ташландилар. Мирзакарим, Нажмиддин сингари кўрли-қутли одамларнинг фарзандлари капитал орттиришга интилдилар. Мирзакарим, Нажмиддин, Алихўжа сингарилар камбағалнинг кучидан унумли фойдаландилар. Айниқса, Мирзакаримбойнинг ўз қарол, мардикор, иш юритувчилари билан қаттиқ муносабатда бўлиши мантиқан исботланган. Замона зайли шундай эдики, камбағал ҳам савдо муносабатларига аралашарди. Шокир ота, масалан, мулла Икром билан 5 жуфт бачкана махси хусусида талашиб-тортишади. Қоратой ҳам ўғли Холтой билан эртаю кеч тер тўқади. Табиийки, у ҳам ўз маҳсулотини қимматроқ пуллашга интилади.

«Кутлуғ қон» романи матни Салимбойвачча, Абдушукур, Олимхон эликбоши, Шокир ота образларини янги талқин қилишни тақозо этмоқда. «Кутлуғ қон» неча бор талқин қилинган бўлса, ҳаммиша Салим образи салбий куч сифатида баҳоланган. Чиндан ҳам, Салимнинг ресторанма-ресторан юриши, Гулнорнинг қотили эканлиги бу типни оқлашга изн бермайди. Лекин Салимбойвачча чиндан ҳам ўйловсиз, тараллабе-

дод одамми? Салим купинча Абдушукур билан бирга юради, бирга бўлади, маишатга боради. Абдушукур илмли, фикр-мулоҳазали, қонунни биладиган одам эди. Салимбойваччага Абдушукурдан закунчилик юққан. Мирзакаримнинг Гулнорга уйланишидан куйиб-ёнган одам, асосан, Салим бўлди. Гулнор ёш, гўзал, табиийки, фарзанд кўради. Гулнорнинг ҳар бир фарзанди бойликка меросхўр, яъни Салим Гулнорда меросхўр яратувчи кучнигина кўриб куйинади. У меросхўрлар йўлини тўсиш учунгина аҳмоқона йўлни — Гулнорни захарлашни ўйлаб топади. Салимнинг «ярқ» этиб кўзга ташланиши боғини сотаётган йигит билан куёви Фазлиддин орасидаги баҳсга воситачилик қилишида кўрилади. Фазлиддин пулни бериш билан бог эгасини қувмоқчи бўлади. Бог эгаси бир йил давомида экин-текиндан фойдаланиши мумкинлигини айтади. Шунда Салим тажрибали ҳуқуқшуносдек ажрим чиқаради: « — Йўқ, Фазлиддин, — билимдон бўлиб гапирди Салимбойвачча, — бу йилги экин бу йигитчаники бўлади. Жўхори, сабзи, тагин қанақа экин бор? Ҳа, шуларнинг бари бу кишиники, дарахтлардаги меваларчи? Ҳаммаси сизники бўлади, Фазлиддин. Агар мурувват қилсангиз, жилла бўлмаса, бу йилча меваларни қоқ буласизлар-да...»

Салимбойвачча Искобилга жунай туриб, бундан кейин Петербургга, сўнг «заграниций»га кетмоқчилигини айтади. Жадидлардаги олам кўриш, одам билиш тушунчаси Салимга ёт эмас. Лекин у қотиллиги учун ҳали жавоб бериши керак.

«Кутлуғ қон»да Абдушукур тўғри гапларни айтади, бойни ҳам, камбағални ҳам маърифатга даъват этади. Лекин Абдушукур ғурусиз, билими, маслағига амал қилмайдиган одам. Бойлар Абдушукур гапларини тинглайдилар, уларда маъно-мағиз борлигини сезадилар, лекин Абдушукурни ғурусиз, ёпишқоқ одам сифатида ҳурмат қилмайдилар.

Асар матнида шундай семиотик нуқта борки, биринчидан, у ўзбекларга тан берган келгиндилар эътирофи сифатида намоён бўлади; иккинчидан, бу суҳбатни ресторанда маишат қилиб ўтирган Салим, Жа-

молбой эмас, Абдушукур эшитади, қўшни столдагилар суҳбати мағзини чақади: «Ҳозир унинг қулоғи қўшни стулда, икки руснинг мукалимасида: улардан бири кексароқ одам, у ё чиновник, ё катта савдогар ёки аини замонда ҳар иккиси... Иккинчиси ўрта яшар, кужойнакли ва кийимига ғоят зеб берган одам...

— «Сарт»лар ирқ жиҳатидан, албатта паст, — тарелкадаги гўштни пичоқ билан кесатуриб гапирди чиновник, — улар маданиятга мутлақо қобилиятли ўсан. Улар гулни севадилар. Кийимлари чиркин бўлса ҳам қулоқларига гул қистириб юрадилар. Ашулани, уйинни жуда ёқтирадилар...»

1938 йили — сталинча қатлиомлар чирсиллаб турган бир пайтда жадидлар ҳақида бундан орттириб ёзиш мумкин эмас эди. Ойбек жадид образини яратишда тўғри йўл тутган. Жадиднинг Йўлчига айтган гапларида ҳам маъно кўп, аммо Йўлчи бу бетайин одамнинг гапларига эътибор бермайди.

«Кутлуғ қон» матни яна бир масалага эътиборни қаратишга ундайди. Ойбек қовун сотган деҳқон номини, ҳатто Мирисҳоқнинг отаси номини айтмайдию, эпизодик Рафиқ, Миробид, Шоқосимнинг гўдаги Шоазиз, ёш темирчи Холтой номларини айтади. Нурининг тўйида шўхлик қилган, тўйдаги тартибни бузишга интилган болаларни номма-ном санайди. Бу ўринда Ойбек услубидаги яна бир хусусият кўзга ташланади. Ёзувчи «Кутлуғ қон»ни ёзишда шу пайтгача яратилган асарларидан фойдаланган бўлса, кейинги ижодида «Кутлуғ қон»даги айрим сюжет чизиқларини янги муҳит, янги шароитда давом эттирди. Мен бу ўринда «Улуғ йўл» романини, «Болалик» қиссасини назарда тутмоқдаман.

«Кутлуғ қон»даги кўча болаларининг деярли ҳаммаси «Болалик» қиссасида қайта жонланади, янги ғоявий мақсадлар йўлида ҳаракат қиладилар. Бола бор жойда, албатта, чол, кампир образлари ҳам бўлади. «Кутлуғ қон»даги Шокир ота, унинг кампири образлари «Болалик» қиссасида, «Бобом» поэмасида аниқ чизилган. Ойбек Шокир ота образи орқали оғир меҳнатда, фарзанд доғида қадди дол бўлган инсоннигина

эмас, балки халқ тилини, мақол-маталларини, қўшиқларини мукамал билувчи кишини тасвирлаган.

Шокир ота «сенағар», «ғувари», «купас», «повуркин» сингари сўзларни қўллайди. Шокир ота бола билан болача, катта билан катталарча, иш буюртмачиси мулла Икром билан яна бошқа тилда гаплашади. Ойбек «Қутлуғ қон»да «тойбарра», «коктилла», «қалхакмак», «идилик», «укпа» сингари сўзларни қўллайдики, булар тилимизда бўлган, қўлланган. Айниқса, «укпа» истилоҳи ҳануз қўлланишга арзир экан.

«Қутлуғ қон»да Олимхон элликбоши характери муҳим аҳамият касб этади. Ойбек на губернатор, на шаҳар ҳокими, на ноиб тўра образини чизади. Олимхон — оқ пошшонинг маҳаллий вакили: мардикорга олиш борми, бировни таъқиб қилишу кимни қора рўйхатга ёзиш борми — ҳаммаси шу одам қўлида. Олимхон фитнес-ю жиноий ишларни ҳам уюштиради.

Салимбойвачча Олимхон ва Тантибойвачча қўли билан Гулнорни йўқ қилиб юборишга аҳд қилади. Бу қабих юмуш учун элликбошига 1000 сўм қистиради. Олимхон неваря-эварали Мирзакаримбойнинг 16 ёшли қизчага уйланишида бош-қош бўлади. Олимхон гап ейди, аммо гап бермайди. Жиноятга ўзи қўл уради, лекин беайбларни қаматиб юборади. Хуллас, Олимхон одамларнинг ҳам ошини, ҳам бошини ейдиган имонсиз, худо урган одам. Юртни, элни Олимхондек муттаҳамга топшириб қўйган оқ подшо маъмурлари, бошқарув усули ҳақида узил-кесил хулоса чиқариш мумкин.

«Қутлуғ қон» матнида юки энгилроқ ўринлар бўлганидек «Гулнор ўз уйида ота-онаси тергови остида уч кун қамалганидан сўнг, Мирзакаримбойга узатилганига бир ойга яқин бўлди»га ўхшаш қат-қат ахборот, психологик ҳолат, драматик жараёнга тўлиқ ўринлар ҳам сероб. Матндаги вазмин жумла ҳарорати сўнмасидан Ойбек яна бир ибора қўллайди: «Йўлчи билан бир кеча ва кундуз бирга яшадиги у ҳужра...» «Яшадиги» сўзи матнни нурлантириб тураркан, Ойбек яна бир гўзал тасвирни қўшади: «у ерда Йўлчи билан кечирган соатлар умрининг энг масъуд, энг унутилмас, энг ёр-

қин дамлари, умр тунида порлаган нодир юлдузлар бўлди». Матннинг нафосати деганда мана шундай унутилмас нуқталар назарда тутилади.

Асар хотимасида қашшоқлик, ҳуқуқсизлик, қадрсизлик жонига теккан халқнинг мардикор олишдаги ноҳақликлар баҳонасида ғалаёни тасвирланади. Албатта, халқ қузғолонини зинҳор уюшган инқилобий ҳаракат билан чалкаштириш туғри эмас. Лекин халқ қузғолони тасвирисиз ҳам роман мантиқий якунига етмаган бўлиб қоларди.

Ойбек халқнинг денгиздек тошиши, селдек ёпирилиб келишини моҳирона тасвирлаган. Қаранг, ўйловсиз элликбошининг (Олимхоннинг эмас — А.Р.) бир хотинга қарата: «Йўқол, жалаб!» деб қичқириши қоққуруқ шаббага учкун тушишидек бўлди. Шу ўринда матннинг пишиқ бир семиотик тугуни пайдо бўлади. «Одамлар бир лаҳзада сесканиб, бир-бирларига қарашади. Бирдан ўнларча мушт ҳавога кўтарилди. Элликбоши ва унинг шериклари калтак остида қолди».

Мана шу ўринда Йўлчидаги гурур, орият халқ руҳида ярқ этиб кўзга ташланади. Элликбошининг қўлол сўкишини ўзини қадрлаган, аёлини улуғлаган халқ кечириб кетиши мумкин эмас эди. «Қутлуғ қон» матни мана шундай авж пардада поёнига етади.

«Қутлуғ қон» матнида Петров сюжет чизиғи, Гулнорнинг Йўлчига ёзган хати сингарилар борки, улар асардаги ҳаётийлик, жўшқинликни, бироз бўлса-да, сусайтирган.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи ҳақиқий миллий асардир. Асар матни семантик нуқталарга, семиологик маъно қатламларига эга. Муҳими шундаки, «Қутлуғ қон» Ойбек ижодининг марказини ташкил қилади. Ойбекнинг ёзувчи-олим сифатидаги маҳорати, борлиғи, қарашлари «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларида ўзининг бус-бутун ифодасини топган.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ВА ЁШЛАР

## Ёзувчи асарларида ёшлар образи

Абдулла Қаҳҳорнинг истараси иссиқ эди: унинг сийрак, майин, оппоқ сочлари, қош-кўзи, серсоқол мардона юзи ўзига ниҳоятда ярашарди. Ёзувчининг кўзлари «гапирарди», юпқа лабларига зумда қуниб, учиб турадиган кулгу, табассум, жилмайиш, истехзо, мисоли, қат-қат маъноли матн эди. Қачон, қаерда Абдулла Қаҳҳорга сўз берилса, тингловчилар бир қалқиб оларди. Ҳамма дарҳол зийрак тортар, минбарда ижро этиладиган ғаройиб драмани кўриш, мағзини чақишга чоғланарди. Ёзувчилар уюшмасида Абдулла Қаҳҳор билан ёш ёзувчилар учрашуви бўляпти. Беғубор саволлар. Самимий жавоблар. Залда хушқайфият ҳукмрон. Кимдир савол бериб қолди:

— Устоз, асарларингизда чолу кампирлар образи кўп. Нега ёшлар ҳақида кам ёзасиз?

Ёзувчи савол бергичга бир кур назар солди. Бироз сукут сақлади. Лабларига табассум кўнди, кўзларида кув шўхлик жилваланди:

— Ёшлар образини сизлар яратяпсизлар. Менга ўхшаганларга, на илож, қари-қартанглар қоляпти...

Жавоб маъқул бўлди, шух кулгу кутарилди. Ҳамма янада очилиб-сочилиб кетди.

Абдулла Қаҳҳор ҳеч қачон шошмасди, гапни секин, салмоқлаб бошларди. Унинг нима демоқчилигини, кайфиятини куз қарашлари, юз ифодаси билдириб кўярди. Жиддий гапни айтмоққа чоғланса, билинар-билинемас хурсиниб оларди. Шўхлик қилмоқчи бўлса, табассум қалқирди, лаб-лунжини бот-бот сийпалаб кўярди.

Абдулла Қаҳҳор ёшлар даврасини севарди. Ҳозирги Миллий университет талабалари билан неча бор учрашган бўлса, ҳар гал ёшлар хотирасига миҳланиб қоладиган фикрларни айтган.

Абдулла Қаҳҳор ўзига хос педагог-устоз эди. Қаерда истейдод учқуни чақнаса, зийрак тортар, умидли ёш

билан учрашмагунча, унга мактуб йўлламагунча тинчимасди.

Ёзувчи ёшларга алоҳида меҳр билан боқар, улар характери ни ҳар хил, бетакрор тасвирлашга интиларди.

«Ижодингизда ёшлар тимсоли кам», — дегични Абдулла Қаҳҳор икки оғиз гап билан жойига михлаб қўйиши мумкин эди. Устоз, аксинча, енгил ҳазил-мутойиба билан савол бергичга жавоб қайтарди.

Бошловчи ёзувчилар англашлари зарур қоидалардан бири шуки, ёшлар характери, тимсолини яратиш ниҳоятда муҳим. Ўсиб келаётган авлод санъаткорнинг суянч тоғи: ёшлар руҳияти, танлаган йўли, кайфияти истиқбол сийратини аниқлайди. Санъат, бадиий адабиёт табиатида ҳамиша олдга интилиш, номаълум ҳудудларга кириб бориш, футурология бор:

«Чаккамга бир томчи илиқ ёш томди. Станцияда паровозлар бир-бирига навбат бермай қичқирар эди. Савринисо уйчан, лекин беихтиёр товуш чиқариб гапира бошлади:

— Поезд мени чақиряпти... Чақир! Қаттиқроқ чақир, бораман. Мени узоқ-узоқ юртларга олиб кет!» («Ўтмишдан эртақлар» қиссасидан).

Ёшлик — гўзаллик. Санъат гўзалликни тасвирлаши жоиз. Қайси асарда ёшлар образи маромида тасвирланган бўлса, унда гўзаллик акс этиши аниқ. Мусулмончиликда кўз зиноси, деган масала бор. Қарангки, дин ҳам гўзалликка бир бор тўйиб қарашга руҳсат бераркан. Ихчам ҳикоят бор. Талабалар «Кўз зиноси» мавзуда ваъз тинглаб кўчага чиқиптилар. Воиз-домла ҳам уйига шошилипти. Иттифоқо, муллаваччалару домла олдидан бир офатижон гўзал ўтиб қолибди. Толиблар гўзалга боққанларича қотиб қолибдилар. Устоз йўлида давом этибди, лекин бот-бот шогирдларига қараб қўярмиш. Улар ўша-ўша, маҳлиёмиш. Домла икки-уч бор томоқ қирипти. Зийрак муллавачча устоз авзосини кўриптию:

— Тақсир, айбга буюрмайсиз. Анови малакка бир боққаннимизча ҳануз кўзимизни узмадик... Бир бор қарашга ҳақлимиз-ку, — депти...



Ниҳоят, ёшлик — ҳамиша янгилашиб турадиган ҳолат. Йил давомида ой ун икки бор «туғади». Нозик қизнинг ипдай қоши монанд ҳилолга боқиб инсонлар яхши ният қиладилар, юзларига фотиҳа тортадилар. Ҳар кўкдамда бойчечак очилади, игнанинг учидай ялпиз бош кўтаради. Бу янгилик ҳам инсон қалбини кўтаради, ёшартиради. Санъат, адабиётнинг вазифаси оҳорлиликни кашф этиш, мангуга муҳрлашдир. Бошқача айтганда, ёшлар характерини тасвирлаш — эскирмайдиган янгиликларни акс эттириш. Санъаткор Абдулла Қаҳҳор ёшлар тимсолини яратишнинг фалсафий-эстетик моҳиятини теран англади, ёшликни турли алфозда тасвирлаш зарурлигини ҳис этарди.

Унинг асарларида Абдулла, Кулала, Хайри, Холиқ («Ўтмишдан эртақлар»), Ҳамида («Адабиёт муаллими»), Ўсар («Ўжар»), Ўлмас («Йиллар»), Омон («Шоҳи сўзана»), Ўқувчи қиз («Майиз емаган хотин»), Насиба («Оғриқ тишлар») сингари ўсмирлар образи бор. Улар, асосан катталар соясида яшайдилар, ўзларини мустақил куч демайдилар. Лекин ёзувчи бу ўсмирлар ўзлиги, «ярқ» этиб кўринган ҳолатларини дарҳол, ҳарорати пасаймасдан тасвирлайди. Холиқ фарқ пишган гилос шохчаларини синдириб-синдириб ариққа оқизади. Биладики, Тўрақул вофурушнинг банди хотининанвиҳол Хайри уларни тутиб олади, Холиқни алқаб-алқаб гилосларни ейди. Мулла Норқўзининг оиласидаги жирканч ишлар фош бўлгач, каттаю кичик сассиқ Норқўзига нафрат билан қарайди. «...ун икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб мулла Норқўзига ўқталди.

— Ҳу ўл, турқинг курсин! Бошингга солайми шу билан! Маҳаллада сасиб, ўқувчи қизларга кун бермайсану, ўзинг нотўғри иш қиласан...» Ўсар, Ўлмас, Омон, Кулала ҳам тўғри гапни шартта-шартта айтишга ўрганган.

Абдулла Қаҳҳор асарларидаги Туробжон («Анор»), Сотиболди («Бемор»), Унсиной («Даҳшат»), Бабар, Азим дудуқ («Ўтмишдан эртақлар») муте, ҳақ-ҳуқуқсиз, ночор камбағаллар. Аммо уларнинг қалбида эзуликка интиқлик, эрка ташналик, оилавий бахтга илинж бор.

Увоқ-ушоққина Унсиной эрк илинжида унча-мунча эркак юраги дов бермайдиган юмушни уддалашга чоғланади. Бабар ҳам бўш-баёв, кўрқоққина одам. Аммо унинг аниқ режаси бор: пул йиғади, хотинини Тешиктошга олиб боради, қутуриш балосидан сақлаб қолади...

Ёзувчи ижодиди Туробжон, Сотиболди, Бабар, Абдурахмоннинг («Ўтмишдан эртақлар») хотини, Саиданинг онаси («Синчалак»), Саидийнинг опаси («Сароб») сингари хок-туроб, ер билан яксон инсонлар тимсоли бор. Уларнинг номи ҳам, тили ҳам, ҳуқуқи ҳам, соғлиғи ҳам йўқ. Аммо уларда қалб бор. Мана, Туробжон хотинининг изҳори: «унинг Туробжон билан уй қилганига уч йил бўлиб келаётир, назарида, бу одам шу йилдан бери гулдираб келган...

Иттифоқо, бу кун нима бўлди-ю, уч сўзни равшанроқ айтди: «Жигарларинг эзилиб кетсин», деди. Оламда унинг суянгани эри, бирдан-бир орзуси — анор эди, бирданига ҳар иккиси ҳам йўққа чиқди.

Абдулла Қаҳҳор ижодини боғ десак, ундаги ҳар бир тимсол, характер, мисоли, серҳосил дарахт. Ёзувчи боғдаги дарахтлар таърифини биттаси мисолида аниқ айтади. Эшон («Синчалак»), Ризамат («Оғриқ тишлар»), Юсуф («Тобутдан товуш») бир хилдаги «дарахт», бир палакнинг «мева»лари. Уларнинг яшаш тарзлари Эшон «фалсафаси»да мукаммал ифодасини топган: «Отам... қозиқнинг учи ҳам бўлма, боши ҳам бўлма, ўртаси бўл, учи, бўлсанг ерга кирасан, боши бўлсанг тўқмоқ ейсан, деганлар».

Абдулла Қаҳҳор асарларида қиёфадош, тақдирдош, маслақдош, касбдош-замондош тимсоллар талайгина. Саида («Синчалак») ва Сорахон («Сароб») — тенгдош, қиёфадош. Ҳар иккиси шунчалар ориққи, муаллиф айтганидай, ана букилиб кетади, мана синаб тушади, деган хавотирда қолади ўқувчи. Аммо моҳиятан бу икки қиёфадош, мисоли, ер билан осмон. Сорахон ғирт жинни, тантиқ, ҳеч нарсага яроқсиз банда. Маккор Муродхўжа, булбулигўё — шаллақи она Сорахонни баркашга ўтқазиб, бошларида кўтариб юришипти. Саидийдек гўзаллик шайдоси Сорахонга ялтоқланиш-

га кўникиб қолган. Саиданинг суянадиган тоғи йўқ; у ёшлигидан ўз аравасини тортишга мажбур бўлган. Ақллиги, зийраклиги, бағри кенлиги туфайли у эл-юртга танилди, «Бўстон»ликларнинг ўз одамига айланди. «Кўшчинор чироқлари»да Канизак тимсоли бор. Саида синчалак бўлса, Канизак йигначидек. Менга синчалакхон йигначиодан ўсиб-унгандай туюлаверади. Канизак «Кўшчинор чироқлари»даги асосий қахрамонларни ўзаро улайди, роман ғоясининг ёритилишидаги асосий кучлардан бири ҳисобланади. Канизакда саҳий қалб, тиниқ ақл, адоқсиз меҳр бор. У ўзлигини танитаётган, ҳаётдаги йўли, қадр-қимматини тиклаётган характер.

Канизак ўтган асрнинг 30-йиллари аёли. У мураккаб, хавфли замонда йўл излаётган, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаётган аёл. Саиданинг онаси остона ҳатлаб катта йўлга қадам босар-босмас эри томонидан чавақлаб ташланди. Арслонбек ўлдим-куйдим, дея-дея ёш жамоатчи, ўқитувчи Ҳуринисога уйланиб олди. Қаландаров битта пўписа билан хотинини уй қафасига тикди қўйди. Собиқ ўқитувчи Ҳуринисонинг зеҳн-ақлини пупанак босди. Бора-бора у ариққа эгилиб бир пиёла сув ололмайдиган даражага етди, курортга боришни оғир, машаққатли иш деб биладиган бўлди. Хуллас, Канизак 30-йилларнинг Саидаси эди қиёсан.

Саида XX асрнинг 60-йилларида шакланган раҳбар. Канизак ва Саида оралиғида Ҳафиза («Шоҳи сўзана») образи бор. Бу қиз ёлғиз онасини, қадрдон қишлогини ташлаб, Деҳқонбойнинг этагини маҳкам тутиб, чўлқувар тоғаси Мавлонни қора тортиб Мирзачўлга келади. Ҳафиза чўлнинг оғир шароитида, мураккаб ижтимоий муносабатлар жабҳасида шаклланди.

Шундай қилиб, Канизак, Ҳафиза, Саида ўзбек аёлининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши, ўзлигини топиши ифодаланган ёшлар тимсоллари. Мантиқан, мазкур учлик яна бир тимсолни тақозо этади. Бу — Савринисо. У — увоққина персонаж. «Ўтмишдан эртаклар»да тасвирланган ижтимоий муҳит жаҳолат ўчоғи бўлса, Савринисо зулмат ичра нур бўлиб порлайди, Абдулла сингари ўсмирлар руҳида эзгулик, келажакка

умидни тарбиялайди. Абдулла Қаҳҳор ижодида Савринисо, Канизак, Ҳанифа ва Саида тимсоли асос, таянч, марказ вазифасини ўтайди.

Эътибор беринг, ёзувчининг «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» қиссалари, «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» драмалари, «Даҳшат», «Маҳалла» ҳикоялари 1956—1964 йиллар оралиғида яратилди. Шўро давлати ҳукмронлиги, коммунистик мафкура тазйиқи даврида 1956—1964 йиллар демократик тамойилларининг авж олганлиги, инсонийликнинг намоён бўлганлиги, кишилар руҳида ҳаётбахшликнинг аниқ кўринганлиги билан ажралиб туради.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» (1958), «Ўтмишдан эртақлар» (1964) қиссаларида диққатни жалб қиладиган истилоҳ, атамалар кўп. Бадиий асар унутилаёзган эски сўзларни қайта жонлантиради, уларни фаол сўз, иборалар сафига қайтаради. Ялангтаёқ, товдон, тутал, буриқ, жавпакпеса, қамишмушак, сариқ сўпиён, какликнинг қаққувоғи, чилон (член), зиндамбир (землемер), бувак (укача), силов, хайис, вофуруш, карнайгул (громофон), шайтон арава (велосипед), бозвонини жиринглатиб, баранчук, «қўли, оёғи кесилиб, келига ўхшаб қолганлар», «енгига йиғлаш», «тутхўрликдан сутхўрликка» сингари сўз, иборалар диққатни жалб этади.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор ижодида ёшларнинг пишиқ-пухта яратилган унларча характер, тимсоллари бор. Бошқача айтганда, ёзувчи ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ёшлар руҳидаги ўсиш-ўзгаришларини кунт билан кузатган. Ҳурфикрлилик шабадаси эмин-эркин эсиб қолган 1956—1964 йиларда Абдулла Қаҳҳор пишиқ-пухта, бадиий юксак асарларини яратдики, улар янги, ХХI аср китобхони маънавий-эстетик дидини юксалтиришга ҳисса қўшади.

### Устоз ва шогирдлар

Шарқ-мусулмон дунёсида устоз (пир, муршид) энг эътиборли тушунча бўлган. «Устоз отангдай улуғ», деган нақлни ҳамма билади. Лекин афсуски, йилдан-

йилга «устоз» сўзининг ғози пасайиб, лақабга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Уялмай-нетмай «шогирдим», дейдиганлар кўпаймоқда. Ваҳоланки, ҳақиқий устоз «менинг шогирдим», «шогирдларим» деявермаганидек, камсуқим шогирд устознинг мартабасию исми шарифини «Гувоҳнома» қилавермайди.

Худо юқтирган бўлсагина одам устозлик мақомига кўтарилди. Шогирдликни ҳамма ҳам уддалайвермайди. Устоз ва шогирдлик икки кишининг узоқ давом этадиган руҳий-маънавий, ақлий-эътиқодий баҳси, мураккаб синовлардан ўтиши. Ҳеч қачон тайёр шогирд бўлмаганидай, интилувчи ёшга юрагини очиб берадиган, тажриба — билимларини хизрдай инъом этадиган устоз ҳам бўлмайди. Абдулла Қаҳҳор қаттиққўл устоз бўлган. У шогирдлари асарларини синчков таҳлил, талқин қилган. Маъруф Ҳакимнинг «Ҳаёт қушиғи», Саидахмад Ҳусанхўжаевнинг «Тортиқ» тупламларини шундай анализ қилдики, бундай танқидга унча-бунча шогирднинг тоқат қилиши амри маҳол эди. Ажабки, Абдулла Қаҳҳорнинг аёвсиз, лекин ҳаққоний талқинларига ёзувчилар кўникдилар. Бора-бора ижодкорларда: «Асаримни Абдулла Қаҳҳор ўқийди», — деган битилмаган қоида пайдо бўлди. Устоз қанчалик қаттиққўл бўлса, истеъдод билан ёзилган асарлар муаллифларини қўллаб-қўлтиқлашга эътибор берди. Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий сингари Абдулла Қаҳҳор меҳрини қозонган ижодкорлар анчагина бор. Устознинг мана бу ихчам таърифиди чўнг монография чўғи бор: «Шоир Мамарасул Бобоев жисмоний жиҳатдан бўйи паст бўлса ҳам, поэзиямизда жуда баланд ва хушқомат шоир». «Зулфиямиз элликка кирди» номли мақолада ёзувчининг самимияти кўзга «ярқ» этиб ташланади.

Абдулла Қаҳҳор Саид Аҳмад ҳикояларини қарийб чорак аср аёвсиз танқид чиғиригидан ўтказди. Ниҳоят, «Уфқ» трилогиясига бир варақча етар-етмас тақриз ёзди — «илҳом ва маҳорат самараси»ни ёритиб берди. Мақоладаги мана бу 28 сўзнинг вазни маънавият ўлчовининг юксак кўрсаткичига тенг:

«Саид Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, қўли келишганини кўриб, яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзу ушалиб келаётибди».

Абдулла Қаҳҳор устозликни фақат ижод соҳасида деб англамади. У одамийлиги, тантилиги, қатъиятлилиги билан ҳам шогирдлари қалбидан жой олди. 1962 йилда Озод Шарафиддинов бошига иш тушди. Сал бўлмаса шогирди қамалиб қолаёзди. Шунда Абдулла Қаҳҳор отадан кўрилмаган яхшиликни қилди. Ўз номи, обрусини кафиликка қўйиб, шогирдини хавфдан асраб қолди. Ёшлигида ота меҳридан бебаҳра қолган Озод ака учун Абдулла Қаҳҳорнинг бу қилмиши бебаҳо мурувват бўлди. Устоз Абдулла Қаҳҳор Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов осмонида қора булут куюқлашиб қолганида, ҳар иккисининг тўртлигини «Ўтмишдан эртаклар» ва «Маҳалла» асарларига эпиграф қилиб олди. Устознинг бу қилмиши қўйидаги мақолни ёдга солади: подшо «сен» лаган одамни халқ «сиз»лайди.

Абдулла Қаҳҳор XX асрнинг 60-йилларидан ўзбек адабиёти ривожига тезлашганини кўрди. Янги асарларни муносиб талқин, таҳлил қилиб, холис баҳолайдиган танқидчиларни қўллаб-қувватлаш жоиз эди. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов сингари танқидчилар ижоди Абдулла Қаҳҳор эътиборини тортади. Устоз танқидчи-шогирдлар танлашда янглишмаган эди. Айниқса, Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжоновлар умрларининг охиригача баракали ижод қилдилар. М.Қўшжоновнинг Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ижоди, характер, сюжет, композиция муаммоси ҳақидаги талқиқотлари ўзбек танқидчилигининг сара асарларидан бўлиб қолаверади. Озод Шарафиддинов Чулпон, Шайхзода, Ғафур Ғулум, Зулфия, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Абдулла Қаҳҳор сингари ўзбек ёзувчилари ижоди ҳақида бақувват асарлар ёзди. У жаҳон адабиёти, унинг намоёндалари асарларини ўзбекчага ўғирди, талқин-таҳлил

қилди. Тўғри, энг истеъдодли танқидчи, ёзувчи ҳам осий банда: у баъзан замонасозлик қилган, бушроқ асарни мақтаб қўйган бўлиши мумкин. Лекин О. Шарафиддинов ва М. Қўшжоновлар ижодида етук асарларни чуқур талқин қилиш, ожиз асарларни билиб-билиб танқид қилиш етакчи ҳисобланади. Бу икки устознинг «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар», «Ўзбекнинг ўзлиги», «Ойбек маҳорати» сингари асарлари танқидчиликда узоқ умр кўради, устоз Абдулла Қаҳҳор талабчанлигини мудом эслатиб туради.

Умарали Норматов А. Қаҳҳор шогирди эканлигини ҳануз билдириб турипти. Унинг «Қаҳҳорни англаш машаққати» китоби, «Ёшлар билан суҳбат», «Тобутдан товуш» асарларининг тарихига бағишланган мақолалари ҳануз китобхонлар диққатини жалб этмоқда. Абдулла Қаҳҳорнинг юз йиллиги муносабати билан Умарали Норматов ёшлардай шижоат, ғайрат билан фаолият кўрсатмоқда. Ўйлаб кўрилса, Абдулла Қаҳҳорнинг танқидчи-шогирдларидан ҳозир фақат Умарали Норматов баракали ижод қилмоқда.

Абдулла Қаҳҳор ўз шогирдлари билан дўст, ҳамфикр бўлиб кетган эди. Устоз хонадонида шогирдлар ўз рафиқалари билан йиғилиб турардилар. Кибриё опа устоз-шогирдларни ўзаро яқинлаштирган эди. Озод Шарафиддинов «Кибриё опанинг ҳолваси» эссесида устознинг оилавий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотларни беради. Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Носир Фозилов, Умарали Норматов, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурийлар устоз хонадонидаги ғаройиб суҳбат, воқеалардан китобхонни воқиф қилганлар. Озод ака Абдулла Қаҳҳор хонадонида бир неча бор бўлгач, тортинибгина:

— Абдулла ака, сизни, Кибриё опамни уйга чорлай дейману сира ботина олмайман, — депти.

— Сиз аввал таклиф қилинг-чи, кейин нима бўлишини биласиз, — депти устоз шўхлик билан.

Борди-келдиларимиз мустаҳкамланиб кетди. Абдулла ака билан сайр-саёҳатларга чиқадиган бўлдик, — дея эслайди Озод ака. Бир куни Чирчиқдан ўтиб, Фазалкентга яқинлашиб қолган эдик. Мен турмушдан,

тузумдан нолиб нималарнидир гапирдим. Абдулла ака машинани йўл чеккасига чиқариб тўхтади. Менга қараб турди-да:

— Нима, тузумдан норизомисиз? — деди. Кўрқиб кетдим. Ҳеч нарса дея олмадим. Бир пасдан кейин Абдулла ака ҳеч нарса бўлмагандай машинани ҳайдаб кетди. Абдулла ака нима демоқчи эди, нега гапларимга бунча эътибор берди. Хуллас, тушуна олмадим.

Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллик юбилейида сўзлайдиган нутқи ҳамфикрлар орасида обдон муҳокама қилинганлиги ҳақида кўп ёзилди. Устоз ҳамма шогирдлари фикрини эшитди. Кўпчилик ўша қалтис гап айтилмагани маъқул, деган хулосага келди. Лекин Абдулла Қаҳҳор аҳдидан қайтмади. «Мен партиянинг онгли аъзосиман», — деган гапни айтди. Орадан қирқ йил ўтгач, ўша қалтис гап унчалар даҳшатли бўлмаганлиги маълум бўляпти. Лекин ўша вақт, ўша шароитда оддийгина гапни дона-дона айтиш, бутун зални, юбилей тантаналарини томоша қилаётган республика аҳлини ҳанг-манг қилиб қўйган эди. Устоз маромдаги ҳаётни остин-устин қилиб юборган нутқларни кўп бор ирод этган. Абдулла Қаҳҳор деганда халқ жасур ўғлонни, тили ҳам, қалами ҳам ўткир санъаткорни тушунадиган бўлиб қолганди. Абдулла Қаҳҳор шогирдлари ўз издошларини устоз руҳида тарбиялашга интилди. Ҳозир ҳам Абдулла Қаҳҳор шогирдларининг шогирдлари бор гапни баралла айтмоқдалар. Устоз бошлаб берган анъана давом этмоқда.

### НУРЛИ НИГОҲ

XX аср ўзбек адабиёти бой, ранг-баранг, бетакрор. Хомчўт қилиб кўрилса, бу адабиёт ҳақида уч юздан ортиқ муҳлис — юрагида гапи бор одам фикр-мулоҳаза билдирган экан. 40-йилларгача олтмишдан ортиқ мунаққид-адабиётшунос замонавий ўзбек танқидчилигини шакллантириш, унга изчил йўналиш бериш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшган экан. Улардан ўнга яқинининг ижодини ўрганмоқ жоиз. Чунки буларда мунақ-



ун зарур бўлган уч фазилат — истеъдод, теран  
шим, фидойилик бор эди.

Шулардан бири Олим (Айн, Саидолим) Шарафид-  
динов эди.

Унинг илмий мероси — монографияси, тадқиқот-  
мақоласи, тақризлари, дарсликлар учун битилган жаж-  
мапортретлари — нари борса, икки жилдга жо бўлади.

Алмиш ҳакам қанчадан-қанча тақдирларни, илм-  
қодимамуналарини унутилишга маҳқум этди. Лекин  
из тақдирини битишга жазм этганимиз — олимнинг

арлари ҳануз тирик, филологу адиблар хотирасидан  
тиб кетмаган. У яратган асарларда кашфиёт, мутахас-  
сларни лол қолдирган янгиликлар унча кўп эмас-

ар, лекин унинг Навоий ҳақидаги тадқиқоти, мақо-  
лаларида покиза руҳ, ҳарорат бор. Ҳануз марҳум олим,  
нинг чоғроққина «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди»

монографияси ҳақида гап кетса, «Яхши олим эди»,  
Навоий ҳақида тушуниб, иймон билан ёзган эди», —  
деган гапларни эшитамиз. Унинг мақолалари, адабий

портретлари, ҳатто Чўлпон шеърятини сохта ижти-  
оишлик асосида ёритган мақоласида ҳам олим қиёфа-  
нинг ёритиб турган самимийлик бор. «...1943 йилда

Ўзбекистон Фанлар академияси тузилганда, адабиёт-  
шунослар ичида биринчилардан бўлиб Олим Шара-  
фиддиновнинг мухбир аъзоликка сайланиши ҳеч ким-

ни ажаблантиргани йўқ», — деб ёзади Озод Шарафид-  
динов «Чўлпонни англаш» асарига.

Мен Олим Шарафиддинов асарларини берилиб  
қилдим, қизи, синглиси, қариндошлари билан суҳ-  
батлашдим. Клара Алимовна — олимнинг иккинчи қизи:

қизимизли, маданиятли аёл, Элёр ва Гулсанам деган  
алим фарзандларнинг онаси, таниқли адабиётшунос  
Эриқ Каримовнинг рафиқаси — ота-онаси, опа-ука-

и, аждодлари ҳақида гапириб берди, отаси ўқиган,  
эган китобларни, фотосуратларни, Ўзбекистон Фан-  
лар академиясининг мухбир аъзоси эканлиги ҳақида

Олим Шарафиддинов номига тўлдирилган 15-сонли  
увсломани кўрсатди.  
— Отам бапанл бўйли бапваста олам эдилар. Эс-эс

эдилар. Ичкари-ташқарили болохонали ҳовлида яшардик. Куча эшикка келгач, мени ерга қўйдилар. Қарасам, адамнинг бошлари болохонага тегай-тегай деяпти. Тайёр кийим-кечак, пойафзал уларга тўғри келмасди: махсус тиктирилган кийим-бош киярдилар...

... Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдони биқинида, Олий Мажлиснинг маҳобатли биноси ёнгинасида тўққиз қаватли катта уй бор. Унинг олтинчи қаватидаги хонадонларнинг бирида тўқсон ёшни қоралаб қолган Мушарраф ая Шарафиддинова кенжа қизлари Ҳикоятхон билан истиқомат қиладилар. Аянинг серажин чехралари, мунгли кўзлари ўтган асрнинг алғовдалговли, мураккаб йиллари, ойлари ҳақида хабар бераётгандек бўлади:

— Ота-онам яшаган, опам, акаларим туғилган уй-ҳовли анави ерда, Олмазор кўчасининг бошланишида эди, — дейди ая Олий Мажлис биносининг кунчиқар томонига ишора қилиб. — Саидолим акамнинг ёрдўстлари кўп эди. Қайсидир йили Айний домла бизни-кида бир ой яшаганлар. Ҳовлимизда ўрик дарахти бўларди. Ўша ўрик қийғос гуллаганда Ҳамид Олимжон ўрик гули ҳақидаги шеърини битган... — ая ширин хотираларга берилади. — Отам узоқ умр кўрдилар. Тўқсон беш ёшларида қазо қилдилар. Раҳматли онам, аждодларимиз дафн этилган мана шу — Хўжа Аламбардор қабристонига хилхонамизга дафн этилдилар. — Ая бу гал кун ботар томонга ишора қилдилар.

Мушарраф ая кам гапирардилар:

— Акам шўрликни бот-бот эслайман. Жасадлари бегона юртларда қолиб кетганига чидай олмайман, — дедилару сукутга кетдилар.

Хотира — инсоннинг одамлар қалбидаги суврати, унутилмас ёди. Унда инсонга хос худ-бехуд, манфий-мусбат хусусиятлар аён бўлади. Ажаб, Айн — Олим (Саидолим) Шарафиддинов ҳақида ким билан гаплашмай, ҳамма у зот ҳақида самимий, илиқ гапларни айтиди. Ваҳоланки, одам — хомсут эмган банда: баъзида хато қилади, ноҳўя гапни айтиб юборади. Айниқса, қалам аҳлининг йўли ҳамиша равон, бир текис бў-

Айн — Шарафиддинов бор. Бири — 24 ёшга эндигина қадам қўйган, институтни янги битирган, сиёсатдан бохабар, ёшларнинг фидойиликларини кўриб-билиб турган йигит. У Чулпон, А. Қодирий туғрисида шунчаки эмас, уларнинг буюклигини, улуғлигини, ёшлар уларга эргашаётганини сезиб турган ҳолда ёзди. Чулпон ҳақидаги мақоласида шоирнинг ширали тили, тирик туйғуси ҳақида сўзлади. Мана шу ўринларда Олим Шарафиддинов қалбидаги жозиба, нури нигоҳ акс этган. Лекин замон пишиқ-пuxта ишланган, қуюшқонни унутмасликни, сохта ижтимоийлик ойнагини таққан ҳолда иш кўришни тақозо қиларди. Айн — навқирон Олим Шарафиддинов замона зайлига бўйсунди. Унинг ўтли мақоласи катта баҳснинг бошланишига туртки бўлди. Айн баҳсга аралашмади: на Ойбек, на Усмонхонни қўллаб-қувватлади. Олим қалбида изтироб, жавобсиз савол бор эди. У ҳаётни кузатди, кўп ўқиди, изланди. Олим Шарафиддинов рус, қадимги юнон, инглиз, олмон адабиётини ўқийдими, илмий иш қиладими, ёшларга дарс берадими, асосий диққати Навоийга келиб тақала бошлади. У фақат Навоий асарларини, фақат форсий, туркий адабиётни эмас, балки тарихий асарларни ҳам қунт билан ўрганди. Олим руҳида рўй бераётган ўзгаришлар, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Навоий ижоди ҳақидаги билими теранлашиб, ойдинлашиб бораётганлиги Навоий ҳақида яратилаётган асарларга муносабатиди аниқ-тиниқ кўрина бошлади. «Навоий ижодининг хато тал-қинларига қарши» мақоласи олим ижодида тишли-тирноқли, аниқ-пухта йўналишга эгаллиги билан ажралиб туради. Абдураҳмон Саъдийнинг 20—30-йиллардаги Навоий ижоди ҳақидаги қарашларини Айн мазкур мақоласида кескин танқид қилади. Муҳими, шу мақолада Айннинг миллатпарварлиги, ўзбеклик ғурури, Навоий ижодига ҳурмати мукаммал акс этган: «Саъдий фақат Навоийга эмас, балки ўзбек халқига, унинг ўтмишда яратган маданияти, адабиётига ҳам паст назар билан қаради ва туҳматлар ёғдирди. Чунки унинг фикрича, ўзбек адабиёти тарихи фақат тасаввуф ва символизм тарихидан иборат. А. Саъдийнинг фикрича, ўзбек халқи ўз турмушини бадий

акс эттирган ва замонасининг прогрессив идеяларини куйлаган шоирлар, ёзувчилар етиштира олмаган».

Олим Шарафиддиновнинг А. Саъдий, Миён Бузрук Солиҳов китоблари ҳақидаги тадқиқотларида вульгар социологизм руҳи, марксча қараш асосида фикр юритиш белгилари сезилса-да, улардаги ойдинлик, жонли мулоҳазалар кишини бепарқ қолдирмайди. Айниқса, бу гап «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографиясига тааллуқли. Мазкур монография яратилганига 62 йил бўлди: навоийшунослик янги босқичга кутарилди, зукко навоийшунослар етишди. Навоий асарлари ҳам қиёсан, ҳам таркибан синчиклаб талқин, таҳлил қилинмоқда. Лекин ҳамон Олим Шарафиддинов китобидаги самимият, тиниқлик, бетакрор услуб кишини ром этади. Бетакрор услуб — нурли нигоҳ не? У — буюк даҳо шахсиятига ададсиз ҳурмат, покиза руҳият, қарашларнинг теранлиги-ю самимияти. Услуб — халқ даҳосига, унинг нурдек тамаддунига, салоҳиятига садоқат.

..Қадимги Тошкентнинг Бешоғочдан Хадрага олиб борадиган Олмазор кўчаси пойтахтимиз аҳлига яхши таниш. XX аср бошида Олмазорнинг Бешоғочга яқин жойида ака-ука — Саидумар, Саидқосим, Саидсултон, Саидяхё, Саидахрор, Саидалининг ҳовли-жойлари буларди. Олмазорнинг Хадрага туташадиган ерида эса Саидҳофиз, Саидмуқим оталари Саидшарафиддиндан мерос қолган ҳовлида истиқомат қилардилар. Ҳадралик Саид Шарафиддинни, унинг 9 ўғлини Тошкентнинг турт даҳасида билмаган-танимаган одам кам топиларди. 1903 йили Саидали эшон оиласида иккинчи фарзанд, биринчи ўғил туғилди. Унга Саидолим деб исм қўйдилар.

Саидолим янги асрнинг янги одами бўлди. Чақалоқлигида унинг қулоғига азон овози ҳам, Бешоғоч майдонини гумбурлатиб ўтадиган конка товуши ҳам кирди. Эшонзодалар фарзандларига таълим, тарбия беришга алоҳида эътибор билан қарардилар. Ёш Саидолим ҳам диний, ҳам дунёвий илм олди: оқу қорани эрта таниди. У ёшлигидан бешоғочлик Саидахмад эшоннинг қизи — таниқли шоира, маданиятли аёл Нозин

махоним шеърларини ўқиди. Камий, Хислат, Мискин, Тавалло асарлари унинг ёш онгига таъсир этди. Айни вақтда у араб, форс, турк тилида битилган тарихий, илмий асарлар, Навоий, Бобур, Фузулий ижоди билан танишди. Саидолимнинг бобоси, амакиларида қанчалик мол-мулк бўлганини аниқ айтиш қийин. Аммо тагли-зотли бу авлодда китоб кўп бўлганига шак-шубҳа йўқ. «Ота кўрган ўқ отар», деганларидек, Саидолим ёшлигидан кўп ўқиди, ёзиш-чизишга ружу қилди. У 1918—1920 йиллари Ўзбек билим юртида ўқиди.

У тўрт йил Озарбойжон Олий педагогика институтида кўнт билан таълим олди, фанларни чуқур ўзлаштирди, рус, Фарбий Европа халқлари адабиётларини мутолаа қила бошлади. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Олим Шарафиддинов тенгдоши бўлган Александр Фадеев, Леополд Авербах, Юрий Либединский, Владимир Ермилов, Александр Зонин сингарилар 20-йиллар урталаридан адабиёт фронтида жавлон ура бошладилар, Бокудаги ўқишни тугатиб келгач (1921—1925), Олим Шарафиддинов мураккаб, зиддиятли адабий муҳитга тушди. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат адабий жараённинг байроқдорлари эдилар. Танқидчилик кўпроқ шулар ҳақида ёзарди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳорлар ўзларининг ўтли овозларини баралла эшиттириш арафасида эдилар. Абдурахмон Саъдий, Вадуд Маҳмуд танқид майдонидаги етакчи куч эди. Ойбек, Сотти Хусайн, Раҳмат Мажидий, Анқабой, Олим Шарафиддинов сингарилар ўзларининг илк мақолаларини битаётган эдилар. Табиийки, шўро матбуоти ўзига хайрихоҳлар учун имкон яратиши мумкин эди. Ойбек биринчи тақризидеяқ Фитрат асарини танқид қилди. О. Шарафиддинов дастлабки танқидий сўзини Чўлпон тўғрисида айтди.

1927—1939 йиллар шўро адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги учун ниҳоятда мураккаб булди. Биринчидан, адабиёт ҳақиқий жанг майдонига айланганди. Адабий танқид жангни кучайтирувчи, адабиёт ҳаётни сиёсий мафкурага чамбарчас боғлаб ташлаган кучга айланди. Олим Шарафиддинов адабий ҳаётда иштирок этади. Лекин синчков нигоҳ Айн фаолиятида сезилар-

ли ўзгариш рўй берганини илғаб оларди. У Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтида (1930—1932), Тошкентда иш бошлаган Маданий қурилиш илмий-тадқиқот институтида (1933), Ўзбекистон Фанлар қўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида (1937), Ўзбекистон ҳукумати ҳузурида тузилган Навоий юбилейини ўтказиш қўмитасида (1938—1941) илмий ходим, сектор мудури бўлиб ишлади.

Олим Шарафиддинов Ўзбекистон давлат университетида (1933—1935), Тошкент кечки педагогика институтида, Тошкент Давлат пединститутида (1935—1938) доцент, кафедра мудури лавозимларида ишлади.

Олимнинг қисқагина илмий ижодий йули, негандир, Муқимийнинг «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадур», деган машҳур сатрини ёдга солади. Айн адабий ҳаётда, узбек танқидчилигида кўриниб турди, лекин унинг фикри-ёди мумтоз адабиётимизда, хусусан, Навоий ижодини чуқур, мукаммал ўрганиш, ўзлаштиришда эди. Олим бутун борлиғи, билан Навоийнинг даҳо ижодкор эканлигига, унинг асарлари ўзбек халқининг битмас-туганмас маънавий бойлигига айланганлигига ишонди. Бошқача айтганда, 20-йиллар охиридан 30-йиллар пировардигача Айн ўз ижодининг шоҳ асарини — Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарини ёзишга тайёрланди. Буни мумтоз адабиёт билимдонлари — Садриддин Айний, Евгений Бертельс билан дустона алоқага киришувида, Навоий ҳаёти ва ижодига дахлдор жамики асарларни қўнт билан ўқишида билиш мумкин эди. Шарафиддиновдан пединститутда маърузалар тинглаган ёзувчи, адабиётшуносларнинг хотирлашларича, домла мумтоз адабиётни чуқур билар, айниқса, Навоий ҳаёти ва ижодини нозик таҳлил қилар экан. Интилганга толе ёр, деганларидек, 1938 йили Алишер Навоий юбилейини ўтказиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори чиқарилиши кўнгилдагидек иш бўлди. Устига-устак, Олим Шарафиддинов юбилей ўтказувчи ҳайъат таркибида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Омаднинг қулиб

боқиши бўлса керакки, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1938 йил 15 декабрдаги қарорининг бир бандида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида монография ёзиш О. Шарафиддиновга юклатилиши таъкидланган, рисола ҳам рус, ҳам ўзбек тилларида чоп этилиши лозимлиги кўрсатилганди.

Олим Шарафиддинов ҳукумат буюртмасини муддатидан илгарийёқ шараф билан уддалади: 1939 йили «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографияси бир йула рус ва ўзбек тилларида босилиб чиқди. Олимнинг орзуси ушалди. Лекин монографиянинг Сотти Ҳусайн масъул муҳаррирлигида чоп этилган биринчи нашрига Шарафиддинов ёзган материалнинг ҳаммаси кирмаган эди. О. Шарафиддинов фронтга кетар экан, Навоий ҳақидаги монографиянинг тўлиқ қўлёзмасини дўсти Ҳоди Зариповга ишониб топширди.

Олим Шарафиддинов оила қуришга шошилмади. У 1932 йили шайхонтахурлик тагли-тахтли оилага куёв бўлди. Шарифахон келин эндигина 18 ёшга тўлган, увоққина қиз эди. Саидолим уйлангач, меҳрибон эргина эмас, эътиборли устоз вазифасини ҳам ўтади. Шарифахон эрининг касбига қизиқди: халқ оғзаки ижодига эътибор берди. 1936 йили Ўзбекистон ҳукумати бир гуруҳ ёш олим-педагогларни Москвага ўқишга жўнатди. О. Шарафиддинов ёшгина хотинини 10 ойлик қизчаси билан ўқишга жўнатди. Тўнгич қизи, 3 ёшли Лолахонни ўзи билан олиб қолди. Шарифа Абдуллаева билан пойтахтга жўнаганлар орасида Иззат Султон, Юсуф Султон, Зокир Маърупов, Фаҳри Камол, Мансур Афзалов, Жуманиёз Шарипов ва бошқалар бор эди. Ўқишни тугатиб келгач, Шарифа Абдуллаева педагоглик билан шуғулланди, умрининг охиригача Олим Шарафиддинов домлалик қилган Тошкент Давлат педагогика институтида кафедра мудири, доцент бўлиб ишлади.

1939 йил Олим Шарафиддинов ҳаётида унутилмас воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. «15 йил ичида ўзбек адабиёти» номли адабиётшунослик тўпламида Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайннинг «Ўзбек адабиёти» тадқиқоти босилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, «Али-

шер Навоий ҳаёти ва ижоди», «Ўзбек адабиёти» тадқиқотларида ифодаланган фикр-қарашлар узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётшунослиги учун дастуруламал бўлиб келди. Масалан, Ҳамзанинг ўзбек шўро адабиётининг асосчисига айланишида Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайннинг «Ўзбек адабиёти» мақолаларидаги оташин сўзлари, юксак баҳолари сабаб бўлди. Шу мақолада Ҳ. Олимжон, Фафур Гулом, Файратий, Уйғун, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Яшин ҳаёти, ижоди ҳақида замониға мос келадиган фикрлар билдирилган эди. Шу йили О. Шарафиддиновнинг Бухоро вилоятида халқ маорифи соҳасида ишлаётган укаси Саидмурод Шарафиддинов халқ душмани сифатида қамалди. Илмий-ижодий соҳадаги ютуқлари тақдирланганидан, эътироф этилганидан олим қанчалик қувонган бўлса, истеъдодли, гўзал шеърлари билан танилиб қолган иниси ҳибсга олинишидан азият чекди.

1939—1941 йиллари Олим Шарафиддинов илмий, адабий-танқидий, ўқув-методик асарлар ёзди. Айн Навоий поэтикаси тўғрисида махсус тадқиқот яратганлиги маълум бўлаяпти. У «Навоий поэтикасининг баъзи хусусиятлари тўғрисида» номли мақоласида масалани кенг куламда, теран олганлиги кўриниб туради. Олим ўзбек адабиётшунослигидаги поэтикаға оид нодир асарлар ҳақида фикр юритади. Тадқиқотчи Аристотель, Платон сингари юнон олимларининг сўз санъатиға оид асарларининг араб дунёсига кириб келиши, тамаддундан муқим ўрин эгаллаганлиги ҳақида тўхталилади. Поэтикаға оид тадқиқотлар яратган Халил ибн Аҳмад, Низомий Арузий, Ибн Халдун сингари олимлар номи Алишер Навоий асарларида учрашини айтади. О. Шарафиддинов Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақола», Ибн Халдуннинг «Муқаддима» асарларидан иқтибослар, келтиради.

Олим Шарафиддинов «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографиясига буюк ижодкор ҳақидаги жамики қарашларини сиғдира олмаган. У «Ҳамса» дostonлари тадқиқотларини алоҳида-алоҳида нашр этишға мажбур бўлган. Монографияда «Ҳамса»нинг 4-dostonи «Сабъаи сайёр» гўзал таҳлил қилинганлигининг



гувоҳи буламиз. Шунга қарамай, Олим Шарафиддинов «Баҳром Гур образи ва «Сабъаи сайёр» тўғрисида» номли алоҳида тадқиқот яратади. У Баҳром Гур образининг форс адабиётида ишланиши жараёнини «Шоҳнома»дан бошлаб кузатади. Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий яратган Баҳром образига алоҳида-алоҳида тўхталади.

О. Шарафиддинов туркий, форсий адабиётлар тарихидан мақолалар ёзади. Хуллас, уруш арафасида Олим Шарафиддинов куч-ғайратга тулиб ижод этаётган эди.

1941 йили бошланган уруш мамлакат ҳаётини, кишилар тақдирини алғов-далғов қилиб юборди. Олим Шарафиддинов ўқув-методика соҳасида қизгин ишлаётган паллада ҳарбийга чақирилганлиги ҳақида хабарнома олди. Аввалига ҳайрон бўлди: ёши қирқни қоралаб қолган бўлса, тадқиқотлари эътибор топаётган бўлса... Одамнинг оласи ичида: кимдир «холис хизмат» қилдимикан... Шуниси ҳам борки, уруш юртнинг, элнинг умумий ташвиши: не-не буз йигитлар, яқиндагина оила қурган куёвлар жангга кетаяпти. Уни бошқалардан ўқи ўзганми?..

Ҳарбий комиссарликдагилар босиқ, салобатли, рус тилини мукамал биладиган бу одамни ўқитиш, ундан командир тайёрлашни маъқул деб топдилар. Олим қўлидаги қаламини қуролга, ижодхонасини ҳарбий машқлар майдонига алмаштирди. Самарқанд, Андижон ҳарбий машқгоҳларида бир йил шуғулланди. Лейтенант унвонини олди. Урушга кетди. Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилиб, адабиётшунослик бўйича унинг номзоди академиянинг муҳбир аъзолигига кўрсатилганда Олим Шарафиддинов фронтда жанг қилаётганди. Деярли барча академик, муҳбир-аъзолар гувоҳномаларини қўлларига олдилар. Олим Шарафиддинов номига тўлдирилган, академиянинг биринчи президенти Тошмуҳаммад Саримсоқов имзоси чекилган 15-сонли гувоҳнома эгасининг қўлига тегмади.

1943 йили урушнинг боришида ўзгариш бўлди: шўро жангчи, зобитлари фашистларни ўз уйлари томон қувишга киришдилар. Олим Шарафиддинов 1943 йилнинг қаҳратон қишида Белоруссия ўрмонида бир муд-

дат кўним топди. Шу фурсатда у Фанлар академиясига мактуб битишни, юксак илмий марказга аъзо қилиб сайлаганликлари учун миннатдорлик изҳор этишни ўйлагандир. Лекин у фарзандлари — Лола, Клара, Шухратга хат ёзишни маъкул топди. Хануз сақланаётган ўша мактуб — васият Шарафиддиновнинг сунгги асари бўлиб қолди.

«Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографияси олим ижодининг чуққисидир. Навоий ҳақида XX асрда кўплаб тадқиқотлар яратилди. О. Шарафиддинов тадқиқоти эса ўз услубига эгаллиги билан фарқланади. Бу асар диссертациялардан, соф илмий (академик) тадқиқотлардан соддалиги, равонлиги, тушунарлилиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзиш фикри олимда бирдан тугилган эмас. Олим Шарафиддинов, назаримда, онгли ҳаёти давомида ҳаммаша Навоийни ўқиган, унинг асарларини мутолаа қилган, ҳаёт йўлини синчиклаб ўрганган. Ўқийвериш, доимий мутолаа ўқиш даражасига олиб чиқади. Ўқиш — адиб ҳаёти-ю асарлари илдиз-илдизига кириб боришидир. Ўқиш — ёзувчи руҳидаги ҳолатларни, жараёнларни ўзида жонлантириш. Ўқиш — теран ҳис қилиш. Шундай одамлар борки, Навоий газалларини завқ-шавқ билан ёдаки ўқийдилар. Мана шуларни уққанлар дейиш жоиз. Менингча, Олим Шарафиддиновдаги ўқиш янада теранроқ бўлган: унинг табиатида, одамларга муносабатида, болажонлигида, ўз «мени»ни бошқара олишида Навоийга хос фазилатлар пайдо бўлган.

О. Шарафиддинов Навоий ҳақидаги илмий-тарихий асарларни кунт билан ўрганган. Тарихий асарларда ҳаётнинг катта воқеалари икир-чикир томонларигача тасвирланади. Муаррихлар Навоий яшаган ижтимоий муҳит, шоирнинг симпатия ва антипатиялари, амалдору адиблар билан шахсий муносабатлари, амалга оширган муҳим ишлари ҳақида ёзганлар. Олим Шарафиддинов Навоийга оид материалларни ўқиш даражасида ўзлаштирган.

Навоий ҳаёти ва ижодини ўқиш — буюк санъаткор турмуши, асарларини турли ракурслардан аниқ, ти-

ниқ кўришдир. Шарафиддинов буюк Навоий ҳаёти ва ижодини сохталаштирмаган, ҳақиқатни бузмаган ҳолда уни XX асрнинг ўргаларидаги тарихий муҳитга мослаб талқин, тарғиб, таҳлил қилган. Олим Навоийнинг оддий халқ, ҳунармандлар билан яқин муносабатини, ҳалдан ошиб кетган солиқларни, элга жабр қилаётган амалдор-тураларни фош этганини тасвирлайди. Китобда Ҳусайн Бойқаро саройида, оиласида кучли инқироз бошланганлиги, фожиалар устма-уст рўй бергани кўрсатилади. Ўйлаб кўрилса, даҳо ижодкорнинг асарлари мисоли улкан хазина: ундан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. О. Шарафиддинов буюк Навоийни янги ракурсда намоён этди. Муҳими, олимнинг талқинлари шўро мафкураси етакчиларига маъқул тушди. Тўғри, у Навоийнинг тасаввуфий киши эканлигини, унинг соф исломий асарларини байроқ қилиб кутармади. Навоий «Ҳамса»сини таҳлил этар экан, олим дostonлардаги «анъанавий кириш»га урғу бермади...

О. Шарафиддинов шўро давлати ва коммунистик фирқанинг беаёв қиличи тинимсиз ҳаракатланиб турган қалтис вазиятда Навоий ҳаёти ва ижодини янгича талқин қилиш йўлини топди. Мазкур қарашнинг ижобий, етишмовчи томонлари, табиийки, бор эди.

О. Шарафиддинов монографиясида Навоий ҳаёти ва асарларини синчиклаб таҳлил этиш кўзга ташланади. Навоий дostonларини, хусусан, «Фарҳод ва Ширин»ни ўқиган аксарият китобхонлар увоқ образларга эътибор бермайдилар. Олим Шарафиддинов «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги асосий қаҳрамонни асир этган Фирибгар билан уни ўлдирган Ёсуман бошқа-бошқа одамлар эканлигини кўрсатади. Китобда Навоий дostonлари яхши таҳлил қилинган, «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари таҳлили, айниқса, нозик, тиниқ, Алишер Навоий Низомий, Деҳлавий дostonлари ҳақида тўхталинар экан, уларда Баҳромнинг «ишқ мояси» етарли исботланмаганлигини айтади. Қарангки, Алишер Навоий ўзининг 4-дostonини ишқ моясининг мантиқи, тарихи, бадиий таҳлилига бағишлаган. Аниқроғи, Навоий дostonидаги Баҳром ишқ изтиробига мубтало бўлади. Бутун асар давомида шу ишқ

Баҳромни қийнайди, тоблайди, чиниқтиради. Достоннинг сўнгги ҳикоясида Баҳром Дилоромнинг тирикчилигини биледи. Мурод-мақсадига етган бош қаҳрамоннинг ботқоққа гарқ бўлишида ҳам теран маъно-мазмун бор.

«Садди Искандарий» чин маънода фалсафий достон: у баҳс билан бошланади, баҳс билан якунланади. Баҳслар турли мавзуларда. Лекин улар моҳиятида битта масала узак вазифани ўтайди: инсон қандай яшамоғи жоиз. Искандар олимлар даврасида яшади, аслзодалар тарбиясини кўрди. Унинг қуруқликда, денгизларда ўтказган умри маъно-мазмун, ибратга тўлиқ бўлди. Искандар юра-юра, суза-суза, кўра-кўра, била-била битта хулосага келди: инсон бу дунёдан у дунёга қоққуруқ, очиқ қўл билан кетар экан. Шундай экан...

Олим Шарафиддинов қирчиллама 40 ёшида ҳалок бўлди. Ундан бамаъни мақолалар, Навоий даҳосига садоқат рамзига айланган рисола, истеъдодли шогирдлар, элу юртга содиқ фарзандлар қолди. Олим қолдирган мерос XXI асрда ҳам Ватанга, адабиётимизга хизмат қилишидан умидвормиз.

## ШЕЪР ҚОЛУР, ШОИР ҚОЛУР...

Кутубхонамда Эркин Воҳидовнинг ўттизга яқин катта-кичик, ўзбекча, русча, жаҳон адабиётидан таржима қилинган китоблари бор: «Тонг нафаси»дан (1962) «Умрим дарёси»гача (2001). Улар табиийки, анча уриниб, титилиб, айрим варақлари йиртилиб қолган. Шоир асарларини салкам эллик йилдан буён ўқийман, куйга солинган қўшиқларини тинглайман, саҳнада уйналган томошаларини кўрганман.

Биламан, уз-о-қ йиллар мобайнида ижод қилган, боринги, 60—70 китоб чоп эттирган одам шоир бўлолмаслиги, аксинча, чақмоқдек қисқа умр кўриб, бир нечагина шеър яратган зот адабиёт даргоҳида мангу қолиши мумкин. Фанда кўзга кўринмайдиган ҳодиса-

ларни ҳам кўрсатадиган аниқ улчагич, ускуналар бисёр. Лекин шеърятнинг яшовчанлиги, таъсири, маънавий-руҳий малҳамлиги меъерини аниқлаб берадиган восита йўқ. Булмаган, бўлмайди ҳам. Қолипларни танолмаганлиги, танҳо-ю бетакрорлиги билан шеър шеърда! Эркин Воҳидов истеъдодга йўғрилган узлигини шеър, ғазал, қасида, дoston, драма тарзида намoён этиб келмоқда.

Кўп шеър биладиган, ёдаки ўқийдиганларга ҳавас қиламан. Абдулла Қодирий романларини тўлиқ ёдлаб олганлар, Чулпон шеърларини шавқ-завқ билан ўқиганлар ҳақида кўп эшитганман. «Рухлар исёни» достони эндигина чоп этилган йили Озод домла билан Самарқандга бордик. Раҳматли Нуриддин оға Шукуров бизга мезбонлик қилдилар, ҳамиша бирга бўлдилар. Учрашув, суҳбат, мулоқотдан салгина фурсат орттирилдими, Шукуров домла тўлиб-тошиб, завқ-шавқ билан «Рухлар исёни»ни ёдаки ўқий бошлайдилар. Озод ака дostonни яхши биладилар, мен уни муаллиф оғзидан эшитганман. Шундай ҳам буладики, асарни атайин ёдламайсиз, лекин у табиий ҳолда руҳингизга сингиб қолади. Суҳбатдами, маърузадами беихтиёр байтми, мисраними айтиб юборасиз, улар фикрни нурлантиради, ҳаётлигини исботлайди. Озод Шарафиддинов мақолаларини кўнт билан ўқиб кўрганмисиз? Устоз мақолалари таркибига Навоий, Фузулий, Муқимий, Фафур Гулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов мисра, байт, иборалари киритиб юборилган. Қарабсизки, жумла, фикр ял-ял ёниб туради...

Эркин Воҳидов шеърлари қалбга дарҳол жо булади, ўзлашади-қолади. «Эй мунаққид, сен ғазални Кўҳна деб камситмагил, Севги ҳам Одам Атодан қолган инсон қонида», «Шоир бўлсанг сени элинг қалби билан тингласин, Ёд олмаса ҳам шеъринг фидолигинг англасин», «Етиб етмишга Эркин Навқирон бўлса ажаб эрмас» сингари байт, мисралар гўеки сизга қачондан бери таниш-у, шоир Эркин Воҳидов уларни яна эслатапти, холос.

Домлалик тажрибамдан биламан, толиби илмга: «Шеър айтинг», — десангиз аввалига ҳайрон бўлиб

туради, Эркин Воҳидов асарининг илк мисрасини ай-  
тишингиз билан бутун аудитория уша шеърни, ғазал-  
ни ўқиб кетади.

## 2

Эркин Воҳидов шеърлари қалбларга дарҳол йўл то-  
пади. Лекин шоир яратган шеърый оламга йўл топиш  
осон эмас. Бир қарасангиз, шоир ғазаллари оппа-осон:  
гул, ғунча, сайил, рубобнинг икки тори, гулчеҳралар,  
қорхат... Бир қарасангиз, Донишқишлоқ латифалари,  
Матмусанинг ҳазил (таги зил) қилмиш-қидирмиш-  
лари! Достонлардаги равонлик, ровийнинг ғаройиб раҳ-  
намолиги, шеърхонни суйиб-ардоқлаб воқеалар ичига  
етаклаши... Ўйлаб кўрилса, осондек туюлган шеър,  
ғазал, достонлар мағзида олам-жаҳон мураккаблик яши-  
ринганлигини ҳис қиласиз. Мана, Эркин Воҳидовнинг  
1962 йили ёзилган «Гўзаллик» шеъри: саккиз қатор, 35  
сўз (улардан биттаси икки бор қўлланган). Бу шеър,  
менингча, шоирлик даргоҳига «ташриф қоғози». XX  
аср узбек шеъриятида Чўлпоннинг «Гўзал», Ғафур Ғу-  
ломнинг «Гўзаллик нимада?» шеъри кўзга ярқ этиб  
ташланади. 22 ёшли Чўлпон «суюкли»сини ёруғ юлдуз-  
дан, ойдан, тонг шамолидан, кўз очаётган кундан  
сурайди. Излай-излай, сурай-сурай бундай хулосага ке-  
лади:

*Мен суйган «суюкли» шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!*

Бу шеърда сирлиликка чулганган, ҳар бир сўз, мис-  
ра, байт руҳига сингиб кетган гўзаллик бор.

Йигирма ёшли Ғафур Ғулом «Гўзаллик нимада?»  
шеърда «ишлайиш», «манглайни терлатиш», «гўзал-  
дир унган иш» ғоясини чиройли ифодалайди. Лекин  
шеърдаги инкор — «унган ишдан» ўзга барча гўзал-  
ликларнинг йўққа чиқарилиши марксча эстетиканинг  
бирёқлама кўриниши, самараси эди.

Эркин Воҳидов гўзалликни, биринчидан, кенг ми-  
қёсда — олам ва одам боғлиқлигида олади. Шоир олам-  
нинг гўзаллашуви, одамнинг улуғлашуви «тинмайин

тукилган тер» самараси эканлигини билдиради. Бир қарасангиз, Э. Воҳидов Ғафур Фулом фикрини тасдиқ-лаяпти. Бир қарасангиз, шеърдаги олам ва одам боғ-лиқлиги масаласи «ғузаллик»нинг илдизи чуқурлигини кўрсатади. Шоир олам ҳам, одам ҳам яралган (таъкид бизники — А.Р.), ибтидода олам кўркисизгина, одам оддийгина бўлганлигини айтади. Шеърда «яралган», «кўркисизгина», «сайқал бермоқ» сўзлари таянчлик ва-зифасини ўтайди. «Тер тукиш» оламни ҳам, одамни ҳам ўзгартирган, янгилаган.

Ғузаллик ҳақидаги учта шеър истеъдоднинг замону макондаги чегараси йўқлигини кўрсатади. Иккинчи-дан, Чўлпон, Ғафур Фулом, Эркин Воҳидовнинг гузал-лик ҳақида шеър битишида ворисийлик, миллий анъ-ана кўринади. Истеъдодлар бор экан, гузалликнинг янги-янги олмос қирралари кашф этилаверади.

«Ғузаллик»ни шартли равишда назарий шеър деб олсак, «Пўлат» гузалликнинг амалда кўринишидир. Бу шеър «Ғузаллик»дан-да ихчам, лўнда. Инсон тер тука-тука пўлатдан ойболта, замбарак, қилич, милтиқ, на-ган, бомба яратди. Одам ақлни ишлата-ишлата на ой-болта, на қилич ва на бомба перо бўла олишини англа-ди. Ақл самараси бўлган перо дунёни забт қила олди. Митти шеър таркибиаро эстетик таъсирчанлик, поэтик гузаллик сизиб ўтади. Ўзгача ифодалаганда, истеъдод, бетақрор услуб бадиий гузалликни кашф этди.

Яратувчанлик, оламга эгалик қилиш шоирнинг эс-тетик қоидасига айлана боради. Ота ўз ўғлини дуо қилар экан, соғ-омон, диёнатли, меҳр-оқибатли, элда эъти-борли бўлишини тилайди. Э. Воҳидов шеърдаги («Ота тилаги») ота ўз ўғлига теша тегмаган, узоқ тарих қат-ламларидан силқиб чиққан муқаддас гапни айтади:

*Улғаярсан, йигит бўларсан бир кун,  
Ортада қолар ёшлик, ўйин, эрмаклар.  
Оламни елкада кўтармоқ учун,  
Дунёга келади, билсанг, эрмаклар.*

Тер тукиш, оламни кўркам қилиш, гузаллик яра-тиш ғояси шоир ижодининг руҳ-руҳига сингиб кетган.

Эркин Воҳидов «Ассалом, келажак!» («Жаҳон адабиёти», 2001 йил, 1-сон) мақоласида милодий, ҳижрий йил ҳисоби қаторига 1991 йилдан эътиборан «озодий йил» улчови кириб келганини, унинг мазмун-моҳияти яратувчилик, бунёдкорлик эканлигини таъкидлайди.

Шоирнинг гўзаллик ҳақидаги қараши, яъни оламини обод этиб, мукаммаллашуви, комиллашуви «Инсон» газалида ниҳоятда тиниқ, авж пардада ифода-ланган:

*Келдинг оламга, демак,  
Етмас уни сўрмак, емак,  
Ерни этмоғинг керак  
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.*

Шоир меҳнаткаш чумоли гайратига ҳавас қилади («Чумоли»), жумард пахтакор тилидан жимжимадор сузлар билан меҳнат, меҳнаткашни «улуғлайдиган» муҳбирларни узиб-узиб олади («Бизлар ишляпмиз»). Эркин Воҳидов мулки борлиқ деган тушунча моҳиятини англашга интилади. Унинг эътиқодича, коиноту мулки борлиқ, олам-у дунё калити инсон. Одаму инсон не? Одам — микромир — Олами сағир — тирик сайёра.

Олиму мутафаккирлар Олами кабирни қанчалик берилиб ўргансалар, тирик сайёра — ёнгинамиздаги одамни шунчалик берилиб ўрганмоқликлари, унинг имкониётларидан фахрланишлари лозим:

*У яшайди тилсимлар аро,  
Ҳар кашфиёт янги маррадир.  
Унинг узи сирли бир дунё  
Дунё эса фақат заррадир.*

(«Тирик сайёралар»)

Академик Алибек Рустамов «Сўз хусусида сўз» китобида Эркин Воҳидовнинг етук асарларида учрайдиган «жаҳон», «дунё» сузлари маъно-мазмунини ёритиб беришга интилади: «Жаҳон» сўзида «коинот» билан «дунё»га хос хусусийлик йўқ ва у «олам» сўзининг энг яқин маънодоши сифатида ҳам қўлланади.

«Олам» сўзининг узига хос томони шундаки, у фа-



қат моддий мавжудот эмас, маънавиятга нисбатан ҳам қўлланади. Ундан ташқари «олам» сўзи «дунё» ва «қоинот» сўзларига нисбатан мазмунан кенгдир».

Эркин Воҳидов қоинот, олам сўзларини қўллар экан, илдизга кириб боришга, илк асосни англашга интилади. Унингча, ўзбекнинг тарихи мулки борлиқ, кекса тарих шодаси билан боғлиқ. Олам ва одам гузаллик — меҳнат туфайли ўсиб-ўзгариб боради. Шоир «ҳаракат»ни ҳамиша қўллайди. Меҳнат, интилиш, ғайрат, шижоат «ҳаракат»нинг моддийлашуви. Лекин ҳамма ҳаракатлар ҳам эзгуликка, тараққиётга хизмат қилавермайди:

*Заррани ижод этиб,  
Даҳшат бало бунёд этиб,  
Оқибатни ёд этиб  
Ҳайрон узинг, ҳайрон узинг.*

(«Инсон»)

Фазо қаърига, инсон қалби фазосига ҳам синчков назар ташлай олган, Шарқий қиргоқлар армонини тушуниб етган, ниҳоят, яратувчилик моҳиятини теран анлаган Эркин Воҳидов интеллектуал шоирдир. Унинг шеърларини аҳли зурафо ҳамиша завқ-шавқ билан мутолаа қилишига шубҳа йўқ. Эркин Воҳидов билан ижод дунёсига деярли бир вақтда кириб келган, қарийб ярим аср ёнма-ён туриб ижод этган Роберт Рождественский қаламкаш дўсти ҳақида ёзади: «Эркин Воҳидов оламига марҳамат қилинг, унинг уй, андуху қувончларига шерик бўлинг. Ишонаман: Сиз бу ажойиб шоир билан кадрдон дўст бўлиб қоласиз».

3

Эркин Воҳидов ярим аср муқаддам шеърят оламига шогирд сифатида кириб келди. Лекин бу оламда ўзини у зинҳор меҳмон деб билмади. Аксинча, «шеърят дунёси кенг, гулзори кўп, бўстони кўп»лигини сира унутмади. Ҳамма замонлардаги, барча юртлардаги шоирларнинг тили ҳар хил, дили, дарди, армони, интилишлари, орзулари бир хил бўлган. Ҳар бир шоир ўз қалбини,

орзу-армонларини ўзига хос услубда, ҳеч қандай ухшамайдиган бадиийликда акс эттирган. Ҳақиқат қалбини, ўзлигини тўла ифодалаш имконини бойитиб борган. Эркин Воҳидов ўзбек шеърини янги даражага кўтариб келганида минг йиллик синовдан ўтган айиқда қолган, хурланаёзган эди. Эркин Воҳидовнинг жасорат билан аруз, ғазални ҳимоя қилди:

*Эй мунаққид, сен ғазални  
Кўхна деб камситмагил,  
Севги ҳам Одам Атодан  
Қолган инсон қонида.  
Тошга ҳам ширин ғазал  
Бахш айлагай оташ ва жон,  
Шавқ ўти ёнса агар  
Шоир — ғазалхон қонида.*

Шоир, гарчи мунаққидга мурожаат этиши мисолга олган бўлса-да, аслида ғазал, аруз ривожини шонага тортиди. Тўғри-да, шоир нуқоқ бўлиши ғазалда не айб?! Эркин Воҳидов бири-биридан фарқлиқ ғазаллар шодасини яратди. Ғазаллар бастакорларни баига ўт ташлади, хонандаларни булбулга айлади. Эркин Воҳидовнинг янги ўзбек адабиётидаги ўзгаришлари, ғазалчиликни қайта тиклаш йўлидаги қўшимча ишлари, реформаторлигини алоҳида урганмоқ лозим. Аруз вазни, ўйлаб қурилса, XX асрнинг 20-30-йилларидаёқ коммунистик мафкура, соцреализм менишарига баига учради. Кимдир арузни эскилик сарқитган, ушанинг гапи гап, сўзи сўз бўлиб кетган. Эркин Воҳидовдан, аруз социалистик жамият қуриш суръатини беролмайдиган «кўхна хароба, паровозлар асрнинг аловчи ароба», деб билинди. Хуллас, аруз челеди, оқибатда, «қўли қадоқ», «сўкағон», «лаҳзаси усулида етиштирилган шоирлар» адабиётга сўзи кириб кела бошладилар. Гарчи Фафур Фулду, Абдулла, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Ҳабибulla, Тўла ғазаллар битган бўлсалар-да, аруз қариш қувғинда бўлди. 60-йилларнинг бошларига қариб куравий тазийқлар бир оз сусайиб, аруз вазни баҳс қилиш имконияти пайдо бўлди. «Ешларни девони»

китоби Эркин Воҳидовнинг ана шу баҳсда амалий иштироки бўлди. Шоир уз ғазал, рубоий, мадҳия, қасидалари билан аруз имкониятларини исботлай бошлади. Эркин Воҳидов арузни ижтимоий ҳаётга, жонли характерлар тасвирига йўналтирди.

Ғазалда изчил ғоя, сюжет акс эттирилди, оддий киши унинг қаҳрамони бўла олиши исботланди. Шоир ғазалларида ҳаётбахш руҳ, юксак пафос, самимийлик кўзга ташлана борди. Ғазалнинг адабиётдаги мавқеи мустаҳкамланди.

Эркин Воҳидов ғазалларида инсонга хос жамики хусусиятлар шеърий санъатлар воситасида акс эта борди. Одатда, қуёш, ой, юлдузлар, Сомон йўли ғазалнинг салобатли тимсоллари ҳисобланган. Эркин Воҳидов мулки борлиққа — вайрона-ю ободга бирдек нур сочувчи қуёшга ҳам бир қараганда айтиб бўлмайдиган сўзни айтади: шаккокликдек туюладиган бу сўз эстетик контекста образга айланади:

*Ул кеча ёр васлига  
Еттим деганда отди тонг,  
Қилди дилдордан жудо,  
Юзи қаро бўлсин қуёш.*

Ғазалнавислик Эркин Воҳидовни ҳақли равишда устозлик рутбасига кўтарди. Ҳабибий, Чустий, Собир Абдулладек ғазал усталари Эркин Воҳидовни дилдан алқадилар. Ёш шоирлар ғазал санъатига бепарволик — шоирлик синовидан утмаслик эканлигини ҳис қилдилар. Абдулла Орипов, Омон Матжон, Охунжон Ҳаким, Жамол Камол, Ҳусниддин Шарипов, Жуманиёз Жабборов тезда ғазалнавис Эркин Воҳидов сафига ўтдилар. Садриддин Салим Бухорий, Сирожиддин Саййид, Шафоат Термизий, Иқбол Мирзо ғазал бўстони ажойиботларини теранроқ ҳис этмоқдалар.

Эркин Воҳидовнинг аруз вазнидаги ижоди яна бир жиҳати билан диққатга сазовор. Аруз вазнига эътиборнинг кучайиши Навоий, Бобур, Оғаҳий, Амирий, Муқимий сингари устодлар мактаби сабоқларига қизиқишни орттирди. Эркин Воҳидов биринчилардан бўлиб

мумтоз санъаткорлар маҳоратини берилиб ургана бошлади. Улуғ ғазалнавислар асарларини англаб, ҳис этиб талқин қилиш ҳам Эркин Воҳидов ижодида кўзга ташланди. Аруз вазнига бўлган қизиқиш толиби илмлар, мумтоз адабиёт шайдоларини изланишга ундади. Аруз вазни назарияси, амалиёти ҳақида тадқиқотлар қупайиб бормоқда.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», «Инсон», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат», «Шеъроят», «Ватан умиди» қасида, ғазалларида ижтимоий-миллий маъно-моҳият етакчи. Шоир ғазалларининг қаҳрамони ўтли-шудли, жасоратли, юрагида ёли бор шахс.

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат,*

*Лек ширин ёлғон ёмон.*

*Ул ширин ёлғонга ёмондек*

*Алданиб қолган ёмон.*

*Умримиз алдоқ жаҳонда*

*Алданиб ўтгай, валеқ*

*Сўнги қийналғон ёмондир,*

*Сўнги қийналғон ёмон.*

Эркин Воҳидов ғазалдаги ўйноқилик, сўз ўйини, ноз-назокатни маромига етказиб бера олди. Унинг «Гунча», «Лола сайли», «Ёшлигим», «Дўст билан обод ўйинг», «Ўртада бегона йўқ» сингари ғазаллари куй-қўшиқ бўлиб халқ дилидан аллақачон жой олиб бўлган.

Мен Эркин Воҳидовни кўп кузатганман: у Навоий, Бобур, Фузулий шеърятини талқин этганида, ғазаллардаги сўзлар магзини чаққанида, тамоман ўзга дунёга кириб кетади. У, одатда, гапини мисра, байтдаги таянч сўз талқинидан бошлайди. Сўзни мисра, байт, ғазал шодасига теради. Сўзни шундай ёритадикки, бу ёғду байт, ғазални ёп-ёруғ қилади. У ғазалдаги сўзни жонли, мурғак полопондай авайлайди, эҳтиётлаб «текшира» бошлайди. Мана шу сўз бошқа байтда, ўзга шоир ижодида қандай товланганлигини мисоллар билан исботлайди. Тингловчи беихтиёр: «истеъдод аслида кечинма, кечинмадошлиқ экан-да», деган фикрга келади. Эркин Воҳидов, Алибек Рустамов, Нажмиддин

Комилов талқинларини тинглар эканман, асрлар оша давом этиб келаётган навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик мактаблари нақадар муҳим вазифани адо этганлигини теранроқ ҳис қиламан. Навоийхонлик, фузулийхонлик, оғаҳийхонликлар маънавият чашмаси сифатида истиқболда ҳам давом этиши лозим.

Эркин Воҳидов утмиш адабиётини, буюк шоирлар ижодини ҳар қанча ўрганмасин, аруз ва унинг жанрларини улугламасин, XX аср, яъни янги ўзбек адабиётининг намояндаси. У утмиш адабиётини танлаб-танлаб, саралаб-саралаб ўрганган булса, янги ўзбек адабиётини миридан-сиригача узлаштирди. Шоир эътиборидан асрдош шоирдан бирортасининг ижоди, изланиши четда қолганига ишонмайман. Эркин Воҳидов тўпламлари, сайланмаларини варақлайман: «Шеър ва шахмат», «Қалам», «Шеър азиз олам аро», «Шоир қалби», «Устоз Ҳабибийга», «Устоз Файратийга», «Аруз ва бармоқ», «Шоирлик», «Шеъроят» сингари бағишлов, кузатув, уйлов, ўрганув, фикрлов шеърлар куп. Бу шеърларда шоирнинг гузаллик ҳақидаги қарашлари акс этган. Толиб Йулдошга бағишланган «Тўртлик» — митти шеър:

*Шеърнинг сози — тўрт сатр,*

*Тўрт ажойиб — зур сатр.*

*Шоир одам узини*

*Тўрт сатрда курсатир.*

Шеърнинг уч сатрида «тўрт сатр» ибораси бор. Қолган 10 сўзнинг учтаси — «соз», «ажойиб», «зур» сифат. Тўртлик: «Шоир одам узини тўрт сатрда курсатади», — деган фикрни ифодалайди. Аммо оддий жумла қаяқда-ю, тўртлик қаяқда? Митти шеър шоир ҳаяжонини, санъаткор маҳоратини ифодалайди. Муҳими, шеърда эстетик таъсирчанлик, пафос мавжуд. Мана шу митти шеър — тўртликни уқиган китобхон борки, Толиб Йулдош деган номни унутмайди. Камсўқим, дарвешнамо Толиб Йулдош олтмиш йил ҳам катталарга, ҳам болаларга қанчадан-қанча шеърлар ёзди, тўпламлар ҳада этди. Афсуски, адабий танқидчилик бу ижодкор ҳақида пичоққа илинадиган мақола, тадқиқот ярат-

мади. Адабиётимизда Толиб Йўлдош сингари шеърят бустонининг гузаллашуви, ёшарувига ҳисса қўшаётган заҳматкаш ижодкорлар озми! Хуллас, Эркин Воҳидов адабиётга қадам қўйгач, қандай муҳитга кириб келганини урганди. Кеча, бугун ижод қилаётганлар асарларини, шахсиятини синчиклаб кузатди. У ҳар бир истеъдодли ижодкордан ниманидир урганишга интилди. Яна муҳим бир жиҳат шундаки, Эркин Воҳидов адабиётга кириб келганида адабий ҳаётнинг илк баҳори бошланаётган — музлар эрий бошлаган, булутли осмонни момоқалдироқ гумбурлатар, чақмоқ кўкни тилкалаб юборарди. Россияда Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Роберт Рождественский, Қозоғистонда Ўлжас Сулаймон, Украинада Иван Драч, Тожикистонда Гулрухсор Сафиева сингари юрагида оташ бор ёш шоир ва шоиралар узларини намоён этдилар. Эркин Воҳидов, айтганимиздек, арузнинг қаддини тиклади. Шоир қалбида аруз имкониятларини намоён этиш, тишли-тирноқли асарлар яратиш иштиёқи кучайиб борди. Шоирнинг «Кавказ шеърлари» туркуми, айниқса, «Аралат чўққисига», «Фузулий ҳайкали қошида» шеърларидаги янгича руҳ, ҳақиқий қардошлик туйғуси, буюк Фузулий ижодига эҳтиром шеърхонни ром қилди. Ажабки, бу гузал шеърлардан ғоявий камчилик изловчилар топилиб қолди. Бошқача айтганда, Эркин Воҳидов XX аср 60-йилларининг бошларидаёқ ҳам чин ихлосмандларини, ҳам ғоявий рақибларини топди.

Катта, салмоқли асар яратиш иштиёқи шоир борлигини қамраб олди. Чулпон «Халқ», Ойбек «Қуёш йўли», Фафур Фулом «Ўзбекистон», Ҳамид Олимжон «Ўзбекистон», Уйғун «Ватан ҳақида қўшиқ» шеърини ёзган-ку? Лекин на Ойбек, на Фафур Фулом юрагидаги гапни айта олган. Ҳамид Олимжон, Уйғун гапни табиат тасвири, халқлар дўстлиги томон буриб юборган. Эркин Воҳидов, навбати келди, у ҳам қалбидаги асосий гапни айтиши лозим. Лекин замон қалтис. Миллий гурур ҳамон миллатчилик саналади. Мана шундай бир пайтда «Ўзбегим» қасидаси пайдо булди. 1968 йили яратилган «Ўзбегим»нинг номиёқ диққатни жалб қил-

ди. Шуро даврида «бизники», «умумники», «хамманики» деган мавҳум қараш тушунчаларга сингиб кетган эди. Айниқса, халқни, юртни баралла «меники», яъни «Ўзбегим» деб туриш коммунистлар наздида бориб турган шаккоклик эди. Қасида руҳи, мазмуни, эстетик-поэтик моҳияти сарлавҳадаги фикрни бус-бутун тасдиқлайди. Ўзбекнинг чин ўғлони куйиб-ёниб, жушиб-завқланиб халқнинг мунгли, айна вақтда қахрамонона тарихини бурро-бурро ифодалайди. Қасидани ўқиб Помир, оқ соч Тиёншон тимсолида она юрт, унинг кўҳна тарихи, узоқ, маҳзун йўли кўз ўнгимизда гавдаланади. Беруний, ал-Хоразмий, Форобий, Улуғбек, Мир Алишер, Мирзо Бобур, Машраб, Нодира, Фурқат, Муқимий сингари улуғлар қасидани кўзда ёш, ҳайрат-латинглаётгандек бўладилар. Энг муҳими, қасида қуллик, қарамликдан, эрксизликдан қалби озурда бўлган халқ учун тириклик суви бўлди, мисоли.

Қасидани, эҳтимол, кўпчилик ёд олмагандир. Лекин катта-ю кичик, юртдаги-ю хориждаги ўзбекнинг ҳаммаси асарни сел бўлиб ўқиди, ўзлаштирди. «Ўзбегим» халқ чеккан «оҳ»лар учун муносиб, бебаҳо тортиқ бўлди. Қасида халқ қалбига шунчалар сингиб кетдики, уни омма ўзича «бойитди», «тўлдирди» — юрагидаги аламларни асар қатига қўшиб юборди. Бундай исён шоир учун қимматга тушди. «Ўзбегим» яратилганида соцреализмнинг путури кетаётган бўлса-да, ҳамон у адабиётнинг ўзига хос конституцияси эди. Эркин Воҳидов «Ўзбегим»дан кейин «Она тилим ўлмайди», «Юрагингда макон тугган қул», «Сен менга тегма», «Ёмоннинг сўзи» сингари шеърларини яратдики, улар замона зайлига зидгина эмас, ҳоким мафқуранинг илдиз-илдизига болта урарди.

Эркин Воҳидов шеърий санъат имконларидан фойдаланиб фиррому ёлғонларни фош этишга интилди.

У «Армон» шеърида ибратли мисраларни ёзади:

*Кеча керак бўлдинг,  
Болалик чоғим!  
Сенга қўл узатдим,  
Йўқ,*

*Етолмадим.  
Ошкора гирромлик қилди  
Уртоғим, —  
Мен: бор, уйнамайман,  
Деб кетолмадим.*

Шуро иттифоқи, расман, ўн беш мустақил республиканинг ихтиёрий бирлиги эди. Аслида, барча республикалар фақат Москва томонидан бошқарилар, «мустақил республика»лар раҳбарлари марказ рухсатисиз бир қадам ҳам кўёлмас эдилар. Шоир «Арслон ўргатувчи» шеърида миллий халқлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқсиз раҳбарлари руҳиятини ёритиб беради:

*Чарх олдида иккимиз ҳам  
Асли баробар.  
Гарчи арслон уйнатаман,  
Гарчи мен — Одам,  
Ой сунгида қанд кутаман  
Хужамдан мен ҳам.  
Гоҳ жонимдан утса зулм,  
Наъра тортаман,  
Лекин бундан  
Фақат бошга бало ортаман.*

Ёлгон шуро тузумининг моҳиятини белгиларди. Алдов давлат сиёсатига айланиб, энг юксак минбарларни эгаллаган эди. Замонавий Шум бола тимсолида шоир ҳақ сўзи билан замонавий бой — тузумнинг ўтакасини ёраёзди. Ҳар хил ёлгон ичра балиқдай сузадиган Замонавий бой Шум бола ростгўйлигидан ҳангу манг бўлди, увол мусичадек мўлтираб турган ростгўй болани қувиб солди:

*Йўқол, сени ишга олсам  
Хонавайрон бўламан.  
Ёлгонингдан омон қолдим,  
Рост гапингдан ўламан!*

Ошкоралик йилларида кимнинг кимлиги, ниманинг нималиги кўринди-қолди. Шуро деб аталмиш сирли, ситамли система бошбоқни сал бўшаштиргач, халқ



эркинроқ нафас олиб, мамлакатда қудратли озодлик ҳаракати бошланди. Шу даврда Эркин Воҳидов «Изтироб», «Халқ депутатларига», «Савағич», «Туш» сингари элни уйғоқликка чорловчи шеърлар яратди. «Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин» шеърисида ошкоралик палласининг хусусияти бундай тасвирланди:

*Хужакурсин қабристони,  
Ёлғон мозори,  
Эгасизлик гури яшаш —  
Бу қайта қуриш.  
Олам аро учмингинчи  
Йиллар сардори  
Ватанга мос урин яшаш —  
Бу қайта қуриш.*

Ошкоралик йиллари ҳар бир халқ, юрт истиқболини намоён қилиб қўйди. 1991 йил кузининг биринчи кунидан Ўзбекистоннинг истиқлоли бошланди. Шоир «Шукурким, келди истиқлол», «Ватан қадри», «Ўзбекистон боғларига қайтиб келди булбуллар», «Тошкент дарбозаси» сингари шеърларини ёздики, уларнинг руҳи, пафоси, ҳатто сўз оҳанги бошқача. Э. Воҳидовнинг истиқлол даври ижоди муҳим илмий-тадқиқотларга мавзу бўлишига шубҳа йўқ. Истиқлол шоир учун шундай бир юксаклик бўлдики, у жумлаи жаҳон, оламдаги барча ўзбеклар, туркий халқлар билан бемалол суҳбатлаша бошлади. Гёте юртига ташриф буюрганида шоир бундай ёзади:

*Гарчи ўтиб кетмиш асрлар қатор,  
Гарчи бу кун узга қурраи олам.  
Аммо ҳануз ерда ёсуманлар бор,  
Ҳануз ўлгани йўқ Мефистофель ҳам.*

(«Учрашув»)

Эркин Воҳидов ўзбек ёзувчилари орасида дунё кезган, ўнлаб юртларда бўлган, давлат раҳбарлари-ю се-

наторлар, санъаткорлару оддий меҳнаткашлар билан энг кўп учрашган ижодкорлардан бири. У ёшлигидан рус тилини яхши биларди. Мумтоз адабиётга муҳаббат туйғулари форс-тожик тилини ўрганди. Ҳозирги замонда дунё кезадиган одам чет тилини билиши жоиз. Эркин Воҳидов тил билгани боис чет элларда кузатувчи — йўловчисиз йўл-йуригини топиб олади.

Эркин Воҳидов ўқитувчи-зиёли оиласида туғилди. Унинг отаси — олтиариқлик Чўянбой ака, онаси тошкентлик Розияхон ая муаллим бўлганликлари учун ҳам у эрта савод чиқарди. Ота-онаси вафот этгач, Эркин Воҳидов Тошкентда, зиёли тоғаси Карим Соҳибоев оиласида тарбияланди. Бу оилада миллий удумлар, дунёвий ва диний илмга эътибор, санъату адабиётга муҳаббат кучли эди. «Таржимаи ҳол»ида Эркин Воҳидов ёзди: «Тоғам касби юрист бўлса ҳам адабиёт ва санъатга қизиққан, шеърятни нозик тушунадиган киши эди. Уйимизга шоир Чустий, хонандалар — ака-ука Шожалиловлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, кенг билим эгаси бўлган олим, таржимон Алихон Соғуний тез-тез келиб туришар эди. Менинг шеърятга қизиқшимни сезган тоғам бу суҳбатлардан мени ҳам баҳраманд қилар эди... Бу суҳбатлар ичкиликсиз, фақат шеър ва кўшиқ кайфи билан, аммо завқ билан музайян бўларди». Оила муҳити бўлажак шоирда мумтоз санъатга, миллий удумларга ҳурмат билан қараш туйғусини тарбиялади. Рус тилини билиш Эркин Воҳидовни рус адабиёти, чет эл адабиёти билан таништирди. Шоир ўз руҳига яқин шоирлар асарларини ўқиди, уларни теран ўқди, таржима қилди. «Сўз — бу менинг оши ҳалолим, Сўз мен учун нондай муқаддас. Шунинг учун бас, дейман доим, Кутлуг сўзни исроф қилмоқ бас» (А. Твардовский) сингари олмос шеърларни таржима қилмаслик мумкинмиди?

Сергей Есенин, Михаил Светлов шеърларидаги нурафшонлик, ҳаётбахшлик Эркин Воҳидовни маҳлиё этди. «Хуросон паризоди» (С. Есенин) шеърини таржима қилар экан, Эркин Воҳидов рус шоири руҳидаги олижаноблик, улғуворликни бўрттириб кўрсатади. Есенин шеъри: «Хуросонда бир эшик бор», — деган

мисра билан бошланади. Эркин Воҳидов ишонадики, Есенин шеъридаги ошиқни ром айлаган паризод оддийгина эшикдан эмас, салобатли дарвозадан кириб чиқиши лозим. Есенин шеърининг илк сатри: «Хурсонда бир дарвоза бор», — деб бошланади. Биттагина детал шеърга улғуворлик, салобат бахш этди-қўйди. Э. Воҳидов М. Светлов шеърларидаги поклик. самимийлик ошиғи. Қалби гузал, донишманд инсон ҳамиша топиб, кулиб гапиради. Агар у шоир бўлса, нур устига нур булади.

Эркин Воҳидов рус тили орқали жаҳон адабиётининг ўлмас асарларидан бўлган «Фауст» (Гёте) билан танишди. Бу беназир асар таржимаси Э. Воҳидов учун маҳорат, фалсафа мактаби вазифасини ўтади. Трагедияда изчил концепция, чуқур фалсафа, бетакрор характерлар бор. Асар бошланишида шоирнинг утли сатрлари баён этилганки, улар ўта самимий, табиий таржима қилинган:

*Қайтиб бергил менга ёшлигим, у пайт  
Узим гадо ва лек кўнглим шоҳ эди...*

*Қайтар менга — ҳали доно бўлмаган  
Суронли ул шўху бебошлигим бер.*

*Меҳри ҳам, қаҳри ҳам сарҳад билмаган  
Жунун ошиноси — ўт ёшлигим бер.*

XX асрнинг 70-йилларига келиб Э. Воҳидов Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Силва Капутикян, Георг Эмин, Иван Драч сингари қардош шоирлар ижодига алоҳида эътибор билан қарай бошлади. Улар улкан маҳорат, миллий ўзига хослик, ўз тилларию юртларига бўлган алоҳида муҳаббатлари билан ҳурматга сазовор эдилар.

## 5

Сўзнинг сўздан фарқини, солиштирама оғирлигини, сал имо билан унинг ранги, оҳанги, маъноси ўзгариб қолишини шоирчалик биладиган, ҳис қиладиган одам бўлмаса керак. Эркин Воҳидов сўзни муъжи-

залар сайёраси деб биледи: бу сайёрада сайр этишдан завқланади. У Навоий, Фузулий, Огаҳий сингариларнинг сўз қўллаш маҳоратига тан беради, улар қўллаган сўзларни юз алфозда талқин, таҳлил қилишдан эринмайди. Эркин Воҳидов — ўйловли, сўзни ўрни-ўрнига қўйиб қўллашни биладиган санъаткор. Унинг шеърларидаги сўзлар жилваланиб, куй таратиб туради ва ҳаммаша, тагмаънога ишора этади. Шоир ижодида ҳазил, аския, чистон, латифа шеърлар анчагина. Эркин Воҳидов ижодидан хабардор китобхон борки, Донишқишлоқли Матмусани, «Оқсоқол»ни, хизматкорликка олинмаган Шум бола-ю унтер Пришибеевни яхши биледи. Матмуса солда, қув, шўх одам. Донишқишлоқ латифалари баҳонасида шоир олам жаҳон фикрларни айтиб олади. Эркин Воҳидов ҳазилларида фикр ва ифода, фитрат ва қиёфа мутаносиблиги бор. Матмуса тарихининг барча «саҳифалари» зур. Лекин, барибир, «Матмусанинг дутори», тандир кийган Матмусага етадигани йўқ.

*Алқисса шу:  
Машиқлар —  
Қидиришни ташласин,  
Керак пардани топган  
Матмусалар яшасин!*

Меҳр — кўзда, сеҳр — сўзда, деган гап бор. Ақлли одамлар аччиқ гапни ҳам, жиддий талабни ҳам, ийдиришни ҳам, ўлдиришни ҳам ҳазил-мутойиба, очиқ кўнгиллик билан амалга оширадилар. Ақлли, доно фикрнинг улови ҳазил, қўлгу, самимийлик. Қопиб эмас, топиб гапириш лозимлигини ҳамма биледи, лекин камдан-кам одамлар самимий, қувноқ сўз воситасида рақибларини енга оладилар.

Эркин Воҳидов асарларидаги ҳазил, сўз ўйинлари, қочириқ, топқирликларнинг илдизи қаерда? Шоир «Таржимаи ҳол»ида ёзади: «Отамни Олтиариқнинг ўқимишли, обрўли одамларидан бўлган деб эслашади. Ундан дарс эшитган, шогирд бўлган, бирга ишлаган одамлар... отамнинг ишларини, гапларини хотирлаб айтиб беришади, қувноқ, дилкаш, сўзга че-

чан одам бўлган дейишади». «Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб мен тоға қўлида қолдим», — деб ёзади шоир. Етимликнинг нони қаттиқ, етимлик отананинг бетакрор эркалашларига зорлик эканлигини билсак-да, Э. Воҳидов қут-баракали оилада тарбияланганлигини кўп бор эшитганмиз. Карим Соҳиббоев зиёли, икки томонлама билимли, дастурхони очиқ, серуфат одам бўлган. Бўлажак шоир ёшлигиданоқ улфатчилик қоидаларини ўрганди, қувноқ аския, сўз ўйини, шеър баҳсидан баҳраманд бўлди. Улфат кўрганлик шоир табиатига чуқур сингди. У ҳамон улфатлар даврасида очилиб-сочилади, шеърхонликдан завқ олади, етук ҳофизлар ашуласини мириқиб тинглайди. Бошқача айтганда, шоир ўзи учун шеърий кайфият муҳитини яратади. Ушбу сатрлар муаллифи қарийб ўттиз йилдан бери Эркин Воҳидов улфатида бўлганидан, ажиб дамлар иштирокчисига айланганидан беҳад бахтиёрдир.

Ҳар бир бадиий асар ўз услуби билан туғилади. Асардаги услуб ижодкор услуби билан қўшилиб кетади. Э. Воҳидовнинг «Инсон», «Ўзбегим», «Истанбул фожеаси», «Палаткада ёзилган дoston», «Нидо» асари бетакрор, ўз услубига эга. Айни вақтда улар Э. Воҳидов услубининг алоҳида-алоҳида асарда кўриниши.

Эркин Воҳидов яратилажак асари услубини аниқлаб олгач, куйини тиниқ эшитгач, қахрамонларини тулиқ тасаввур этгач, қўлига қалам олади. Қизиқ, асар услуби кўпинча сарлавҳадаёқ англашилиниб қолади. «Палаткада ёзилган дoston»да тезкорлик, репортажсиёқчилик, воқеаларнинг дам ривожланиб, дам пасайиб туриши сезилади. Шу дostonда ўқувчи қизнинг Ўзбекистон бошлиғи номига беш сўм жўнатиши, бу пулга болалар боғчаси қуришни сўраши китобхонни титратиб юборади. Дostonда ошиқларнинг шаҳар ҳокимидан шаҳар ичра шаҳарча қуриб бериш ҳақидаги илтимослари ҳам хаёлий, ҳам ҳаётийлиги билан кишини ҳайратга солади.

Эркин Воҳидов ижодининг чўққи асарларидан бири «Рухлар исёни»дир. Унда ғаройиб ривоятлар, фалса-

фий мушоҳадалар, шеър, шоир ҳақида айтилган ёмби фикрлар кўп. Асар бошдан адоқ зиддиятлар кураши тасвирига бағишланган. Достонда Назрул Ислому баҳонасида шеър аҳли ҳақида юксак фикр айтилади:

*Кун борки,  
Тун булгани каби,  
Сув бордирки — аланга.  
Туғилганда ерда Наби,  
Шоир келди оламга.  
Озодликнинг майин ичиб,  
Шавққа тулди шоирлар.*

Шоир — озодлик, ҳурлик, адолат, эзгулик учун курашчи. Достоннинг ҳар бир ҳужайраси исён, зиддият руҳи билан йўғрилган:

*Замин узра  
Қор қуюнин  
Ёғдирганда  
Чарх — фалак,  
Қиш қаҳрига  
Эгмай буйин  
Исён қилар  
Бойчечак...*

Табиатдаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини билиш, инсон табиатини синчиклаб ўрганиш ҳар қандай санъаткорга насиб қилавермайди. Ҳамма янги туғилган, қўлчалари мушт, чинқириб йиғлаётган чақалоқни кўп кўрган, лекин бу ҳолатдан камдан-кам шоир гузал хулоса чиқара олган:

*Туғиларкан,  
Дод дер гудак,  
Кукси тула фиғондир.  
Жажжи мушти  
Нақд гунчадек,  
Бу — ўлимга исёндир.*

«Руҳлар исёни»нинг хотимасида Назрул Ислому қалб изҳори ифодаланган. Айтиш жоизки, у яшаган, яшаётган, яшайдиган шоирлар қасамеди:

*Шоирлик бу юракда қон —  
Силқиб турган жароҳат,  
Тиламасман сенга, ўғлон,  
Осуда бахт,  
Фароғат.  
Тиламасман бир зум ором,  
То тириксан,  
Бедор бўл.  
Азоб берсин сенга илҳом,  
Шеър дардида бемор бўл.*

Эркин Воҳидов ўттиздан ортиқ китоб, юзлаб шеър, мақола, адабий талқин муаллифи. Ҳар бир асарда шоир қалби, услуби, билими, иқтидори акс этган. Шоир бахти шундаки, унинг ҳар бир асари қаъридан санъаткорнинг бетакрор услуби, овози, ўзлиги аниқ-тиниқ билиниб, эшитилиб, кўриниб туради.

6

Эркин Воҳидов зарра-ю қатрадан тортиб сайёралар аро мураккаб муносабатни шеърга солди. Шоир макону замон, тирик мавжудот асрорини теран англайди:

*Тухтасам, тукилгум бир томчисимон,  
Томчидек йўқ бўлиб кетгум оламдан.*

(«Тасаввур»)

Олам — замону макон оддий одамни зумда зеру забар қилиб юбориши мумкин. Мулки борлиқ, Коинот, Сайёра, Оламда яна бир Дунё борки, унга худо ярлақаганларгина кира олади. Унинг номи Шеърият. Бу дунёда сирлилик бор, лекин унда сир ётмайди, кимнинг кимлиги офтобдек аён. Бу ғаройиб дунё ҳамиша ҳаракатланиб, ортиқча юкларни беаёв элаб боради. Шеърият ғалвиридан тукилиб қолган-у, бу сирни яширмоқчи бўлганлар ҳолати аянчли. Эркин Воҳидовнинг халққа ёққани шундаки, унинг шеърияти замонлар ғалвиридан тукилмади. Аксинча, унинг узидан ҳамон шеър тукилмоқда. Бу шеърларнинг мағзи туқ, сўзлари донадона, мазмуни теран:

*Мен ҳаётда бор эканман,  
Уйласам, сен бор учун.  
Куксим ичра қалб урар  
Тун-кун узингга зор учун.  
Жонга чун сенсан тириклик,  
Жон фидо булсин сенга,  
То жаҳонда бор эканман,  
Борлигим сен ёр учун.*

Э. Воҳидов — ақлли-ҳушли, инсофли, донишманд шоир. У етмиш ёшида халқ қалбининг таржимони, дилидагини тилига чиқара оладиган сиймога айланди:

*Иш улдирмас, ишқал улдирар,  
Жон заволи юз ёшмас, куз ёш,  
Инсон нега дунёдан кетар  
Қувлаб унга отмасалар тош?!*

Эркин Воҳидовнинг қуйи ҳамон авжда: торлар панд бергани йўқ. Ойбек, Ғафур Ғулом сингари устозлар ўзбек шеърини истиқболлини Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларда кўрган эдилар. Шоир Ҳабибийнинг Э. Воҳидовга бағишланган ғазалида мана бундай байт бор:

*Қилур эркинлик  
Эркин бузмайин эркинлик услубин,  
Бўлур васф этса эркинликни  
Эркин бир китоб,  
Эркин.*

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов изидан келаётган Сирожиддин Саййид ёзади:

*Ҳар златнинг суянган қушиғи бор, вале,  
«Ўзбегим»дай қасидаю дoston булолмагай...  
Матоҳ қилсалар юз Муҳаммаду Сирож шеърдан,  
Устоз Эркин Воҳидовга бир чопон булолмагай.*

Абдулла Орипов ҳаммиша Эркин Воҳидов билан ёнма-ён борди: унга «Арслон чорлаганда...» шеърини бағишлади, «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламига гузал, теран сўзбоши ёзди.



Эркин Воҳидов бадий адабиёт даҳолари руҳини шод этган, янги ўзбек адабиёти дарғалари дуосини олган, ўз халқ қалбига чуқур кириб борган санъаткордир. Бундай зот ҳеч қачон завоқ кўрмайди.

### ИБРАТЛИ ЯШАШ — САНЪАТ

Академик Матёқуб Қўшжонов, расман, саксон етти йилдан-да мулроқ умр кўрди (1918 йил, 5 май — 2005 йил, 16 август). Инсоният тарихида юз йилдан кейин ҳам анчагина умр кўрганлар сон мингта. Лекин ХХ асрда — сиёсий, мафкуравий, илмий-техникавий экологик инқилоблар, ҳар хил қиргинбарот урушлар юз йиллигида узоқ умр кўриш амримаҳол эди. Тошҳовуз яқинидаги Халланг қишлоғидаги имонли-инсофли оилада туғилган Матёқубнинг боши тошдан экан, не-не воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирмади?! 1918 йили Жунаидхон Асфандиёрхонни ўлдиртирди, қулай-қулай деб турган тахтга Саид Абдуллани ўтқазди. Бу қўғирчоқ хон беш ойгина ҳукмфармолик қилди. Ёш Матёқуб Хоразм халқ шўро республикасини (1920—1923), Хоразм шўро социалистик республикасини (1923—1924) ҳам эсламайди. Эҳтимол, зийрак бу болакай 1924 йили Хоразм хонлиги тасарруфидаги 23 туман тузилаётган Ўзбекистон Республикасига, ўзи туғилган Тошҳовуз, ён-атрофдаги қўшлаб туману вилоятлар Туркменистон Республикасига бирлаштирилганини эс-эс хотирлар. Собиқ шўро ҳукумати даврида Матёқубнинг қарашлари шаклланди, оқ-қорани таниди, чин зиёли бўлиш йўлидан оғишмай илгарилади. ХХ асрнинг 30-йилларида «Ворошиловчи мерган» деган фахрли ном бўларди. Ворошиловчи мерганлар сафига ўн олти ёшга тулган, табиийки, ёйдан, милтиқдан беҳато отадиганлар қабул қилинарди. Матёқуб ақада овчи бўлиш учун табиий белгилар мавжуд эди. Ўзининг сўзлаб беришича, у кўппа-кўндуз кўнлари, ҳаво очиқ маҳалларда юлдузларни бемалол кўрган. Қолаверса, суяги қотар-қотмас милтиқдан отишни ўрганган. Хуллас, ворошиловчи мерган деган номни олиш учун у ёшини сал каттароқ қилиб ёздириб олган...

Иккинчи жаҳон урушигача М. Қўшжонов ўқитувчилик касбини бошлаган, Чоржўй педтехникумида ўқиган, Тошҳовуз ва Самарқанд ўқитувчилар институтида таҳсил олган эди. Хуллас, у 30-йиллар ҳаётининг баланд-пастликларини, мураккабликларини кўриб улгайди. 1942 йилдан бошлаб у немис-фашистлар билан бўлган ҳаёт-мамот жанглирида қатнашди.

Уч йил мобайнида у неча бор ўлим билан юзма-юз келмади, дейсиз? Матёқуб снайпер — мерган бўлди. Бошқача айтганда, у пихини ёрган рақиб мерганини ёки муҳим бир зобитни нишонга олиши лозим эди. Мерганлар жанги алоҳида кечади: ҳар икки мерган бир-бирини енгишга, гоҳ шохда, гоҳ баргда юришга интилади. Шундай ҳам бўладики, мерган тўрт-беш кун окопда миқ этмай ўтиришга, ўзини билдириб қўймасликка интилади. Матёқуб ака ҳикоя қилади:

— Қишдами, ёздами, қордами, қаттиқ аёздами, окопда бир неча кун ўтириб қолишга тўғри келади. Шундай пайтларда махсус бир жангчи чоҳ бўйлаб эҳтиёткорлик билан судралиб ўтар: гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга буханка нон, «Правда» газетасини улоқтирарди. Бир куни «Правда»ни кўздан кечираётсам, галати бир эълонга дуч келдим. Фанлар академияси қошидаги ижтимоий фанлар бўлими аспирантурага қабул эълон қилипти. Галати бўлиб кетдим, қаердалигимни, қийналаётганимни унутдим:

— Худо хоҳласа, ўша академия аспирантурасида ўқийман, — деб ният қилдим. Фаришталар омин деган эканми, орадан ўн йил ўтгач, Академиянинг ижтимоий фанлар бўлими аспиранти бўлдим...

Урушдан саломат қайтгач, М. Қўшжонов 1946 йили САГУнинг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ўқишга кирди. Курсдошлари орасида Бердиали Имомов сингари уч-тўртта собиқ жангчини демаганда, ёш-яланг, қизлар кўп эди. Беш йиллик ўқишни М. Қўшжонов тўрт йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Уни Марказқўмга йуриқчи сифатида ишга олишди. Матёқуб ака факультет, адабиётшунослик билан алоқасини узмади: университетда дарс бериб юрди. 1954 йили М. Қўшжоновнинг ҳув ўша — окопда қилган

нияти — Москвадаги Ижтимоий фанлар академияси аспиранти бўлиш орзуси ушалди. Хараактери шаклланган, иродаси метиндек мустаҳкам Матёкуб ака илм дунёсига, адабиётшуносликнинг бой тарихига тамоман берилиб кетди. Унда тажриба, ирода кучли эди, рус тилини она тилидан-да мукаммал биларди. Уч йил ичида у кунни кун, тунни тун демай ўқиди, изланди, адабиётшуносликда ўз йулини топиб олди. Унинг илк мақолалариёқ пишиқ-пухта, дидли, бетакрор услубга эга адабиётшунос пайдо бўлганидан далолат берарди. Мақолаларини Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Шариф Юсупов сингари донишманд мутахассислар ўзбекчага таржима қилиб республика газета-журналларида чоп эттирдилар.

Матёкуб Қўшжонов ниҳоятда зийрак, ақлли, замона зайлини нозик ҳис этадиган инсон эди. Эллигинчи йилларнинг ўрталаридан шўро давлатининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини англаб етди. У мана шу пайтда САГУга ишга келди. Бу 1957 йилнинг кузи, пахта йиғим-терими мавсуми эди. Мен, гарчи 4-курс талабаси бўлсам-да, биринчи курс талабаларига етакчи эдим. Матёкуб Қўшжонов шу курсга раҳбар бўлиб келди. Домла билан танишганимга бир кам эллик йил бўлибди. Уша пайтда домла ўрта ёшлардаги, миқти, тўқ қора сочлари жингалакликка мойил, оқ юзли, бошига ўша пайтлари урф бўлган кепка кийган, эгнидаги фуфайкасимон камзули, оёғидаги этиги ўзига ниҳоятда ярашган одам эди. Ҳафта ўтар-ўтмас янги домланинг овга қизиқиши, милтигини ҳамиша олиб юриши маълум бўлди. М. Қўшжонов шошмасдан, паст овозда лўнда-лўнда, топиб-топиб гапирарди. «А» товушини «О» (Абдулла эмас, Обдулла), «И» товушини чўзиб, юмшоқ айтиши (Лазииз), «-ку» қўшимчасини «-ку» тарзида ифодалаш (бор-ку) ўзига хўп ярашарди. Матёкуб аканинг хараактери ажиб табассумида нақд кўринарди. Домла кувонганида ҳам, жаҳли чиққанида ҳам табассумини тарк этмасди. Лекин жаҳли чиққанида устознинг лаблари юпқаланиб кетар, ранги билинар-билинемас оқарар, кўзларида истехзо учкунлари пайдо бўларди.

Домла университетга пахта даласига ишга келганида қирқ ёшда эди. У ниҳоятда одамохун, ёшларга меҳрибон экан. Бир-икки йил орасида М. Қўшжонов университетдаги мавқеини белгилаб олди. Бутун умрга қадрдон, ҳамфикр бўлган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Норбой Худойбергенов, Бегали Қосимов, Михли Сафаров, Маҳмуд Саъдий, Урол Ўтаевдек шогирдларини орттирди. Ўша пайтлари Фулом Каримов бошқарадиган биттагина адабиётшунослик кафедраси бўларди. Унда Субутой Долимов, Фани Жаҳонгиров, Зикриё Мирҳожиев, «меҳмон»га келадиган Ҳомил Ёқубов, Натан Маллаев домлалар ишлар эди. Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжоновнинг кафедрасига келиши муҳим ҳодиса бўлди. Ёш ўқитувчилар замон руҳини ҳис қилар, янгиликларни талабаларга етказар, эндигина ниш ураётган муаммоларни адабиётшуносликка олиб кираётган эдилар. Мен, масалан, Фулом Каримовни ҳам, Субутой домлани ҳам, Жаҳонгирову Маллаевни ҳам ниҳоятда ҳурмат қилардим. Аммо руҳимга Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов яқинроқ эди. Булар талабалар билан очилиб-сочилиб суҳбатлашар, пахта мавсумида-ку, талабалар билан бир жон, бир тан бўлиб кетардилар. Ярим аср давомида Озод ака, Матёқуб ака, Лазиз ака билан ёнма-ён, устоз — шогирд бўлиб яшадим. Диплом ишимга М. Қўшжонов илмий раҳбар, О. Шарафиддинов оппонент бўлди. Номзодлик диссертациясини ёзишда Озод ака раҳбар, Лазиз ака илмий тақризчи бўлди.

2002 йили докторлик диссертациясини ёқлаганимда залга Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов илмий кенгаш аъзоси сифатида, Озод Шарафиддинов ҳолис кузатувчи сифатида кириб келишди. Матёқуб устод бутун руҳлари, хайрихоҳликлари билан менга далда бериб турдилар. Озод ака ўша пайтда анча бетоб эдилар. Ҳимоя куни, вақти, жойини аниқ билиб олдилар: «Албатта, бораман», дедилар. Диссертацияни Матёқуб домла, Озод устод мен билан баб-баравар ёқлашди, чоғи. Қўшжонов домла сўзламадилар, лекин ким, нима деяётганини синчиклаб кузатиб бордилар. Шарафиддинов

домла гапиришлари лозимлигини англадилар. Қисқа, лунда, илмий, асосли сўз айтдилар. Л. Қаюмов сал бетоброқ эдилар, гапирмадилар, индамай ўтирдилар, овоз бердилару кетиб қолдилар. Хуллас, устозларим менинг учун синовли кунда ёнимда бўлдилар, керакли йул-йуриқни кўрсатдилар. Ҳаётнинг узгармас қонунлари бору, биз уларга ҳамиша ҳам эътибор беравермаймиз. Университетда олдинма-кейин иш бошлаган домлаларим ХХI асрнинг тўртинчи, бешинчи йилида, 20 ой мобайнида ҳаётдан кетдилар. Матёқуб Қўшжонов вафотидан эллик кун ўтгач, Озод Шарафиддинов фоний дунёни тарк этдилар. Домлаларим вафоти қаттиқ таъсир қилди: қанотларим қайрилиб қолгандек бўлди. Матёқуб Қўшжонов университетда узоқ ишламади. Лекин университетда ўтказган йилларини: маърузаларини, адабий тўгарак фаолиятини, шогирдларини умр бўйи эслаб юрди. «Маъруза жараёнида фикр бир нуқтага жамланади. Муҳими, онгингизда яшириниб ётган тансиқ фикр лоп этиб юзага чиқади», — дерди М. Қўшжонов. Устознинг талабаларга, ўз шогирдларига меҳрибонлиги самарасини шундан ҳам билиш мумкинки, А. Орипов, Ш. Холмирзаев, Ҳ. Ўтаев, М. Саъдий, Н. Худойбергандов М. Қўшжонов ҳақида бадиий, илмий асарлар ёздилар.

XX асрнинг 50-йиллари охири, 60—70-йиллардаги талабалар ниҳоятда фаол, янгича қарашларга ўч, мавжуд адабий-мафкуравий сиёсатга ишончсизлик билан қарардилар. Бунинг сабаблари кўп эди. Илғор фикрли ўқитувчи-профессорлар ҳам талабани мудроқликдан асардилар. Ўша пайтларда жадвалга ёзилган расмий дарслардан ташқари, аудитория ён-верисидаги, коридор, вестибюль сабоқлари маълум, машҳур эди. Аудитория атрофидаги сабоқлар мавзуси қандай эди? Маълумки, узоқ давом этган, қонли тарихга бой шахса сифиниш сиёсати фош этилгач, А. Солженицин, Б. Пастернак, А. Рибак, А. Бек сингариларининг асарлари нашр қилинди. Ёш авлод бу асарларни ўқинг, мулоҳаза юритиш имконига эга бўлди. Фикрлайдиган ёшлар социалистик реализм методи сароб, фандаги лисенкочиликнинг айнан ўзгинаси эканлигини айта бошладилар.

Василий Аксёнов, Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Евгений Евтушенко, Фозил Искандар каби янгилик тарафдори бўлган шоирлар асарлари ёшлар қалбини забт этди.

Аудиториядан ташқаридаги сабоқлар мавзуси, табиийки, қамалган, отилган, асарларини ўқиш ман қилинган ўзбек ёзувчилари эди. Айниқса, Чўлпон руҳи ҳамма ёқни чулғаб олганига қарамай, расмий маҳкама кучлари бу руҳни йўқотишга бекорга уринишлари ёшлар газабини орттирарди. Инсон табиати қизиқ: зўр бериб яширинган сирни билишга, ман этилган неъматни татиб кўришга интилади. Чўлпон шеърлари, асарлари қанчалик яширилмасин, аксарият талабалар бу шоир шеърларини аллақачон ёд билардилар.

60-йилларнинг бошларида Абдулла Қаҳҳор атрофида истеъдодли, янгиликка ўч адибу олимлар уюшдилар. Ажабки, Абдулла Қаҳҳор гуруҳининг аъзолари Тошкент давлат университетининг Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматовдек ўқитувчилари, Абдулла Орипов, Шукр Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовдек талабалари, университетни тугатган Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Норбой Худойберганов эдилар. Абдулла Қаҳҳорчилар янги ўзбек адабиётига замонавий руҳ, кайфият олиб кирдилар. Бошқача айтганда, ТошДУда аудитория ташқарисидаги сабоқлар бевосита дарсхонага кириб кела бошлади.

Талабаларга янги замон руҳини, бадиий маҳорат сирларини сингдирган устозлардан бири Матёқуб Қўшжонов эди. XX асрнинг 60-йилларидаги янгилашниш, қарашлардаги илғорлик, бадиий адабиётнинг инсон маънавиятини тарбиялашдаги аҳамиятини теран англаш фақат талабаларга эмас, балки характери 40–50-йиллари шаклланган домлаларга ҳам таъсир ўтказди. М. Қўшжонов устоз миллийлик муаммосига, характер моҳиятини белгиловчи ўзлик, бетакрорликка жиддий эътибор бера бошлади. У Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарларини қайта-қайта ўқиркан, улардаги янги маъно қатламларини кашф эта борди. Олим XX асрнинг 60-йилларидан XXI аср бош-

ларигача А. Қодирий, А. Қаҳҳор асарларини камида тўрт бор қайта-қайта талқин қилди. 60-йиллари «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Сароб», «Синчалак» бир жиҳатинигина олимга намоён қилган бўлса, кейинчалик бу асарлардаги янги-янги қатламлар кашф этиб борилди. М. Қўшжонов «Ўзбекнинг ўзлиги»да, «Адашганлар фожиаси» тадқиқотида уч машҳур роман ҳақидаги бош ҳақиқатларни ёритиб берди.

Матёқуб Қўшжонов танқидчилик соҳасига илмий муаммони олиб кирган олим-ижодкордир. Шу пайтгача, баъзи мақола, тадқиқотларни ҳисобга олмаганда, адабий асар ҳақида умумий гаплар айтилар, мавҳум хулосалар чиқариларди. М. Қўшжонов ижодининг илк палласиданоқ характер муаммосини кўтарди. Бу муаммо фақат образ, образлиликни, ҳаётини ва тўқима қаҳрамонлар масаласини эмас, балки сюжет, композиция, бадиий тил сингари жиддий йўналишларни ёритиш имконини берди. Муаммони кўтарган олим ёхуд илмий изланишлар йўлини танлаган мунаққид ўз билимини, назарий қарашларини узлуксиз такомиллаштириб боради. Матёқуб Қўшжонов ўзбек адабиёти асарларини талқин, таҳлил қилди, рус олимлари-файласуфлари, нафосатшунослари, назарийчилари, мунаққидлари асарларини кунт билан ўқиди, ўрганди. У танқидчиликдаги мураккаб, заҳматталаб йўлни танлади. Айрим мунаққидлар давлат, фирқа сиёсатини ўзлаштирдилар, уни ўз ижодларининг қудрати сифатида маҳкам тутдилар. Тўғри, фирқа йўригини қаттиқ ушлаганлар амалдор бўдилар, юртларни кездилар, халқаро анжуманларда комфирқа мафкурасини изчил ёқладилар. Матёқуб Қўшжонов бадиий асарларни тинимсиз ўқиди, илмий адабиётларни ўзлаштиришни олимлик принцигига айлантди. Теран илмга суянган мунаққид бора-бора назарийчига, эстетик категориялар ҳақида ўз қарашини билдирадиган тадқиқотчига айланди. Олимнинг «Ижод сабоқлари», «Ижод масъулияти», 2 жилдлик «Сайланма»сидаги «Назарий лавҳалар», «Назария соҳилларида», «Бадиият қонуниятлари» сингари бўлимларни Матёқуб Қўшжонов ижодининг мойси, нектари дегим келади.

Илм кишисининг яна бир завқи, ҳузури бор. Изланган, муаммо ичра муаммо яратган олим шундай хулосаларга келадики, ўз меҳнатидан қониқиш, ҳеч қандай бойликка алмаштириб бўлмайдиган таскин топади. Матёқуб Қўшжонов ўтган асрнинг 70-йиллари тулиб-тошиб ижод қилди, тадқиқотлар яратди. Қарангки, XX асрнинг 70-йилларида Фарбий Европа, Англо-Америка адабиётшунослигида рецептив эстетика, герменевтика, аксиология, структурализм ҳақида янгидан-янги назариялар пайдо бўлди. М. Қўшжонов чет эллардаги энг янги адабиётшунослик ютуқларидан таниш бўлмай туриб маъно ва мезон, қалб ва қиёфа ҳақида шундай қарашларни айтадики, улар структурализм, экзистенциализм сингари қарашлар билан уйғунлашиб кетади. Олимнинг бундай янгилиги фақат унинг ўзига эмас, балки у мансуб бўлган адабиёт, адабиётшунослик, танқидчиликка катта наф келтирарди. Матёқуб Қўшжонов ўз кучи, имконини яхши биларди. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йил 3, 10 май сонларида босилган «Елкам ер кўрмади» номли М.Саъдий билан суҳбатида илмий излашни, ҳамиша йўлдоши бўлганини, тилини бурро, қаламини ўтқир қилганини айтади.

Матёқуб Қўшжонов услубан таркибшунос мунаққид эди. Узининг эътирофича, «матн таҳлили» биринчидан сўзнинг ўрни, вазифаси, маъно юкини аниқлаш имконини беради. Иккинчидан, матн моҳиятти англаш — ёзувчи кечинмаларини қайта ҳис қилиш. Учунчидан, матндаги сўз, оҳанг, пафосни англаш — асар ютуғи, камчиликларини аниқ-тиниқ кўриш. Матёқуб Қўшжонов А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор санъатини ёритмоқчи экан, матнга, сўзлар маъносига диққатни қаратади. Мунаққид қайси асарни ёқтириб қолса, уни кечинмадошлик нуқтаи назаридан баҳолайди. М. Қўшжонов «Қутлуғ қон», «Синчалак»ни шундай таҳлил қиладики, китобхонда: «Мунаққид асарни тулалигича ёдлаб олган, шекилли», деган фикр пайдо бўлади. «Қутлуғ қон» таҳлил этилган тадқиқотда асардан олинган етмишдан ортиқ, «Синчалак» тадқиқот-тақризида эллик еттита иқтибосни санаб ёқа ушлаганман.



Наҳотки, мунаққид шунчалар синчков бўлса?! Дарвоқе, айрим туркий тилларда мунаққидни «синчи» деб беҳудага айтмаган эканлар.

«Жаҳон адабиёти» журналининг 2001 йил 1-сонида М. Қўшжошовнинг «XX аср менинг тақдиримда» деган ихчамгина мақоласи — анкета сўровномаларига жавоби босилди. Унда Устоз Москвада, аспирантурада ўқиб юганида кўп ва хўб ўқишга одатланганини ёзади. Чиндан ҳам, М. Қўшжошов ҳам илмий, ҳам бадиий асарларни куну тун ўқиди. Тинимсиз ўқиш, фикрлаш туфайли у бош оғриги дардига чалинди. Аммо ўқимаслик, тинимсиз илм захирасини бойитмаслик мумкин эмас. У уйда, ишхонада, ҳатто маҳалла чойхонасининг бир бурчагига утириб олиб ўқиди. Бора-бора кўз ҳам чарчади. Энди устоз китобларни шогирдларига ўқитиб, тасмага ёзиб олиб эшитарди. Ҳамон у бош қоидасига риоя қиларди: асарни теран ўзлаштирагунча, китобхонга маъқул фикрни топмагунча, қўлига қалам олмас эди. Ана энди хомчўт қилиб кўринг: эликка яқин китоб ёзмоқ учун домла неча-неча юз бадиий, илмий асарларни мутолаа қилмаган?!

Матёқуб Қўшжошов хонлик тузумида таваллуд топганини, болалиги Хоразм республикасида ўтганини, характери шўро даврида шаклланганини ёзган эдик. Олим ҳаётининг сўнгги ўн тўрт йили Мустақил Ўзбекистонда кечди. Озодлик халқ орзуси, Мустақиллик доимий интилиш эди. Аммо ҳар қандай янгилик одамни шошириб қўяди. Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилиниши арафасида М. Қўшжошов Ялтада, ёзувчиларнинг ижод уйида эди. Тасодифни қарангки, ижод уйига олган йўлланма домла йўлланмаси билан бир вақтга тўғри келибди. Мен Матёқуб ака билан мириқиб-мириқиб суҳбатлашдим, Ялтани, денгиз бўйини сайр қилдим. 1991 йилнинг 19 августида рўй берган сиёсий воқеаларни биз Ялтада эшитдик. М. Горбачев «қамалиб» қолган Форос бизга яқин, кўриниб турарди. Матёқуб Қўшжошов қаттиқ ҳаяжонланди. «Кетаман», «Тез жунашим лозим»га тушиб қолди. Уёқ қилдим, буёқ қилдим — домлага битта чипта топдим, самолёт-

га чиқариб юбордим. Ўзим, оилам, икки набирам билан 1 сентябрда Тошкентга учиб келдик.

Мустақилликдан кейин М. Қўшжонов «Ўзбекнинг ўзлиги» (1999) Президент ҳақидаги «Элим деб, юртим деб...» (1999) «Алам», «Армон» биографик асарларини, «А. Қодирий — эркисизлик қурбони» тадқиқотини яратди.

Ёш бир жойга бориб қолгач, имонли-инсофли одам юмушларини яқунлашга, босиб ўтган йўлини хулосалашга киришади. Матёқуб Қўшжонов 1997 йили «Дийдорнома» китобини чоп эттирди. Асардаги очерк, портретлар адабий жамоатчиликка маъқул бўлди: тақризу мақолалар ёзилди. Энди М. Қўшжонов «Дийдорнома»ни бойитишга, тўлдиришга киришди. Ниҳоят, 2004 йили «Шарқ» нашриёти салмоқли «Дийдор» китобини босиб чиқарди. Бу китоб М. Қўшжонов домланинг юрагига яқин, узоқ, мураккаб ҳаёт йўлида ҳамроҳ, ҳамнафас бўлганлар ҳақидаги эссе, портретлардан иборат. Китоб қаҳрамонларининг ҳар бири М. Қўшжонов ҳаёти, ижодида из қолдирган.

Донишманд Матёқуб Қўшжонов «Дийдор» воситасида фалсафий бир фикрни бадиий-образли ифодалайди. Одам ҳар қанча серғайрат, укувли, истеъдодли бўлмасин, битта ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ижодий ютуқ, ҳар бир янгилик кўпнинг кўмаги, рағбати билан амалга оширилади. Бошқача айтганда, М. Қўшжонов табиатига ёлғизлик, худбинлик, «ўзинг учун ўл етим»лик ёт эди.

Мен «Дийдор» китобида М. Қўшжоновнинг умр йўлдошлари, малакали врач, олима, икки фарзанд, бир неча невараларни оқ ювиб, оқ тараган Раҳима опа Раҳмонова ҳақида махсус мақола бўлишини истардим. М. Қўшжонов домлани таниган, билган одам борки, файзли, очиқ кўнгил, тиниб-тинчимайдиган, оқила Раҳима опани ҳурмат билан тилга олади. Опа домлани умр бўйи парвариш қилдилар, ижодий шароит яратиб бердилар, парҳез овқатлар билан сийладилар. Чиндан ҳам, М. Қўшжонов умрларининг охиригача отдай юрдилар, шаҳар, дала ҳовлидаги юмушларни бажардилар. Матёқуб домла бойликка ружу қўймадилар. Мустақил-

ликдан кейин ўзини ўққа-чўққа урган олимлар топилди. Домла зинҳор қаноатни унутмадилар. Албатта, бундай йул тутишларида Раҳима опанинг ҳиссалари борлигига ишонаман.

М. Қўшжонов баракали ижоди, фаолияти билан юрт хурматини қозонди: Ўзбекистоннинг улғ нишони билан тақдирланди. Матёқуб Қўшжоновнинг иккинчи умри асарларида, кўплаб шогирдлари изланишларида амалга ошишига шубҳа йўқ.

Матёқуб Қўшжонов ҳақида «Ўзбекфильм»да кино яратила бошлаган, устоз сиймоси муҳрланган ноёб воқеалар суратга олинган эди. Шу фильм поёнига етказилса, ёш авлод серфайз, купни кўрган Матёқуб Қўшжонов билан яқиндан танишган бўларди.

#### ҲАҚИҚАТПАРАСТ

Устоз Озод Шарафиддинов 2005 йил 4 октябрда, муборак моҳи рамазоннинг биринчи кунда вафот этдилар. Домла қайси савоб-амаллари учун бундай илоҳий сийловга мушарраф бўлдилар? Озод ака етмиш йил китобга дўст тутиндилар. Бунчалик бой кутубхонага эга бошқа бир зиёлини топиш маҳол. Тўғри, жавонга буй-басти, ранг-тусига кўра кўплаб китоблар терилган, лекин тахи очиб кўрилмаган кутубхоналар бор. Озод аканинг кутубхонаси ҳамиша ҳаракатда — тирик эди. Домла қайси китоб қаерда туришини, унда нима ҳақда ёзилганини яхши билардилар, ўқиганларини тегаран мушоҳада этардилар.

Мен ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Озод ака билан Узоқ Шарқда (Иркут, Хабар ўлкасида); томи жаҳон (жаҳон томи) Тоғли Бадахшон ўлкаси, Ҳоруғ шаҳрида; Арашон воҳасида, тоғ орасидаги афсонавий Филон қишлоғида, кўҳна Боботоғу Амударё бўйларида сафар-саёҳатда бўлганман. Қачон, қаерда бўлмайлик, Озод ака саҳармардонда турар, ювиниб-тараниб олгач, албатта, китоб ўқирди. Домла, ҳеч муболагасиз, юртимиздаги деярли барча китоб базаларини, дўконларини билар, китоб сотувчилар билан эринмай суҳ-

батлашарди. Китоб савдосига алоқадор одам борки, домлани ҳурмат қилар, унга бисотидаги энг нодир китобларни илинарни. Устоз бир умр ғийбат, бекорчи гаплардан йироқ бўлдилар; ўқидилар, уқдилар, илм билан шуғулландилар, кўп ва ҳўб ёздилар. Китобга, илмга эътиқод қўйган одам Оллоҳнинг суйган бандаси бўлишига ишонасан киши.

Инсонни эъзозлаш — донишманд одамларнинг етакчи фазилати. Озод Шарафиддинов умрининг олтмиш икки йили шўро даврида кечди: не-не амалдорларни, қамчисидан қон томган не-не тўраларни, кулиб туриб жонни оладиган не-не доғулиларни, устаси фаранг — мунофиқларни кўрмади, кимлар билан тўқнашмади дейсиз?! Асосийси шуки, Озод аканинг қалби тошга айланмади, инсонга ишончи сўнмади. Аксинча, ёшига ёш қўшилгани сайин устоздаги кечиримлилиқ, мурувват туйғуси орта борди. У, ўзи оғир хаста бўлишига қарамай, беморлар ҳолидан хабар олди, таъзия, маросимлардан имкон қадар қолмади. Домла ҳеч кимга, ҳеч қачон дардини дастурхон қилмаган. Аксинча, уни кўргани келганлар билан дилкаш суҳбат қураб, ҳазил-ҳузул қилар, қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб берар эди. Озод аканинг соғлом руҳи бир томон, мажруҳ жисми бир томон бўлди. Домла сўнгги нафасигача ақл-ҳушини йўқотмади, фарзандлари, неваралари билан рози-ризалиқ тилашиб, бу дунёни хотиржам ҳолда тарк этди.

Озод Шарафиддинов 4 октябрда, ўзлигини англаган, миллат учун қайғурган ҳар бир ўзбекнинг кўнгил дарди янгиладиган кунда вафот этди. Бундан роппароса 68 йил муқаддам шу куни Чўлпон, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, Фитрат отиб ташланган, аммо «одил шўро суди» бу жиноятни 5 октябрда расмийлаштирди. Озод Шарафиддинов адабиётшунос олим, нозик дидли мунаққид сифатида Чўлпон ижодини ниҳоятда юксак баҳолади. Чўлпоннинг ўтли шеърлари, бетакрор насрий асарларисиз XX аср ўзбек адабиёти кемтик бўлиб қолишини бутун борлиғи билан ҳис қилди.

XX съезддан сўнг ижтимоий-сиёсий, адабий-ижо-

дий ҳаётда ҳурфикрлилик, одамийлик насими элас-элас эса бошлади. Қатағон-қирғин қурбонлари расман оқлангани маълум этилди. Лекин... Чўлпон оқланмади. Шоир: «Менда-да қанот бор, лекин боғланган... Боғ йўқдир, шох йўқдир, лекин девор бор», деганича қолаверди. Ажабки, Чўлпонни таниган, билган, унинг этагидан тутиб адабиётга кириб келганлар ўзларини панага олдилар. Майдонда Дон Кихот бўлиб Озод Шарафиддинов қолди: Чўлпон ижодини тарғиб қилиш учун бор имкониятини ишга солди. У қонун-қоидани бузмади, бор ҳақиқатни тикламоқчи бўлди, холос. Қараб-сизки, истеъдодли, куч-қувватга тўлган ёш олим-мунаққид ғоявий-мафкуравий ишончсиз кишига айланди-қолди. Озод ака чекинишни, «қора»ни «оқ» дейишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, Чўлпон, Отажон Ҳошим, Фитрат ҳақида мақолалар ёзди. Улар ижодини қонуний вориси — халққа қайтариш борасида тинимсиз ишлади.

Табиийки, ўша даврдаги ҳукмрон мафкура Озод аканинг ижодида ҳам муайян из қолдирди. Домла Ленин ҳақида ёзилган ҳикоя, қисса, романларни таржима қилди: дастлаб у Ленинни доҳий сифатида улуглаган, шўро тузумининг илдизи мустаҳкам эканига шубҳаланмаган эди. XX асрнинг 80-йилларида авж олган ошкоралик, ҳурфикрлилик октябрь тунтариши, доҳийлар, фирқа ва давлат бошлиқлари ҳақидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳақиқатларни юзага чиқарди. Коммунизм, синфлараро муросасиз кураш, партиявийлик, соцреализм, ижобий қаҳрамон ҳақидаги гаплар асоссиз, ҳақиқатдан йироқ эканини ҳаётнинг ўзи исботлай бошлади. Фикрлайдиган жамики кишилар қатори Озод Шарафиддинов ҳаёлидан «Коммунистик қарашларни ўзлаштириб хато қилмадимми? Ишонганларим сароб бўлиб чиқмасмикан? Ўқиганларим билан кўрганларим сира қовушмаяпти-ку?» деган шубҳа бот-бот ўта бошлади.

Бу даврга келиб Чўлпонни ўрганиш, ўқитиш йулидаги сохта ғовлар кўтариб ташланди. Озод аканинг кўнгли таскин топди, эмин-эркин ижод қила бошлади. Чўлпон, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида,

адабиётнинг долзарб мавзуларида мақолалар ёзди, китоблар нашр эттирди. Иқтидорли шогирдларига Чўлпон ижоди бўйича тадқиқот мавзулари берди. Устознинг шогирдларидан Улуғбек Султонов, Раҳмон Қўчқоров, Замира Эшонова диссертация ёқладилар. Озод Шарафиддинов энди бемалол Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия ижоди ҳақида маърузалар қилиши, амалий, илмий ишларни давом эттириши мумкин эди. Лекин шу орада кутилмаган воқеа рўй берди. Арзимас баҳонаи сабаб билан Озод Шарафиддиновни қаттиқ ранжитдилар. Дўст бўла туриб хато қилиб қўйганлар ҳам афсусландилар. Домла қадрдон университетидан кетишга мажбур бўлди.

Озод ака илмий-ижодий ишга, мунаққидлик, таржимонликка жиддий берилди. Чўлпон асарларини чоп эттириш, бу улуғ шоир ижоди ҳақида тадқиқотлар яратишга киришди. Ўзбекистон Мустақиллиги, бу йўлдаги хатти-ҳаракатлар ҳақида ёниқ мақолалар ёза бошлади. Унинг асарлари каттаю кичикнинг эътиборини, эътирофини қозонди. Озод Шарафиддинов «Тафаккур» журналининг муҳаррири ўринбосари сифатида фаолият юрита бошлади. Журнал мухлислари устознинг жўшқин, янги қарашлар билан тўйинган мақолаларини интиқлик билан қаршилади, қизиқиш билан мутолаа қилди. «Тафаккур» журналининг 1997 йил 1-сонида устознинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» сарлавҳали иқрономаси босилди. Муаллиф ишонарли далиллар, ҳаётини воқеа, лавҳаларда комфирқа ҳаёти, йўриғидаги сохталикларни аниқ курсатиб берди. Бошқача айтганда, Озод Шарафиддинов юрагида тош булиб ётган дардларини сиртга чиқарди, матонат, жасоратини яна бир бор исботлади. Мазкур ўтли мақоладан сўнг ҳануз иккиланиб, юрганлар қийин аҳволга тушиб қолди.

Устоз яна ҳам жўшиб, Мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида меҳнат қила бошлади. У гоҳ мақола ёзар, гоҳ таржима билан шугулланар, гоҳ халқ орасида жўшқин фикрлар айтар эди. 1997 йил 27 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон адабиёти» журналинини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Жур-

нал бош муҳаррирлигига Озод Шарафиддинов мулжалланган эди. Озод ака журнални тайёрлаш, таҳририят ишини йўлга қўйиш сингари масалалар билан жиддий шугулланди. Март — июнь ойларида бош муҳаррир туну кун ишлади: журнал концепциясини ишлаб чиқди, яқин бир-икки йил давомида босиладиган таржима асарларни режалаштирди, муаллиф-таржимонлар билан қатъий шартнома тузди. Июль ойида «Жаҳон адабиёти»нинг нишона сони журналхон қўлига етиб борди. Журналнинг илк сонини Озод ака Тошкент тиббиёт институти жарроҳлик бўлимида, чап сони қирқиб ташланган кунлари қўлга олди. Озод аканинг қалбида қуёш чарақлаб турган бўлса-да, жисму жонидаги оғриқ ўзини билдирар эди. Қувонч билан қайғунинг эгизаклигини қаранг...

«Жаҳон адабиёти» ҳар ойда мунтазам чиқиб турди. У дунё адабиёти, санъати, эстетикаси, тамаддунига очилган нурли дарча бўлди. Қодир Мирмуҳамедов, Низом Комилов, Иброҳим Ғафуров, Мирпўлат Мирзо, Файзи Шоҳисмоил, Раҳматилла Иноғомов, Амир Файзулло, Миразиз Аъзам, Зоҳир Аълам қаби таржимонлар ёнидан Назар Эшонқул, Вафо Файзулло, Қудрат Дўстмуҳаммад, Раъно Иброҳимова, Бобоҳон Муҳаммад Шариф, Носир Муҳаммад сингари иқтидорли мутаржимлар ўрин олди. «Жаҳон адабиёти»да инглиз, немис, хитой, француз, араб, корейс, ҳинд тилларидан бевосита таржима қилинган асарлар чоп этила бошлади. Бу Ўзбекистондаги таржима мактаби янги поғонага кўтарилгани далилидир. Истиқлол туфайли ўзбек санъати, адабиёти учун жаҳон адабиёти, санъатини ўрганишнинг янги имкониятлари очилди. Бошқача айтганда, бош муҳаррирдаги зукколик ва топқирлик янги бир шаклда намоён бўлди. Журналда сюрреализм, экзистенциализм, модернизм оқимлари, поэтика, структурализм муаммоларига бағишланган мақолалар чоп этила бошлади. Озод Шарафиддиновнинг ўзи жаҳон адабий жараёни, сюжет масалалари, баҳолаш назарияси, адабий портрет, биографик асарга оид қўплаб эссе-мақолаларни таржима қилди. Таъбир жоиз бўлса, устоз мамлакатимиздаги филолог — бакалавр, магистр, ас-

пирантларга «Жаҳон адабиёти» минбаридан мароқли маърузалар тавсия этди.

Озод Шарафиддинов умр бўйи машҳур шахслар феномени билан қизиқди, қимматбаҳо тошлар биографиясини ўрганди, Тибет тамаддуни, жумбогини ечишга бел боғлади. Журналда Хитой, Қурия, Курдистон, Эрон, Япония, Абхазия латифалари, мақолу маталлари Озод Шарафиддинов таржимасида нашр этилди. «Жаҳон адабиёти» китобхонни милоддан аввалги VII аср милодий XXI юз йиллик адабиёти билан таништирди. Журналнинг адабий харитаси ниҳоятда кенг: унда қайси юрт, қандай халқ адабиёти ҳақида маълумот берилмади дейсиз! Устоз сиёсат, экология, истиқбол, наботот, жамодот, ҳайвонот олами ҳақида турфа мақола ва асарларни чоп эттирди. 1997 йилдан 2005 йил октябригача Озод Шарафиддинов бош муҳаррир сифатида имзо чеккан «Жаҳон адабиёти»нинг 100 китоби — сони босилиб чиқди. «Жаҳон адабиёти» саккиз йил ичида мамлакатимиздаги журналлар ичида, шубҳасиз, баланд мақомга эришди. Журнал саҳифасида ўзбек мунаққидларининг, олимларининг кўплаб мақолалари нашр қилинди. Олимлару мунаққидлар, шоиру адиблар жуда юксак минбар учун материал тайёрлаётганини ҳис этиб турдилар. Шу боис «Жаҳон адабиёти»нинг ҳар бир сони ўз қиёфасига, қимматига эга.

«Жаҳон адабиёти» фақат ўқувчи — журналхонга эмас, балки журнални тайёрловчилар — мутаржим, мунаққид, ижодий ходимларга ҳам бадиий-маънавий, маърифий-эстетик наф келтирди. Улар ҳар томонлама ўсди, улғайди. Журнал учун материал танлар экан, бош муҳаррир қарашлари, тушунчаларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Суҳбатларнинг бирида Озод ака унгу терсга қарамай китоб йиғаверганларидан нолиб қолдилар: «Ҳозирги тушунчам бўлганида, аввалбошда ноқ китобни танлаб-танлаб, чертиб-чертиб йиғар, ўқир эдим», дедилар. Хаёлимга «Жаҳон адабиёти»нинг 2003 йил 6-сонида устоз олим таржимасида босилган «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» (Ҳерман Ҳессе) мақоласи тушди. Олмон олими-ёзувчиси Ҳ. Ҳессе ёзади: «Биз учун имкон қадар кўпроқ ўқиш ва ўқиш муҳим бўлмас-



лиги керак, балки дурдона асарларни бемалол, эркин ва ўзимизга маъкул тарзда танлай олишимиз ҳамда буш вақтимизда бутун вужудимиз билан уларга берилиб, улардан ҳақиқатни идрок этишда инсон нақадар буюк қўлам ва теранликка эришганини тасаввур қилиш муҳимдир».

Озод Шарафиддинов сўнгги йиллардагина Америка ва Ғарбий Оврупо адабиётларидаги оқимлар, поэтиканинг нозик муаммолари, герменевтика, аксиология билан яқиндан танишди. Устознинг улуғ сабоғи шундаки, у жўшиб, тўлиб-тошиб модернизм, экзистенциализм, абсурдизм, авангардизм, сюрреализмга бутунлай маҳлиё бўлиб кетмади. У Ғарб адабиётшунослиги назариясини ўқишга, англашга интилди. Эътибор беринг, Озод Шарафиддинов модернизм, ўзга оқиму назариялар ҳақидаги қарашлари ифодаланган мақоласига «Модернизм жўн ҳодиса... эмас» деб сарлавҳа қўйди. Сарлавҳа — муносабат, англаш даражаси, ғоянинг ифодаланиш йўли. Устоз ўзбек адабиёти намунасидан биронтасини модернизм қолипига солиб таҳлил қилишга шошилмади. Ваҳоланки, Озод ака шеърятни, ундаги ўзгаришларни нозик англайдиган мутахассис эди.

Устоз танлаб ўқиши, кўпроқ ижод қилиши, билган-кўрганларини тезроқ қоғозга тушириши лозимлигини англади. Сўнгги тўрт-беш йил ичида Озод ака бот-бот шифохонада бўлар, касаллик, ҳар хил муолажалар кўп вақтини ўгирлар эди. Олим-адиб сўнгги йиллари қанчалик шиддат, илҳом билан ижод қилганини «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» номли тўқис китоблардан, ўнлаб таржималардан, «Жаҳон адабиёти»нинг 100 китобидан билиб олиш мумкин.

Олим ижодидаги муҳим бир хусусиятни таъкидлаш керак. У ким, нима ҳақида ёзмасин, масаланинг илдинини топишга, моҳиятни юзага чиқаришга интилди. Бу эса, ҳақиқатни рўй-рост юзага чиқаришни тақозо этди. «Шундай шоир ўтган эди», «Хаёллар бандаси», «Зикриё Мирҳожиев жумбоғи», «Тил илмининг дарғаси», «Ғайратий ҳақида сўз», «Бир нутқ тарихи» сингари этюд, эсселар шу жиҳати билан қадрли. Олимни ўртаган масала шуки, шўро тузуми, комфирқа мафкураси

не-не ёрқин сиймоларни йўқ қилди, шахс сифатида синдирди, ижтимоий эҳтиёткор, қўрқоққа айлантирди. Озод аканинг ўзи ҳамиша синдирилиш, қуюшқонга киритилиш хавфини ҳис этиб яшади.

Озод Шарафиддинов инсон ҳамиша меҳрга муҳтож, бир тутам покиза нурга интиқ бўлиб яшашини чуқур англаб етди. У Мустақиллик йилларидагина қадр топди. Оғир хасталик хуруж қилганида, асосий мучасидан айрилганида уни юрт раҳбарининг ўзи қўллаб-қувватлади. Олим-адиб ун йил орасида икки юксак орден, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан сийланди. Бундай муносабат Озод ака умрини узайтирди, уни баракали ижодга ундади, адабий-маърифий анжуманларда самимий, тўлиб-тошиб гапиришига имкон берди. Аммо Озод Шарафиддинов ҳамиша ўйловли иш қилар, ўлчовли гапни айтарди. У ўз эътиқодига, тушунчасига мос келмайдиган юмушга зинҳор қўл урмас эди.

Озод ака ўзбек адабиёти, адиблари, умуман, гўзаллик, бадиийлик ҳақида ўй суриб, ҳузур қилар, ҳар томонлама бостириб келаётган касалликларни улоқтириб ташларди. 2004 йилнинг ёзида устоз ўзларига қадрдон бўлиб қолган маскан — Иккинчи ТошМИнинг жарроҳлик бўлимига ётдилар. Ўнг оёқ ҳам кесиладиган бўлиб турибди. Шундай пайтда ҳам Озод ака адабиёт ҳақида уйладилар. «Ойбек ҳаёти, ижоди моҳиятини белгилайдиган асосни топдим, — дедилар устоз. — Уйдаги ихчам ёзув столчамни келтириб берсалар, ҳозироқ ёзишга киришардим». Озод Шарафиддиновнинг «Миллатни уйғотган адиб» мақоласи Ойбек 100 йиллигининг етакчи лейтмотивига айланди. Миллий университетда чоп этилган шу номли тўпلام Озод Шарафиддинов мақоласи билан очилгани сабаби ҳам шунда.

Устозни вафотларидан бир ҳафта бурун кўрдим. Анча чарчаган, ҳолдан тойган бўлсалар-да, дона-дона гапирдилар: «Ҳар бир саёҳатимиз ўзига хос тарих экан. Боботоғ саёҳатини эслайман. Қандай қадимий тоғларимиз, ҳар бири юз дардга даво антиқа гиёҳларимиз бор!.. Ковракни курс-курс чайнаган Менгзиё кўз ўнгимда турибди. Боботоғ ва Менгзиё (Сафаров) орасида

аллақандай яқинлик бор эди. Менгзиёдай ўз юрти тарихини биладиган, уни қойилмақом ҳикоя қилиб берадиган одам камдан-кам бўлса керак...»

Ҳаёт устоз ва шогирдлик занжирига асосланган. Озод Шарафиддинов кўп олиму адибларни қадрлар, ҳурмат қилар эди. Лекин Абдулла Қаҳҳор Озод Шарафиддинов учун йўлчи юлдуз бўлди. У киши Абдулла Қаҳҳорга эргашар, ўшандай бўлишга интиларди. Устоз ижодида Абдулла Қаҳҳор, унинг асарлари, оиласи, турмуш тарзи ҳақида ёзилган портрет, эссе, тақриз, тадқиқотлар бисёр. Эсингиздами, «Муҳаббат» қиссасида донишманд Муҳайёнинг гапи бор: «Мард булинг, Анваржон, — деди қиз ҳам, пича туриб илова қилди: — Дадангиз дунёга келиб нукул одам орттирган эканлар, қаранг, бутун шаҳар, ёшу қари...» Озод домла вафот этган куни азим Тошкентнинг чор-атрофидан одам ёғилиб келаверди. «Аллон» жоме масжидида ўқилган жанозада, «Чигатой» қабристонидаги дафн маросимида одам тумонат бўлди. Уч кун мобайнида фотиҳага келганларнинг саногига етиш имконсиз эди. Марказий газеталарнинг деярли ҳаммасида таъзияномалар узлуксиз босилиб турди.

Озод Шарафиддиновдан ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар, минглаб шогирдлар, қадрдон дўст-ёрлар, эл-юртга нафи тегаётган фарзандлар, кўёв-келинлар, неваралар қолди. Устозни кўмсаганлар, унинг дилкаш суҳбатларини соғинганлар ҳар йили 4 октябрда устознинг хонадонида йиғилиб туришни анъанага айлантиришса, у ҳақдаги нурли хотираларини эслаб туришса, ҳақпараст олим-адибнинг эзгу ишларини муносиб давом эттиришга ҳаракат қилишса, айна муддао бўларди.

### ИЖОДНИНГ СИРЛИ ИБТИДОСИ

Ўқиб турганингиз, мазкур қайдлар, аслида, китобхон мулоҳазаларидир. Тўғри, минглаб китобхонлардан фарқли ўлароқ, ушбу мақола қаҳрамони — Ўткир Ҳошимов ва унинг асарларини анча мукаммал била-

ман. «Адабиётшунос, мунаққид бўлгач, адабий жараённи, барча ёзувчиларни тулиқ билиши керак-да», — деб ўйлашингиз мумкин. Билиш, ҳатто анча мукамал, теран билиш мумкин. Лекин қалбан яқин бўлмаслик ҳам бор-да! Ўткир Ҳошимовга дорилфунунда бирикки маъруза ўқиганлигим, имтиҳон қабул қилганим — тасодиф. Лекин Ўткир Ҳошимов билан дўстлашганимиз, бир-биримизни яхши тушунишимиз, икки-уч кун кўришмай қолсак соғинишимиз — Худонинг марҳамати. Ўткир Ҳошимовнинг 1970 йиллардан кейин яратилган аксарият асарларини сиёҳи қуримасдан, қўлёмалигида ўқиганман, десам хато бўлмайди. Қўлёмалари ҳақида билдирган мулоҳазаларим беинобат қолмаганлиги мени беҳад қувонтиради. Ёзувчи асарларини қайта ўқиганимда, мулоҳазаларим асосида киритилган ўзгартиришлар кўзимга оловдек кўринади. «Нур борки, соя бор» романидаги аксарият воқеалар, қаҳрамонлар менга таниш. «Дунёнинг ишлари» қиссаси, «Икки эшик ораси» романи, «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласининг яратилиши тарихини яхши эслайман. Ёзувчининг купчилик асарларида тасвирланган Анҳор, Бузсувда чумилганман, Ширин ариғидан сув ичганман. «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги ҳикоячи қишлоқдан шаҳарга келган йўллардан неча юз бор юрганман, Хирмонтепа атрофида машоқ терганман. Ёзувчи асарларида тасвирланган Пошша хола, Эргаш сельсовет, Тангриберди билан неча бор суҳбатлашганман, ҳозир турадиган ҳовлимиздан юз қадамча нарида Эрман буванинг кўргони бўлган, Ҳайдар шамолу Илҳом чойхоначи ҳам ён-веримизда яшаган.

Ўйлаб кўрсам, жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари, аксарият туманларига Ўткир Ҳошимов билан бирга борган эканман. Бухоронинг Қоровулбозоридаги жазирамини, Шерободнинг Шолқон дам олиш масканидаги хузурни, Деновнинг Хондиззасидаги хомушакка таланиш «роҳати»ни Ўткир Ҳошимов билан бирга баҳам кўрган эканман. Хуллас, ўқувчиларга сўзлаб бериш мумкин бўлган тансиқ хотира, кузатишлар талайгина экан.

\*\*\*

Санъаткор борки, ўз маънавий оламини яратади. Бу оламнинг ўз фуқаролари, ички тартиботлари, тоғу тошлари, боғу бўстонлари, сиёсатию фалсафаси ва табиийки, ўз маркази, таянч нуқтаси бўлади.

Чингиз Айтматов қаҳрамонлари бўронли бекатда, чекка тоғ қишлоғида, довонда, кенг яйловларда яшайдилар. Тўлғаной Эдигейни, Танабой Бўстонни, Анатой Камолни, Жамила Асални, Алимон Зарифани, Мўмин чол Абутолипни танитайди, улар бошқа-бошқа асарларнинг қаҳрамонлари. Лекин бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси Чингиз Айтматов туғилган Шакар қишлоғининг фарзандлари бўлиб туюлади менга. Уларнинг ҳаммасида нуронийлик, файз, донишмандлик, қалб гузаллиги хом сут эмган бандага хос хатолар, гуноҳ ишлар билан қоришиб кетган. Чингиз Айтматов яратган маънавий-адабий оламнинг таянч нуқтаси кичкинагина Шакар қишлоғи бўлиб туюлаверади ҳаммаша.

Айнийнинг адабий-маънавий олами яратилгунча Ғиждувон туманидаги булбулнинг кўзидек Сокторе қишлоғини ким ҳам биларди дейсиз? «Эсдаликлар», «Эски мактаб», «Қуллар»ни ўқиган китобхон борки, ўзбек, тожик, араб, эронийлар оғайни бўлиб яшаган қишлоқни, эртақ, қўшиқларга кон Тути пошшони, Саидмурод устани, унинг ўғил-қизлари, қариндош-уруғларини яхши танийди. Гузал машуқа Ҳабибанинг гамгин нигоҳини, аянчли тақдирини ким унутади дейсиз? Садриддиннинг етимлик йиллари, оғир меҳнати, илк байтбарак ўйини Сокторе қишлоғи билан боғлиқ эмасми? Садриддин Айний Бухорои шарифни, қадимги Кўҳистонни оламга танитди. Барибир, Айний ижодида мўъжазгина Сокторе нурли нуқта бўлиб қолаверади.

Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом насрини ўқир экансиз, қадимги Тошкент — Говкуш, Қўрғонтеги, Эшонгузар, Лайлакхона маҳаллалари руҳини, нафасини ҳис қиласиз.

Одил Ёқубовнинг «Ларза», «Бир фелъетон қиссаси», «Эр бошига иш тушса...», «Излайман», «Оқ қуш-

лар, оппоқ қушлар» асарларида ёзувчи қалбининг ардоғи — Туркистонни, Қарноқ чулини, Отабой қишлоғини, унинг дулвор, сахий кишиларини кўрамиз. «Улуғбек хазиnasi» романида Самарқанд томонлар тасвирланади. Романга Қаландар Қарноқий образи киритилганки, у асарга ажиб бир руҳ бахш этган. Туғрироғи, Қарноқий образи тарихий романга Одил Ёқубов қалбидаги она-ер, қадрдон гўша туйғусини олиб кирган. Қарноқий образига боғлиқ Хуршидабону, Али Қушчи, Улуғбек характерларида ҳам қадрдон руҳ, самимийлик алоҳида сезилиб туради.

Шаҳри азим Тошкентнинг жануби-ғарби, кунботарида Дўмбиробод мавзеси бор. Дўмбиробод номи, янглишмасам, илк бор Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикоясида тилга олинган хирмонтепаси, боғ-роғлари, оқар сувлари, серфайз чойхонаси машҳур бўлган чекка қишлоқ сифатида таърифланган. Абдулла Қодирий ҳикоясида тасвирланган Дўмбиробод 50-йилларгача ўз файз-тароватини йўқотмади. Сўнгги ўттиз йил ичида Дўмбирободда ер билан осмонча ўзгариш бўлди. Боғроғлари, ширин-шакар мева-чевалари, зилол сувлари билан машҳур Дўмбиробод қишлоғи бугунга келиб Дадахон Нурийнинг «Шаҳарга «бомба» керакми?» мақоласининг «қаҳрамони» бўлиб қолди. Ажаб, битта одам болалик, йигитлик чоғида дам олиш, табиат кучоғида мириқиш мақсадида Дўмбирободдай хушҳаво манзилга интилиб келган бўлса, кексалик даврида шу одам ҳавоси, табиати тамоман бузилиб кетган Дўмбирободдан чиқиб кетишга, ўзга жойларда дам олиб келишга интилаяпти.

Октябрь тўнтаришигача бўлган Тошкентнинг Бешоғоч даҳасидаги аҳоли баҳордан кеч кузгача Катта Чилонзор, Кичик Чилонзор, Новза, Қатортол, Қозиробод, Дўмбирободдаги боғ ҳовлисида яшар, деҳқончилик, боғбонлик қиларди. Кеч кузда аҳоли шаҳар ҳовлига кўчиб келарди. Ўткир Ҳошимовнинг катта бувалари Янги маҳалладаги эътиборли, ўқимишли кишилардан бўлишган. Абулқосим мадрасасининг қурилишида, янги мактаблар очилишида, Марказий Русия, Татаристон билан савдо-сотик ишларини ривож-

лантиришда уларнинг ҳиссаси катта бўлган. Ўткир Ҳошимовнинг отаси — Атауллахон ака, ота-бувалари сингари, савдо-сотик, илм-маърифат йўлидан кетмади: хунармандчилик, деҳқончилик билан шуғулланди. Жамоа ҳўжалиги ташкил бўлиб, катта ерлар колхозга қўшилиб кетгач, Атауллахон ака Дўмбирободдаги боғ ҳовлисида муқим турадиган, шу ерда қишлайдиган бўлди. Унинг фарзандлари — Озода, Эркин, Тўлқин, Ўткир, Ҳабибулло 30—40-йиллари Тошкент вилоятининг Чоштепа қишлоқ шўроси тасарруфидаги Дўмбирободда туғилдилар, шу ердаги, наридан-бери қурилган уйчалардан иборат бошланғич мактабда саводларини чиқардилар. Илмга чанқоқ, ҳамма фанлардан яхши ўзлаштирадиган Ўткир Ҳошимов ўрта мактабни Тирсақободда тугатди...

Қирқинчи, ҳатто эллигинчи йилларнинг аввалларида дўмбирободликлар ҳуда-беҳудага шаҳарга тушавермасдилар: от-улов масаласи мураккаб, йўл носоз ва йироқ эди.

«Дунёнинг ишлари» қиссасида Пошша ойи, Амма, Ҳикоячи боланинг Бешоғочга, фолбинникига бориши тасвирланган. Асарнинг илк қоралама нусхасида шаҳарга борадиган ана шу йўл тасвири йўқ эди.

Кўлёмани ўқиб чиққач:

— Ўткиржон, Дўмбирободдан Бешоғочга борадиган йўлни эслайсизми? Шу йўлдан одамлар юз йиллар чамаси отлик, яёв, уловда қатнашган. Ўша йўлни кўрсатиб берсангиз соз бўларкан-да, — дедим.

Қиссанинг тайёр нусхасида мана бундай тасвир пайдо бўлди:

«Чой ичиб бўлгандан кейин аммам, ойим, отин хола, мен тўртовлашиб йўлга чиқдик. Бешоғочга етиб борсак бўлди. У ёғига трамвайга ўтирамизу жиринг-жиринг қилиб кетаверамиз. Маза!

Мазаликка мазаку-я, бироқ Бешоғочга етиб олгунча анча гап бор-да! Дўмбирободга чиқишимиз биланоқ ботинкам оёғимни сиқа бошлади. Ечиб қўлимга оводдим. Ёзнинг тонг палласида яланг оёқ тупроқ кечиб юришнинг завқи бошқача бўлади. Ундек майин, салқин тупроқ бармоқларингиз орасидан билқ-билқ оти-

либ чиқади. Кетаверасиз, кетаверасиз, ҳечам чарчамасиз.

Лайлактепадан ўтиб Қозирободга борганда қайнама булоқдан муздай тиниқ сув ичдик. Кейин Чилонзор келди. Йўлнинг шундоққина бўйида оқиш япроғини чанг босган, тиканлари «тиш қайраб» турган чакалакзор — чилонжийдалар (шунинг учун бу ерни Чилонзор дейилади). Йўлнинг икки четида нок кўп — нашвати нок, тош нок, гулоби нок. Нок ҳали пишмаган. Фақат тагидан ўтаётганингизда тупроққа тўкилган барги товонингизга ёпишиб, гашни келтиради.

«Сиймон кўприк»дан ўтишнинг ўзи бир томоша. Терак бўйи чуқурликда сув қорайиб оқади. Мўраласангиз, бошингиз айланади. Ойим кўприк четига боришга қўймайди: сув чақирармиш, одам ўзидан ўзи тушиб кетармиш... Шу кўприкдан ўтилса, трамвайнинг гийқиллагани эшитилиб туради — у ёғи Бешоғоч».

Тошкентликлар «Семон кўприк», «Сиймон кўприк» дейишга ўрганиб кетишган. Аслида, мазкур кўприк ҳам кўприк, ҳам осма қувур вазифасини ўтаган: Анҳор суви кўприк остидаги қувурдан оқиб ўтади, «тераки чуқурликдан» Бўрижар оқади. Ун беш-йигирма йилдирки, биринчи семон кўприк, асосан, осма қувур вазифасини ўтапти, Чилонзорга қатнайдиган транспорт воситалари иккинчи семон кўприкдан айланиб кетаяпти. Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», «Баҳор қайтмайди» қиссаларида, «Икки эшик ораси» романида Анҳорнинг шохобчалари — Қонкус, Ширин ариғи, Қозирободдаги айланма ҳақида ёзилган, Музаффар ва Шерзод («Икки эшик ораси»), Эргаш ва Абжал («Оқ булут, оплоқ булут») Алвастикўприкдан «тераки бўйи пастликда аждардай вишиллаётган Бўрижарга» калла ташлашдан баҳс боғлайдилар.

Дўмбиробод аҳли Ўткир Ҳошимов асарларидаги Ҳусан дума, Эрман бува, Пошша ойи, Эргаш сельсовет, Раҳим биргад, Парча опа, Башор тракторчи сингариларни яхши танийди, улар ҳақида яна қанчадан-қанча воқеа-ҳодисаларни гапириб бериши мумкин. Эрман буванинг урушда ҳалок бўлган икки ўглининг номи Дўмбиробод марказида қад кўтарган Хотира лавҳасига



уйиб ёзилган. Табиийки, Ўткир Ҳошимов асарларидаги қаҳрамонлар ҳаётда чиндан ҳам бўлган шахслардан фарқ қилади. Масалан, Эрман бува, Ҳусан дума ҳаётда бўлган кишилар, лекин Ўткир Ҳошимов адабий оламидаги Эрман бува, Ҳусан дума тамоман бошқача характерлар. Ўткир Ҳошимов ижодий лабораториясидаги сирлардан яна бири шундаки, у ҳаётда бўлган кишилар номини, лақабини асарга киритади-ю, лекин уларга тамоман ўзгача характер йўналишини беради. Илҳом чойхоначи, масалан, ҳозир ҳам Дўмбирободда яшайди: кексайиб, ногирон бўлиб қолган. «Икки эшик ораси»даги Илҳом чойхоначи ҳам ёши, ҳам характери жиҳатидан тамоман бошқача одам, ўзга адабий қаҳрамон. Бу ўринда Умар закунчи ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Дўмбирободда оқу қорани яхши таниган, халққа кўп яхшиликлар қилган, пиру бадавлат Умар закунчи яшаган. У зотнинг фарзандлари, авлодлари обрули-эйтиборли кишилар. «Икки эшик ораси»даги Умар закунчи иймонсиз, худбин одам. У кўп жиҳатдан Абдурахмон домлага («Меҳробдан чаён»), Иноят оқсоқолга («Уфқ») яқин. Умар закунчининг бойликка ружу қўймаганлиги, ҳашар йўли билан қурилган оддийгина уйда яшаши унинг фазилатидек бўлиб туюлади. Аслида зинҳор бундай эмас. Умар закунчи ҳали кўп «ишлар» қилмоқчи, халқ бошида қамчи ўйнатиб давру даврон сурмоқчи эди. Унинг шон-шуҳрат куёши бирдан ботди, варраги учишдан тўхтади. Шармандаси чиққан Умар асл моҳиятини юзага чиқарди: ўлим тўшагидаги акасини ҳақорат қилди, пул топиш учун жирканч йўлдан тоймади, яккаю ягона фарзандининг онаси Раънони чунонам хўрладик, инсон боласи бундай ҳақоратларга дош бериши амримаҳол эди.

«Дунёнинг ишлари» қиссасидаги Далавой налугчи бешафқатлилик, тубанликда Умар закунчидан ўтса ўтадики, зинҳор кам эмас. Дўмбиробод халқи қаҳри қаттиқ, мафкуравий-сиёсий сиқув авжга чиққанда роса иш кўрсатган налугчини яхши билади. Ўткир Ҳошимов ўша одамни бошқа ном билан асарига киритган. Қизиғи шундаки, ҳаётдаги налугчи кейинчалик урушга кетганлиги, иттифоқдош армия жангчилари сафида

курашиб донг таратгани, юксак мукофотга сазовор бўлганлиги маълум.

Ўйлаб курсам, Ўткир Ҳошимов ижодида ўқитувчи образи энг кўп яратилган экан. Қайси қиссаси, романини олманг, ўқитувчи бор: ҳикоя, публицистикасида ҳам муаллим ҳақида кўп ёзилган. Ёзувчи ўз ҳаёти давомида энг кўп кўргани мактаб, энг кўп гаплашгани ўқитувчи, энг кўп ўйлагани маориф муаммолари бўлган экан.

Ўткир Ҳошимовнинг ўзи Одил Қаюмов деган жонкуяр, тиниб-тинчимас маорифчи саъй-ҳаракатлари тўфайли Думбиробод гузарида ҳашар йули билан қурилган кичкинагина мактабда илк бор таҳсил кўрди. Биринчи ўқитувчиларига қаттиқ меҳр қўйди: Одил Қаюмов, Зухриддин Сирожиiddинов, Қўчқор Турсунов, Аббос Азимов, Усмон Абдуллаев ва бошқалар номи тилга олинган ўнлаб мақолалар ёзди. Ёзувчининг «Қалбингга қулоқ сол» қиссаси асосан ўқиш-ўқитиш масалалари атрофида бўлса-да, «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласи Ўткир Ҳошимовнинг мактаб, таълим-таҳсил масалаларидаги қарашларининг энг чуққиси бўлди. Мазкур мақола мактаб таназзулга учраган, ўқитувчилик касби ниҳоятда оёқости бўлган бир пайтда яратилди. Ўқитувчининг ҳаётдаги ўрни, обрў-эътибори ҳақида марказий, маҳаллий матбуотда, радио-телевидениеда кўп ёзиладиган, гапириладиган бўлиб қолди. Чингиз Айтматов, Фёдор Абрамовнинг мақолалари ҳақида Ўткир Ҳошимов билан кўп суҳбатлашдик. «Русияда қаҳратон қаттиқ келади, — деб ёзган эди Фёдор Абрамов. — Шундай пайтдаям кўчадан ўқитувчи ўтиб қолса, катта-ю кичик бош кийимини ечиб, унга таъзим қилади». Бундай гаплар Ўткиржонга кучли таъсир қиларди. Оранан ҳафта — ўн кунлар ўтиб Ўткир Ҳошимов «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласини ўқиб берди. Мақолада маориф ҳақидаги мулоҳазалар кучли ҳис-туйғу билан омухта бўлиб кетган эди. Мазкур мақола нидо бўлиб янгради-ю, ўлиб қолаёзган ўқитувчилик касбига Масеҳ нафасидек урилди: маорифчиларнинг қадди бир оз тикланди, ўқитувчи кадр-қиммати оз бўлса-да, ошди.

Мақтабларда, урта махсус ва олий ўқув юртларида адабиётнинг ўқитилиши ҳақли равишда танқид қилинапти. Танқид қилувчилар масаланинг ечимига ҳисса қушсалар, нур устига нур буларди. Адабиёт ўқитишдаги қисмларга, даврларга, синфларга булинишларни қўятурайлик-да, ижодкор ҳаёти ва ижодининг ўқитилишидаги ғалатиликка эътибор берайлик. Кўпинча ёзувчи яшаган даврга таъриф берилади: бадий адабиёт руҳига тамоман ёт гаплар айтилади. Сўнг ёзувчи ҳаёти сўзлаб берилади. Бу масалада жиддий камчилик бор. Биринчидан, таржимаи ҳол ҳукмрон мафкура талаблари, манфаатлари нуқтаи назаридан битилган. Совет ёзувчиларининг катта авлоди октябрь тўнтаришидан олдин туғилган бўлиб, ундан кейин ижод қила бошлаган. Биз олдинги ҳаётни зулмат, даҳшат, қўрқинчли туш сифатида тасвирлаб, октябрдан кейин бахт эшиги ланг очилганлигини бўрттиришдан ўзимизни тия олмасдик. Мисол тариқасида Ҳамза ва Айний биографияси яқин-яқинларгача қандай битиб келинганлигини эслаш кифоя. Деярли, барча ижодкорлар ўзларини меҳнаткаш, жабрланган одам фарзанди қилиб кўрсатишга йўл излардилар. Хўш, бундай сиёсий-мафкуравий тазйиқ остида битилган таржимаи ҳолларнинг бадий ижодга қандай алоқаси бор? Етук асарнинг яратилиши ижодкор ҳаётида нурли нуқта ҳисобланади. Аслида, ҳақиқий таржимаи ҳол ўша нурли нуқталар тарихини ёритишдан иборатдир. Бошқача айтганда, бадий асардан келиб чиққан ҳолда ёзувчи таржимаи ҳолини яратиш жоиз. Ҳар қандай бадий асар заминиде ёзувчининг руҳий-маънавий ҳолати, ижтимоий-сиёсий-фалсафий ўйлари, изланиш, изтироблари ётади. Ёзувчи таржимаи ҳоли деганда бадий асарнинг яратилишига бевосита таъсир этган воқеа-ҳодисалар, ижодкор ҳолатини белгилаган омиллар асос ҳисобланади.

Ўткир Ҳошимов таржимаи ҳолида «Баҳор қайтмайди» (1970), «Қалбингга қулоқ сол» (1973), «Дунёнинг ишлари» (1982), «Икки эшик ораси» (1986) сингари асарлар, саналар кўп учрайди. Гап далил, санокда эмас,

уша асарларнинг яратилиш жараёни, ёзувчининг руҳий-маънавий ҳолатини ёритиб беришда.

«Нур борки, соя бор» асарида ёзувчининг ҳолати Шерзодга — бош қаҳрамонга «кўчган». Шерзод кўп жиҳатдан Ўткир Ҳошимовнинг ўзи эди: газетада ишлайди, хизмат сафарига бот-бот чиқади. Юраги хаста. Энг муҳими, Шерзод касалхонага тушишидан сал бурун Бадахшонга хизмат сафарига борган, Мурғобда қурилаётган Нурхона ҳақида ёзганди. Дарвоқе, романда Бадахшон сафари тўлиқ, кундалик-хотира тарзида келтирилган. Бадахшон сафаридаги ҳолат, кайфият ўша-ўша. Лекин ижодкор санъатхонасида янги қаҳрамонлар, янгича талқинлар пайдо бўлибди. Романдаги Сирожиддин ҳам, унинг таъмагир домласи ҳам, Зухра, Абдувоҳид ҳам ҳаётда бор, аммо романга бошқа юмушни бажарувчилар бўлиб киритилган. Ёзувчи етмишинчи йилларнинг бошларида мана шу кишилар билан муносабатда бўлган, уларнинг феъл-атвори, тийнати, табиатини ўрганган эди. Романда Сайфи Соқиевич, колхоз раиси, Сулаймон Рустамович сингари тўқима образлар борки, улар характери орқали турғунлик йилларининг белгилари тасвирланган.

«Нур борки, соя бор» — Ўткир Ҳошимов ижодининг ютуғи, таржимаи ҳолининг нурли нуқтаси, айни вақтда бу роман етмишинчи йиллар шўро адабиётининг ёрқин намунаси. Роман руҳида, бош қаҳрамон характерида коммунистик дунёқараш, онглилик манаман, деб кўриниб туради. Ўткир Ҳошимов аввал ҳам, ҳозир ҳам коммунистик онглилик, сиёсий-мафкуравий ҳушёрликка муккасидан кетмаган. Унинг қизиқишлари ранг-баранг, яшашдан завқланадиган, беайб парвардигор дегандек, тирик одам. Қарангки, роман қаҳрамони ҳамиша ижтимоий масалалар қозонида қайнайди: ҳали Сайфи Соқиевичдан жирканади, ҳали тура раисни фош этиб фельетон ёзади, ҳали Сирожиддин, унинг домласидан ранжиб юради... «Нур борки, соя бор» романи нашр қилинган, матбуотда ҳар хил, баланд-паст мақолалар босилди, китобхонлар билан учрашувларда баҳс, тортишувлар қизиди. Жиззах педагогика институтида ўтказилган муҳокамада

коммунистик дунёқараши ўта етилган китобхон савол берди:

— Асарингизга «Нур борки, соя бор» деб ном қўйибсиз. Ҳаётимизда соялар тамоман йўқолишига ишонмайсизми?

— Ишонмайман, — деди ёзувчи.

— Коммунизмда ҳам соялар қолади, деб уйлайсизми? — сиёсий ҳушёрлик йўлидан тоймади китобхон.

— Аввал коммунизмга етиб олайлик-чи, соялар бўладими, йўқми ушанда кўраверамиз-да, — деди Ўткир Ҳошимов вазиятни юмшатиб.

«Дунёнинг ишлари» қиссаси ёзувчи ижодида, ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шўро адабиётида автобиографик асар яратишнинг анча узоқ, бой тарихи бор. М. Горькийдан бошлаб адиблар автобиографик роман, қиссалар ярата бошладилар. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Назир Сафаров ўз болаликлари ҳақида қисса ёздилар. Уларнинг асарлари ўқишли, қизиқarli, воқеа-ҳодисаларга бой. Лекин уларга социалистик реализмнинг ўтмиш ёмону янги шўро даври ҳаёти гузал, деган фикр сингдирилган. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ҳозир атобиографик асар ёзганларида бутунлай бошқача йўлдан борган бўлардилар...

«Дунёнинг ишлари» — ўзига хос автобиографик асар. Унда ҳикоячи қаҳрамоннинг болалик йиллари, балоғат даври тасвирланади. Лекин ҳикоячининг қарашлари, тушунчалари бош қаҳрамон — Она образига келиб уланади. Қиссадаги Пошша ойини Дўмбирободда билмаган, суҳбатлашмаган туб жойли киши топилмайди. Пошша ойи шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хил эди: каттаю кичик билан айланиб-ургилиб, гиргиттон бўлиб гаплашарди. Пошша ойи касал бўлиб ётмади, озмади-тузмади: тўсатдан, лаҳзада бандаликни бажо келтирди. Бу воқеа 1980 йилнинг эрта кўкламида, 11 мартда рўй берди. 12 март куни пешин намозидан кейин Пошша холани Қозиробод қабристонига дафн этдик. Етти, йигирма, қирқ, фасли гул сингари илк маросимлар ўтди. Май ойининг бошларида Ўткир Ҳошимов, Тошкент Давлат университети доценти (ҳозир профессор) Карим Назаров ва мен Наманганга жўнадик. Дўстлар би-

лан учрашдик. Тўйда, меҳмондорчиликда бўлдик. Кейин микрорайондаги кўп қаватли биноларнинг биридаги хонадонда тунайдиган бўлдик. Бир одатимиз бор: кундузлари қанча бирга бўлмайлик, алламаҳалгача у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ётамиз. Бу гал ундай бўлмади. Иккаламиз ҳам уйғоқмиз-у, гаплашмай ётибмиз. Ўткиржон у ёққа ўгирилади «уҳ» тортади, бу ёққа ўгирилади «оҳ»лайди. Бўлмади. Гап қўшдим. Ўткиржон тўшакка ўтириб олди. Кейин менгами, ўзигами оҳистагина деди:

— Соғиниб кетаяпман. Онамни бирам кўргим келаяптики...

Эшитганим бор: яқин кишисидан айрилган одам икки ой деганда ўзини кўярга жой тополмай қоларкан, соғинч ҳисси жони-жаҳонини ўртаркан. Ўткиржонни юпатиш, таскин бериш бефойда эди.

— Менга ўхшаган, ёзиш-чиизишни ўрнига қўёлмайдиган одам куяди, ёнади, дарди эскиргунча ўз ёғига ўзи қовурилади. Юрагингизни ўртаётган дардни қоғозга туширинг. Енгил тортасиз, — дедим.

Булган гап шу. Тошкентга қайтганимизга бирон ҳафта — ўн кун булган эди. Ўткиржон бизникига кириб келди.

— Эшитасизми, бир нарса ўқиб бераман, — деди оғзидан сигаретини олиб.

Ўткиржон «Оқ мармар, қора мармар...», «Илтижо»ни ўқиди. Тинглаганим ҳикоя эмасди, шеър эмасди, армонга қорилган туйғу, дард эди. Мен лом-мим деб оғиз очмадим. Ўткиржон ҳолатимни тушунди, индамай чиқиб кетди. Мана ўн йилдирки, қайси мактабга бормайлик, ўқувчилар «Оқ мармар, қора мармар...»ни, «Илтижо»ни ёдаки ўқишади. Айтгандек, «Илтижо»нинг сўнгги банди кейин, китоб батамом ёзиб бўлингач, қўшилди. Илк қораламада «Илтижо» «Ҳозир, ҳозир ўтиб кетади...» сўзлари билан тугарди.

Икки-уч кунда, ҳафта, ярим ойда «Дунёнинг ишлари»га киритилган янги-янги ҳикояларни тинглай бошладим. Ҳикоялар юрагимга шу қадар яқин эдики, беихтиёр воқеа-ҳодисаларга аралашадиган бўлдим. Бошқа одам бўлса гаши келарди. Ўткиржон бундай қилма-

ди. Аксинча, менинг аниқ масалалар буйича фикрларимни, баъзи далил-ашёларни миннатдорлик билан қабул қилди. Ахир, камина Ўткиржондан роппа-роса тург ёш каттаман: уруш, урушдан кейинги йилларни тиниқ эслайман. Чақарда, Бешоғоч кўчасида турардик. 82-мактабга уруш йилларида қатнай бошлаганман. Чорсу бозорига тез-тез тушардим. Трамвайга осилиш, йиқилишдан армон қолмаган. Бир куни Ўткиржон «Бозор» ҳикоясини ўқиб берди. Ҳикоя яхши эди-ю, унда мен билган бозорнинг руҳи, шовқин-сурони, тала-тўпи йўқ эди. Болалик хотираларимни — бозорда сотиладиган қип-қизил, ёғи бир чеккасига силқитиб қўйилган палов, қайноқ манти, ёғлиқ хасип, картдумба сомса, канорага осиб қўйилган буй тенги-буй тенги лаққа балиқлар ҳақида; «қора мурч — чёрный перец», «муздай сув», «папирос «Норт», чекмаганлар чёрт», дея овозининг борича бақариб юрган кир-чир болалар тўғрисида гапириб бердим. Кейинчалик менинг хотираларимдан баъзилари «Бозор»га киритилганидан бошим кўкка етди.

«Дунёнинг ишлари»ни ўқиган мен тенги китобхонлар келишиб қўйгандек: «Қиссадаги Она худди ўзининг оймга ўхшайди», — деганини неча бор эшитганман. Қиссадаги она менинг оймга ҳам ўхшайди. Қизиги, қиссада менинг онамга бағишланган «Ҳавас» ҳикояси бор. Эсимда, «Ҳавас»ни Ўткиржон ҳеч нарса бўлмагандек, навбатдаги ҳикоядек ўқий бошлади. Мен яп-янги «Москвич»имни, ўғилларимни танидим. Онаминг кўзлари бир йилдан ортиқроқ сира кўрмай қолди. Машҳур доктор, ажойиб инсон Муҳаммаджон Комиловга операция қилдириб, кўзларини очиб олдик. Ҳамманинг онаси меҳрибон. Аммо мен онаминг ягона ўғиллари эдим...

— Ўткиржон, — дедим «Ҳавас»ни тинглаб бўлгач, — Онани, сайёҳ дўстингизни, унинг «шпана» ўғилларини танидим. Майли, уларнинг номлари «тўқима» бўла қолсин. Сиздан илтимос, оймни ўз номлари билан ёзсангиз, Меҳри хола деб атасангиз, бир хотира бўлиб қоларди-да. Қолаверса, Пошша холам билан ойм ниҳоятда аҳил, дардқаш эдилар.

Ўтган йили менинг онам — Меҳри хола ҳам вафот этдилар. Яқинда «Ҳавас»ни яна ўқидим, онамнинг «хол-хол босган қўлларини» силаб-сийпагим, кузларимга суртгим келди. «Меҳри хола... Унинг нимасинидир ўз онамга ўхшатаман. Маъюс қиёфада бошини бир ёнга ташлаб туришими, узун қора бахмал нимчасими, қалин рўмол тагидан чиқиб турган оппоқ сочларими...» Онамнинг анча-мунча сувратлари бор. Лекин Ўткир Ҳошимов онам қиёфасини жонли, ўчмас қилиб чизган экан.

«Дунёнинг ишлари» китоб бўлиб босилгач, О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, У. Норматов, С. Мирвалиев, Б. Фуломовнинг жўшқин тақризлари босилди. Мунаққидлар қиссани гоҳ дoston, гоҳ қўшиқ, гоҳ муסיқа, деб атадилар.

«Дунёнинг ишлари» рус тилига таржима қилинди, лекин жумҳуриятимиздагидек шов-шувларга сабаб бўлмади. Аксинча, бир мунаққид қиссада жиддий гоа йўқлигини танқид қилиб ўтди. Миллий адабиётнинг ўзига хослиги бошқа миллат китобхонига дарҳол етиб бормади. Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Шухрат, Ўткир Ҳошимов, Хайридин Султонов асарлари ўзга муҳит, тарбиядаги китобхонга сингишиб кетмайди. Китобхонларни қўя турайлик: мазкур ёзувчилар асарлари таржимонларининг ўзлари ҳам асар руҳини, туйғулар оламини тўла қамраб ололмайдилар. Акс ҳолда, мутаржим «Дунёнинг ишлари»ни «Дела земные», «Икки эшик ораси»ни «Войти — выйти» деб таржима қилмасди. Ўзбек адабиётининг жозибаси, гўзаллиги унинг руҳида, сўзлар таратиб турган тароватда. Шуни юрак-юракдан ҳис этмаган таржимон ҳеч қачон обрў қозона олмайди.

«Дунёнинг ишлари»ни ҳис қилиб, англаб ўқиган китобхондан кимлиги, қаерда яшаши, эътиқодидан қатъи назар, зинҳор оқпадар, онабезори чиқмайди.

«Икки эшик ораси» романининг яратилиши. Ўткир Ҳошимов — Тошкент дорулфунунига тез-тез бориб турадиган ёзувчилардан бири. Дорулфунун адиб ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзи филология факультетининг журналистика, хотини — Ўлмасхон Ҳошимова ўзбек филологияси бўлимини тугатган. Эр-хотин Ҳоши-



мовлар 60-йиллар талабаси эдилар. Ўгли Фаррух онаси ўқиган факультетни тугатган. Қизлари Юлдуз шарқшунос.

Бир куни дорулфунун ўқитувчилари Ўткир Ҳошимовни чойхона паловга таклиф қилишди. Ош баҳона ширин, самимий суҳбат бўлди. Ҳар ким қадаҳ кўтариб дил сўзларини айтди. Кимё факультетининг ўша йиллардаги ёш домласи Исмоил Тошев филологларга хос жушқинлик билан бу дунё икки эшик орасидек гап эканлиги, ҳар ким шу икки эшик орасида бузиш-ёришни эмас, бунёд этишни, ўзлигини намоён қилиши лозимлигини гапириб қолди. Ўша ўтириш кўпчиликнинг ёдидан ҳам чиқиб кетди. Қарангки, икки эшик ораси ҳақидаги гап Ўткир Ҳошимов қалбига чуқур жойлашган экан...

Бадий асар ўзига хос олам: унинг ўз тартиботлари, фуқаролари, об-ҳавоси, йўналишлари, майллари бор. «Икки эшик ораси» романини қайта ўқир эканман, ҳаётда кўрган-билган кишиларимни «таниб қолдим», қаердадир эшитган гурунгимни қайта «тингладим», сафар пайтларида рўй берган воқеаларни бошқа ҳолат, бошқа одамлар ҳаётида «учратдим».

Романдаги «Умар закунчи ҳикояси» бобида «Тагингда отинг борми, узанги узилгунча суриб қол!» деган сарлавҳа қўйилган. Сарлавҳа ниҳоятда таниш. Ким, қаерда айтган эди уни? Эсладим. Қайсидир йили Косон туманидаги жамоа ҳужаликларидан бирига бордик. Бу ерда Ўткиржоннинг узоқ сафарда орттирган бир дўсти яшаркан. Кундузи Қаршини кездик, Косонни айландик, дўст-қадрдонлар билан учрашдик. Кечқурун мезонникига яқин-йироқ дўстлар, танишлар йиғилди. Ширин гурунг бўлди. Ҳамма очилиб-сочилиб ўтирибди. Даврада яқинда амалдан тушган, ҳозир колхоз идорасида кичикроқ бир лавозимда ишлаб турган одам ҳам бор эди. Бирдан ўша одам амалдорлик даврини, кишилар билан муносабатини эслаб кетди. У кимга қандай жазо берганини, кимни қандай мулзам қилганини, айшу ишратларини хотирлай бошлади. Ҳамманинг таъби тирриқ бўлди, мисоли ошга пашша тушди. Анча қизишиб олган «кечаги амалдор» гапига яқун ясади: «Одам

деган бир марта яшайди. Давлат ҳам, амал ҳам бир келиши бор. Давлат келдими, тутиб қол; амал тегдими, суриб қол: ё остингдаги отинг йиқилсин, ё узанги узилсин!». Ўша одамнинг турқи ҳам Умар закунчига ўхшаб кетарди...

Боботоққа май ойида бордик. Тоғ чунонам яшнаб кетибдики, сира таърифга сиғмайди. Ўт-ўланлар белга уради. Ҳаммаёқ гулга бурканган. Қаердандир ювошгина бир отни етаклаб келишди. Ўткиржон, Озод ака отни галма-гал минишди. Ўткиржон отдан тушаётган эди, нима бўлди-ю оёғи узангига кириб қолди, чалқанча йиқилди. Биз, шаҳарлик меҳмонлар бу ҳодисага унчалик парво қилмадик: чавандозимиз лат емади, қолаверса, гиламдай тушалган қалин утга йиқилди. Аммо мезбонларнинг жон-пони чиқиб кетди, катта-ю кичик отнинг жиловига ёпишди, рангларида ранг қолмади. Бизга оддийгина кўринган воқеанинг даҳшатини кейинроқ англаб етдик. Худо кўрсатмасин, от ҳуркиб, қочиб қолса борми... «Икки эшик ораси» романида Умар закунчи отдан қандай йиқилганини Раънога бундай ҳикоя қилади: «Ёнғоқзордан ўтаётганимда... Анови табибнинг қўғони ёнидаги ёнғоқзор бор-ку, ўшандан ўтаётганимда от ҳуркиб кетди. Бошим шохга урилиб йиқилиб тушдим. Яхшиям, оёғимни узангидан чиқариб олганим. Булмаса суягимгача қийма-қийма бўлиб кетарди...»

«Икки эшик ораси» — қаҳрамонлари энг кўп роман. Бадиий ижодда бир қонуният бор: асарга киритилган ҳар бир образ ижодкордан ўзлигини, характери «талаб қила бошлайди». Моҳир санъаткорлар асарга мумкин қадар кам қаҳрамон «киритиш»га интиладилар. Асарда персонажлар кўп бўлса-ю, уларнинг моҳияти очилмаса — ёзувчи зинҳор ютуққа эришолмайди. Ўткир Ҳошимов романидаги ҳар бир персонаж, ҳеч бўлмаса, битта хусусияти, белгиси билан «ярқ» этиб кўринади. Романда Афанди домла деган киши бор. Бу образ юздан бир китобхон ёдида қолган бўлса ҳам яхши, чунки у бир боргина тилга олинади. Аммо мен бу образни сира унутмайман. Сабаби, ҳангоматалаб дўмбирободликлар Афанди домла билан боғлиқ гаро-

йиб воқеаларни кўп гапирадилар. Асли Хумсонлик бўлган бу покиза инсоннинг кўп авлоди Дўмбирободда яшайди. Романда Афанди домлага ҳаммаси бўлиб икки қатор ажратилган. Мана шу бир оғиз гапда Афанди домла «қуринади»: «Узун яқтаги ерга тегиб оёғига ўралашаётган, кўзойнагининг бир ойнаси синган Афанди домлани бобом ёқасидан судрагандек бўлиб айвонга олиб чиқди».

Асардаги Эргаш селсовет, Ҳайдар шамол, Ҳусан дума, Парча опалар ҳаётда қандай бўлган бўлишса, асарга шундай кириб кўя қолишган. Мен ёшлигимда Парча опани кўп кўрганман. Бу бўлали, семиз аёлнинг ҳеч кими йўқ эди: қаерда тўй бўлса, танишми, нотанишми — бораверарди. Овқат ейишни, хусусан, тўй овқати — мохорани яхши кўрарди. Тортишмачоқда Парча опа иш кўрсатарди: ҳар хил ҳангомаларга «қаҳрамон» бўларди. Романда Парча характерига жиддий вазифа юклатилган. Биринчидан, у ўзига хос характер, иккинчидан, воқеаларни уловчи, қаҳрамонларни бир-бирига боғловчи куч сифатида кўринади. Раъно ўғли Музаффарнинг тириклигини Парчадан эшитади. Кутилмаганда Парча Умар закунчини шарманда қилади. Шарбатда «чўмилтиради».

Романдаги менга энг маъқул образлардан бири Комил табибдир. Романнинг илк қоралама нусхасида кал Комил ўта мўмин, гўл, ўз қадрини зинҳор билмаган одам эди. Комил табиб гўё ўзининг шифокорлигидан қисиниб, қимтиниб юрарди. Эътибор берилса, Комил табиб ўз муҳитидаги энг зиёли, маърифатли одамлиги сезиларди. Мен ёзувчи билан роман ҳақида суҳбатлашар эканман, масаланинг шу томонига эътиборни кучайтиришни айтдим. Ўтқир Ҳошимов романи қайта ишлашда Комил табиб образи моҳиятини теранроқ очишга интилди. Комил буванинг аждодлари ўқимишли, зиёли одамлар бўлганлар. Очилбой ҳам Комил табибнинг ўғли-да, зиёли, бадиий адабиётни севади, шеър битади. Муҳими, Очилбой Робиядаги маънавий гўзалликни, руҳий эркинликни ўзгалардан илгарироқ сезди: қизга севги изҳор қилди. Олимжон томирларида ҳам Комил табиб — асл зиёли қони оқаётганлиги маъ-

лум бўлади. Умар закунчи калтагини роса еган, ўлар ҳолатга келган Олимжон улуг одам бўлиб етишади. Мухими шундаки, у Умар закунчидан қасд олмайди: паст билан тенглашмайди.

Комил табибнинг камтару камсуқум бўлиб юришининг яна бир боиси бор: уруш, урушдан кейин ҳам эски зиёлиларга душманлик билан қаралар, табиб, фолчи сингариларга товламачи, совет фанининг рақиби сифатида муносабатда бўлинарди. Қарангки, қишлоқдаги купчилик одам Комил табибнинг қадрига етмайди. Қари билганини пари билмайди, деганларидек, Ориф оқсоқолу яна бир-икки одамгина уни эъзозлайди. «Оқсоқол Комил табибни қаттиқ иззат қилади. Луқмони Хақимнинг нафаси теккан, дейди. Бутун Нўғойқўрғонда фақат шу одамни сизлаб гапирди. Табибнинг ўзиям чақалоқ болагача «сизлайди». Чолимнинг айтишича, табиб сигирини ҳам сизлаб чақираркан. «Чу» демай, «чуинг» деркан...»

«Икки эшик ораси» романидаги аксарият қаҳрамонлар китобхон ёдидан чиқмайди. Қора амма, Ориф оқсоқол, Ҳусан дума, Робия, Башорат, Комил табибларни нега унутиб юбормаймиз? Ахир, шўро адабиётида минглаб қаҳрамонлар яратилган. Лекин тез ёддан ўчиб кетган-ку?! Менингча, Ўткир Ҳошимов ўз қаҳрамонлари қалбидаги гавҳарни кўрсата олган. Бу гавҳарни имоннинг бутунлиги, худонинг бандаларига хос но мукамаллик, хом сут эмган одамларга хос табиийлик... яна алланималарда сезиш мумкин. Халқда: «Худонинг паноҳига топширдим», «Оллоҳнинг ўзи асрасин», — деган гаплар бор. «Икки эшик ораси»даги қаҳрамонлар Оллоҳнинг паноҳидаги бандалар: уларнинг хатти-ҳаракатини аввалдан билиш, белгилаш мумкин эмас. Зухра келин ва ногирон, дудуқ жангчи — қочоқ ошиқларнинг оқсоқол томонидан тергов қилиниши, қийноқ-қистовга олиниши романдаги энг драматик ўринлардан. Воқеа нима билан тугашини ҳеч ким билмайди: Оқсоқол ўткир болтани ёнига қўйиб олган, оломон дарғазаб, ошиқларгина ҳеч нарсага парво қилмайдилар. Кутилмаганда Оқсоқолнинг кўнглида раҳм пайдо бўлди. У қочоқ ошиқларни жазоламади. Аксин-

ча, уларни никоҳлаб қўйди. Бундай ечимга имонли, қалби покиза одамгина келиши мумкин.

Хусан думани асирга тушган жангчининг отаси бўлгани учун закунчи сиқувга олади. Шунда Хусан бобо ҳеч ким ўйламаган ишни қилади: у ҳовлимаҳовли юриб, «шарбат» йигади, тўлган ёғоч хумни қолхоз экинзорига келтириб тўкади. Хусан чолнинг қули, кийимидан қуланса ҳид анқийди. Донишманд қария нега бундай юмушга қўл уради? Аввало, Хусан дума ўз атрофидан олифта, имонсиз одамларни шу йўл билан ҳайдади. Иккинчидан, Хусан чол ҳамиша ўзи билан ўзи бўлди: эҳтимол, яратгандан гуноҳсизлигини қалби кўрларга тушунтириб қўйишни, якка-ю ёлғиз ўғлини паноҳида асрашни илтижо қилгандир. Хусан дума қизиқ ўлим топди. Халқ уни ювиб-тараб, эҳтиром билан сўнгги йўлга кузатди. Умар закунчи-чи? Унинг қорасини юқтирган Раъно-чи? Умар закунчи ҳам, Раъно ҳам ҳеч ким кўрмайди, деб гуноҳ қилдилар. Неча-неча кишилар бахтига, қувончиға зомин бўлдилар. Умар ҳам, Раъно ҳам қинғир қилмишларининг ажрини тортадилар.

«Икки эшик ораси» романидаги Музаффар муҳаббати можаросини ўқиб, анчагина ранжиган эдим. Башорат опа қизига қўшиб Музаффарни ҳам эмизса эмизгандир, шунга ҳам ота гўри қозихонами, деб ўйлаган эдим. Ажабки, биз 60—70 йил мобайнида ҳаромхаришни, шаръий-ношаръийни унча фарқламай қолган эканмиз. Ўткир Ҳошимов ўз романида ношаръийлик тушунчасини жиддий масала қилиб қўйди. Менинг бу фикрларимни ўқиган баъзи ўқувчилар ҳайрон бўлиши, «Ўткир Ҳошимов яратган қаҳрамонларни фирт диндорга чиқариб қўйишипти», — деб ажабланишлари мумкин. Йўқ, мени тўғри тушунишингизни хоҳлайман. Сирлилик ҳар бир қилмишимизда сезилади. Шундай экан, адабий қаҳрамонларнинг ҳаётдагидек мураккаб, жонли яратилишини табиий, деб билишимиз жоиз.

\* \* \*

Мен Ўткир Ҳошимов ижоди ҳақидаги баъзи кузатишларимни баён қилдим. «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси» сингари асарлар, Ўткир Ҳошимов таъбири билан айтганда, шунчаки ёзилмаган, яратилган. Ижод — сирли, муқаддас жараён. Мен ёзувчи билан кўп юрганман, бирга бўлганман, лекин Ўткир Ҳошимовнинг ижод чоғидаги ҳолатини кўрмаганман.

Ижодни сирли, илоҳий ҳолат деб билган ёзувчи асарларида катта фалсафанинг бўлмаслиги мумкин эмас. Ўткир Ҳошимов яратган кучли, жиддий характерларда улкан фалсафа ҳам бор. Ёзувчи ижодининг фалсафий асосларини тадқиқ қилиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифаларидан биридир.

## ҲАЛОЛ ИЖОД

### Кўзга илмасдан бўладими?

Полвонми, чавандозми, мерганми ўтдай ёниб, юлдуздай порлаб даврага кирса, сурур, ғурур, шиддат ва ишонч билан йиғилганларни шавқ-завққа тўлдирса, бор маҳоратини ишга солиб ғалаба қозонса:

— Ҳало-о-ол! Ҳало-о-ол! — деган ҳайқирик осмону фалакка ўрлайди.

Ижодкор ҳам шавқ-завқ кишиси. Ҳало-о-ол ижоди, ёниқ асари, жонли, ҳаётий қахрамонлари билан китобхонни ром этишни орзу қилади. Тоғай Мурод юрагида ёли бор ёзувчилардан эди. У кўп ёзмади, аммо қойилмақом асарлар яратди. Худо ёрлақанган қахрамонларни нодир адабий аҳоли сафига кўшди. Адабий аҳоли яшайдиган рамзий салтанатнинг худуди бепоён, фуқаролари сон-саноксиз. Лекин бу салтанатда қалбидаги илк муҳаббати ҳарорати ҳануз сўнмаган, имон-инсофли, танти Бўри полвон, боши кал бўлса-да, кўнгли гулдек нозик Зиёдулла, Жамолиддин кетмону чапани Ақраб, ойнинг ойдин нурига чулганган Қоплон бобою

Оймомо ая кузга ярқ этиб ташланиб туради. Фақат куну тун меҳнат қилиш ҳуқуқидангина маҳрум этилмаган, юраги армон, азоб, хурлик-хорликка тўла Деҳқонқул ҳолига, на сирти ва на ботинида ўзлигидан ном-нишон қолган Ботир фирқа аҳволига ким ачинмайди, дейсиз? Тоғай Мурод асарлари китобхонни уйлатади, йиғлатади, куйдиради. Муҳими, китобхон мана шундай завқли азобдан, оғриқли ҳузурдан безмайди. Ҳозир ўзбек китобхонларининг кекса, ўрта ёшли вакиллари орасида Тоғай Мурод асарларига ипсиз боғланмаганлари йўқ ҳисоби. Мен Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» илк қиссасини ўқиганимдаёқ бу ижод сеҳрига маҳлиё бўлганман.

### Биринчи жумла жумбоғи

Бадий насрнинг гаройиб қоидаси бор: ёзувчи биринчи жумлани қоғозга туширишга узоқ тайёргарлик кўради. Биринчи жумла — услубнинг ярқ этиб кўриниши, ёзувчи кайфияти; китобхонни синаб кўриш; ижодкор ва китобхон кузининг кузига тушиши... «1264-нчи хижрий, далв ойининг 17-нчиси, қиш кунларининг бири, кўёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир...», «Ҳамал келди, амал келди», «Вақт пешиндан оққан эди», «Қазисан, қартасан, ахир, аслингга тортасан! — деди кампир омборни қулфлаётиб». Булар — машҳур ўзбек романларининг илк жумлалари. Улар атай урғу таъкидланганини, илмий ишларда фикр билдирилганлигини эслолмайман. Аммо Тоғай Муроднинг биринчи романидаги мана бу жумла осон ҳазм бўлди, дея олмайман: «Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан». Битта жумла — битта боб. Ёзувчи боб — жумладаги ҳар бир сўзни етти ўлчаб бир қўллаган. Жумладаги олти сўзнинг иккитаси — «фарғоначи» ва «кетмон»га асосий вазифа юкланган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек услубига ўрганган китобхон Тоғай Мурод романидаги илк жумла, «фарғоначи» сўзини ҳазм қилишга қийналади. ...Наби Васихонов деган қўшним буларди. Касби врач. Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими. Набихон ака Саид

Аҳмад билан тенгдош, қадрдон эдилар. Абдулла Қаҳҳорни, унинг ижодини еру қўкка ишонмасди. Ё тавба, Набихон ака кексайганларида худди Абдулла Қаҳҳор бўлиб қолдилар: кўринишлари, ўзларини тутишлари, нимтабассум билан секин, чертиб-чертиб гапиришлари, ҳатто латифани ҳам қойилмақом айтишлари...

Вақти-вақти билан у киши мендан янги асарларни олиб ўқирдилар. Бир куни у кишига «Отамдан қолган далалар»ни бердим. Уч-тўрт кун ўтгач, китобни уйдигиларга бериб кетибдилар. Кўришганимизда, роман ҳақида оғиз очмадилар. Бир куни яна ўқишга китоб сўрадилар. Мен атайин «Отамдан қолган далалар»ни қўлларига тутқаздим. Бир оз вақт ўтгач, қўшним бизникига кириб келдилар. Гурунг бошланди.

— 1938 йилнинг кеч кузи эди. Отам (тошкентликлар яқин-яқинларгача ҳам буваларини «ота» дердилар — А.Р.) мени дала ҳовлига бориб келишимизга ундадилар. Ғувиллаган дала ҳовлимизга келдик.

— Ўт ёқинг, ўғлим, — дедилар отам. Ҳайрон бўлдим.

— Бугун Кумушбибини иккаламиз дафн этамиз, — дедилар.

Ўт ёқилди. «Ўткан кунлар» куйдирилди. Отам йиғлаб туриб узоқ тиловат қилдилар. Ояти кариманинг ажр-савоблари романнинг қадрдон қаҳрамонлари, яна кимларнингдир руҳи покларига бағишланди.

— Абдуғафур, мен тенги авлод руҳ-руҳига «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Сароб» сингиб кетган. Эҳтимол, менга берган ўша китобингиз зўрдир. Лекин мен «фарғоначи» сўздан кейин асарни ўқий олмадим. Узр. Қарияпман, шекилли...

Ҳақиқатан ҳам Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар XX аср китобхони руҳига сингиб кетди, дидини шакллантирди. Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайридин Султон, Эркин Аъзам сингари ижодкорлар эса ўзбек насрига янги услуб олиб кирдилар, ҳаётни янги нуқталардан туриб тасвирлай бошладилар. Лекин улар Абдулла Қодирийлар услубига зид бормадилар. Аксинча, янги наср анъанасини янги аср бўсағасида бойитдилар, унга ижодий ёндашдилар. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи-



даги илк жумла, биринчи бобдаги «кетмон» сузи кўп нарсаларни эслатади. Абдулла Қодирий «Обид кетмон» қиссасини ёзди. Кетмон — ажойиб рамз. Болта чопади, теша йўнади, ўроқ ўради, болға уради. Кетмон ерга ботади. У одам билан ерни боғлайди. Кетмон — яратиш, ундириш, кўкартириш, элни тўйдириш рамзи. Кетмон тутган қўллар ҳеч қачон хор-зор бўлмайди. Кетмон нафақат қўлни пиштади, тадбиркорликни ўргатади, ер илмини ўзлаштиришга ундайди. Тоғай Муроднинг Жамолиддин кетмони Обид кетмоннинг бошқа муҳит, бошқа шароитдаги тимсоли. Жамолиддин ҳам, мулла Обид ҳам босиқ, вазмин, кўп ишлаб кам гапирадиган одамлар. Лекин ҳар иккисининг имони бутун, эътиқоди пўлатдек мустаҳкам. Жамолиддин кетмон сарсон-саргардонликни бошидан кечирди, аммо тузум тазйиқини, ижтимоий муҳит зуғумини кўрмасдан ўтиб кетди. Ақраб Жамолиддин ўғли ҳам руҳан, ҳам жисман эзилди: қарамлик азобини, тутқунлик хўрлигини бошидан кечирди. Деҳқонқул Ақраб ўғли, Жамолиддин набираси шахс сифатида синди, тузум, мафкура тутқунига айланди. Айримлар «Отамдан қолган далалар»нинг роман эканлигига ишонмайдилар. Менингча, Тоғай Муроднинг бу асари ҳақиқий роман. Йирик асарда воқеалар тасвири, қаҳрамонларнинг ҳаракат майдони асос ҳисобланмайди. Санъаткорнинг воқеа-ҳодисага концептуал-фалсафий муносабати ҳал қилувчи омилдир. Тоғай Мурод ихчамгина романида мустамлакачиликнинг бошланиши, унинг турли қуринишлари ҳақида ишонарли таассурот қолдиради. Асарда эркин инсон, тутқун шахс, ўзлигидан маҳрум этилган уч авлод тақдири тасвирланади. Эътибор беринг, Деҳқонқул Жамолиддин буваси, Ақраб отаси ҳақида гурур билан гапирди. Жамолиддин кетмон, Ақраб кўрбоши Деҳқонқулнинг аҳволини кўrsa ич-ичидан эзилиб, хўрланиб кетган бўларди. Жамолиддин, Ақраблар ўтди. Деҳқонқул қадрдон далаларига умид билан боқади. Бу далаларда ҳур, озод инсонлар яшашига ишонади. Қадрдон дала — Она-Ватан тимсоли. «Отамдан қолган далалар» узоқ яшайдиган, ҳали кўпларни ўйлантирадиган, таъсирлантирадиган романлардан эканлигига шубҳа йўқ.

## Ёзувчи ҳаётни ўрганиши шартми?

Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Отамдан қолган далалар» асарларини ўқиганимдан кейин ёзувчи ҳаётни қандай ўрганиши лозимлигини англадим. Тоғай Мурод илк қиссасида миллий кураш сир-асрорларини, полвонлар маҳоратини шу даражада нозик ўрганганки, ундаги махсус атамалар «Миллий кураш бўйича қўлланмалар»га киритилди. Ҳозир ўзбек кураши қаерга етиб борган бўлса, ўша ерда «ҳалол», «чала», «ёнбош» сингари истилоҳларни биладилар, қўллайдилар. Демоқчиманки, ёзувчи ўз асари материалини шу даражада билиши керакки, лозим бўлса мутахассис ҳам ундан фойдалансин.

Кўпқари, улоқ ҳақида кўп ёзилган. Лекин биронта асарда от ва от эгаси, баковул, бериладиган зот, купкари учун сўйилган жонивор туғрисида Тоғай Мурод асаридагидек мукамал маълумот берилмаган.

Отшунослар ҳам қайси қулун, қандай тойдан қанақа от пайдо бўлишини Тоғай Муроддек аниқ, ишонарли ёзишмаган. Билишимча, Чингиз Айтматов туя туғрисида «Асрга татигулик кун» асарида, бўри ҳақида «Қиёмат» романида ишонарли маълумотлар берган. Жаҳон адабиётида ҳайвонларнинг антиқа образлари яратилган асарлар кўп.

«Отамдан қолган далалар»да пахтакорнинг ҳуддан ақрабгача бўлган кундалик юмуши, оппоқ пахтанинг қора меҳнати ўта ҳаққоний тасвирланган. Асар манаман деган агроном учун бадий қўлланма мисоли.

Муаллиф ҳаётни шунчаки ўрганмайди. У китобхон кузи ўнгида чаласавод, билимсиз кўринишдан чўчиб, полвон, чавандоз, пахтакор ҳаётининг мири-сиригача ўрганади. Ҳаётни ўрганиш масаланинг юзаки томони, ҳафсала қилса, ҳамма ҳам бу ишни уддалайди, дегувчилар ҳам топилади. Гап шундаки, ёзувчи ўз қаҳрамонининг касби, юмушлари орқали руҳига, табиатига кириб боради. Бўри полвон, Зиёдулла кал, Дехқонқул ўз касбининг моҳир билагони. Айни вақтда, мана шу одамлар фирром, айёр, ичи қора, ёлғончи, бетсиз кимсалар олдида ёш боладек ўзларини йўқотиб қўядилар,

аянчли аҳволга тушадилар. Доғули Насим Бўрига хиёнат қилди, дўстининг севгилисини тузоққа илинтирди. Бўри полвоннинг юрак-бағри қон бўлади, аммо дўстидан воз кечолмайди. Ичи қоралиги, айёр-хиёнаткорлиги боис Худо томонидан жазоланган Насим тавба-тазарру қилмайди, Бўри полвон олдида юзи қоралигидан надомат чекмайди.

Зиёдулла кални кимлар калака этмаган, қайси баковул унинг ғолиблигидан, зўрлигидан кўз юммаган, дейсиз?! Кўнгли ўксик, аммо танти бу инсон неча бор араз урган, даврани ташлаб кетган. Лекин Зиёдулла табиатидаги аллақандай куч уни ҳамиша мурсои мадорага, сабр-қаноатга, кечиримлиликка ундаган. Ёзувчи бу қаҳрамон руҳиятидаги ҳолатларни ўрнига қўйиб тасвирлайди:

«...Биздан сўрасангиз, Каримбой, биз кўпкаридан қайтдик, ҳа! Кўпқарида адолат қолмади, Каримбой. Бари ошна-оғайнигарчилик бўлиб кетди!

— Кўпқари тамом бўлдими?

— Йўқ, ҳали буляпти.

— Унда боринг-да.

Мен сергак бўлдим. Болага эътибор бериб қарадим.

— Кўп қўймадингиз, қўймадингиз-да, Каримбой. Борсам борайин, садқаи суҳанингиз.

Тарлонни ечиб, тагин отландим».

«Отамдан қолган далалар» романидаги Деҳқонқул характерида Бўри полвон, Зиёдулла чавандоздаги кўп хусусиятлар акс этган. Ўйлаб кўрилса, колхозни колхоз қилган Деҳқонқул. Раису Идеология-ю райкомга обрў олиб бераётган ҳам ўша. Лекин на райком, на Идеология ва на Раис Деҳқонқулни одам ўрнида кўради: илғор бригадирнинг кучи ҳалолу, ўзи, инсоний эҳтиёжи, қадр-қиммати ҳаром. Деҳқонқул бўлса, нафақат ўзи ўлиб-тирилиб ишлайди, хотини, болаларини ҳам ишлагга, колхоз учун жон бериб, жон олишга ундайди. Устига-устак, катталар соясига салом беради. Уйига катталар меҳмон бўлиб келишини эшитган Деҳқонқул анвойи ноз-неъматлар харид қилиб келади. Битта хурмони болалигига бориб олиб қочган ўғлини уриб, оғзи-бурнини қонга тўлдиради.

Мана шу ўринларда Деҳқонкул худди Чингиз Айтматов романида тасвирланган манкуртнинг баайни ўзи бўлиб кетади. Дарвоқе, шўро империяси ўзига хос манкуртларни яратди. Деҳқонкуллар шўро давлатида меҳнатда чиридилар, тобе бўлдилар, эркин инсон эканликларини унутдилар. Деҳқонкул — ўзбек адабиётидаги фожеий характерлардан биридир.

### Ким у сўзлаётган?

Маблағ топиш эмас, уни сарфлаш қийин, — дейди донолар. Болани боқиш эмас, уни тарбиялаш мушкул, — дейди кайвонилар. Материал йиғиш, уни қалбада етилтириш, қаҳрамонларга жозиба ато этиш ҳам мушкул, аммо уни таъсирчан, қизиқарли сўзлаб бериш энг қийин юмуш, дейдилар моҳир сўз санъаткорлари. Китобхон кўпинча воқеалардан огоҳ бўлади, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини кузатади, феъл-атворини ўрганеди. Лекин кўпчилик асар ким томонидан, қандай сўзлаб берилаётганига эътибор бермайди. Тоғай Мурод асарларида ҳикоя қилиш санъати шу қадар юксакки, китобхон беихтиёр, сўзловчи, ҳикоячи ким деган саволга жавоб ахтаради. «От кишнаган оқшом», «Отамдан колган далалар»да ҳикоя қаҳрамон тилидан олиб борилади. Лекин Зиёдулла, Деҳқонкул ҳикоясини бошқариб турган бир эстетик восита — куч борки, уни ровий образи дейиш жоиз. Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», «Ойдинда юрган одамлар», «Кўшиқ» асарлари ровий томонидан ҳикоя қилинади.

Эътибор беринг, ровий сўзлаяпти:

«Хумор момога кун туғди,

Ёлғиз ўғил аскардан келар бўлди.

Остонадан суюнчихўр аримади» («Кўшиқ» қиссасининг бошланиши).

« — Кулоқ сол, момоси, кулоқ сол. Қаердандир одам овози келяпти...

Сайрак адирда ёнбошлаб ётмиш бобомиз момомизга шундай дедилар» («Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг илк жумлалари).

«Эгар қошига тўн солиб олмиш жарчи гузарма-

гузар от уйнатди. Хўжасоат қишлоғи аҳлини тўйга чорлади» («Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги ровийнинг илк маълумоти).

«Таги кўрмаганга гилам битмасин.

Кодир қулни чевараси, Холмат малайни невараси, Эсон хизматкорни боласи Ботир қўшчи тумандан айниб келди» («Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романининг илк жумлалари).

Бадиий асарда ҳамиша ровий образи бўлган. Лекин адабиётшунослик, танқидчилик насрдаги ҳикоячини ёзувчининг ўзи, лирик шеърдаги «мен»ни шоирнинг шахси дейишга одатланиб қолган. Фақат саҳна асарига ёзувчи кўринмайди, дейиларди. Сўнгги йиллари драма асарларида ҳам ровий бот-бот кўринадиган бўлиб қолди. Ровий — бадиий асардаги ҳам ёлланма поэтик-эстетик восита, куч, образ. Халқда ғалати бир нақл бор: «Калити менда, касмалдаги сенда». Ўйни, инонихтиёр менда, ижрочилик, маълум юмушни бажариш вазифаси сенда. Адабий кечаларда кекса шоирлар лирик шеър ўқишдан олдин изоҳ берадилар:

— Кўриб турибсиз, қариб қолдик. Ўлдим-куйдим деб шеър ёзиш бизга ярашмайди. Мен лирик шеърларимда Сизларни — ёш дўстларимни назарда тутдим.

Аслида, лирик шеърдаги «мен» ҳамиша ровий бўлган, шоирнинг ўзи эмас.

Ровий образи ўзбек адабиётида доимо бўлган. Лекин 80-йиллардан эътиборан ровий образига ёзувчилар алоҳида диққат қарата бошладилар.

Назаримда, «Лолазор»ни маълуму машҳур қилган куч — ровий. Мурод Муҳаммад Дўст романидаги ровий, бамисоли маҳоратли актёр. У роман давомида ажойиб бир ролни ижро этади. Асардаги Назар Яхшибоев, Дўст, Шогирд ровий — актёр томонидан кўрилган, кўрсатилган типлар. Эркин Аъзам асарларида ровий қиёфаси аниқ-тиниқ кўринади. Менга шундай туюладики, Эркин Аъзам ўз асарларига ровий нуқтаи назаридан ғалати-ғалати номлар қўяди. Тоғай Мурод асарларидаги ровийда халқчиллик, фольклорга мойиллик, лирик майл устунлик қилади. Ровийнинг икки вазифаси аниқ кўриниб туради: бирин-

чидан, у асар поэтикасида узининг муҳим урнига эга. Иккинчидан, ровий — эстетик восита. У ҳамиша, ҳар қачон, ҳар қаерда китобхон билан тил топишади. У келажакдаги китобхонга ҳам, чет эллик китобсеварга ҳам жон-жаҳди билан узининг «асарини» маъқуллаштишга интилади. Ровий шундай ҳақ-ҳуқуққа эгаки, у замона зайли, китобхон диди, нуқтаи назаридан келиб чиқиб, баъзи воқеа-ҳодисаларни хаспушлаб ҳам юбориши мумкин.

Ровий — ёзувчи қарашларининг ифодачиси. Айни вақтда, ровийдаги топқирлик, образ сифатидаги бетакрорлик ёзувчига куч-қувват, илҳом беради. Ёзувчи эса, ҳисоб-китобни, композициядаги изчилликни, структурадаги тартибли таркибни бошқариб боради. Хуллас, ровий — бадиий асардаги зарурий восита, бадиий-эстетик куч. Ҳақиқий санъаткор воқеа-ҳодисаларни ровий тушунчалари, диди, таъсирчанлигига мослаб танлайди, ифодалайди.

Тоғай Мурод битта, лекин унинг ҳар бир асарида ўзига хос ровий бор. Шундай бўлса керакки, ёзувчи услуби бор, ҳар бир асарнинг ўз йўсини ҳам бор, дейилади. Асардаги услублар ёзувчи услубига тезда уюша қолади. Сиртдан қараганда, «Юлдузлар мангу ёнади», «Ойдинда юрган одамлар»даги лирик услуб ровий образида ҳам сезилади. Бошқача айтганда, ровий ҳам, услуб ҳам ой нуридек мулойим, майин.

Қисқаси, ёзувчи — услуб — ровий тушунчалари-аро узвий, ботиний боғлиқлик мавжуд.

### Юлдузлар мангу ёнади

*Тоғай Мурод 2003 йил 27 майда вафот этган эди*

Кўкда юлдуз учди: юзимга фотиҳа тортдим. Учган юлдуз Тоғай Мурод ҳаётини олиб кетганини билгач, юрагим эзилди. Хаёл учқурда: улим хабарини эшитганда Бўри полвон зўр курашга баковуллик қилаётганди. Бир зум қотиб қолди:

— Аттанг, чакки бўлибди... Олишаётган полвонлар бир-бирларининг елкаларига маъюс бош қўйишди. Зиё-

дулла кал югура келиб отига минди, изиллаб йиғлаганича отини чоптириб кетди. Қоплон бобо, Оймомо ая зумда чўкиб қолишди:

— Болам-а... болам-а... Бизларга фарзандлик қилувдинг-а... Китоб қилиб ёзувдинг-а...

Деҳқонқул хотинининг куйиб кетганига, болаларининг бўзлаб қолганига чидаган эди. Тоғай Муроддан айрилгач, ўзини қўярга жой тополмади. Тошкентга шошилди. Жанозада қатнашди. Чигатой қабристонини ҳамма тарк этгач, Тоғайнинг тоғдай қабри пойига чўккалади, онасидан ўрганган оятларни билганича такрорлади: оят сўзлари кўз ёши бўлиб, янги қабр тупроғини ҳўллаб бошлади.

Тоғай Мурод ўзбек юртининг тоғу тошларини, қир-адирларини, дарё-ю кўлларини, об-ҳавосини юракдан хис қиларди. Баҳорнинг сўнгги кўнлари чақмоқли, гулдуракли, ёғин-сочинли келди. Она табиат зинда фарзандининг ўлимини олдиндан сезганмиди?!

Тоғай Мурод адабиётга дангал кириб келди. Шартта бурилди-ю, ҳаётдан кетди-қолди. Ундан ўн-ўн беш кичик асар, тўрт қисса, икки роман, нари борса, уч жилдга жо бўларлик мерос қолди. Аммо ёзувчи асарлари руҳини, улардаги ўзбекона ғурур, сурур, қатъият, орийат, жўмардликни жобажо қиладиган ҳажмни топиш мушқул. Тоғай Мурод ўтда ёнмас, сувда чўкмас асарлар, юрагида ёли бор қаҳрамонлар тимсолларини яратдики, улар ҳамиша, ҳар қаерда, ҳар қандай шароитда ўзбекнинг ўзлигини намоён этаверади.

У ўзига хос, мисоли тоғ сўқмоғидек мураккаб ва мукамал услуб ярата олди. Унга ҳамиша сергакланиб, эҳтиёткорлик билан одим ташлаш жоиз. Акс ҳолда, «фарғоначи» сўзи оёққа тикандек санчилиши, Болхин момонинг милтиқнинг ўқидек сўзлари кишини яралаб қўйиши, Деҳқонқулнинг жўяли, мантиқли фикр-мулоҳазалари одамни каловлатиб юбориши, Зиёдулла калнинг оддий шумликлари замиридаги зил-замбил ҳақиқатлар кишини чуқур ўйга толдириши ҳеч гап эмас.

Кўкда юлдуз учди. Юлдузнинг учиши — сўниши эмас! Тоғай Муроднинг кўкдаги юлдузи мудом порлаб

учаверади. У улуг устозлар юлдузларига яқинлашганида ҳам ҳаракатланаверади. Тоғай Мурод юлдузи мангу ёнади.

### УСЛУБ ВА САНЪАТКОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

Устоз Озод Шарафиддинов «Шеър кўп, аммо шоирчи?» («Ёшлик», 1983, 3-сон) мақоласида муҳим муаммони кўтарган эди. Рост-да, шеър кўп бўлса-ю, унинг ортидаги шоир қуринмаса? Ҳикоя босилса-ю, унинг муаллифи «бу — менман» деб турмаса?.. XX асрнинг 70—80-йилларида ёзганларига эгалик қила оладиган, услубига эга бўлган ижодкорлар авлоди шаклланди. Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султон, Тоғай Мурод, Хуршид Даврон, Алиҷер Ибодинов, Хуршид Дўстмуҳаммад бетакрор услублари билан китобхонга танилдилар... Адибнинг услуби бир қарасангиз, жуда оддий, енгил. Унда Абдулла Қодирийдан ўтган, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов ижодида ривожлантирилган лиризм мавжуд. Лекин Хайриддин Султон ижодининг мазмун-моҳияти лиризмда деб билсак, хато қиламиз. Хайриддин асарларида Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтордан ўтган нозик интеллектуаллик мавжудки, уни кўпчилик англаб ета олмайди. Бир санъаткор санъат асарини бор қиладиган унсур «сал-пал» («чуть-чуть») деган эди. Мана шу «сал-пал»ни уқиб олиш кўпчилик китобхонга насиб этмайди. «Саодат соҳили» қиссаси якунида биров билиб, биров билмайдиган ғаройиб бир нуқта бор. Етти-саккиз ёшлардаги Гулбаданбегим Бобур рубоийсидаги «сарриштаи айш»ни «сирришаи айш» деб ўқийди. Бу ерда «калаванинг учи» «калаванинг учи чувалди» бўлиб қолган. Падар ва духтар аро завқли баҳс-суҳбат маъносини Ҳофиз Куйкий англаб етади.

Айтмоқчимизки, Хайриддин Султон лиризмни ҳеч қачон асосий ўлчов қилиб олмайди. Унинг асарларида лиризм услубнинг сиртқи бир кўриниши, ҳолос. Ёзувчи ҳикоя, қисса, роман ёзадими, ҳамиша бир нарсадан чўчиб туради: ўқувчи унинг нозик имо-ишорала-



рини (қоса остидаги нимкосани) англаб ета олаяптими? Муаллиф «Бобурийнома» романида бевосита китобхонга мурожаат қилади: «Ардоқли ўқувчим! Аҳволлар нечук, зеркиб қолмадингизми? Менга қолса сизни бу янглиғ машаққатли йўллардан эмас, балки детективнинг мароқли жинкўчаларидан мақсад-муддао сари бошлаб борган бўлардим. Лекин найлайн, тафаккур йўли, изланиш йўли чағир тош тўкилган эгрибугри сўқмоқлардан иборат. Зеро, Бобур — йўлбарс демақдир. Бинобарин, Бобур — йўлбарс изидан юриш ҳеч вақт осонликча кечмагай».

Ўзбек адабиётшунослари полифония масаласига кўп, аксарият ҳолларда, бесамар муносабатда бўлдилар. Менингча, Шарқ — мусулмон, хусусан, ўзбек адабиётида бу масалани бирмунча теран талқин қилиш имконияти мавжуд. Хайридин Султонов «Саодат соҳили» қиссасида Бобур характерининг энг нозик нуқталарини мутафаккир, ижодкор Ҳофиз Куйкий образи орқали ёритиб беради. Бошқача айтганда, ёзувчи характерни характер воситасида инкишоф этиш йўлидан боради. Ҳофиз Куйкий — бетакрор сиймо. Бобур унга алоҳида меҳр, ишонч билан қарайди. Лекин Хайридин Султонов Бобур қалбининг энг нозик ўринларига Куйкий назари, тафаккури орқали кириб боради. «Саодат соҳили» қиссаси Хайридин Султоновга Бобур моҳиятини англаш (англантиш)да бир босқич бўлди. Ёзувчи «Саодат соҳили» орқали Бобур сиймосига бўлган эҳтиромни тўқис ифодалаб бера олмади: қисса жанри улкан санъаткор характерини ёритишга торлик қилди. Адиб Бобур характерини мукамал тасвирлаш имконини ҳамisha излади. «Бобурийнома» шундай эҳтиёж самараси ўлароқ яратилди. «Бобурийнома» — XX асрнинг, ҳозирги кунларнинг бадиий-таҳлилий романи. Ажаб, шаклан «Бобурийнома» «Бобурнома»га мутаносиб. Бобур XVI асрнинг бошларида тарихий юришини бошлаган бўлса, Хайридин Султонов XX аср пировавардида Бобур ўтган йўллардан юриди. Бобурнинг тарихий юриши тамоман бошқа вазиятда, ўзга мақсадда ўтган. Хайридин Султонов илмий экспедиция аъзолари қаторида «Тойота» машинасида сафар қилди. Лекин

замон узгаргани, орадан салкам беш аср ўтгани билан одам табиатида унча катта ўзгариш рўй бермабди. Инсондаги ёвузлик, мунофиқлик, бойликка ўчлик ҳануз сақланиб қолибди. Илмий экспедиция аъзолари, лунда қилиб айтганда, ҳануз йўл азоби — гўр азоби эканлигини кўрдилар, билдилар. Лекин «Бобурийнома» — зинҳор базинҳор саёҳат таассуротлари эмас. У мураккаб роман: таркиби, тартиби, ғояси, мақсад-моҳияти ниҳоятда теран.

Хайриддин Султонов саёҳат тафсилотларини, кўрган-кечирганларини ёзади-ю, Бобурни зинҳор диққат марказидан йироқлаштирмайди. Мен шу ўринда «Миллий романчилик изланишлари» («Соғлом авлод учун» журнали, 2000 йил, 4-сон) мақоламдан баъзи кўчирмалар келтиришни маъқул деб билдим.

«Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» романи мураккаб қурилмали асар. Унга салкам беш юз йилдан бери дилимиздан мустаҳкам жой эгаллаб, тилимизни тарк этмай келаётган мана бу рубоий асос қилиб олинган:

*Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Бобур афсус-надоматлари ортида бутун бошли миллат оху армони, фожиаси, тақдири турибди. Шоҳ ва шоир шахсияти, мураккаб тақдири халқ ҳаёти ва қисмати билан уйғунлашиб кетган. Романда ёзувчи Бобур армони замонамизда қандай акс-садо берганини бундай ифодалайди: «Бобурга хос бўлган инсоний фазилатлар замирида илоҳий қудратга ишонч ва иймон муҳассам эканини кўрдик. Таассуфки, бизнинг кунларимизга келиб, бу инсоний фазилат йўқлик сари юз тутди. Кўнгилда унча-мунча илоҳий ёғду зарраси қолган кимсалар қадр топмадилар, аксинча, эл аро таажжуб ва кулгуга сабаб бўлдилар». Бу фикрда «Бобурийнома» ровийси армони акс этган. Таскин шундаки, Бобур руҳини ҳис этган, унинг дардини кўзда ёш билан тинглаган кишилар, гарчи «эл аро таажжуб ва

кулгуга сабаб» бўлсалар-да, бор эдилар. «Бобурийнома»да мана шу муътабар қатлам дарду изтироблари пухта таҳлил этилган. Романда «Бобурни талончи деб атаган, мустабид, қонхўр дея маломат этган, умр бўйи халқнинг муқаддас меҳробларига ўт қўйиш билан, ўзи сув ичган булоқларга тупуриш билан машҳур бўлган замонамизнинг баъзи арбоблари» халқдан ажралиб қолгани ва эл нафратига дучор бўлганликлари очиқ-ошкора баён этилган.

Ровий — ҳикоячи муаммоси сўнгги ўн-ўн беш йиллик ўзбек насри, хусусан, қисса ва романларнинг назарий жумбоқларидан бири саналади. Бу муаммо қанчалик жиддий ўрганилса, қисса ва романлар поэтикасидаги янгиликлар шунчалик равшанлашади. **Ровий ким?** **Ровий** — китобхонни эргаштирувчи куч. **Ровий** — ижтимоий муҳитнинг таркибий қисми: унинг ўйлари, қарашлари, мақсадлари атрофдагиларникидан фарқ қилмайди. **Ровий** — ёзувчининг ишончли вакили. **Ровий** — адибнинг бадий асарларидаги кўрар кўзи, эшитар қулоғи, сўзлайдиган тили, ушлайдиган қўли. **Ровий** — ракурс нуқтаси, баҳоловчи марказ. **Ровий** — асардаги руҳ ифодачиси, айни вақтда ровий ёзувчининг ўзи эмас. **Ровий** — ёзувчи инон-ихтиёрини бажарувчи, санъаткорлик уқувини ифода этувчи восита. Ниҳоят, **ровий** — сўзшунос: у ҳар бир сўз ҳолати, имконияти, эврилиши, товланишларини ўта нозик ҳис қилади.

Асар муаллифининг она-Ватанга, қариндош-уруғига, эл-юртга, табиатга муносабати **ровий** — ҳикоячи орқали ўз ифодасини топган. Лекин **ровий** романнинг асосий қаҳрамонлигига даъвогарлик қилмайди.

Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» романида **ровий** ва муаллиф узвий бирликни — яхлитликни пайдо қилган. Романнинг тузилиши мана шундай ечимни тақозо этган. Романдаги **ровий** Бобур шахсияти ва ижодининг мафтунни. «Мен уни отамдай, онамдай, фарзандимдай яхши куриб қолдим. Қарийб йигирма йилдирки, шу мафтункор ишқ билан сармаст яшайман», — дейди **ровий**. Одатий, анъанавий романларда **ровий**нинг ҳикоя қилиш тарзи ўзгариши, гоҳо воқеа-ҳодисалар маромига аралашиши мумкин.

«Бобурийнома»даги ровий нозик руҳшунос, қиёсий таҳлилу талқинда моҳир шахс сифатида намоён бўлади. Асарда биронта воқеа-ҳодиса йўқки, унга Бобур диди, зеҳни билан қаралмаган, баҳоланмаган бўлса. «Бобурийнома» махражини ҳозирги замон кишиларини «Бобурнома»даги кишилар, муносабатларга қиёслаш, чоғиштириш, монандлаш белгилайди. Ниҳоят, «Бобурийнома»даги ровий «Бобурнома»даги ровийга эргашади, унга ҳавас билан қарайди. «Бобурнома» турли миллат, турли дин намояндаларининг удумлари, анъаналари, қарашларини тасвирлайди. Хайриддин Султон асарнинг бошланишидан то охириги нуқтагача асосан таҳлил, қиёс, талқин йўлидан боради. Далилу тафсилотлар моҳиятини очишга интилади. Бу ўта мушкул иш, қолаверса, жамики, талқину таҳлил ва қиёслар бадиият даражасида олиб борилади. Хуллас, бадиий насрда ровий муаммоси ўрганилиши зарур бўлган долзарб масаладир. Бу масала насрий жанрлар поэтикасини ёритишда, талқин қилиш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этади».

Хайриддин Султонов «Бобурийнома» романида ўнлаб тиниқ образларни яратди. Муҳими шундаки, «Бобурийнома» романи моҳиятини Бобур характери белгилайди. Адиб нимани тасвирламасин, қандай образни яратмасин, Бобур характерини мукамал ҳолда акс эттиришга интилган.

Хайриддин Султонов услубини англаб етишда «Андиша» эссеси, «Раъно гулининг суви» тарихий этюдининг аҳамияти катта. Ёзувчи, англашимча, Бобур сиймосини қанчалик хушласа, Абдулла Қодирий шахсини шунчалик юксак қўяди. «Саодат соҳили», «Бобурийнома» билан ёзувчи юрагидаги муҳим бир кечинмани, эс-ҳушидаги тинимсиз бир фикрни ифодалаб олди. Лекин ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида ўйлаб юрган фикрларини ўз услубига монанд равишда тўла шакллантиргани йўқ. Менинг шубҳам йўқ, эртами, индинми Хайриддин Султонов Абдулла Қодирий ҳақидаги катта асарини ёзади. Абдулла Қодирий руҳи Хайриддин Султонда аниқ-тиниқ кўриниб туради.

«Раъно гулининг суви» асаридаги рассом Манн ўйла-

ри, изтироблари, изланишлари адиб қалбини ёритиб бер гандек бўлади. Бу ҳикояда ҳам ёзувчининг китобхонага ўзига хос муурожаати бор. Муурожаат — китобхонани Абдулла Қодирий дунёсига чорловчи даъват.

Рассом Манн — зиёли, фикрловчи, изланувчи санъаткор. У Абдулла Қодирийни ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатида севиб қолади. Ёзувчи неча кун, неча тунларни ўтказиб, Қодирий портретини чизади. Портретни Абдулла Қодирийга кўрсатар экан, ёзувчи ўзига хос донишмандлик билан: «Ўзингизга маъқул бўлса, меннинг эътирозим йўқ», — дейди. Аммо портрет Маннинг ўзига ҳам ёқмаган эди. Нега? Абдулла Қодирий портретини яратиш учун ёзувчи қонида, жонида ҳаракат қилаётган миллийликни ҳис этиш лозим эди. Бу ишни на уста Мўмин (Николаев), на Манн удаллаши амримаҳол эди. Абдулла Қодирийдек санъаткор портретини Хайриддин Султонов каби ўз услубига эга ёзувчининга ярата олиши мумкин.

Хайриддин Султонов айна ижод палласида. Унда ҳаёт тажрибаси ҳам, тиниқ услуб ҳам бор. Бундай имконият билан катта-катта ижодий режаларни амалга ошириш мумкин.

### ТАНҚИД – ТОПИБ, БИЛИБ АЙТИШ САНЪАТИ

Шундай асарлар бўладики, унда муаллиф фитрати, бетакрор дастхати тиниқ кўринади. Санжар Содиқни мен салкам қирқ йилдан бери биламан: китоб, мақола, тақризларини ўқиганман, Миллий университетнинг филолог-талабаларига ўқиган маърузаларини тинглаганман, фарзандларини, оиласини яхши танийман. «Ижоднинг уттиз лаҳзаси»<sup>1</sup> китобида мен Санжар Содиқни айнан кўрдим, янги ижодий қирраларини кашф этдим. Санжар — тўғри сўз, билгани, англаганини шартта-шартта айтадиган, қийинчиликлардан чўчимайдиган инсон. Унинг танқидий мақолалари тиш-

<sup>1</sup> Санжар Содиқ. Ижоднинг уттиз лаҳзаси. Т.: «Шарқ» НМАК бош таҳририяти, 2005.

ли-тирноқли: уларда камчиликларни бўрттириб кўрсатиш, хатоликка йўл қўйган муаллифни узиб-узиб олиш хусусияти кўриниб туради.

Санжар Содиқ Фаррухбек Олимовнинг мактаб ўқувчилиги палласида ёзган «Миллий сўз» китоби ҳақида самимий тақриз ёзар экан, ўзининг танқидчилик принципини бундай ифодалайди: «Агар у (танқидчи — А.Р.) муайян адабий ҳодисанинг қадр-қимматини, маъзига яширинган гўзаллик моҳиятини очиб бериш билан чекланиб, нуқсонлари, заиф томонлари, аён кўриниб турган кемтиклари устида асосли мулоҳаза юритмас экан, бундай танқидчининг ёзганлари бадиий ижод равнақига хизмат қилиши, сезиларли наф келтириши жуда мушкул бўлади. Шунга кўра деярли барча таниқли танқидчилар қандай қилиб бўлса-да (таъкид бизники — А.Р.), бадиий асарлардан камчилик топишга ва имкон борича адибларини «чақиб олиш»га уринганлар» (284-бет).

Чулпон, В. Маҳмуд, Ойбек, О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, А. Каттабеков, И. Ҳаққулов, Р. Қўчқор сингариларнинг айрим мақолалари нишонга беҳато отилганлиги, «чақиб олган»лиги билан тилга тушган эди. Тилга тушган ўтли мақолаларда камида икки хусусият кўзга яққол ташланади. Биринчидан, «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси» (О. Шарафиддинов), «Давр талаби ва ижод масъулияти», «Ҳаёт бошқа, хаёл бошқа» (М. Қўшжонов) сингари мақолаларда бирни олиб, мингни назарда тутиш фазилати сезилади. О. Шарафиддинов ва М. Қўшжонов бу мақолаларида шеърятдаги туссизлик, ҳаёт ҳақиқати олдида чўчиш, амалдорлар адабиёти номини ола бошлаган хавfli йўналишларга қарши курашишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Иккинчидан, тишли-тирноқли, «чақиб олувчи» мақолаларда танқид ниши кўзга ташланади, шу «найза», «тиштирноқ», «чақиб олиш» остидаги мустаҳкам билим, ҳар томонлама асосланган мантиқ кўзга кўринмайди. Адабий танқидчилигимиз тарихида жангари, ўнгу чапга қарамасдан савалаб ташлайверадиган танқидчилар кўп бўлган. Қайси машҳур, халқ қалбидан жой

олган бадий асар бундай жангарилар ҳужумига дучор бўлмаган дейсиз? Замон — одил ҳакам: машҳур асарлар яшаяпти. Аммо «меваги дарахтга тош отганлар» ном-нишонсиз кетдилар...

Санжар Содиқнинг «қандай қилиб бўлса-да... камчилик топиш, «чақиб олиш» ишончи мени чўчитган эди. Муаллиф «қандай қилиб бўлса-да» асарлардан қўплаб камчиликлар топади, ўйламай-нетмай уларни баён этади. Адабий танқид — санъат: у ўйлаб гапиришни, топиб-топиб фикр айтишни маъқул кўради. Айни вақтда, танқид — фан, мантиқ: ўйлаб, етти ўлчаб бир кесишни тақозо қилади. «Ижоднинг ўттиз лаҳзаси» китобида ўйламасдан айтилган фикрлар талайгина. Муаллиф «Ғафур Ғулом олами» (Бахтиёр Назаров) китоби ҳақида жўяли фикрларни айтиб туради-да: ««Икки Машраб» мақоласини адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов ёзган бўлиб, Ғафур Ғулом уни ўз номидан газетада бостириб юборган. Ҳозир бу маъшум воқеа (таъкид бизники — А.Р.) адабий жамоатчилик орасида деярли барчага маълум» (239-бет), дейди. Бахтиёр Назаров ўйловли, ҳаёт тажрибаси бой, нимани ёзиш керагу нимани айтиш шарт эмаслигини яхши билади. Афсуски, шу оддий ҳақиқатни С. Содиқ англаб етмаган. Ҳатто битта шеъри қанчадан-қанча тадқиқотларга материал бўла оладиган Ғафур Ғулом ҳақида бўлар-бўлмас гапларни айтавериш олим кишига ярашмайди. Яна бир андиша шундаки, зукко, кенг ўйловли Абдуқодир Ҳайитметов С. Содиқнинг бу «жасорати»дан ранжиган, дили оғриган бўларди.

Санжар Содиқ мақолаларида пичинг, кесатиқ, адибу мунаққидларни менсимасдан гапириш хусусияти кучаймоқда. «Достонми ёки башорат?», «Романми ё рисола?», «Маърифий романми ё тадқиқот?», «Жазав», «Таажжуб» сингари мақолаларида бундай руҳ аниқ сезилади. Тўғри, пичинг, кесатиқ, баландпарвозлик сингарилардан олим фойдаланаверсин. Муҳими, ҳақиқатни айтиш, илмий теранлик йўлидан тоймаслик. Лекин муаллифнинг «Достонми ёки башорат?» мақоласидаги мана бу фикрни ўқиб ҳайрон қоласиз: «Шарқ юлдузи» журналининг 2000 йил 2-сонида Отаули таҳаллусли

қаламқашнинг «Улус» деган бир битиги босилиб чиқди. Уни қаламқашнинг ўзи «достон» деб атабди. Ўқишга киришар эканмиз, унинг деярли бешдан-оёқ насрда ёзилганлигини, ичида фақат бир неча мисрагина Муҳаммад Ёр деган шоирнинг шеъри борлигини кўриб, достон деб аталганидан ҳайратга тушамиз. Мумтоз адабиётда ҳам, янги замон сўз санъатида ҳам достон тулиғича назмда ёзилгани ҳолда деярли бутунича насрда битилган нарсанинг (таъкид бизники — А.Р.) шундай ном билан аталиши беихтиёр таажжуб уйғотади» (167-бет). Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар», Фридрих Нитшеннинг «Зардушт таваллоси» сингари Шарқ ва Ғарб адабиётининг унлаб насрий асарлари достон дея аталгани шоядки Санжар Содикнинг таажжубини сал босса.

«Улус»нинг достонлигини сира ҳазм қила олмаган Санжар Содик «Ишқ аҳли»нинг роман эмаслигига, «Чўлпон»нинг маърифий роман була олмаслигига китобхонни ишонтирмоқчи бўлади. Тўғри, ҳамма ёзувчилар ҳам асарлари жанрини тўғри белгилаб бера олмайдилар. Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли» асарида Алишер Навоий ҳаёти, ижоди, муносабатларидаги зиддиятлар, мураккабликлар атрофлича ёритиб берилган. Жаҳон адабиётида Андре Моруа, Шарль Сент-Бёв, К. Федин, И. Гариннинг ажойиб портрет асарлари бор. Қатъий айтиш мумкинки, Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли», «Улуғ фаррош» асарлари портрет жанрида ёзилган бақувват асарлар қаторидан жой олади.

Санжар Содик адабий танқид жанрларини наздик ҳис этган, ёзаётган асарлари жанрини аниқ ифода-лаб берган устоз Озод Шарафиддиновнинг ҳам «хато»сини топади. Унингча, О. Шарафиддиновнинг «Чўлпон», «Яловбардорлар», «Абдулла Қаҳҳор» асарларининг ҳаммаси адабий портретлар эмиш. Танқидчиликдан сал-пал хабари бор одам бу уч асарнинг ҳар хил адабий-танқидий жанрда эканлигини англаб етади. «Адабий портрет жанрининг равнақиға ўзбек танқидчилигида О. Шарафиддинов улкан ҳисса қўшди. Унинг «Яловбардорлар» (1974) китоби ўн беш улкан ёзувчининг ёрқин қиёфасини гавдалантиради. Тўғри, муаллиф «Яловбардорлар»даги адабий портретларни



*биографик очерклар* деб айтади (таъкид бизники — А.Р.). Аммо уларда бирор адибнинг ижоди тўғрисида сўз очилар экан, унинг босиб ўтган йўли учун ҳар жиҳатдан характерли асарлари танлаб олинади, шу асосда санъаткорнинг ижодий йўли, тадрижи, ўзига хос ёзувчилик дунёси, қайтарилмас услуби, қисқаси, бетакрор қиёфаси, адабиёт тараққиётида тутган ўрни кўрсатиб берилади. Булар эса адабий портрет жанрининг асосий хусусиятлари ва талабларига мос келади» (206–207-бетлар). Бу фикрлар биографик очерк, монография, мақола, бадиага ҳам мос келади. Лекин Санжар Содик айтган гапда портретнинг асосий белгиси кўрсатилмаган.

«Ижоднинг ўттиз лаҳзаси» китобида ибратли бир фикр бор. Кавабата «ижодининг бошида Джойснинг «Улисс» романи услубида ёзишга ҳаракат қилиб курган экан. Фақат Кавабата кейинчалик Джойс услуби Шарқ кишиси характерини тасвирлашга мос келмаслигига иқрор бўлиб, ундай ёзиш тарзидан воз кечган экан» (106–107-бетлар). Ҳозирги ўзбек романларининг аксариятида, хусусан, С. Содик таҳлил қилган «Чаён йили», «Тилсим салтанати», «Қон ҳиди», «Мувозанат», «Исён ва итоат» сингари анъанавийдек кўринган романларда инсонни тасвирлашнинг олам-жаҳон янгиликлари мавжуд. Учқун Назаров ижодининг бошланиши — XX асрнинг 60-йилларидаёқ инсонни ўзича англаган, акс эттирган эди. Ёзувчи услубидаги шу янги йўналиш «Чаён йили»да сайқал топган, мукамаллашган ҳолда намоян бўлди. Саломат Вафо «Тилсим салтанати» романида инсон фитратидаги унсурлар жуда секин ўзгаришини кўрсата олган. Унингча, инсон табиати, ҳолатидаги кўринишларни асл ҳолда тасвирлаш маъқул, аксинча, инсон табиати ташқаридан бўладиган зўравонликларни ўзлаштира олмайди. Аёлни амазонга айлантириш учун беқиёс қийнов-азоблар йўлидан ўтилади. Инсон табиатини ўзгартиришга ҳар қанча тиришмасинлар, аёл аёллигидан воз кечмайди, турмуш қуриш, насл қолдиришга интилади.

Адабий танқидда муҳим бир қонуният бор: мунаққид асарни таҳлил қилиши, унга турли муаммолар

---

нуқтаи назаридан ёндашиши мумкин-у, ёзувчига йул-йўриқ кўрсатиши тўғри эмас. Танқидчиларимиз ундай қилиш керак эди, бундай қилиш лозим эди, деган маслаҳатгўйликлардан узларини тия олмайдилар. С. Содиқ «Исён ва итоат», «Бозор» таҳлилида гоҳо йул-йўриқ кўрсатишга ўтиб олади.

Яна бир гап. Асар танқидчига ёқмаслиги мумкин. Лекин у ўз антипатиясини байроқ қилиб кутариши шарт эмас: талқин, таҳлил, исботга эътиборини кучайтиргани маъқул. «Ижоднинг ўттиз лаҳзаси»даги «Достонми ёки башорат?», «Романми ё рисола?», «Майрифий романми ё тадқиқот?» мақолаларида шунга яқин ҳолат кузга ташланади.

«Улкан маҳорат самараси» мақоласида Санжар Содиқ «Даҳшат» ҳикоясини баҳс-мунозара асосида таҳлил қилади. У мунаққид Ҳ.Каримовнинг «Даҳшат» ҳикояси ҳақидаги барча қарашларини инкор этади-да, гипотетик таҳлил йўсинидан фойдаланади. Яъни, Абдулла Қаҳҳор «Даҳшат» ҳикоясини ёзар экан, у Сталин давридаги даҳшатларни ҳам назарда тутган эмиш. «Гарчанд, шуро тузумида мустамлака эканлигини тилга олган экан, ўз асарида бу салтанатнинг емирилишига рамзий ишора қилганлиги деярли шубҳа уйғотмайди» (206-бет). Гипотетик таҳлилдан жуда нозиклик ва изчил мантиқ билан фойдаланиш керак. Санжар Содиқнинг бу фаразини биографик метод орқали аниқлаб олиш мумкин. Абдулла Қаҳҳор XX съезддан кейин янгича яшаб, ижод қилгани, «Синчалак», «Муҳаббат», «Ўтмишдан эртактлар» қиссаларини ёзгани маълум. Лекин унинг шуро салтанатининг емирилишига умид билан қараганлиги фаразлича қолаверади...

Санжар Содиқнинг «Ижоднинг ўттиз лаҳзаси» китоби жонли адабий жараён ҳақидаги ўзига хос асардир. У ҳозирги адабий жараённи ёритишга муносиб ҳисса қўшади.

## ТИЛ — МИЛЛАТ ТАҚДИРИ, ТАБИАТИ, ТАРИХИ

«Она» сўзи қўшиб қўлланадиган иборалар кўп. Аммо «она тили» шундай ибораки, ундаги икки сўз, мисоли ялакат магиз: бир-бирини тўлдиради, бойитади, нурлантиради. Она фарзандни дунёга келтиради. Калом одам ва оламни қайта кашф этади.

Сўз аввали — охир адабиётнинг қуроли булган. Бадиийлик — сўз сеҳрини кўз-кўз қилиш, унинг сир-синоатларини очиб бериш. Поэтика аслида бадиий асар тилини талқин этишдан бошланган. Асл филология ҳануз сўзни ардоқлаш, уни парваришлаш имкониятларини юзага чиқаришдир. Кузатишимча, жаҳон адабиётшунослигида семантика, семиотика, герменевтика, аксиология, характер, фабула, сюжет, ҳар хил «изм»лар кўпайиб кетяпти-ю, антиқа атамалар илдиз-моҳияти — сўзни ҳис қилиш, талқин этиш камайиброқ қолаяпти. Донишманд адиб Пиримқул Қодиров «Тил ва эл»<sup>1</sup> асарида бу катта илмий муаммони зуриқмасдан, турли-туман илмий истилоҳлар уммонига ғарқ қилиб юбормасдан, мазкур масала бўйича нотўғри қарашларни ёқлаганлар билан «ёқа бўғишмас»дан, теран илми, изчил йўналиши борлигини кўз-кўз этмасдан ёритиб бера олган. П. Қодиров асарида Корней Чуковский, Садриддин Айний, Фитрат, Мухтор Аевзов, Ойбек сингари адиб-алломалар номи кўзга ташланмайди. Лекин китобхон қалбида улуг адиб-олимлар бошлаб берган ҳаётбахш принцип давом этаётганидан ғурур, таскин пайдо бўлади. Уйлаб кўрилса, биронта машҳур сўз санъаткори йўқки, у асар ёзишдан аввал роса изланмаган, илмнинг не-не кўчаларига кириб чиқмаган бўлсин. Алишер Навоий, Жомий, Бобур, Шекспир, Гёте, Л. Толстой, Ф. Достоевский, Р. Тагор, Н. Маҳфуз, Ж.-П. Сартр сингариларнинг илмий асарлари, ижодий тажрибалари тасвири улар яратган бадиий асарлар қатори катта қимматга эга.

Пиримқул Қодировнинг «Тил ва эл»и — тарихий-

<sup>1</sup> Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари. Илмий бади. Т.: Фағур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005 йил.

илмий асар. Тарихий асарларда ҳарорати сунмайдиган воқеалар, унутилмайдиган сиймолар тасвирланади. Тарих — ҳар бир халқнинг барҳаёт утмиши. У ҳозирги кунда ҳам тинимсиз ҳаракатда, эртанги кун тарихини чизишга ҳисса қўшмоқда. Ҳар бир муаррих ўз қизиқишига кура тарихни тасвирлаш ракурсини, қаҳрамони танлайди. Халқ тили — Пиримқул Қодиров асарининг «қаҳрамон»и. Тил халқнинг мислсиз ихтироси, ўлмас қадрияти. Тилда халқ тақдири, табиати, тамаддуни акс этади. Биронта халқ йўқки, у ўз тилини ёмонласин, ундан ор қилсин. Аксинча, тилни эъзозлаган зот ҳамиша элнинг ардоқли фарзанди бўлган. Инсонга тўрт унсур — хок, сув, ўт, ҳаводан кейин энг зарури тил. Тўрт унсур қаторида тил ҳам истифода этилади. Лекин худо ярлақанг истейдодли зотларга тилни бойитиш, улуғлаш, ҳароратли қилиш имкони берилган. Пиримқул Қодиров тилни бойитган адибларни ҳақиқий ватанпарвар, элпарвар, деб билади. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ўз ижоди, илмий асарлари билан мумтоз туркий тилни улуғлади, унинг беқийс имкони-ятларини очиб берди. Француз ёзувчиси Франсуа Рабле «Гаргантюа ва Пантагрюэл» асари билан француз тилини бойитди, унинг тараққиёти йўлида курашди. «Илоҳий комедия» муаллифи Алигьери Данте итальян тилининг ҳақиқий ватанпарвари эди. «Илоҳий комедия» яшар экан, итальян тили кўркамлиги намоён бўлаверади. Данте ўлмас асаридан ташқари, «Халқ тили ҳақида» рисоласини яратди.

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўрдакларнинг етмиш хил номини кўрсатса, «Рабле ўзининг Гаргантюа номли қаҳрамони учун 153 хил ўйинлар, 138 хил овқатлар, 98 хил илонларнинг номларини француз тилидан топиб беради». В. Шекспир, А. Пушкин, Р. Тагор, Л. Толстой, А. Упит, Ш. Руставели сингариларни тил бойлиги, софлиги учун курашган ватанпарварлар дейиш мумкин. Пиримқул Қодировнинг тил бойлиги, софлиги, тараққиёти учун курашганлар ҳақидаги фикрларини адабиёт дарсликларига киритиш лозим.

Жаҳон адабиётида шундай ўлмас, мангу асарлар

борки, уларни урганганинг сайин янги-янги маъно қатламлари очилаверади. Алишер Навоий «Хамса»си, Бобурнинг «Бобурномаси» мана шундай умри узоқ асарлардандир. П. Қодиров «Тил ва эл»нинг «Мумтоз адабий тилимиз жаҳон кенгликларида» бобининг 238—242-саҳифаларида «Бобурнома»га оид гаройиб маълумотларни келтирадики, улар ёш авлод қалбидан чуқур жой олишига, «Бобурнома»га бўлган ҳурматни оширишига шубҳа йўқ. Бу маълумотларни ҳам мактаб адабиёт дарсликларида киритиш керак.

Ўзбекистан Республикаси байроғида 12 та юлдуз тасвири бор. Купчилик ёшлар бу рамз маъносини, унинг тарихий илдизларини билмайдилар. «Тил ва эл» китобининг 233—234-саҳифаларида Ҳумоюн Мирзонинг «Қонуни Ҳумоюнӣ» китоби ҳақида фикр юритилади. Жумладан, «Қонуни Ҳумоюнӣ»да Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги тажрибаси ҳам ҳисобга олинади. Осмоннинг *ун* икки буржидаги собита юлдузлар Ҳамал, Савр, Жавзо... — табиий бир уйғунлик тимсоли бўлгани учун Амир Темур *ун* икки рақамида илоҳий бир ҳикмат бор, деб ҳисоблаган. Ўз давлатини 12 қоида асосида бошқарган. Қўл остидаги одамларни ҳам *ун* икки тоифага бўлиб идора этган. Китобда 12 тоифани тўртта асосий вазир бошқаргани, 4 рақами ҳам теран илдизга эгаллиги айтилади. Муҳими, Амир Темурнинг бундай бошқарув усулини Ҳумоюн қабул қилган ва «Қонуни Ҳумоюнӣ»га киритган. Мазкур фикр-ни ҳам мактаб дарсликларида киритиш зарур.

«Тил ва эл» асаридаги асосий масала ўзбек тилининг ўтмиши, тараққиёт ва қураш йўлидир. Илмий ишнинг «жони», «томирида оқадиган қони» изчил концепциядир. Концепция, тўғрироқ айтганда, айтиладиган гап, теран нуқтаи назар, баҳс-тортишувларга қувват берадиган манба. Туркий тил ҳақида минг йилнинг нариберисида қизғин баҳслар давом этмоқда. Туркий халқ — кўҳна тарих шодасидаги ўзига хос маржондир. «Тил ва эл»да туркий тилда яратилган қадимги асарлар, Алп Эр Тунга сингари қаҳрамонлар ҳақида фикр юритилади. Алп Эр Тунга туркий асарларда мадҳ этилса, «Шоҳнома»да танқид қилинади. Афросиёб номи, бир томондан,

шаҳару кентларга берилган. Иккинчи томондан, Алп Эр Тунга — Афросиёб афсонавий қаҳрамонга айлантирилган, реал борлиқдан ажратиб қўйилган.

П. Қодиров ўзбек-туркий халқнинг 92 қавм-уруғи бўлганлиги, улар аслида бир халқ вакиллари эканлигини таъкидлайди. Лекин муаллиф туркийларни, улар адабиётини чигатой деб аталишига қарши чиқади. Чигатой адабиёти атамаси кейинчалик, сунъий равишда пайдо бўлган. Наҳотки, чигатой адабиётигача туркий адабиёт бўлмаган?! Муаллиф Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Адиб Аҳмад асарларини синчиклаб ўрганади. Айримлар «Чигатой адабиёти» деган атамани бу машҳур шоирлар ижодидан топмоқчи бўладилар. Ҳатто «туркман» ҳам «туркий» эмаслигини, исботлашга интиладилар. Улар Навоий достонидаги қуйидаги шеърини парчани қаттиқ ушлаб оладилар:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси ҳуд менингдур.  
Кунгил бермиш сўзимга турк жон ҳам,  
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.*

«Туркмон» сўзи эл, қавм маъносидан кура, «турк эмас»га мос келади. Энди аниқ мантиқ куринади: сўзимга турккина эмас, турк бўлмаганлар ҳам кўнгил беради, дейди. Навоий фақат туркий эл эмас, балки барчанинг шоири эканлигини таъкидлаган бўлса не ажаб?!

«Тил ва эл»да «Темур тузуклари» асари нозик таҳлил қилинади. Бу асарда реализм, ҳақиқатни акс эттириш кузга аниқ ташланади. Муаллиф «Қонуни Ҳумоюнний», «Ойини Акбарий»ни таҳлил қилар экан, «Темур тузуклари»ни яна эслатади, ундаги ҳақиқатни ишонч билан таъкидлайди.

П. Қодиров туркий тил тараққиётини бадиий асарлар мисолида кўрсатар экан, реализмнинг шаклланиши ва ривожланишини етакчи мезон сифатида танлайди. Амир Темур 1401 йил 11 августда ҳузурига тарихчи Низомиддин Шомийни чорлаб, уз ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоб ёзишни буюради. Амир Темур муаррихга тайинлаган гапи ниҳоятда муҳимдир: «...та-

каллуфу безак бериш, лоф уриш, муболага қилиш бўлмасин, мақсад нималигини ўқиган одам яхши тушунсин». «Банда (Низомиддин) ер ўпиб, арз қилдим: «...Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: «Яхши сўз улдирким, авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай... Байт:

*Гар истеъдод бўлмаса, ҳеч ким айтолмас  
Хосга мақбулу омма тушунгидек сўзни.*

Амир Соҳибқирон «Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлаймен», дедилар» (73-бет). Реалистик тасвир Улуғбекнинг «Зижи Қурагоний» ва «Тўрт улус тарихи» асарларида анча чуқурлашди.

Алишер Навоий ижоди, асарлари ўзбек тилини мумтозлик чуққисига олиб чиқди. У туркий тилда 104 минг, форс тилида 10 минг мисрадан кўп шеър ёзди. Навоий насрий асарларида бир миллион 378 минг сўз ишлатган. Умуман, Навоий асарларида 26 мингдан ортиқ сўз қўлланганки, у Пушкин, Сервантес, Шекспир қўлланган сўзлардан анча кўп. Тўғри, бадий асар қиммати асарлар миқдори, қўлланган сўзлар сони билан белги-ланмайди. Бадий қадрият деганда санъатнинг улмас асарлари: жонли, жозибали сўзлар, адабий санъатлар гўзаллиги, муҳими, асарлардаги мазмуннинг теран ва қўламлилиги назарда тутилади. Навоий асарлари қарийб 550 йилдан бери талқин, таҳлил қилинади, баҳоланади. Лекин ҳануз: «Навоийнинг фалон асари бус-бутун ўрганиб бўлинди», — дейилгани йўқ. Ҳақиқий бадий асарлар яратилади, лекин уларни ҳеч қачон тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Алишер Навоий асарлари хосга ҳам, оммага ҳам, диний илмларни эгаллаганга ҳам, дунёвий билимларни ўрганганга ҳам маънавий-руҳий озик бера олади.

П. Қодиров Навоий асарлари тили баҳонасида бир қанча ғазалларни таҳлил қилади. Айтиш лозимки, мазкур асарлар аввал ҳам талқин этилган бўлишига қарамай, «Тил ва эл»даги таҳлиллар китобхонни лоқайд қолдирмайди. Бадий асарда санъат кучли, фикр теран бўлса, у ҳеч кимни ҳеч қачон зериктирмайди. Алишер

Навоий ўзининг ўлмас асарларини, асосан, туркий тилда яратди. У она тилининг беқиёс имкониятларини бус-бутун юзага чиқара олди.

Навоий ижоди туфайли туркий тил жаҳондаги барҳаёт тиллар қаторидан муқим ўрин эгаллади. П. Қодиров Навоий асарларини ўрганган хорижий олимлар асарларини эслатади, улардан иқтибослар келтиради. Афсуски, бир яхшининг бир ёмони бор, деган гапнинг тўғрилиги гоҳо-гоҳо сезилиб қолади: баъзи хорижий олимлар Навоий асарлари чиғатой тилида яратилган деган гапни ўз асарларида ёзганлар. Ана ўша фикрлар ҳамон яшаб келмоқда. Навоийнинг тили туркий эканлигини қабул қилишга тўсиқ бўлмоқда. Ваҳоланки, фанда ўсиш, ўзгариш, ривожланиш бор. Бугунги илғор навоийшунослик туркий тил мумтоз адабиётимизнинг асосини белгилаган деяётган, уни исбот қилаётган экан, уни қабул қилиш жоиздир.

Алишер Навоий мумтозлик босқичига кўтарган туркий тил Заҳириддин Бобур томонидан янада улуғланди. Бобур ижоди, унинг ўлмас «Бобурнома»си жаҳон адабиётшунослари томонидан ўрганилди, ўрганилаяпти. Айниқса, сўнгги 20—30 йил ичида «Бобурнома»га бўлган қизиқиш бутун дунёда кучайиб кетди. «Бобурнома» шуҳрати — туркий тилнинг эътирофи этилишидир.

П. Қодиров Бобур ҳаёти ва ижодини мукаммал билди, нозик англайди. «Тил ва эл» китобида Бобур ҳақида ёзилган фикрлар ҳам лўндалиги, ҳам самимий, ишонарлиги билан диққатни тортади. «Бобурнинг эстетик қарашлари — ҳаёт ҳақиқатини тақаллуф билан безатмасдан, аслида қандай бўлса шундай очиқ ва ҳаққоний қилиб тасвирлашга асослангандир, — деб ёзади П. Қодиров, — фақат бошқаларнинг фазилат ва нуқсонлари ҳақидагина эмас, ўзи йўл қўйган хатолар, мураккаб вазиятларда қандай адашганлари тўғрисида ҳам Бобур Мирзо бутун ҳақиқатни ростгўйлик билан ёзади» (183). «Бобурнома»нинг дастлабки номи «Вақоеъ» эди. Одам воқеалар моҳиятига чуқур кириб боргани сайин реализмнинг янгидан-янги кўриниш, қиёфаларига дуч келаверади.



Ишонч билан айтиш мумкинки, модерн адабиётнинг илдиз-илдизида реализм мавжуддир. Ўйлаб қўрилса, ҳақиқий модерн асарлар теран билим, бой ҳаётий тажриба самарасидир. «Улисс»ни англамоқ учун уюм-уюм илмий, бадий, тарихий асарлар моҳиятини англаш ва муҳими, санъаткор концепциясини тушуниб етиш лозим. Афсуски, аксарият модерн асарлар зами-нида на теран билим, на бой ҳаётий тажриба ва на, энг асосийси, шу пайтгача яратилган бадий асарларни ўқитганлик, ўққанлик аломати бор. Бобур «Бобурнома»нинг воқеаларини не-не машаққатлар эвазига топди, уларни етук олим, беқиёс реформатор сифатида танлаб-танлаб асарига киритди. Бобур «Вой, бечора жоним, десам арзийди», деган мисрани ўз вақтида бошқачароқ ифодалаган эди.

*Юз жавру ситам кўрган,  
Минг меҳнату ғам кўрган,  
Осойиштае кам кўрган,  
Мендек яна бир борму?!*

Бобур — истеъдодли ислохотчидир. У ўз ижодида, хусусан, «Бобурнома»да қанчадан-қанча нарса, ким-са, воқеаларга ном топди. Норинж (апельсин), турунж (лимон), ҳотий (фил), рожа (ража), пашкол (ёзги жала) сингари сўзларни тилга Бобур киритган. «Хуросон», «пос» сингари сўзлар ҳам «Бобурнома»да шарҳланган. Ўзбек олимларидан А. Иброҳимов, Н. Низомиддинов, Р. Расулов, Т. Нафасов, Ҳ. Қудратуллаев сингари-лар «Бобурнома»даги янги сўз, истилоҳ, ибораларни шарҳлаганларки, П. Қодиров улар номларини ҳурмат билан тилга олади.

Бобурнинг жасоратли реформатор эканлиги унинг «Мухтасар», «Мубаййин», «Хатти бобурий» асарларида аниқ кўринади. «Хатти бобурий» кўп нарсалар, хусусан, туркий тил тарихи ҳақида чуқур мушоҳада юри-тишга ундайди. 22 ёшли Бобур 28 араб ҳарфига асос-ланган «Хатти бобурий»ни яратди, уни туркий тилга мослади, араб алифбосига бир пайтлар киритилган тўрт форсча ҳарфни чиқариб ташлади. «Бобур Мирзо моҳир хаттотларга «Қуръони карим»ни хатти бобурийда чи-

ройли қилиб кучиртириб, бир нухасини Маккаи Мукаррамага жўнатади. Аммо «Хатти бобурий»ни давлат миқёсида жорий этишга Маккадан рухсат келмайди» (221-бет).

«Мухтасар», «Мубаййин» асарларида ҳам муҳим илмий янгиликлар мавжуд.

Бобурнинг реализмни кенг тадбиқ қилиш, услубда такаллуф, сержилоликлардан воз кечиш тўғрисидаги гаплари кейин ҳам изчил давом эттирилди. Чунончи, Ҳумоюн Мирзо ўз шеърларининг бирида қуйидагиларни ёзади:

*Суханро поя гар эъзоз набошад,  
Тарзи хилъаташ ийжоз бошад.*

(Сўзнинг оёғи суст бўлмасин десанг, кийиниши ихчам — қисқа бўлмоғи даркор.)

\* \* \*

Пиримқул Қодировнинг «Тил ва эл» асарида туркий тил босиб ўтган мураккаб йўл ҳаққоний тасвирланади. Лекин уни тарихчи, тилшуноздан кура адабиётшунос, ижодкор чуқурроқ ҳис қилади. П. Қодиров бадиий тилни поэтиканинг асоси, деб англайди. Китобнинг руҳ-руҳига сўз, тилнинг поэтик функция вазифаси сингиб кетган.

«Тил ва эл» китобида асарлари талқин этилган Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Бобур сингари санъаткорлар янги сўз кашф этишга, олд ва орт қўшимчалар орқали сўз маъносини кенгайтиришга интилганликлари ёзилган. Айниқса, Навоий ва Бобур туркий тил луғат бойлигини ўнлаб янги, унутилган сўзлар ҳисобига бойитдилар. Масалан, Алишер Навоий «ййглаш»нинг турлича ҳолатларини ифодаловчи сўзларни бирма-бир ёзган. Бобур кўрган-кечирганларини тасвирлар экан, янги сўзлар кашф этишга, янги истилоҳлар киритишга мажбур бўлган. Бу улуг санъаткор ҳиндий, урду, пуштун тилларидаги муҳим сўзларни ўз луғат заҳирасига киритган.

Пиримқул Қодиров мазкур асарида ҳол-ҳаёт (био-

график) методидан унумли фойдаланган. Амир Темур, Хусайн Бойқаро, Навоий, Бобур, Ҳумоюн Мирзо, Камолиддин Биноий ҳаётлари, драматик ҳолатлари ҳақида қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилади. Айниқса, Бобур ҳаётининг энг қалтис дамлари нозик тасвирланади. Шоирнинг «Яхшилик», «Қолдиму?» ғазаллари, бир қанча рубойлари автобиографик характерга эга. Комрон Мирзо кўзларига мил тортиришга фармон берган Ҳумоюн Мирзонинг ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас.

П. Қодиров китобида «Темур тузуклари», «Вақфия», «Насойим ул-муҳаббат», «Қаро кўзим», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Бобурнома», «Шайбонийнома», «Қонуни Ҳумоюнӣ», «Ойини Акбарӣ» сингари асарлар анча кенг, ишонарли талқин қилинади.

Китобда шеърӣ санъатлар, аруз баҳрлари, турлари ҳақида нозик фикрлар билдирилади. Сўзни аруз вазнига мослашдаги мураккабликлар кўрсатилади. «Тил ва эл» китобининг моҳиятига семантика (маъношунослик) сингдириб юборилган.

П. Қодиров бадиӣ тил муаммолари билан узоқ вақтдан бери шуғулланади. Унинг бу масалага доир китоб, мақолалари чоп этилган. Янги адабиётшуносликда бадиӣ тилга боғлиқ кўп муаммолар пайдо бўлаяпти. Улардан бири бадиӣ асарда ровий функцияси масаласидир. Бир пайтлари муаллиф (ҳикоячи) деганда асар ёзувчиси тушуниларди. Ҳозир ҳикоя қилишнинг қанчадан-қанча йўсинлари пайдо бўлган. Худойберди Тўхтабоев, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул асарларидаги ровий ўзига хос, бетакрор образ — эргаштирувчи, ром этувчи куч. Структурализм оқими сўзнинг матндаги ўрни, вазифаси муаммосини янгича талқин қилаяпти. Матндаги гапнинг гапдан, сўзнинг сўздан фарқи, солиштирма оғирлиги, гоёни ташишдаги вазифаси ўзгариб, янгилашиб бораяпти. Ниҳоят, матнда пафос, оҳанг, ритм масаласи бўйича янгича қарашлар пайдо бўлаяпти. Муҳими, китобхон сўз мағзини чақишга, унинг матндаги ўрнининг мақбул ёхуд номақбуллигига эътибор бераяп-

ти. Пиримқул Қодиров «Тил ва эл»нинг бошланишида мақбара ва мавзолей сўзини қиёслайди. «Мавзолей — мақбара маъносини билдиришини» (11-бет) айтади. Муаллиф маъно масаласида тўғри гапни айтади. Лекин «Мавзолей» аслида милоддан аввалги 353 йили вафот этган подшо Мавзил номидан олинган.

Пиримқул Қодиров китобида диққатни тортадиган яна бир масала бор. Бадиийлик санъат асарининг қимматини белгилаганидек, илмий-тадқиқот обрўсини факт, далил, маълумот оширади. «Тил ва эл», бамисоли нафис нақш, майдачок тўн, дуппи. Муаллиф сира қуруқ гапирмайди: айтганини мисол, далил билан исботлайди. Антиқа маълумот, далил йиғувчилар «Тил ва эл»ни ўқиб маза қиладилар. Унда арабча «шойиста» сўзининг ўзбек тилига кириши, «иккирор» сўзи Навоий топилдиғи эканлигидан тортиб, Алишер Навоий ижодий меросининг мисра, аниқ сўзлар миқдори орқали кўрсатилиши; катта-катта сонларнинг қандай аталиши; князь Шереметьев, Юсупов аждоглари аслида мўғул бўлиб, Россияга келиб қолганлиги, насроний динига кирганлиги; Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», Абулфайз Алломийнинг «Ақбарнома» ҳамда «Абдулланомма» асарлари форс тилида битилганлиги; рус ёзувчи-муаррихи М. Карамзин асарида Бобурнинг Россияга Хозя Уссейн (Хожа Ҳусайн) орқали мактуб йўллаганлиги; орифа Умм Муҳаммад ҳақидаги ривоят; Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийни «Соҳибқирон», дея улуғлаганлиги; Навоий аждоглариининг темурийлар билан қадимдан қадрдонлиги; Кичкина Баҳодирга йўлиққан Бобо Кўҳий ҳақидаги ҳикоят; Амир Темур аждоди Аланқуванинг, Биби Марям сингари, нурдан ҳомиладор бўлганлиги ривояти сингарилар китобхонни бифарқ қолдирмайди.

«Тил ва эл» китобида муаллиф ўзини сира «кўрсатмайди». Тўғри, Бобур, бобурийзодалар ҳақидаги ҳикояларида эмин-эркинлик, материалнинг ёзувчига танишлиги сезилади. Асар жанри «илмий бадиа», деб белгиланган экан, ёзувчи ўрни-ўрни билан ўзининг воқеа-ҳодисаларга муносабатини (муаллиф руҳида кечган ҳолатларни) билдириб борса ёмон бўлмас эди. Албат-

та, бу масала тамомила адиб ихтиёрида булиб, унга аралашииш ҳам унчалик туғри эмас.

Хуллас, Пиримқул Қодиров «Тил ва эл» асари билан узоқ муддат давомида олиб борган илмий-ижодий меҳнати яқунлади. «Тил ва эл» тирик, жонли асар сифатида янгидан-янги тадқиқотлар яратилишида манба вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

## ЎҒДУ

Олти асрдирки, Шарқу Фарбда, турли қитъаларда, ўнлаб тилларда Темур ҳақида илмий, бадиий, ёзма, оғзаки асарлар яратилмоқда. Инсон вақти-соати билан яхшини ҳам, ёмонни ҳам унутади. Дунёда қанчадан-қанча хону беклар, подшоҳу қироллар, императору диктаторлар, амиру султонлар бўлган. Улардан камдан кам йиллар қанотида асрлардан асрларга ўтиб келмоқда. Амир Темур феномени нимадаки, у олти юз-йилликдан бери халқлар, миллатлар томонидан эсланиб, хотирланиб келинмоқда? Шунини таъкидлаш жоизки, соҳибқирон Темур ҳеч қачон фақат салбий, фақат ижобий қилиб кўрсатилинмаган. Кузатишлардан англашилинадикки, донгдор подшоҳу императорларнинг аксарияти ҳамиша Темурнинг тарихдаги ўрни, аҳамиятини камситиб келганлар. Аксинча, улус Темур сиймосини халоскор, ноҳақлик пайини қирқувчи адолатпарвар сифатида, талқин қилган. Амир Темурга нисбатан бундай зиддиятли қараш санъат ва бадиий адабиёт учун бебаҳо топилма эди. Муаррихлар ҳам Темурга нисбатан ҳар хил қараш, муносабатда бўлганлар. Амир Темур фаолияти, ҳарбий юришлари мақсад-моҳиятини аниқ билган олимлар ҳам замона зайли, аркону давлатлар инон-ихтиёри, сиёсату мафкура йўриғи туфайли атайин оқни қора дейишга мажбур бўлганлар. XIX—XX асрларнинг босқинчилари, империалистлари Темурни оми, ваҳший, зулмкорга айлантирдилар. Амир Темурга ёпиштирилган «Оқсоқ» лақаб — туҳматда душманларнинг қаҳр-газаби, адоват-кини бижғиб туради. Шуро давлати, коммунистик фирқа мафкураси соҳиб-

қирон Темурни ҳақорат қилиш, маломат тошларига қўмиб ташлашда манман деган империалистларни ортда қолдириб кетди.

Мустақиллик, деган бебаҳо неъматга эришилгач, соҳибқирон Темур озод халқнинг фидойи, жасур, адолатпеша сиймоси сифатида қадр топди.

Глобаллашув ёхуд умуминсоний, умумжаҳоний жараённинг қамрови кенг, теран бўлади. Аммо умуминсоний жараён энгил-елпиликни, қуруқ гапни, далил-исботсиз фикрларни сомон парчаларидек четга суриб ташлайди. Эътибор беринг-а, қанчадан қанча сиёсатдонлар Темурни саводсиз, ваҳший, деб келдилар. Саводсиз одамнинг давлат бошқаруви, ҳарбий усул-услуби, шаҳару кентлар барпо этишдаги диди шунчалик нозик, мантиқли бўлиши мумкинми? Рус, инглиз босқинчилари Темур тамаддуни, маданияти, билими пухта бўлганини билганлар, сезганлар. Лекин шунга қарамай А. Ю. Якубовский, В. В. Бартольд сингари олимлар Темурни саводсиз дейишни ўзларига эп курганлар. Ваҳоланки, Амир Темурнинг «Темур тузуклари» француз, инглиз, урду, рус, эски ўзбек, форс тилларида чоп этилган жаҳоншумул асар эди.

Ёзувчи Пиримқул Қодиров «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» («Жаҳон адабиёти» журнали, 2006, 7—8-сонлар) илмий бадиаларини яратишда «Темур тузуклари»ни асос қилиб олди. Ёзувчи нимани ёзмасин, қайси илмий, бадиий манбага мурожаат қилмасин, Соҳибқирон ҳаёти, фаолиятининг қайси жабҳасини тасвирламасин, «Темур тузуклари»ни назардан йироқлаштирмайди. Ҳозирги глобаллашув жараёни ўйловли, тафаккурга асосланган асарларни тақозо этмоқда. П. Қодиров умуминсоний жараёнга ҳам илмий мантиққа, ҳам тафаккур ёлқинига асосланган асарлари билан ҳисса қўшди. Унинг «Тил ва эл», айниқса, «Амир Темур сиймоси» асирида камида иккита мустаҳкам илдиз сезилади. Биринчидан, Амир Темур мавзуига қўл урадиган санъаткор фақат истеъдоди билангина чекланиши мумкин эмас. У, имкони борича, Темур ҳақидаги тарихий-илмий, бадиий-санъат асарларини ўқиши, ўзлаштириши лозим. Адабиёт ва санъатдаги умуминсо-

нийлик, деганда аҳли жаҳон, аҳли тамаддунга оҳорли, бадий гап айтиш англашилинади.

П. Қодиров «Амир Темур сиймоси» асарини яратишда юздан ортиқ илмий, бадий асарларни ўқиган, ўзлаштирган. Ахиёр Ҳакимовнинг «Карвон» романидан Темурнинг ҳарбий фаолиятига оид биттагина фактни, Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» асаридан битта сўз маъно-мазмунини аниқлаганини ёзади адиб. Ёзувчи «Амир Темур сиймоси» асарида олти юз йил давомида яратилган асарлардан Соҳибқирон ҳаёти, фаолиятига оид фактларни авайлаб йиғади, ўрганади, умумлаштиради. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сидан «Марко Поло» номли италян журналининг 2006 йил 2-сонида босилган «Буюк давлат арбоби ва саркарда» мақоласигача ёзувчи диққатини жалб этади. Ёзувчи нафақат асарларни, балки ўша асарларни ёзган олиму ижодкорлар фитратини ҳам билиб олади. Лекин у биронта олим, ёзувчи ҳақида ножоиз гап айтмайди.

Аксинча ўзбек халқининг вакили сифатида у Люсен Кэрен, Ҳилда Ҳукҳем, Б. Манк, С. Соловьев, М. Иванин, М. Шармуа, М. Арнолдов сингари олимлар асаридаги ҳаққонийликдан қувонади.

П. Қодиров «Амир Темур сиймоси»да калаванинг учини чувалаштириб юборишдан ўзини тияди. Фикр йўсини бошқа томонга бурилиб кетишини истамаганидан Абулғозийнинг «Шажарайи турк», Б. Аҳмедовнинг «Ўзбек улуси» асарларини илмий баҳс объектига айлантирмайди. Мен бу масалада китоб муаллифи тутган йўриқни қўллайман. «Амир Темур сиймоси» асарида кучли салтанатнинг шаклланиши, темурийзодаларнинг бу салтанатни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари кўрсатилинади.

«Амир Темур сиймоси» ўзига хос асар. Ёзувчи Темур ҳаётига оид воқеаларни хронологик тарзда ёритиб боради. Бадиа Темурнинг ота-онаси ҳақидаги маълумотни келтиришдан, бўлғуси саркарда ва давлат бошлигининг илк бора мактабга бориши, зеҳнининг ўткирлиги боис тезда мадраса таҳсилага киришини тасвири билан давом эттирилади. Асар композицияси қизиқ:

уни ўзига хос бадиий асар сифатида ҳам, илмий-бадиия кўринишида ҳам қабул қилиш мумкин. Аникроғи, Соҳибқирон ҳақидаги асарлар талқин-таҳлили «Амир Темур сиймоси» бадиийлигига путур етказмайди. Темур ҳам суврати, ҳам сийрати билан ўқувчи меҳрини қозонди. Унда шижоат, матонат, жўшқинлик ҳам, тадбиркорлик, ҳарбий маҳорат, одамларга ишонч, муҳаббат ҳам бор. Амир Темур беандоза сиймо: у Амир ҳусайн, Тўхтамиш, Қамариддинга неча-неча бор алданган, лекин барибир, одамларга ишонаверади. Унинг қаҳри ҳам, меҳри ҳам ўзига ярашади. Хоразмлик ака-ука Суфилар Темурни роса лақиллатадилар, лекин у жаҳл билан кескин тадбирни амалга оширмайди. Султон Боязид Темур билан бўладиган жанг олдидан ўзини ниҳоятда баланд олади, рақибини назар-писанд қилмайди. Султон Боязид урушда мағлуб бўлгач, дарҳол ўзгаради, осий бандалигини намоён этади. Амир Темур номдор рақибини хўрламайди, иззат-нафсини оёқ-ости қилмайди. Аксинча, султоннинг ўғилларига катта амаллар беради, совғалар улашади.

П. Қодиров «Марко Поло» журналида босилган мақолада Искандар Филипп ўғли, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Темур характерлари бақамти текширилганлигини айтади. Қарангки, Александр ва Цезарь сулола яратадиган экинчи сулола билан амир Темур сулола яратадиган сулола иккисининг сулоласи анча узоқ ҳукмронлик қилди. «Амир Темур сиймоси» асарида икки сулола етакчилари характери мудом қиёсланилади. Чингизийлар ажриқдек яшовчан, ёпишқоқ, шароитга мослашувчи бўлганлар. Улар қайси юртни босиб олсалар, уша ер халқи тилини, ёзувини, ҳатто динини ўзлаштиридилар. Аммо улар ўзга юрт халқи тили, дини, удумларини сира ҳурмат қилмасдилар. Аксинча, мунофиқлик Чингизхон ва чингизийларнинг яшаш, мослашув тарзига айланганди. Амир Ҳусайн, Тўхтамиш, Қамариддин сингарилар қасамхўрликлари билан Темурбекни неча бор хавфли ҳолатга солиб қўйдилар. Ажабки, Қуръони карим, муқаддас туйғуларни ўртага қўйиб олт чингизийларнинг деярли ҳаммаси хор-зор бўлди, қутилмаган бало-қазоларга дучор бўлади.

Айниқса, Тўхтамишхон Темурга қарши йигирма йил



мобайнида номардларча кураш олиб борди. У ноҳақ, номард, қасамхурлигидан сал-пал эзиларди. Шундай пайтда унинг ён-веридагилар дарҳол таскин-тасалли берардилар. Тухтамишнинг нуфузли вазирларидан булган Едигей бундай дейди: «Чингизийларда шундай одат бор: берган ваъдангиз битта дарёни кечиб ўтгандан кейин ўз кучини йўқотади. Бобокалонимиз Чингизхон кўпинча шу одатга амал қилар эканлар.

Чингизхон салтанатини парчалаган, поймол қилган сабаблардан бири талончилик, ахлоқсизлик эди. Чингизийлар қаерни босиб олмасинлар, ўша ер халқини талаганлар, хўрлаганлар, хотин-халажни бадном қилганлар.

Амир Темур фарзанд, набира, келин-кеват тарбияси, одоби масаласига алоҳида эътибор берган, қариндош-уруғ, қуда-анда муносабатларини ўрнига қўйган. У яккаю ёлғиз эгачисини еру кўкка ишонмаган, язнасию жиянини хўрматлаган. Лекин Амир Темур ўз замони кишиси, юртбошчиси бўлган. У қирқ ёшида ҳам ёшгина қизга уйланади, саройдаги хонимлар билан кўнгилхушлик қилади. Темур ота, бобо сифатида Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Шоҳрухини, тўнғич набиралари Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Султонни қаттиқ суяр, аммо саркарда сифатида фарзанд, набирларини сира аямай жангга соларди, уларга мушкул ҳарбий вазифаларни юкларди. Ҳайратлисиси шундаки, темурийзодалар 16—19 ёшларида ҳам моҳир саркарда, ҳам ҳар ишга қодир йигит сифатида тўлиқ шаклланганлар. Темурдаги болажонлилиқ авлодларга ҳам ўтган. Шоҳрух Мирзо, Улуғбек, Бобур Мирзо, Ҳумоюнлар фарзандларини энг яқин кишилари, маслаҳатгўйлари деб билганлар, улар билан ҳамфикр, ҳамғоя бўлишга интилганлар. Лекин, афсуски, темурийзода беку амирлар ҳамма вақт ҳам иноқ бўлмаганлар. Кўпхотинлилик, кундошлик, ўгайлик туйғуси Султон Бойқаро сингариларнинг фарзанд, набираларида очиқ-ойдин курирган, салтанат кушандаси бўлган.

Амир Темур аскарларига — сипоҳий, баҳодир, бекларига маош тайинлаган. «Темур тузуклари» асарида «улука» дейиладиган қўшимча маош ҳақида битилган. «Йилдирим Боязид билан бўладиган жанг арафасида

барча сипоҳийларга етти йиллик маошлари олдиндан берилган» («Жаҳон адабиёти», 2006, 7-сон, 49-бет).

Амир Темур беку саркардаларга, вилоят ҳокимларига не-не яхшиликлар қилмади? Лекин бебош, ўзини ҳатто Темурдан баланд қўядиган Зандчашм Опардий, Амир Мусо, Малик Маҳмуд, Боязид Жалойир, Амир Кайхусрав, Муҳаммад Мирак сингарилар хиёнат устига хиёнат, мунофиқлик узра мунофиқлик қилдилар. Бурунни сассиқ дея кесиб ташлаш мумкин бўлмаганидек, Амир Темур аламини ичига ютди, мурсоаи мадора йўлини тутишдан ўзга чора тополмади. Ажабки, Темурдек одам сурбет, маккор Амир Мусони йўқотиб юбориш у ёқда турсин, Сароймулкбегим юзидан ўтолмай, у билан қуда бўлди. Куёви Муҳаммад Мирак кўркўрона сотқинлик, хиёнат қилганида, Темур газабга эрк бермади. Хоразм юртини бошқарган Оқ Суфи, Хусайн Суфи, Юсуф Суфи, Сулаймон Суфи ўзларини Олтин Ўрда эркаси, деб билганлари боис Темурбекка қанчадан-қанча руҳий азобларни раво кўрдилар. Симобдай гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа силғиб турувчи Оқ Суфи Амир Темур қудаси, Жаҳонгир Мирзонинг кўз очиб кўрган хотини Севинч беканинг отаси эди.

Амир Темур қирқ йил юрт сўраб, салтанат тузиб, минг-минг одам билан мулоқотда бўлиб шунинг англаб етдики, инсон зоти ҳеч қачон, ҳеч қаерда бойлик, амал-лавозим олдида ўзини-ўзи бошқара олмай қоларкан. Ўзбекхоннинг ўғиллари – Жонибек, Бердибек, Келдибек, Наврўз тахтга тезроқ утириш мақсадида акаларини ўлдирдилар.

Амир Темур қирғинбаротларни, ошкора-пинҳона хиёнатларни кўравериб дийдаси қотиб, юраги тошметинга айланиб кетмади. У босиб ўтган йўлидан, кўрган-кечирганларидан чиқарган хулосаларини «Темур тузуклари»га киритди. Буюк Темурнинг қалб дафтарига айланган «Тузуклар»да мана бундай бебаҳо гаплар бор: «Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир, маслаҳат, қолган бир улуши қилич билан амалга оширилади». Давлат, салтанатни бошқариш шахсий майл, истаклардан юқори туриши, ақл, тажриба, кузатувнинг дурру гавҳари бўлмоғи лозим. «Темур тузуклари» табиий, ижтимоий фанлар хулосаларидан ҳам

бегона эмас. Амир Темур қуёш ва ўн икки бурж аро алоқалар моҳиятига эътибор берган. Давлатни бошқаришда «ўн икки» рақамига алоҳида эътибор қаратган. «Темур тузуклари» — диний, дунёвий илмларнинг узвий пайвандлиги ифодасидир. Амир Темур Яратганининг қудратига, тақдирига, руҳлар мададига ишонган. Қисқаси, «Темур тузуклари» Амир Темур эътиқоди, қарашлари, борлиққа, жамиятга ишончи ҳақидаги ўзига хос асардир.

Пиримқул Қодиров концепциясига кўра, «Темур тузуклари» туркий тил моҳияти, ўзлигини очувчи калит. Бу асар Темур, унинг мураккаб салтанати, сулоласи ҳақидаги чин маълумотлар манбаи. Бошқача айтганда, «Темур тузуклари» халқ тили, дили, маданияти, тамаддунининг нурли тарихи. Бу асар Темур, темурийлар салтанатини барча мураккабликлари билан ёритиб берувчи ёғдудир. У ўтмишнигина эмас, ёш авлод онгини ҳам нурафшон этади.

## МУНДАРИЖА

### Илмий-адабий мақолалар

Адабий характер . . . . .	6
Структура ва структурализм . . . . .	28
Тарих, фалсафа, роман . . . . .	56
Сохта метод гирдоби . . . . .	77
Илми ғарибани кўмсаб... . . . .	86
Ўзлаштириш эстетикаси ажойиботлари . . . . .	93
Бадийлик — безавол янгилик . . . . .	112
Жамодот синоати . . . . .	125

### Талқинлар

Тақдирлар талқини . . . . .	140
Роман поэтикаси талқини . . . . .	174

### Этюдлар

Тунда чақнаган юлдуз . . . . .	198
Абдулла Қахҳор ва ёшлар . . . . .	218
Нурли нигоҳ . . . . .	227
Шеър қолур, шоир қолур... . . . .	239
Ибратли яшаш — санъат . . . . .	260
Ҳақиқатпараст . . . . .	270
Ижоднинг сирли ибтидоси . . . . .	278
Ҳалол ижод . . . . .	297
Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги . . . . .	307
Танқид — топиб, билиб айтиш санъати . . . . .	312
Тил — миллат тақдири, табиати, тарихи . . . . .	318
Ёғду . . . . .	328

АБДУГАФУР РАСУЛОВ

**БАДИЙЛИК — БЕЗАВОЛ ЯНГИЛИК**

*(Илмий-адабий мақолалар,  
талқинлар, этюдлар)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Қодиржон Қаюмов*  
Мусаввир *Бахтиёр Мадиёров*

Бадий муҳаррир *Музаффар Аъламов*

Техник муҳаррирлар: *Р. Бобохонова, Д. Габдрахманова*

Мусаҳҳиҳлар: *Н. Охунжонова, Ш. Хуррамова*

Саҳифаловчи *Любовь Бацева*

Теришга берилди 26.03.2007. Босишга рухсат этилди 12.07.2007.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. «TimesUZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 17,64. Нашриёт-ҳисоб табағи 16,33. Адади 3000 дона. Буюртма  
№ 3580. Баҳоси шартнома асосида келишилган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.